

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA TA'LIM VAZIRLIGI

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI DIREKTOR VA
MUTAXASSISLARINI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING
MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI

Maktabgacha yoshdagi bolalarda ta'lif - tarbiya jarayonining dolzARB masalalari

Respublika
ilmiy-amaliy
onlayn konferensiya
2021
10 iyun

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA TA'LIM VAZIRLIGI

**MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI DIREKTOR VA
MUTAXASSISLARINI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING
MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI**

«MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA TA'LIM-TARBIYA

JARAYONINING DOLZARB MASALALARI»

mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy

onlayn konferensiyasi materiallari

2021 yil 10 iyun

Toshkent – 2021

“Maktabgacha yoshdagি bolalarda ta’lim-tarbiya jarayonining dolzarb masalalari” Respublika ilmiy – amaliy onlayn konferensiyasi maqolalari to‘plami T.: MTTDMQTMOI, 2021. – 319 bet.

Mazkur konferensiya O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 2 martdagи 78-F-farmoyishi hamda institutning 2021 yil ish rejasida belgilangan vazifalar ijrosini ta’minalash maqsadida tashkil etilgan.

Konferensiyaning tashkiliy va dasturiy qo‘mitasi

- | | |
|-------------------|---|
| 1. K.Eshpo‘latov | MTTDMQTMOI rektori, qo‘mita raisi |
| 2. N.Abdunazarova | MTTDMQTMOI o‘quv va metodik ishlар bo‘yicha prorektori, rais o‘rinnbosari |
| 3. A.Zakirov | MTTDMQTMOI Manavaiy va ilmiy ishlар bo‘yicha prorektori , a’zo |
| 4. CH.Primov | MTTDMQTMOI moliyaviy ishlар bo‘yicha prorektor,a’zo |
| 5. A.Nurullayev | MTTDMQTMOI "Maktabgacha ta’lim menejmenti" kafedrasi mudiri, a’zo |
| 6. A.Parmanov | MTTDMQTMOI "Pedagogika va psixologiya" kafedrasi mudiri, a’zo |
| 7. S.Raximova | MTTDMQTMOI "Maktabgacha ta’lim metodikasi" kafedrasi mudiri, a’zo |

Taqrizchilar:

- | | |
|------------------|------------------------|
| 1. Sh.Otaqulov | s.f.f.d (Phd), dotsent |
| 2. N.Abdullayeva | p.f.f.d (Phd), dotsent |

Sahifalovchi va dizayner:

- | | |
|---------------|-------------------------------|
| 1. R.Xaydarov | MTTDMQTMOI tayanch doktoranti |
|---------------|-------------------------------|

To‘plamda nashr etilgan maqola va tezislardagi ma’lumotlarning haqqoniyligiga mualliflar mas’uldirlar.

KIRISH SO‘ZI

Assalomu alaykum hurmatli konferensiya ishtirokchilari, qadrli hamkasblar!

«Maktabgacha yoshdagi bolalarda ta’lim-tarbiya jarayonining dolzarb masalalari» mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiyasi orqali Sizlarni, masofadan bo‘lsada, sog‘ va salomat ko‘rib turganligimdan benihoya xursandman hamda ishtirokchilarga o‘z minnatdorchiligimni bildiraman.

Bugungi kunda hukumatimiz tomonidan maktabgacha ta’lim tizimini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilayotganligi dunyo mamlakatlari orasida keng ko‘lamda ijobiy ma’nodagi muhokamalarga sabab bo‘lmoqda.

2021 yil 1-chorak yakuniga ko‘ra, respublikada maktabgacha ta’lim tashkilotlari soni 18 254 taga yetkazildi.

Respublikada mavjud 2.7 mln. maktabgacha yoshdagi bolalarning 1 699 566 nafari (60,9%) maktabgacha ta’lim bilan qamrab olinishiga erishildi.

Maktabgacha ta’lim sohasiga oid davlat siyosatini amalga oshirish, maktabgacha ta’lim tashkilotlarining muqobil shakllarini, davlat va nodavlat tarmog‘ini kengaytirish, ularning moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, malakali pedagog kadrlar bilan ta’minalash, mavjud pedagog xodimlarni sifatli malaka oshirishlarini tashkil etish, bolalarni maktabgacha ta’lim tashkilotlariga qamrab olishni bosqichma-bosqich oshirish, ta’lim-tarbiya jarayoniga zamonaviy ta’lim dasturlari va texnologiyalarni tatbiq etish orqali bolalarni maktab ta’limiga sifatli tayyorlash bo‘yicha bir qator ishlar amalga oshirildi. Jumladan,

bolalarni maktabgacha ta’limga qamrab olishning muqobil shakllaridan biri bo‘lgan “Aqlvoy” loyihasi doirasida respublikamizdagi maktabgacha ta’lim tashkilotlari mavjud bo‘limgan hamda qamrov ko‘rsatkichlari past bo‘lgan hududlarda 4,7 mingdan ortiq bolani qamrab olishga mo‘ljallangan 49 ta Isuzu avtobuslari sotib olindi va jihozlanmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 27 avgustdaggi 518-soni qarori asosida Maktabgacha ta’lim vazirligi qoshidagi “Axborot va pedagogika texnologiyalari innovatsion markazi” MChJ ta’sisligida 2021 yilning 22 mart sanasidan boshlab “Aqlvoy” bolalar ta’lim-ko‘ngilochar telekanali faoliyati yo‘lga qo‘yildi.

Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida ta’lim sifatini oshirish, innovatsion texnologiyalarni joriy etish maqsadida A.I.Gersen nomidagi Rossiya davlat pedagogika universiteti Federal davlat budgeti oliy ta’lim muassasasi bilan hamkorlikda “Mittivoy” nomli loyiha dasturi amalga oshirilmoqda.

Jahon banki bilan hamkorlikda 7 yoshgacha bo‘lgan alohida ta’limga ehtiyoji mavjud, jumladan talaffuzida nuqsoni bo‘lgan bolalar uchun “Uyga tashrif”

(home visit) maktabgacha ta'limning muqobil shakli "Ilk rivojlanish markaz"lari negizida Samarqand va Namangan viloyatlarida tashkil etildi.

BMTning xalqaro bolalar fondi Yunisef bilan hamkorlikda maktabgacha ta'limning "Turli xil yoshdagi maktabgacha ta'lim guruhlari" (o'yin guruhlari) muqobil shakli Namangan va Xorazm viloyatlarida tashkil etildi.

2021 yilning birinchi choragi davomida 15 ta Davlat-xususiy sheriklik asosidagi Nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari hamda 200 ta oilaviy shakldagi Nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari ochildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 28 dekabrdagi "2021-2023 yillarda O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish chora-tadbilari to'g'risida"gi PQ-4936-son qaroriga asosan 2021 yilda jami 38 205 quvvat (o'rni)li 225 ta maktabgacha ta'lim tashkilotlari ob'ektlarini qurish va rekonstruksiya qilish, shundan, 22 tasi yangidan quriladigan va 203 tasi rekonstruksiya qilinishi rejalshtirilgan bo'lib, ushbu ishlar jami 900,0 mlrd. so'm mablag' ajratilishi rejalshtirilgan.

Lekin, eng asosiy masala maktabgacha ta'lim tashkilotlaridagi ta'lim-tarbiya jarayonini samarali tashkil etishning zamonaviy texnologiyalaridan foydalanish hisoblanadi. Buning uchun MTTda faoliyat ko'rsatayotgan pedagog kadrlar salohiyatini tanqidiy qayta ko'rib chiqish zarur.

Buning uchun maktabgacha ta'lim tashkilotlarida "Ilk qadam" davlat o'quv dasturi asosida rivojlantiruvchi markazlarda ta'limiy faoliyatni zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etish;

xorijiy ilg'or tajribalar asosida maktabgacha ta'lim berishning muqobil shakllarini joriy etish;

maktabgacha ta'lim tashkilotlari, mahalla va oila hamkorligini rivojlantirish;

tayyorlov guruhlari tarbiyalanuvchilarini maktab ta'limiga sifatli tayyorlash, maktabgacha va umumiy o'rta ta'limning izchilligi hamda uzlucksizligini ta'minlash;

maktabgacha ta'lim tashkilotlarida inklyuziv ta'limni tashkil etishning eng so'nggi tajribalarini qo'llash;

malaka oshirish va qayta tayyorlash tizimida pedagoglarning kasbiy kompetensiyanini rivojlantirish;

maktabgacha ta'lim tashkilotlarida marketing xizmatlarini tashkil etish va boshqarishning innovatsion usullarini qo'llash;

davlat sherikchilik va oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'limiy faoliyatni tashkil etish va ularga uslubiy yordam ko'rsatish masalalari dolzarbligicha qolmoqda.

Pedagogika kollejlarida ta'lim jarayonini innovatsion texnologiyalar asosida tashkil etish.

Shu nuqtai nazardan institutimizda *maktabgacha yoshdagি bolalarda ta’lim-tarbiya jarayonini samarali tashkil etishga bag‘ishlangan* onlayn konferensiyanı *tashkil qildik va bugun yuqoridagi muammolarga ilmiy asoslangan yechimlar* topishga harakat qilinadi.

Mazkur vazifalar yechimini topishga doir 87 ga yaqin maqola va tezislar qabul qilindi.

Maqola va tezislarning mazmunida ta’lim orqali jismonan sog‘lom, aqlan rivojlangan, axloqan yetuk, mustaqil fikrlaydigan, Vatanga sodiq, qat’iy hayotiy nuqtai nazarga ega yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlar va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida ularning ijtimoiy faolligini oshirish masalalari muhokama qilingan.

Konferensiya ishtirokchilarining munozara markazida ushbu maqola va tezislar hamda ma’ruzalarda yoritilgan masalalarni tahlil qilish, mazkur yo‘nalishda tegishli takliflarni kiritish va umumlashtirilgan aniq bir xulosalar qilish masalasi turadi.

Ushbu konferensiyada qo‘yilgan vazifalar bo‘yicha aniq nazariy fikrlar va amaliy tavsiyalar berasizlar degan umiddamiz. Buning uchun Sizlarga sihat-salomatlik, tinchlik-xotirjamlik va ijodiy barkamollik tilab qolaman.

E’tiboringiz uchun rahmat!

***MTTDMQTMOI
rektori K.A.EShPO’LATOV***

MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDA GENDER TENGLIK – JAMIYAT RIVOJLANISHINI TA'MINLASHNING ASOSIY OMILI

Shin A.V.,

*O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lif vaziri,
pedagogika fanlari nomzodi, dotsent*

Gender farqlar va tenglik asosida tashkil etilgan ta'lif jarayoni esa jamiyat taraqqiyotiga muhim hissa qo'shib, bola shaxsining madaniy, ijtimoiy-iqtisodiy va ekologik jihatdan barqaror rivojlanishi uchun zarur tarkibiy qism sifatida maydonga chiqadi. Mamlakatimizda o'tgan asrning oxirlariga kelib, ta'lif jarayonida gender farqlar va o'xshashliklarni hisobga olish haqidagi fikrlar ilgari surila boshlandi. YUNESKOning 1998-yil 9-oktabrdagi anjumanida uzlusiz ta'lif tizimining maqsadi zo'ravonlik va zulmdan holi bo'lgan jamiyatni barpo etish ekanligi e'tirof etildi. Bu maqsadni amalga oshirish uchun yangi pedagogik texnologiyalar va zamonaviy usullarni qo'llagan holda o'quv dasturlarini qayta ishlab chiqish zarurligi qayd etilgan. Yangidan ishlab chiqilgan o'quv dasturlarida erkak va ayollar tengligi, qolaversa, barcha fanlarning gender omillari hisobga olingan. Jahon banki tomonidan tayyorlangan so'nggi tadqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki, iqtisodiy rivojlanish bilan gender tenglik o'rtasida uzviy bog'lanish mavjud. Mazkur muammoning jamiyat taraqqiyotida muhim o'rinni tutishini so'nggi yillarda rivojlangan mamlakatlarda ushbu sohaga bo'lgan qiziqishning ortib borayotganligi misolida ham yaqqol kuzatish mumkin.

Gender farqlar hamda o'xshashliklar ta'lif jarayonida qiz va o'g'il bolalar o'quv faoliyatidagi o'xshashliklar va farqlarni hisobga olishga asoslanadi. Bu esa, o'z navbatida, ta'lif jarayoni samaradorligini ta'minlashga yordam beradi. U yoki bu jinsga mansublik bola shaxsining imkoniyatlarini belgilaydi. Qiz va o'g'il bolalar orasidagi gender farqlar va o'xshashliklarni hisobga olishga qaratilgan tadqiqotlar amalda gender pedagogikasi hamda psixologiyasida bir qadar keng ko'lamda amalga oshirilmoqda. Bu ayniqsa, jinsiy tarbiya hamda bu jarayonda ruhiy imkoniyatlarni hisobga olish yo'naliishida yaqqol ko'zga tashlanadi. Jinsga asoslangan ta'lif-tarbiya – o'quvchini kelajakdagi hayotga tayyorlashda har tomonlama ta'sir ko'rsatadigan ta'limiy-tarbiyaviy, ma'rifiy vositalar yig'indisidir. Bugungi kunda ta'lif jarayonida gender farqlar va o'ziga xosliklarni hisobga olish tabiiy pedagogik hodisa sifatida e'tirof etilmoqda. Biroq, didaktikada ushbu hodisaning ilmiy talqini mavjud emas. Ta'lif jarayonida gender farqlarga oid o'ziga xosliklarni hisobga olmasdan turib, ta'lif natijasining samaradorligini ta'minlash mumkin emasligi barcha mutaxassislariga ayon bo'lmoqda. Ayniqsa, ruhshunoslar bu sohada bir qator yutuqlarni qo'lga kiritmoqdalar.

"Gender" atamasi 1968-yilda amerikalik psixolog olim Stoller tomonidan ilmiy iste'molga kiritilgan bo'lib, "jins" ma'nosini bildiradi. Jinsiy munosabatlar ilgari

ham psixologiyada faol o'rganilgan bo'lsa-da, yangi atamaning paydo bo'lishi ijtimoiy fanlarda yangi oqimlarni yuzaga keltirdi. "Gender tarixi", "Gender psixologiyasi", "Falsafaning gender tomonlari", "Gender antropologiyasi", "Gender sotsiologiyasi", keyinchalik esa "Gender pedagogikasi" kabi fan tarmoqlari shakllandi. "Gender" tushunchasi, avvalo, erkak va ayol, o'g'il va qiz bolalar munosabatlarining ijtimoiy-psixologik hamda pedagogik tomonlarini qamrab oladi. Mazkur tushuncha yangi ijtimoiy qarashlar va madaniyatga bog'liqdir.

Bugungi kunda ta'limdagi gender tarbiya, gender tenglik strategiyasini barcha mактабгача та'lim dasturlarining eng muhim tarkibiy qismi sifatida qabul qilishga asoslanadi. Uni amalga oshirish uchun esa quyidagi vazifalarni amalga oshirish zarur: – gender-axborot muhitini kengaytirish; – genderlik statistika, genderlik va ijtimoiy mas'uliyat muammolariga bag'ishlangan keng qamrovli kompaniyalarini o'tkazish; – voyaga yetayotgan avlodda genderlik madaniyatini shakllantirish omili sifatida ota-onalar va pedagoglarni genderlik kompetentligini chuqurlashtirish. Gender tengligini ta'minlash jamiyatning boshqa sohalarida bo'lgani kabi, mактабгача та'limda ham ustuvor vazifalardan biri hisoblanadi. Pedagogik kadrlar, hamda ta'lim tizimining tarbiyalanuvchilari hisoblangan o'g'il va qiz bolalarga imkoniyatlar va imtiyozlardan foydalanishda teng shart-sharoitlar yaratishga alohida e'tibor qaratiladi. "Gender" tushunchasining lug'aviy ma'nosi lotincha "genus", ya'ni "jins" ma'nosini anglatadi. Agarda, biologik jins insonlarni ayol va erkaklarga ajratadigan bo'lsa, gender – bu ayol va erkaklarning jamiyatdagи o'rnini ajratishga qaratilgan. Jamiyatda ayol va erkaklarning o'z o'rnini topishi va belgilashi uchun davlat ularga bir xil sharoit va imkoniyat yaratib berishi gender tenglikni ta'minlashda asos bo'lib xizmat qiladi. Ilk bor milliy qonunchiligidizda "gender" tushunchasiga ta'rif berildi. Unga ko'ra, gender – xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi munosabatlarning jamiyat hayoti va faoliyatining barcha sohalarida, siyosat, iqtisodiyot, huquq, mafkura va madaniyat, ta'lim, ilm-fan sohalarida namoyon bo'ladigan ijtimoiy jihat hisoblanadi. Gender – xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi munosabatlarning jamiyat hayoti va faoliyatining barcha sohalarida, shu jumladan, siyosat, iqtisodiyot, huquq, mafkura va madaniyat, ta'lim, ilm-fan sohalarida namoyon bo'ladigan ijtimoiy jihat hisoblanishi ta'kidlandi. Gender – ijtimoiy jins degan tushunchani beradi va ularning tengligini e'tirof etadi. Gender – ayol va erkak munosabatlarining majmuini tashkil etadi va u rivojlanish jarayonining barcha bosqichlarida: oilada, jamiyatda, ta'limda, siyosatda namoyon bo'ladi. Jins – ayol va erkakning biologik farqlanishini bildiradi. Hozirgi zamon gender tengligini ta'minlash maqsadida bir jins vakillarining boshqaruvida 60 foizdan oshmasligini nazarda tutadi. Gender muammosi faylasuflar, jamiyatshunoslar, antropologlar, tilshunoslar, adabiyotshunoslar, psixolog hamda pedagoglarning e'tiborini o'ziga jalb qilmoqda.

Ta’lim tizimi jamiyatda nafaqat texnologik va ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot omili, balki ma’naviy va iqtisodiy rivojlanishning muhim strategik vositasi sifatida alohida ahamiyat kasb etadi. Shu bois, mustaqil mamlakatimizda ta’lim sohasiga yil sayin katta e’tibor qaratilmoxda. Mazkur vazifa ta’lim tizimining barcha bosqichlari, ayniqsa, maktabgacha ta’lim tashkilotlari zimmasiga yuklatilgan. Genderni belgilashga nisbatan mavjud yondashuvlar va nuqtayi nazarlarning xilma-xilligiga qaramay, ikkita konsepsiyanı ajratib ko’rsatish mumkin. Bu konsepsiylar quyidagilardan iborat: 1) genderning ijtimoiy tuzilishi nazariyasi; 2) gender tizimi nazariyasi. Genderga ijtimoiy jihatdan bo’lgan yondashuv quyidagilardan iborat bo’ladi: biologik nuqtayi nazardan jins muayyan jamiyatda qaror topgan jinsga xos bo’lgan vazifalar va o’g’il hamda qiz bolalarning o’ziga xos xatti-harakatlari, o’zaro hamkorligining ijtimoiy me’yorlari bilan bog’liq bo’lgan turli-tuman ko’rinishlaridir. O’g’il va qiz bolalarningo’zaro hamkorligi tushunchasi R.Xof tomonidan kiritilgan bo’lib, o’g’il va qiz bolalarning ma’naviy-madaniy qiyofalarini ifodalaydi. Ushbu yondashuvga muvofiq ravishda gender muayyan jamiyatda qaror topgan ijtimoiy munosabatlarning o’lchovi sifatida namoyon bo’ladi. Hozirgi davrda oila, ta’lim, din, madaniyat kabi jamiyatdagi ijtimoiy insititutlarning farzandlarimizning ijtimoiy faolligini rivojlantirishdagi tarbiyaviy ahamiyati mazkur jarayon samaradorligini oshiradi. Bugungi kunda pedagogika fanida erishilayotgan eng muhim yutuqlardan biri – gender tenglik va farqlar asosida ta’lim berish imkoniyatlarining ochilayotganligidir. Bu hodisa ta’limni gumanitarlashtirish nuqtayi nazaridan ham alohida ahamiyatga ega. Mazkur maqsadni amalga oshirish jarayonida mavjud maktabgacha ta’lim dasturlarini yangi pedagogik texnologiya va zamonaviy usullarni qo’llagan holda takomillashtirish eng birinchi vazifa hisoblanadi. Takomillashtirilgan dasturlarda o’g’il va qiz bolalar tengligi, o’quv materiallarining gender tenglik va farqlar asosida belgilab berilishi muhim ahamiyat kasb etadi. Bunday ta’lim jarayoni yangi o’quv vositalari – metodik materiallar va didaktik ishlanmalar yaratishni talab qiladi. O’z navbatida, o’quv-metodik materiallar, nazorat vositalari bilan bog’liq ravishda tanlanishi lozim. Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlar jamiyatimizning iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, madaniy va ma’rifiy jihatdan jahonning eng rivojlangan mamlakatlari qatoridan o’rin olishida o’zining ijobiy natijalarini bermoqda. Mana shunday o’zgarishlar barcha jabhalarda bo’lgani singari ta’lim-tarbiya tizimida ham izchillik bilan amalga oshirilmoqda. O’zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy, ma’naviy-intellektual hayotida tub o’zgarishlar sodir bo’layotgan hozirgi kunda ta’lim jarayonini shaxsning gender tengligi va farqlari asosida tashkil etish masalasi ham pedagogik jarayon va tadqiqotlarning tarkibiy qismiga aylanishi kerak. Zero, qizlar va o’g’il bolalar o’rtasidagi ijtimoiy hamda o’quv munosabatlarini tartibga solish

muhim pedagogik ahamiyatga ega. Chunki ta'lim jarayonlari orqali istiqbolda jamiyatning erkak hamda ayol a'zolari orasidagi ijtimoiy munosabatlar qaror topadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. “Maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risidagi” Qonun // O'RQ-595, 2019-yil, 16-dekabr.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Assambleyasining 75-sessiyasidagi nutqi // Sentabr 2020-yil.
3. Musurmanova O. Oila – jamiyat tayanchi. /Monografiya// – T.: Yoshlar nashriyot uyi, 2019. – 252 b.
4. Каменская Е.Н. Педагогическая теория гендерного подхода: основные задачи и методологическая основа. / Известия ВГПУ научный журнал. // Россия. Тагонрог. 2007.
5. Хоф Р. Возникновение и развитие гендерных исследований. / Пол, тендер, культура. // Под ред. Э.Шоре и К. Хайдер. – М.; 1999. – С. 23-53.
6. Бок Г. История, история женщин, история полов. / THESIS: Женщина, семья. 1994, №6. — С. 170-200.

МАЬНАВИЙ ТАРБИЯ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

*Эшпўлатов К.А., МТТДМҚТМОИ ректори
Отакулов Ш.М., МТТДМҚТМОИ с.ф.ф.д (Phd), доцент*

Жамият тарихида маънавий тарбия жараёни ҳамиша тараққиёт тизимиининг таркибий қисми сифатида қаралиб келинган. Унинг ҳар бир босқичида маънавий тарбияга ёндашув, амалиёт, назария шу давр талабига мос бўлган. Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жамият олдига худди шундай кўламдаги ва худди шундай жавобгарлик даражасидаги маънавий тарбия масаласини жамият тараққиётининг стратегик йўналиши даражасида қўймоқда Президентимизнинг 2021 йил 26 марта эълон қилинган “Маънавий-марифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқаришининг ўзгараётганлиги, бу борада олиб борилаётган муҳим ишларга қарамасдан маънавий-маърифий ислоҳотларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган хусусан, маънавий-марифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмаслиги, халқимиз, айниқса ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий амалий ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлиги таъкидланган эди.

Давлат раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар тизимиини тубдан такомиллаштиришда, бизнинг назаримизга кўра, масалага деференциялашган тамойилга кўра ёндашувнинг ва жамият аъзоларининг алоҳида олинган қатламлари тарбиясига мўлжалланган аниқ дастурларнинг ишланмаганлиги ва маънавий тарбиянинг аниқ йўналишларига кўра жавобгарликни ўз елкасига олган ташкилот ва уюшмаларни белгилашнинг ноаниклиги ҳамда маънавий тарбия бўйича аниқ мезон ва индикаторлар тизими асосида ишлаши керак бўлган илмий асосланган назария, концепция, дастурнинг ҳали ишлаб чиқилмаганлиги назарда тутилмоқда.

Бугунги кунда кўпчилик ҳолларда маънавий тарбия бўйича билидирилган қарашларда талаблар биринчи ўринга қўйилган. Ресурсларнинг етишмаслиги, имкониятнинг чекланганлиги, моддий техника базасини нг пастлиги молиявий имкониятларнинг ўзига хослиги, кадрлар сони ва сифатининг пастлиги, бошқарув тизимидағи камчиликлар, инновацилар реализациясидаги чекланганлик ва бошқалар рукач қилинади. Бизнинг назаримизга кўра, маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришда бугун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш концепциясига ўтишимиз керак. Яъни мавжуд моддий техника базасини максимал ишлатиш, бошқарув тизмида хизмат қилаётганларнинг ўз лавозими талабларига кўра жавобгарлигини ошириш ҳисобига самарадорликни кўтариш, маънавий-маърифий тизимда банд бўлган ходимларнинг ўзлуксиз малакасини ошириш ҳисобига ва уларнинг ўз қасбига нисбатан манфаатдорлик коифентидан келиб чиқсан ҳолда фаолият мазмундорлигини ошириш кабилар ушбу концепциянинг мазмунини ташкил этади.

Маънавий тарбия кўп босқичли тизимдир. Бунда бирламчи босқич ролини албатта оила ўйнайди. Албатта бола тарбиясидаги ушбу босқич, бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Яқин келажакда мактабгача ёшдаги болаларнинг мактабгача таълимнинг қамрови 90 % га етади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда Ш.М.Мирзиёев “қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан тўриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни миллатнинг соғлом генафондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади” деган эдилар. Ш.М.Мирзиёев томонидан билдирилган фикр бугун назарияга айланди ва мактабгача таълим тизимидағи таълим ва табия жараёнини ташки қилиш, бошқариш ва амалга оширишнинг методологияси бўлиб қолди. Ушбу методологиядан келиб чиқсан ҳолда бугун мактабгача таълим ташкилотларидағи таълим-тарбияга нисбатан давлатнинг муносабати қолдиқ тамойилидан устивор тамоилга ўтди.

Мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширалаётган ишларга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар йил сайин бир неча баробарга ортиб бормоқда, бу соҳага жавобгар бўлган шахслар, штат бирликлари кўпайиб бормоқда. Ушбу жараёнга алоқадор бўлган ташкилотлар ўртасидаги координациялар тобора аниқлашиб бормоқда. Энг муҳими соҳада тарбияловчи таълим концепциясидан маънавий тарбия нисбий мустақилликка эга бўлиб бормоқда. Энг муҳими, жамиятда маънавий тарбиясиз бирорта жараённинг мавжуд эмаслиги иқтисодий соҳами, сиёсий соҳами, ижтимоий соҳами бўларнинг ҳар бирининг самарадорлиги мутлоқ маънавий тарбияга боғлиқ эканлиги равshan бўлиб қолди.

Шундан келиб чиқсан ҳолда МТТ ларда маънавий тарбияни ташкил қилишда биринчидан биз узоқ муддатга мўлжалланган стратегик жиҳатдан кам ўзгаришга дуч келиши мумкин бўлган илмий асосланган “Мактабгача таълимда маънавий тарбия” концепциясини яратишимииз керак. Бунинг учун бугунги кунда мактабгача таълимнинг турли соҳалари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини давлат, миллат манфаатидан келиб чиқсан ҳолда марказлаштириш унинг стратегик йўналишларини аниқлаш, педагогик, психологик мактабларни яратиш, тадқиқот тадқиқот учун эмас, балки миллат тараққиёти учун деган тамойилга кўчиш вақти келди. Маънавий-маърифий тарбияда яратилган назария назария учун эмас, балки бугунги кундаги жамият ҳаётидаги оғриқли нуқталар-коррупция, отоналарнинг болалари олдидаги жавобгарлигининг пасайиб бориши, ижтимоий муҳитдаги мавжуд лоқайдлик ва бошқаларни бартараф этиш, маънавиятли инсоннинг, маънавиятли шахсни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган оқ доғларни бартараф этишга хизмат қилишини таъминлаш лозим.

Шу ўринда маънавий тарбияда икки масалани ойдинлаштириш лозим. Биринчиси, инсон камолатида маънавий-тарбиянинг ўрни, иккинчиси эса инсон шахсини тарбиялашда маънавий тарбиянинг ўрни масалаларидир. Маънавий тарбиянинг биринчи йўналишида гап асосан тарбияда оиланинг, ижтимоий муҳитнинг ва бошқа шунга ўхшаган объектив факторларни роли ҳақида кетади. Чунки, ушбу жараён инсон шаклланишида ижтимоийлашув сифатида амалга ошади. Бунда асосан объект ва субъект ўртасидаги муносабат ҳал қилувчи ролни ўйнайди ва таъсир бирламчилиги объектга ҳам, субъектга ҳа ўтиши мумкин. Шунинг учун маънавий тарбиянинг биринчи йўналишида жамиятнинг маънавий ҳаёти, унинг сифат кўрсатгичлари, маънавий неъматларнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши бу соҳадаги талаб ва таклиф муносабатини қарорлаштириш, аҳолининг маънавий фаоллик даражасини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Албатта юқорида келитирилганларнинг барчаси жамиятнинг маданият индикаторларида ифодаланган бўлади. Ушбу индикаторлар тизимида сўз ва амалиёт бирлиги аҳоли турмуши рефлексиясига айланмас экан ҳисобот учун амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлиги нолга тенг бўлиб қолаверади.

Маънавий тарбиянинг иккинчи йўналиши биринчи йўналишнинг давоми бўлиб, инсонда индивидни, индивидда шахсни тарбиялашга қаратилганлиги билан ҳарактиранади. Бунда тарбия биринчи йўналишдан фарқли ўлароқ маълум дастурга кўра амалга оширилади. Ушбу жараёнда дастурдаги мақсад ва вазифаларга тўсқинлик қилувчи ва ҳалақит берувчи омиллар, таъсирларнинг бартараф этилиши назарда тутилади. Жамиятда ушбу дастурни амалга ошириувчи маҳсус кадрлар шакллантирилади. Ва уларга таълим тарбия кўнималари бўйича бериладиган услублар замон талабларига кўра муентазам янгиланиб боради.

Шу ўринда бир нарсани жиддий эътиборга олиш керакки, миллат шахсини тарбиялашда асосий мезон миллатнинг борлиги унинг турмуши, тарихи, урф-одат ва анъаналари, ижтимоий онги, менталитети миллий педагогикаси бўлиши керак. Биз мустақиллик йилларида Япония, Хитой, Туркия, Жанубий Корея каби мамлакатларининг таълим тизими бўйича ютуқларини мамлакат таълим ҳаётига тадбиқ қилиб келдик. Таълим тизимида турли ўзгаришларни киритдик. Бу соҳадаги ўзгаришлар таълимдаги изчиллик тизмига маълум ноқулайликларни келтириб чиқарди. Албатта, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар тизмини инновацион ўзгартириш енгилроқ кўчиши мумкин, аммо таълим жараёни тизими консерватив ҳарактерга эга. Бу тизим ўзининг мазмунини ўзи инновацион ўзгартириб боришга мойил бўлган тизимдир. Бу тизимдаги билиб билмай қилинган “янгиликлар”нинг оқибатини жамият юз йилларда ҳам тузатиши қийин кечади. Шунинг учун таълим тизимида хусусан мактабгача таълим тизимида, уни режалаштиришга, унинг компонентларини аниқлашга ва уларнинг узоқ йилларга мўлжалланганлигига алоҳида эътибор бермоқ керак.

Ўзбекистон Республикасининг ilk ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйилган давлат талабларида мактабгача таълим мактабгача ёшдаги болалар қизиқиши, иқтидори, индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эхтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамда болада маънавий меъёрларни шаклланиши, ҳаётий ва ижтимоий тажриба эгалланишини кўзда тутган ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган яхлит жараён эканлиги белгиланган. Аммо 2019 йил 8 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”нинг 3-бобида мактабгача ёшдаги болаларни

интелектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш кўрсатилган.

Агар давлат дастури билан концепцияда белгиланган вазифани таҳлил қиласиган бўлсан, давлат дастурида талаб мантиғи мактабгача ёшдаги болаларни маънавий тарбиялашга алоҳида эътибор бериш белгилаб берилган, лекин концепцияда ушбу талаб болаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш контексида берилмоқда.

Шарт-шароит яратиш юқорида биз келтирган маънавий тарбиянинг биринчи йўналишига тааллуқлидир, лекин давлат талабларида мактабгача ёшдаги болаларда қаътийлик ва изчилликка асосланган дастур асосида маънавий жиҳатдан тарбиялаш ҳақида бораяпди. Албатта, таълим ва тарбия бир-бири билан узвий боғланган жараёнлардир, лекин бола шахсини тарбиялашда таълимнинг алоҳида, тарбиянинг алоҳида ўрни бор. Таълим жараёнининг таҳлили шуни кўрсатадики мукаммал таълимни ўзлаштирган кишиларда тарбия кемтиклиги қўзга ташланади, аммо мукаммал тарбия олган шахслар кузатиш, таълим, муносабатлар, таҳлиллар, шахсий тажриба натижасида ўзлари машғул бўлган соҳа бўйича мукаммал таълимни эгаллаши мумкин.

Шунинг учун биз маънавий тарбия ҳақида гапирганимизда шуни назарда тутиш керакки маънавият инсоний сифат шаклида уни ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик томон илҳомлантиради, одамлар билан ўзаро муносабатга, табиатни эса ҳассослик билан ҳимоя қилишга ундейди. Юксак маънавиятли инсон ўзидағи эгоизмга, ҳудбинлик қарши курашишга куч топади ва бу кураш унда доимийлик характерига эга бўлади. Бу жараён ундаги адолат, юксак ахлоқийликнинг қарор топиши учун шарт-шароит яратади. Инсон маънавий ҳаётидаги бундай жараён юксак гоявийлик сифатида қадрият даражасига кўтарилади. Ҳақиқат, умид, яхшилик, инсонпарварлик, меҳрибонлик, адолатнинг қарор топишига, ишонч, имон эътиқодга мос фаолият хатти-ҳаракат шаклланади.

Ушбу тизимли жараёнда орифлик, зиёлилик алоҳида ўринга эга бўлади. Биз бу ўринда юксак маънавиятнинг барча жиҳатларини ўзлаштирган, уни ўз ҳаётининг императивига айлантирган шахслар ҳақида гапирайпмиз. Афсуски, ҳаётда шаклан ва хизмат статусига кўра мавжуд бўлган зиёлилар сони кўпайиб бормоқда. Шунинг учун зиёлилик жараёнида ўзини ўзи тозалаш жараёнини, маънавий маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш орқали амалга оширилишини йўлга қўя олсанк жамият маъвий ҳаётида йирик ўзгариш амалга ошган бўлар эди. Мактабгача таълим ташкилотларида маънавий тарбияни такомиллаштиришда ташкилот раҳбари, методистлар, тарбиячилар ва психологларнинг ўрни ва роли катта. Шундан келиб чиқкан ҳолда ушбу

ходимлар бизнинг назаримизга кўра биринчи ўринда ўзбек халқининг маъвиятга боғлиқ бой меросларини ўзлаштиришлари, уларнинг тажрибалари билан ўзларининг ҳаётий ва тарбиячилик тажрибаларини бойитиши муҳим аҳамиятга эгадир. Халқнинг ҳаётий маънавий тажрибасидан бойроқ, кучлирок таъсирчанроқ ҳеч қандай маъвий тарбия йўқ. Шундан келиб чиқсан ҳолда мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг ота-оналари, буви ва боболари билан яқин муносабатда бўлиши ва ҳар бир боланинг оиласидан муҳити психологиясини, рухиятини ва маънавий кайфиятини ўрганган ҳолда болага маънавий тарбия беришда улар билан узвий бирликни шакллантирган ҳолда ҳаракат қилгандагина биз кутган ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашимиз мумкин. Бу жараён бир томондан мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг маънавий таълим ва тарбия бўйича ўзларининг малакаларини тўхтовсиз ошириб боришни талаб қилса, иккинчи томондан, уларнинг ёрдамида тарбияланувчиларининг ота-оналарининг бола тарбияси маънавиятига кўра билимини тажрибасини ошириб боришида фаолликни талаб қиласди.

Албатта, мактабгача таълим ташкилотларида маънавий тарбияни ташкил этиш, ўтказиш ва бошқариш бениҳоя кенг кўламли ишдир. Ушбу фаолият биринчи ўринда илмий асосга эга бўлган тизимлиликни талаб қиласди. Иккинчидан, мазкур соҳа бўйича олиб бориладиган жараён тажриба ва хато формуласига кўра эмас, балки, хатоликка мутлоқ ўрин қолдирмайдиган илмий асосланган тақдимотларга кўра амалга ошириладиган вазифадир. Бу жараёнда иштирок этадиган ҳар бир унсур ўзининг ўрни ва ролига кўра юксак маънавият учун хизмат қилмоғи керак. Ҳатто, мактабгача таълим ташкилотининг биноси, унинг архитектураси, унинг ландшафти, шаҳар ёки қишлоқ географиясида эгаллаган ўрни, унга борадиган йўл тарбия характерига эга бўлиши керак.

Мактабгача таълим ташкилотида хизмат қилаётган ходимларга мутлоқ бошқа талаблар қўйилади. Албатта, биз идеал сифатида тасаввур қиладиган мактабгача таълим ташкилотининг ходимларини қайирдандир олиб кела олмаймиз. Гап бугун шу ташкилотда хизмат қилаётган барча ходимларни биз тасаввур қилган идеалга яқинлаштириш ҳақида бормоқда. Бу дегани, умуман жамиятнинг маънавий ҳаётидаги мавжуд барча кемтикларни миллат даражасида идрок қилиш ҳақида, ўша кемтикларни халқимизнинг барча қатламлари иштирокида онгли суратда шахсий, ижтимоий ҳаётилиздан чиқариб ташлашга сафарбарлик ҳақида кетмоқда. Мамлакатимизда бугун ушбу мақсад ва муддаоларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд гап ўзимизда ушбу имкониятлардан фойдаланган ҳолда олдимиизда турган вазифаларни бажаришдадир.

ОЛТИ ЁШ БОЛАНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛИГИНИ БИЛИШ ДИАГНОСТИКАСИННИНГ МАЗМУН МОХИЯТИ

*Абдуназарова Н.Ф., МТТДМҚТМОИ ўқув ва методик
ишилар бўйича проректор, п.ф.н, доц.*

Мактабгача таълим ва тарбия — болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим туридир.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, соғлом, фаол, баркамол, ижтимоий мослаштирилган бола шахсини, шунингдек, келгуси муваффақиятли ўқув фаолияти учун шарт-шароитларни шакллантириш ва болаларни бошланғич таълимга сифатли тайёрлаш мақсадида 2018 йил 8 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 999-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорни қабул қилишдан мақсад болалар тайёрлов гурӯҳларининг ўқув-тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда давлат талабларига мувофиқ ҳар томонлама ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратишдир.

Мактабгача катта ёшдаги болалар билан ишлашнинг энг муҳим йўналиши – бу уларнинг мактабга тайёргарлигини текширишдир. Бу жараён узоқ давом этади ва мажмуавий бўлади. Мактабгача таълимнинг асосий вазифаларидан бири – бу боланинг мактабда эгаллайдиган кўникмаларини (ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш) муваффақиятли ўзлаштириш учун зарур бўладиган қобилияtlарини ривожлантиришдир.

Мактабгача таълим ташкилотида педагоглар, оилада ота-оналар болани мактабга тайёрлашда юзага келадиган қийинчиликларни енгиб ўтиш ва болани сифатли мактабга тайёрлашни муҳим вазифа деб биладилар. Мутахассислар болани мактабда муваффақиятли ўқиб кета олиши учун бола ривожланишининг қуйидаги соҳаларини ажратиб кўрсатадилар.

1. Диққат ва хотира
2. Идрок қилиш
3. Товушларни фарқлай олиш
4. График кўникмалар
5. Мантиқ
6. Сўз заҳираси
7. Равон нутқ
8. Атроф-олам ҳақидаги тасаввурлар

9. Математик тасавурлар

10. Саводхонлик асослари

Дастлабки бешта соҳа асосан бола туғилганидан бошлаб унинг ривожланиши давомида юзага келадиган боланинг таянч қобилиятларини акс эттиради. Бу қобилиятларнинг ривожланиши боланинг келгусидаги бутун ўқиши-ўрганиш фаолиятига таъсир кўрсатади. Олтинчидан ўнинчигача бўлган соҳаларда мактабгача таълим ташкилотида болани ўрганганди билимлари акс этади. Педагогик диагностика боланинг мактабга тайёргарлигига доир муаммоларини аниқлашга ёрдам бериш, бу муаммоларнинг жиддийлигини баҳолаш, бола билан қўшимча машғулотлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадларида ўтказилади.

Педагогик диагностика -педагогик фаолият соҳасида воқеликларнинг моҳиятини белгилаш, жараёнларни ҳар томонлама ўрганиш, педагогик омилларнинг мажмуавий ҳаракатини акс эттириш демақдир.

Педагогик диагностика ёрдамида таълим-тарбия жараёни тўғри таҳлил этилади ва унинг самарадорлиги тўғри баҳоланади.

Диагностикани ўтказиш учун бола ва унинг ота-онаси (қонуний вакиллари) билан алоқани ўрнатиш, осойишта дўстона мухитни яратиш, болага манфаатдор муносабатларни ўрнатиш мухимдир.

Тўлиқ диагностикани ўтказиш учун анча вақт керак бўлади. Болада чарчаş алматлари кузатилмаса, диққатни бир жойга жамлай олса диагностикани ҳар бирини 25-30 минутлик вақтдан иборат бир нечта учрашувларда ўтказиш ҳам мумкин.

Топшириқларни бажариш давомида болани шошилтирмаслик, унинг чарчашини кузатиб бориш, унинг афзал кўрадиган нарсаларига диққат қаратиш (масалан, сюжетли расмларни танлаб олишида), турли фаолият турлари билан боғлиқ бўлмайдиган топшириқларни таклиф қилиш мухим бўлиб саналади. Буларнинг барчаси болага ўз имкониятларини тўлиқ равища намойиш қилиш имконини беради.

Диагностиканинг аниқлиги педагог болага топшириқларни қандай бериши ва қандай қилиб мулоқот қилишига боғлиқ бўлади.

Педагогик диагностика қўйидаги тамойилларга асосланиб ўтказилади: бутунлик тамойили, бош занжир (бўғин) тамойили, ҳаққонийлик тамойили, детерменизм тамойили, таҳлил ва синтез тамойили.

Диагностикани ўтказишдан олдин қўйидагиларга ишонч ҳосил қилиш керак:

- бола чарчаб қолмаган, кайфияти яхши бўлиши керак;
- хона нисбатан осойишта, ўйинчоқлар ҳар ерда сочилиб ётмаслиги керак;
- бошқа болалар болани чалғитмаслиги ва унга кўрсатма бермаслиги

керак.

Педагог бола саволларига жавоб беришими, унинг учун тайёрланган ҳар хил топшириқларни бажариб беришими таклиф қиласди. Материалларини танлаб олишни чеклаш керак эмас. Агарда бола топшириқ ёки расмга унчалик қизиқиши билдирмаса, педагог худди шу топшириқни конкрет бола учун анча тўғри келадиган материал билан бажариб беришими сўрайди. Нима қизик бўлса, ўша нарса яхшироқ бўлади. Муваффакият ҳиссини туйиш эса болага ўз кучига ишончни уйғотади, қийинчиликларни енгигиб ўтишга ва энг яхши натижасини кўрсатишга имкон беради.

Бола топшириқни бажараётганида педагог бола нималарда муваффакиятли эканлигини, яна нималарни ўрганиши лозимлигини, қийинчиликлари сабаби нимада эканлигини, нима болада қизиқиши уйғотади, нима уни зериктиришини тушуниб олиш учун қузатади.

Педагог боланинг унга таклиф этилаётган торшириқлар ҳақидаги фикри билан қизиқиб кўриши, унга нима осон, нима қийин эканлигини билишга ҳаракат қилиши мумкин.

Диагностикани муваффакиятли ўтказишнинг бош шарти- бу болага дикқатни қаратиш ва дўстона муносабатда бўлишdir.

Қуйида боланинг билишга доир соҳасини баҳолаш учун энг аҳамиятли йўналишлар бўйича намунавий топшириқлар баёни келтирилади. Шуни кўзда тутмоқ лозимки, топшириқларнинг кўпчилиги кўргазмали материаллар асосида ўтказилади ва топшириқларнинг мураккаблиги иллюстратив материал сифатига кучли даражада боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун – Т., 2019.
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 999-сон қарори. Т.-2018 йил 8декабрь
3. “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-802-сон Қарори.– Т., 2020.
4. Абдуллаева Н.Ш. “Келажак сари илк таълим билан” вариатив дастури – Т., 2020.
5. Педагогик диагностика маъruzалар матни. Наманган 2014, 3-бет

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИНГ АСОСИЙ СИФАТЛАРИ

Закиров А., МТТДМҚТМОИ Манаваий ва илмий ишлар бўйича проректор,
Эшикурбанов А., МТТДМҚТМОИ 1-босқич таянч доктаранти

Аннотация: Мақолада ҳозирги кунда таълимда инновацион фаолият етакчи ўринларни эгаллаб, мактабгача таълим муассасаларининг таълим хизматлари бозорида раҷобатбардошлиги учун асос бўлмоқда.

Калим сўзлар: инновасион фаолият, раҷобатбардошлик, янги бошқарув тушунчаси, услубий ишлар тизимининг ўзгариши.

Ҳозирги босқичда давлат касб-хунар стандартининг жорий этилиши, таълим ташкилотлари учун жамиятнинг ижтимоий тартибидаги ўзгаришлар туфайли мактабгача таълим сифатини янгилаш ва яхшилаш зарурати юзага келмоқда. "Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида" ги қонунида мактабгача таълим умумий таълимнинг биринчи босқичи сифатида эътироф этилган. Бу эса бошланғич таълим, шу билан бирга, ўқувчиларимизнинг таълимнинг кейинги босқичига ўтишда тенг бошланғич шарт-шароитларга эга бўлишини таъминлаш борасида бошланғич мактабга катта масъулият юклайди.

Мактабгача таълим тарбия жараёнини сифат жиҳатидан турли даражага кўтариш ва фаолият кўрсатиш режимидан ривожланиш режимига ўтишни таъминлаш учун инновацион фаолиятни таълим муассасасининг педагогик амалиётига жорий этиш, биринчи навбатда, мактабгача таълимни бошқаришни янгилаш стратегиясини ишлаб чиқишига қаратилган ва натижада ўқитувчи ходимлар билан инновацион методик ишларни ташкил этиш керак. Буларнинг барчаси, охир-оқибат, мактабгача фаолиятнинг асосий мақсади - муваффакиятли бола учун ишлайди.

Жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар инсон шахсига янги талабларни илгари сурди. Ҳозирги кунда юксак ақл-заковатга эга бўлган ва ижодкорлик, мустақиллик, мулоқот кўнималари, қарор қабул қилиш қобилияти, юқори даражадаги компетентликка эришиш истаги каби қобилиятга эга бўлган фавқулодда ижодкор зарур.

Турли хил таълим соҳасида таклиф этилаётган янгиликлар муайян иш технологиялари, ўқитиши усулларини ўз ичига олади. Муайян мақсадга эришиш учун мактабгача таълим муассасасини бошқариш учун ички вазиятни, инсон ресурсларини ва жамоанинг белгиланган анъаналарини, ушбу болалар боғчасида самарали ишлайдиган инновацион таклифларни малакали таҳлил қилиш асосида таклиф этилган инновацияларни тўғри йўлга қўйиш ва аниқлаш муҳимдир. Инновация муаммосини назарий жиҳатдан ўрганиш таълим-тарбиянинг янгиланиши, уни тушуниш ва янгилаш учун ушбу

жараённинг ўз-ўзидан барҳам топиши ва уни самарали бошқариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Инқироз ўзгариш вақти сифатида жамиятда ва шунга мос равишда таълимда ўзгаришларга эҳтиёж туғдиради. Давлат ҳаётининг янги стандартларини жорий этиш муқаррар равишда ўз ўзгаришларимизни, яъни инновацион фаолиятимизни тақозо этади. Шундай қилиб, таълимни ривожлантиришнинг ушбу босқичида инновасион фаолият мактабгача таълимдаги асосий стратегик йўналишлардан бири эканлигини таъкидлашга барча асослар мавжуд.

Хозирги кунда инновацияларнинг туғилишига олиб келиши мумкин бўлган бир қатор ижтимоий йўналишларни аниқлашимиз мумкин •

-Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш.

-Мактабгача таълим қасбининг малакасига қўйиладиган талабларни жорий этиш болаларнинг таълим ва ривожланиш сифатини юқори даражада таъминлаш кафолати сифатида.

-Болаларнинг шахсий ривожланиш асослари-маданий ва ахлоқий қадриятларга йўналтириш.

-Рақобат таълим хизматларини такомиллаштириш ва таълим муассасасининг жозибадорлигини оширишнинг соғлом усули сифатида.

-Ота-оналарнинг сўровларини, болаларнинг қизиқишлирини доимий кузатиб бориш ва бу сўровларга фаол жавоб бериш.

-Инновация-мактабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик салоҳиятини очиш, болалар билан ишлашнинг янги шакл ва йўлларини жорий этиш йўли сифатида.

Муассасанинг инновацион ривожланиш режимига ўтиши кўплаб қийинчиликлар билан боғлиқ. МТТнинг бир қатор раҳбарлари ўтишга журъят эта олмайдиган чизиққа айланади. Бу ерда у айтиши мумкин:

- ҳақ тўлашдаги қийинчиликлар, яъни иш ҳақи фондининг чекланганлиги, тажриба ўқитувчилари учун молиявий рағбатлантиришнинг етарли эмаслиги;

- муассасанинг етарли даражада яхши жихозланган моддий базаси (ўқитувчилардан фойдаланишда компьютер этарли эмас, интернетга кириш имконияти йўқ, муассасада локал тармоқ, мултимедиа курилмалари, интерактив ускуналар, компьютерга уланган янги мусиқа ускуналари);

- методик ва ташкилий режанинг қийинчиликлари, болалар фаолияти мунтазам равишда тажриба ишлари учун вақт ажратиш зарур бўлганда, уни ўқув жараёни давомида органик равишда ўз ичига олади;

- ўқитувчиларни кадрлар тайёрлаш ва, энг муҳими, экспериментал инновацион фаолият билан шуғулланишга ундаш.

МТТларнинг инновацион фаолияти, унинг янгилиги ва ҳаракатчанлиги туфайли муқаррар равишда бошқарув фаолиятининг ўзгаришига олиб келади.

Бошқарувдаги анъанавийлик чекинмоқда ва ўрнини ўқитувчи ва болага, уларнинг эҳтиёжларига қаратмоқда. Жамоанинг ривожланиши ортидаги ҳаракатлантирувчи куч маъмурий босим ва буюртмани бажариш тизими эмас, балки жамоанинг ривожланиш режими учун қатъий мотивацияси-мактабгача таълим муассасаларининг замонавий шароитларда рақобатбардошлигининг асосий шарти сифатида.

Мактабгача таълим муассасасида инновацион фаолият дастури каби тушунчаларни ўз ичига олади:

Инновацион бошқарув фаолияти-бу бошқарув функциясида янгиликларни яратиш, ривожлантириш ва ривожлантиришни ўз ичига олган мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг мураккаб ишидир, ҳатто ташкилотнинг ташкилий тузилмасини инсонпарварлаштириш, мактабгача таълим муассасасининг янги бошқарув усулларидан фойдаланиш, авторитар бошқарув тизимидан шахсга йўналтирилган. Бошқарув янгиликларининг жорий этилиши инновацион характерга эга бўлган раҳбари бошқарув фаолиятининг янгиланишига олиб келади.

Мактабгача таълимда инновацион методик ишлар - шунингдек, бу атама педагогик адабиётларда қўлланилмайди. Методикадаги янгиликлар, эҳтимол, ўқитувчилар томонидан болалар билан ишлашда муайян муаммони ҳал қилишнинг янги усулларини излашдир. Бундан ташқари, классик усулни янги иш шаклида қўллашингиз мумкин, шунда у ажойиб натижалар беради.

Агар ғоя ахборотнинг ўзгаришига жонли жавоб берадиган ва мулоҳазага эга бўлган мобил шаклга тааллуқли бўлса, классик усулларни инновацион усулларга айлантириш мумкин.

Инновацион методик ишларни ўқитувчилар томонидан касбий фаолиятнинг янги, инновацион йўлларини ўзлаштиришга йўналтирилган касбий-педагогик (бошқарув) фаолиятнинг бир қисми сифатида ҳам белгилаш мумкин, шу жумладан қўйидаги қўникмалар:

- умумий рўйхатдан инновацияларнинг устувор йўналишларини аниқлаш-қатъий доза ва инновацион фаолият мазмунини танлаш-белгиланган натижага эришишнинг этакчи омили сифатида;

- инновациялар мазмунини амалга ошириш учун этакчи педагогик технологияларни қўллаш;

- инновацион фаолият натижалари асосида болалар ривожланишини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши ва тавсифлаш. Ушбу дастурнинг якуний мақсади мактабгача таълим инновацион макон ташкил этиш ҳисобланади, асосий йўналиши ривожлантириш бўлади, яратиш ва таълим янгилаш лойиҳалар таълим жараёнида амалга ошириш ва педагогик амалиёт, бошқарув янги шакллари, тубдан янги педагогик технологиялар, рақобатбардошлигини

асоси сифатида замонавий жамиятда мактабгача таълим мақомини такомиллаштириш.

Мактабгача таълим тизимида замонавий менежер (мактабгача таълим директори) қўлида мотивациянинг бир неча кучли дастаклари мавжуд - бу моддий рағбат ва кам бўлмаган муҳим-ахлоқий рағбатдир. Ўтган йиллардаги ютуқларни унутмаслигимиз керак, аммо улардан тўғри фойдаланишимиз керак. Бунга фахрий ёрликлар ва ташаккурномалар бериш, жамоанинг умумий йигилишида оғзаки рағбатлантириш, мактабгача таълим муассасасида таблицаларда ходимларнинг босма асарларини чоп этиш, мактабгача таълим муассасаси веб-сайтига ўқитувчи ва болаларнинг ютуқлари тўғрисида ҳисбот жойлаштириш киради.

МТТ ВА ОИЛНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Абдуллаева Д, 2-сонли МТТ таёров гурухи тарбиячиси

Аннотация: Мактабгача ёшдаги болаларнинг юқори сифатли таълим олишига, ота-оналарнинг эхтиёжлари ва болаларнинг манфаатларини тўлиқ қондиришга, бола учун ягона таълим маконини яратишга фақат илк болаликдан МТТ ва оила ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини ишлаб чиқсан ҳолдагина эришиш мумкин.

Аннотация: Качественное образование дошкольников, полное удовлетворение потребностей и интересов детей, создание единого образовательного пространства для ребенка может быть достигнуто только путем разработки новой системы взаимодействия ДОУ и семьи с раннего детства.

Annotation: High-quality education of preschoolers, full satisfaction of the needs and interests of children, the creation of a single educational space for a child can only be achieved by developing a new system of interaction between Preschool educational institutions and the family from early childhood.

Таянч иборалар. Сенсор кўникмалар, ҳиссий бардамлик, фаолият йўналишлари, ҳиссиёт олами.

Мактабгача таълим ташкилоти оилани қўллаб-қувватловчи ижтимоий ташкилот сифатида болани тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Мавжуд ижтимоий-маданий ва иқтисодий шароитда оила, жамоат ташкилотлари ва маҳалла билан ўзаро ҳамкорлик муҳим йўналиши ҳисобланади.

МТТ билан ота-оналар ўртасидаги ҳамкорлик болаларни тарбиялаш ва ривожлантириш учун масъул эканликлари ва барча ижтимоий институтлар бу фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва тўлдиришга чорланади деган фикрга асосланади.

Педагогларнинг ота-оналар билан ҳамкорлиги ўзаро ҳурмат муносабатларига таянган ҳолда уларнинг тенг ҳуқуқли позицияси, индивидуал имкониятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиннишини талаб этади.

Педагоглар ва ота-оналар ўртасидаги ҳамкорликни амалга оширишнинг энг муҳим усули бу ўзаро ишонч ва фаолликка асосланган муносабатлардир. Бунда ота-оналар пассив кузатувчи эмас, балки таълим жараёнини ташкил этувчи фаол иштирокчилар ҳисобланадилар. Буларнинг барчаси ота-оналар билан ишлашни МТТнинг муваффақиятли ташкилий-педагогик фаолияти сифатида кўриб чиқишига имкон беради.

Мактабгача ёшдаги бола шахсини ривожлантиришда оила ва МТТнинг самарали фаолияти уларнинг ўзаро ҳамжихатлигига, бир-бирларига ёрдам берганида, тарбияланувчиларга бир хил талаб қўя олишида, муаммоли педагогик вазиятларда биргалашиб қарор қабул қилишда намаён бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Агар бундай бирлик ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга эришилмаса, унда муваффақиятга эришиш қийиндир.

➤ МТТ билан оиланинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

➤ Педагоглар ва ота-оналар ўртасидаги дўстона мuloқot тамойили

Ушбу тамойил мuloқotга ижобий ёндашишни назарда тутади ва шу билан МТТ педагогларини ота-оналар билан барча ишларини қурадиган мустаҳкам пойдевордир.

Педагогларнинг ота-онаар билан мuloқatiда қатъий, талабчан оҳангга гапиришларига йўл қўйилмайди.

Педагоглар ҳар куни ота-оналар билан мuloқotда бўладилар ва бу умуман олганда, оиланинг мактабгача таълим ташкилотига муносабати қандай бўлишини белгилайди. Педагоглар ва ота-оналар ўртасидаги ҳар кунги дўстона мuloқot ва муносабат яхши ўтказилган тадбирдан кўра кўпроқ нарсани англаади.

➤ *Индивидуал ёндашув тамойили*

Ҳамкорликнинг ушбу тамойили нафақат болалар билан ишлашда, балки ота-оналар билан ишлашда муҳим аҳамият касб этади. Ота-оналар билан мuloқotда бўлган педагоглар вазиятни, ота-оналарнинг кайфиятини ҳис қилишлари керак. Бу ерда педагогларнинг инсоний муносабатлари ва педагогик маҳорати ота-оналарни тинчлантириш, ҳамдардлик ва биргаликда ушбу вазиятда болага қандай ёрдам беришини ўйлашда асқотади.

➤ *Мураббийлик эмас, ҳамкорлик тамойили*

Аксарият замонавий оналар ва оталар зиёли, билимли ва албатта, ўз фарзандларини қандай тарбиялаш кераклигини яхши билишади. Шунингучун

бугунги кунда педагогик билимларни ўргатиш ва оддий тарғиб қилиш позицияси ижобий натижаларга олиб келиши мушкул. Муаммоли педагогик вазиятларда оиласа ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлаш муҳитини яратиш, оиласавий муаммоларни тушуниш ва ечимини топишда МТТ жамоасининг оила муоаммаларини ҳал қилишда самимий ёрдам бермоқчилигини эътироф қилиши керак.

➤ *Динамиклик тамойили*

МТТ бугунги кунда, фаолият кўрсатиш режимида эмас, балки ривожланиш режимида бўлиши керак, мобил тизим бўлиши, ота-оналарнинг ижтимоий таркибидаги ўзгаришларга, уларнинг таълим эҳтиёжларига ва таълимга бўлган талабларига тезкорлик билан жавоб бериши керак. Шундан келиб чиқсан ҳолда МТТнинг оила билан ишлаш шакл ва йўналишлари ўзгариши керак.

➤ *Очиқлик тамойили*

Мактабгача таълим ташкилотининг оила учун очиқлиги, ҳар бир ота-онага унинг боласи қандай яшаётганини ва ривожланишини билиш ва қўриш имкониятини яратиб беришдан иборатdir. Бу муаммоли вазиятларнинг пайдо бўлишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, педагоглар ва ота-оналар ўртасида шахсий алоқаларни ўрнатиш, ҳар куни ота-оналарга боланинг кунни қандай ўтказганлиги, нимани ўрганганлиги, қандай ютуқларга эришганлиги ҳақида маълумот бериб бориш керак. Шундан келиб чиқиб, бугунги куннинг энг долзарб вазифаси ота-оналарнинг психологик кўникма ва малакаларини қўллаб-қувватлашдир.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган тамойиллар, ота-оналар ва педагогларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти болаларни тарбиялашда мавжуд муаммоларини биргаликда аниқлаш ва уларни ҳал қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.“Оила ва маҳаллий жамоатчилик билан ҳамкорлик” Методик қўлланма. 2020й.
2. Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш (барча ёш гуруҳлари учун) 2018 й.
3. О.У. Ҳасанбоева в.б. Мактабгача таълим педагогикаси. Педагогика коллежи учун ўқув қўлланма (3-нашр) Т.:”Илм зиё”, 2012й.

ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ДЕТЕЙ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА С НАРУШЕНИЕМ ИНТЕЛЛЕКТА

Абдуллаева Д.М., научный сотрудник ИППКРСДОО

"С одной стороны, дефект есть минус, ограничение, слабость, умаление развития; с другой – именно потому, что он создает трудности, он стимулирует повышенное, усиленное движение вперед".

Выготский Л.С.

Особенности восприятия и ощущения умственно отсталых детей детально изучены психологами (И.М. Соловьев, К.И. Вересоцкая, М.М. Нудельман, Е.М. Кудрявцева). Дети с низким уровнем умственного развития связаны со значительным сужением объема воспринимаемого материала. Эта слабость наблюдения объясняется особенностями движения глаз. То, что обычные дети видят сразу, олигофрения - постоянно, пишет И.М. Соловьев. Ограниченнность понимания не позволяет умственно отсталому ребенку переехать на новое место в необычной ситуации. Также возникают когнитивные нарушения.

Снижение зрительных и слуховых способностей, очень ограниченный игровой опыт, слабое знакомство с объектными движениями и, что наиболее важно, вялое развитие речи лишают ребенка этой необходимой основы для развития мышления.

Отсутствие логического мышления проявляется в слабости способности к обобщениям, олигофреники практически не понимают никаких явлений в окружающем мире. Фразы и переносное значение слов сложно понять или совсем не понимать. Объективно-практическое мышление ограничено. Олигофреники сравнивают события и вещи по внешнему виду. Мышление медленное, жесткое.

Исследования показали (Х.С.Замский), что умственно отсталые дети учатся всему очень медленно, только после многих повторений быстро забывают полученное и, главное, не умеют применять полученные знания и навыки на практике.

Медленность и хрупкость процесса запоминания проявляется прежде всего в том, что умственно отсталые дети учатся по четырехклассной программе государственной школы в течение 7-8-летнего учебного года. Среди недостатков памяти отметим следующие: медленность запоминания, скорость забывания, неправильное воспроизведение, эпизодическая забывчивость, а также недостатки в обработке полученного материала.

Как не определять понятие «внимание», наоборот, это когда их можно делать правильно, а не думать и действовать неправильно. Уровень развития

внимания у учащихся вспомогательных школ очень низкий. Умственно отсталые дети смотрят на предметы или их изображения, не осознавая их основных элементов. Из-за низкого уровня развития внимания они могут не понимать многое из того, что говорит учитель. Переходить от одного занятия к другому очень сложно. Слабо выражено произвольное внимание. Акцент делается на неправильно смонтированном объекте, он легко растекается.

Л.С. Выготский писал, что «главный источник всего недоразвития умственно отсталого ребенка - это недостаток в овладении собственным поведением».¹

Незрелость личности данной категории детей проявляется в целом ряде особенностей его эмоциональной сферы, прежде всего в связи с особенностями его потребностей и развитием его интеллекта. Для таких детей характерна недоразвитая эмоционально-волевая сфера. Ощущения те же, немного другие, тени переживания очень скучные или отсутствуют. Эмоциональные реакции в основном наблюдаются на стимулы, непосредственно воздействующие на человека. Психика неподвижна, интерес к окружающей среде недостаточен. У олигофрении нет инициативы и самостоятельности. Однако они не способны подавить эффекты. Сильные аффективные реакции обычны по небольшим причинам. Мы рассматриваем психологические характеристики умственно отсталых детей с точки зрения тяжести умственной отсталости. Как было сказано выше, психическая слабость делится на 3 группы: слабость, несовместимость и глупость.

Интенсивное мышление носит наглядно-образный характер. Смысл прочитанного сложно понять. Незрелость человека объясняется его неразвитостью. Слабость всегда проявляется в слабости поведения, неспособности подавлять драйверы, неадекватных действиях, импульсивности и повышенном внушении в поведении.

Речь связана с языком, она содержит аграмматизмы. Постепенно принимаются устные определения. Хорошо развиты механическая память и имитация. У дебилов есть способность учиться. Они осваивают несколько трудовых процессов, возможно, их социальную адаптацию.²

Следующие отличаются незащищенностью. Речь привязана к языку, аграмматична. В словаре иногда бывает 200-300 слов, и они могут произносить простые фразы. С трудом запоминают буквы, похожие по написанию или звучанию. Благодаря относительно хорошей механической памяти и пассивному вниманию они могут овладеть базовыми знаниями, которые они используют в качестве щелчков мышью. Имбетсилы совершенно не готовы отвлекаться от конкретной ситуации. Эмоции слабые, однообразные, все мыслительные процессы жесткие и неподвижные. Имбетсилов умиляют,

стыдятся своих недостатков и более-менее адекватно реагируют на цензуру или одобрение. Уровень предложения имбетсилов увеличился и часто имеет тенденцию слепо имитировать. Если несовместимость серьезная (IQ-20-34), обучение различным видам работы невозможно.

Почти нет речи и тупого мышления. Им нужен постоянный уход. У таких пациентов реакция на раздражитель недостаточна или отсутствует. Без внимания или слишком нестабильно. Самосознание сомнительно. Пациенты часто не различают родственников и незнакомцев.³

Эмоции просты, они связаны только с протестом или удовлетворением. Эмоции выражаются примитивно, в виде крика или двигательного возбуждения. Приступы гнева возникают легко, проявляясь не только в форме гнева и агрессивного поведения, направленного не только на других, но и на самого себя (укусы, царапины, удары). Часто пациенты могут есть свой собственный мусор, жевать все, что попадается под руку. Глубокое умственное недоразвитие сопровождается грубыми дефектами физического развития. Часто пациенты не могут пережевывать пищу, они могут употреблять только жидкую пищу.

Невозможно сформировать навыки самообслуживания. Если пациенты переданы сами себе, они могут стать эмоционально возбужденными из-за монотонных стереотипных движений (хлопать в ладоши, рукопожатия, рукопожатия) или оставаться неподвижными.

Список литературы:

1. Выготский Л.С. “ Основы дефектологии “ СПб Лань 2003-654 с.- (Учебники для вузов. Специальная литература.)
2. Коломинский Я.Л. «Психология детей в норме и патологии», Москва, «Питер», 2004г.
3. Лалаева Р.И., Серебрякова Н.В. «Нарушение речи и их коррекция у детей с ЗПР», Москва, «Владос», 2004г.
4. Епифанцева Т.Б., Кисленко Т.Е. «Настольная книга педагога-дефектолога», Ростов-на-Дону, «Феликс», 2006г
5. Епифанцева Т.Б., Кисленко Т.Е. «Настольная книга педагога-дефектолога», Ростов-на-Дону, «Феликс», 2006г

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШДА КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдуллаева Н., МТТДМҚТМОИ н.ф.ф.д(Phd), доцент

Бугунги кунда мамлакатимизда ОТМларининг йириклашуви, касбий таълим муассасаларининг соҳа бўйича бирлашуви, ОТМларда мактабгача,

бошланғич ва ўрта касбий таълим дастурларини амалга ошириш тенденциясини кузатиш мүмкін. Амалга оширилаётган ташкилий-түзилмавий ўзгаришлар билан бир қаторда мактабгача таълим мутахассисларни тайёрлаш тизимида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, таълимнинг янги шакллари ва методларини излаш талаб этилади. Интеграцион жараёнлар, улардан бири бўлган таълим кластерларини шакллантириш ва ривожлантириш мактабгача таълимни дифференциациялаш асосида амалга оширилиши лозим.

Кластер ёндашувларни мактабгача таълим тизимида жорий қилиш ва ривожлантиришнинг назарий асоси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: мактабгача таълимга кластер ёндашуви; фаолият ва педагогик лойихалаштириш назарияси; узлуксиз таълим концепцияси; ижтимоий ҳамкорлик ва мактабгача таълим сифатини бошқариш муаммоларини очиб берувчи тадқиқотлар.

Кластер (инглизча Cluster – тўплам) – бу бир турдаги элементларни ўзида бирлаштирган, мустақил бирикма сифатида қаралиши мүмкін бўлган, маълум хусусиятларга эга бўлган тўпламдир. Кластер бу мамлакатимиз иқтисодиётини рақобатбордош қила олиши мүмкін бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг “умумий уйи”ни қуришга интилишни рамзий белгисидир.

Кластерининг вазифаси соҳага кирувчи мактабгача таълим ташкилотларинининг ҳаракатларини тизимли ташкил этишdir.

Кластер – бу маълум соҳада ишловчи ва умумий фаолият йўналиши билан хусусиятланувчи ва бир-бирларини тўлдурувчи ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган компаниялар ва уларга қарашли ташкилотлар гуруҳидир. Охирги бир неча йил давомида “кластер” тушунчаси умумий маъноси қуйидагига олиб келувчи таърифга эга бўлди: кластер бу ўзаро рақобатни кучайишига кўмак берувчи соҳага тегишлилиги ва географик жойлашуви бўйича корхоналарнинг, бир-бирига яқин боғланган соҳаларнинг концентрациясидир. Бошқа томондан олиб қарайдиган бўлсак бугунги кунда “кластер” бу маълум бир соҳада фаолият кўрсатувчи ва умумий фаолият йўналишига эга бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи географик жиҳатдан қўшни бўлган ўзаро боғлиқ корхоналар ва уларга қарашли ташкилотлар гуруҳи маъносига ҳам эгадир. Бундай ёндашув кластерларнинг ҳар хил турларини, шу жумладан таълим кластерини, фарқлаш имконини беради. Шу билан бирга адабиётда “таълим кластери” тушунчасининг турли талқинлари учраб туради.

Таълим кластери – бу соҳага тегишлилик белгилари бўйича бирлашган, соҳа корхоналари билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатган ўзаро боғлиқ касбий таълим муассасаларининг мажмуудир. Таълим кластери – бу илм-фантехнология-бизнес занжирига бириктирилган, занжир ичida асосан горизантал алоқага асосланган таълим, ўзаро таълим ва мустақил таълим

тизимиdir. Таълим кластери – бу муносабатларнинг вертикали бўйича “оддий инсон” этишитириш бўйича, горизонтал бўйича кўрсатилган маҳсолотни ишлаб чиқариш технологияларини алмашиш муносабатлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий институтлар тўпламиdir. Таълим кластери – бу соҳага тегишлилилк белгилари ва соҳа корхоналари билан ҳамкорлик муносабатлари орқали бирлашган касбий таълим муассасалари мажмудидir.

Қуйидагилар мактабгача таълим кластерини амалга ошириш модели бўлиши мумкин:

1. Ҳудудий жойлашганлиги бўйича мактабгача таълим, бошлангич, ўрта, олий таълим муассасалари ва корхоналар асосида тузилган таълим кластери.
2. Университет комплекси (ўз ичига ўқув ва илмий-текшириш институтлари, коллежлар, қўшимча таълим, ОТМдан кейинги таълим, умумий таълим бўлимлари ўз ичига олган).

Мактабгача таълим тизимида кластерли ёндашув – “таълим – илм-фан – мактабгача таълим ташкилотлари” учлигини турли таркибларини расмий бирлаштириш, балки қўшилган муаммони ечишда ўта самарага эришиш мақсадида уларнинг потенциалларини ўзаро бирлаштиришнинг янги шаклларини топиш ҳам тушунилади.

МТТда таълим кластери узлуксиз таълимнинг муаммоларини ечиш учун имкониятларга эга. Кадрларни узлуксиз касбий тайёрлаш тизимини яратиш доирасида тузилган ўқув режалари ва дастурлари инсоннинг бутун меҳнат фаолияти давомида касбий-таълим потенциалини шакллантириш ва ривожлантиришни оптималлаштириш имконини беради. Таълим институтларини ягона тизимга бирлаштириш бир хил таълим институти якунларини (пастроқ даражадаги, масалан ўқув юртларини) бошқалар билан мослаштирувчи (юқорироқ даражадаги, масалан техникумлар ва университетларни) стандартларни ишлаб чиқариш имконни беради. Таълим кластерида унинг барча қатнашчи субъектлар керакли малакага эга бўлган мутахассисни тайёрлашнинг кўп босқичли тизимини бошқаради.

Таълим кластерида бирлаштириш (интеграция) деганда нафақат таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг турли таркибларини расмий бирлаштириш, балки муаммони ечишда самарага эришиш мақсадида уларнинг потенциалларини ўзаро бирлаштиришнинг янги шаклларини топиш ҳам тушунилади. Таълим кластери шароитида илмий ва инновацион йўналишларда ёшларнинг ижодий потенциалини фаоллаштириш ва фойдаланиш рўй беради, бу эса инновацион иқтисодиётни тизим кўринишидаги: мослашувчанлиги, фаоллиги, ўзгарувчанлиги, барқарорлиги, прогноз қила олиш, изчиллик, яхлитлик каби сифатларини ўзгаришига олиб келади.

Бизнинг фикримизча мактабгача таълим кластери – бу вертикал (компетент мутахассис тайёрлаш мақсадида) ва горизонтал бўйича соҳага тегишилилек белгиси бўйича бирлаштирилган ўзаро боғлиқ тизимдир.

Мактабгача таълим тизимига кластерли ёндашувни жорий этишнинг асосий мақсадларини белгилаб чиқамиз: тарбияланувчиларнинг таълим олишнинг дастлабки босқичларида бўлажак тарбиячи фаолиятини танлашни оптималлаштириш; узлуксиз таълимни таъминлаш ва ривожлантириш; битирувчи МТТ мутахассисларнинг компетентлигини ошириш; пировард натижада соҳанинг рақобатбардошлилигини ошириш; шахсга йўналтирилган ўқув жараёни; битирувчи мутахассисларнинг сони ва малакасини МТТ талабларига мос келишини таъминлаш; соҳанинг барча даражадаги мутахассисларни рақобатбардошлилигини ошириш; таълим, илм-фан ва технологиялардаги инновациялардан самарали фойдаланиш; бир касбий даражадан бошқасига ўтишдаги таълим тайёргарлиги муддатларини қисқартириш.

Мақсадлар бўлиб яна тайёргарлик сифатини таъминловчи, тайёрлаш муддатларини оптималлаштириш имконини берувчи таълим муассасалари ва иш берувчи МТТларнинг интеграцияси асосида мутахассислар тайёрлашнинг кўп босқичли яхлит тизимини қуриш, битирувчиларни МТТ бириктириш, муаммога йўналтирилган, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни рағбатлантириш, мутахассисларнинг малакасанини оширишнинг мослашувчан тизимини яратиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лапыгин, Д.Ю. Контуры регионального образовательного кластера. / Д.Ю. Лапыгин, Г.А. Корецкий. // Электронный журнал “Экономика региона”. – 2007. – №18. – [Электронный ресурс]. – URL: <http://journal.vlsu.ru>. (дата обращения 22.01.2009 г.).
2. Винокурова М.В. Кластерный подход к повышению конкурентоспособности региона. Автореф. Дис.... Канд. экон. Наук. – Иркутск, 2007. – С.2.
3. Громыко, Ю.В. Что такое кластеры и как их создавать? // Альманах “Восток”. – 2007. – Вып.1. – [Электронный ресурс]. – URL: http://www.situation.ru/app/j_artp_1178.htm (дата обращения 22.01.2009 г.).

БОЛАЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУСИҚИЙ ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРНИНГ ЎРНИ

Аманова Д.К., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Мактабгача ёш даври бола ҳаётидаги ўйин даври ҳисобланиб, бу вақтда болалар ҳар бир нарсани ўйин орқали билишга ҳаракат қиласиди. Ўйин болаларнинг энг севимли машғулоти бўлиб, улар ҳар қандай машғулотни ўйин билан уйғунлаштиришга, боғлашга ҳаракат қиласидилар. Ўйин – бола ҳаётининг узвий қисми бўлиб, мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларида таълим олишларига кенг имкониятлар очиб беради. Ўйин орқали бола атроф-мухит, табиат ҳодисалари, буюмлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси билан танишади. Боланинг интеллектуал, жисмоний, ақлий, ижтимоий ривожланиши ўйин орқали амалга оширилади, шунинг учун ўйин катталардан болага коммуникатив кўприк бўлиб, у орқали осон ва қизиқарли таълим ва тарбия жараёнини ташкил қилиш мумкин. Боланинг руҳий ҳаёти ўйин, эртак, мусиқа, тасаввур, ижодкорлик дунёсидан иборат. Шу сабабли мусиқа раҳбари мусиқа машғулотларида таълимий ўйинлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиши таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга имкон беради.

Мактабгача ёш даврида болаларнинг ақлий ва жисмоний фаолиятини ташкил қилишда дидактик ўйинлар алоҳида аҳамиятга эга. Дидактик ўйинларда билиш жараёни ўйинлар билан бевосита боғланиб кетади, дидактик ўйин ўйнаш орқали бола бевосита билим олишга киришади. Мусиқа машғулотларида дидактик ўйинлардан фойдаланиш болалар зехнини ўстириш, мусиқий саводхонликни ошириш, чаққонлик, зийраклик кўнимкамари, дўстлик-иноқлик ҳис-туйғуларини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Дидактик ўйинлар жараёнида болалар ўйин қоидаларига қатъий риоя қилишга ўрганадилар. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда дидактик ўйинлардан фойдаланиш масалалари бўйича кўпгина педагог ва психолог олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган ва ҳозирги қунда ҳам илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Дидактика – юн. “Didaktikos” – ўргатиш, таълим бериш маъносида қўлланилади. Дидактика – педагогиканинг таълим назариясини ишлаб чиқадиган тармоғидир. Яқин ва ўрта Шарқда Хоразмий, Киндий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём каби мутафаккирлар илмий дидактика асосчилари дидирлар.

Ян Амос Коменский, швейцариялик педагог И.Г.Песталоцци, немис педагоги А.Дистервеглар Европада дидактиканинг ривожланишига катта хисса қўшдилар.

Болаларнинг мусиқий қобилияtlарини ривожлантиришнинг энг муҳим воситаларидан бири – мусиқий дидактик ўйинлардир.

Ўйин шаклида болаларнинг мусиқий қобилияtlари анча қизиқарли ва самарали ривожланади. Мусиқий дидактик ўйинлар болалар учун ҳар доим қизиқарли бўлиб, ўйин болаларда иштирок этиш истагини ўйғотади, болаларда ритм ҳиссини шакллантиради, ҳаракатларни мувофиқлаштиради, ижодий қобилияtlарини ривожлантиради ва уятчан болаларни фаоллаштириш учун яхши воситадир. Бундан ташқари мусиқий дидактик ўйинлар болаларнинг мусиқий сенсор қобилияtlарини ривожлантиради, болаларни қўшиқ айтишга, рақсга тушишга, болалар чолғуларини чалишга бўлган қизиқишлиарини кучайтиради ва уларнинг ижодкорлик қобилияtlарини ривожлантиради.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий қобилияtlарини ривожлантиришга қаратилган мусиқий-дидактик ўйинлар, уларнинг асосий фаолият тури ва мактабгача ёшдаги болани билиш усули сифатида ўйин орқали болаларнинг мусиқий маданиятини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Мусиқий-дидактик ўйинлар орқали мусиқа раҳбари болаларнинг ҳиссий-ривожланиш соҳасини ривожлантириш учун қулай муҳит яратиб, ижодий ҳистийғуларга сабаб бўлади ва болаларни гўзал, маданий қадриятлар асосида тарбиялашга ундейди. Мусиқа раҳбари мусиқий-дидактик ўйинлар ёрдамида болаларга асосий мусиқий тушунчалар ва фаолиятни ўргатадилар. Бундан ташқари, мусиқа ўйинлари ёрдамида мусиқа раҳбари ҳиссий тўсиқларни, коммуникатив қийинчиликларни бартараф этишга, болаларга қўрқув ва ишончсизликдан ўтишга ва мусиқий фаолиятга қўшилишга ёрдам беради.

Мусиқий дидактик ўйинлар болаларнинг бадиий-ижодкорлигини ривожлантиради. Мусиқа раҳбарининг вазифаси болаларнинг қобилияtlарини ривожлантириш, ижодий фаолиятини амалга ошириш, уларнинг мустақиллигини ошириш, билим ва қўниқмаларни қўллашда фаолликни ошириш, идрок қилиш, фикрлаш, мақсадга мувофиқлигини шакллантиришdir.

Мусиқа машғулотлари – ҳар бир боланинг мусиқий қобилиятини мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама таълим – тарбия берувчи машғулотdir. Уларда ҳар хил фаолият турлари: куйлаш, ритмик ҳаракатлар бажариш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи билан танишириш каби фаолиятларни узвий боғлаб олиб борадилар. Мусиқа фаолиятини бажариш болаларни фаолроқ бўлишларига асос бўлади. Ташкил этиладиган байрамлар ҳам қизиқ ва муваффақиятлироқ ўтади.

Мусиқа болага ҳар томонлама ёрдам бериши, теварак-атрофни образли - ҳиссий идрок этиши ва бола характеристининг шаклланишига таъсир кўрсатиши

учун мусиқа тарбиясининг мақсадидан келиб чиқиб қуидаги вазифалар қўйилади:

1. Боланинг мусиқий қобилиятини ривожлантириш.

2. Болаларни ашула айтиш ва мусиқавий-ритмик малакаларга ўргатиш.

Уларда мусиқани қабул қилиш, ҳис этиш ва тушуниш қобилиятларини тарбиялаш.

3. Болада бадиий-ижодий қобилияларни ривожлантириш.

Бу вазифаларнинг ҳаммаси бир бири билан ўзаро мустаҳкам боғланган.

Мусиқий-дидактик ўйинлардан фойдаланиш оддий ва қулай ўйин шаклида болаларга мусиқа, унинг таъсирчан қобилиялари ҳақида фикр бериш имконини беради. Кўргазмали қўлланмалардан фойдаланган ҳолда, болалар мусиқий ва ҳиссий қобилияларини, шунингдек, умумий мусиқий қобилияларини - яхши эшишишни, ритм туйғусини янада фаол ривожлантиради. Болалар ҳар доим мусиқага қизиқиши билдирадилар. Чунки инсон мусиқа билан мулоқот қиласи, мусиқа унинг ҳис-туйғуларини ифодалайди. Боланинг мусиқий қобилияти жуда эрта намоён бўлади. Мусиқий қобилият белгилари:

* боланинг мусиқий таъсирчанлигининг намоён бўлиши;

* боланинг мусиқани идрок қилиши ёки унинг фаол ҳаракатларида намоён бўлган характер ва унинг мусиқага бўлган қизиқиши;

* мусиқий таассуротларга бўлган эҳтиёж;

* мусиқий фаолиятнинг намоён бўлиши: боланинг ҳаётида мусиқий фаолиятнинг мавжудлиги (қўшиқ айтиш, мусиқага мос ҳаракат қилиш, эшишиш орқали болалар мусиқа чолғуларини ижро этиш, тақлид қилиш).

Мусиқа болада мусиқий идрокни ривожлантиради, мусиқа тинглаш, ундан бирор нарсани олиш, бир куйни бошқасидан ажратиш қобилиятини ривожлантиради, хотираси ривожланади, бола мусиқани ёдида сақлайди. Мусиқий асарнинг ёрқинроқ, ҳиссий ва мажозий маъноси, боланинг хотирасига тезроқ ва осонроқ сингади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиклаш тўғрисида”ги ПҚ-802-сон қарори. Т. 2020 й.

2. Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холиқбердиев. Педагогика. Тошкент – “Ўқитувчи” 2001 й.

3. О.П.Радынова, А.И.Катинене, М.Л.Палавандишивили. Музыкальное воспитание дошкольников. Учебное пособие - Москва, 1998 г.

4. Г.М.Алтибаева. Мактабгача таълимда мусиқий тарбияси методикаси. Термиз - 2018 й.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР

Арсланова М.М., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Кейинги йилларда давлат томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда мактабгача таълим ва тарбия тизими тубдан ислоҳ қилиниб, ривожланишнинг янги сифат босқичига кўтарилиб бормоқда.

“Ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўйиш, уларни жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улгайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш” мамлакат тараққиётининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди [1].

Бу каби эзгу мақсадларни изчил амалга ошириш мақсадида 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилганлиги бежиз эмас.

Мактабгача таълим тизимига мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига оид илфор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва маҳаллий, миллий хусусиятларга мос ҳолда жорий этиш бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Мактабгача таълим тизимига инклюзив таълимни жорий этиш ҳам шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида” ги Қонуннинг 20-моддасида “Инклюзив таълим алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган teng имкониятларни таъминлашга қаратилган. Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ташкил этилади” дея белгилаб қўйилиши орқали юртимизда инклюзив таълим ўзининг том маънодаги ҳуқуқий асосига эга бўлди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да “ривожланишида жисмоний ёки руҳий бузилишлари бўлган болалар таълимининг комплекс технологияларини ишлаб чиқиши, инклюзив таълим, энг янги реабилитация ва абилитация усусларини кенг жорий этиш, уларнинг изчил ижтимоийлашувига ва умумий мактабгача таълим умумий тизими интеграциялашувига кўмаклашадиган мослаштирилган дастурлар ва якка тартибдаги таълим йўналишларини ишлаб чиқиши” мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, аҳлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш”нинг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланган [3].

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонунида “инклузив таълим ва тарбия - болаларнинг алоҳида таълим олишга бўлган эҳтиёжларини ҳамда индивидуал имкониятларини хисобга олган ҳолда таълим ва тарбия олиши учун тенг имкониятларни таъминлайдиган жараён” деб таъриф берилади [4].

Мактабгача таълим тизимиға инклузив таълимнинг жорий этилиши жараёнида бу билан боғлиқ масалаларнинг илмий-назарий жиҳатларини ўрганиш, тадқиқ этиш ҳам алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Юртимизда инклузив таълимни жорий этиш борасида қатор халқаро ва миллий тадқиқотлар ўtkазилган, лойиҳалар амалга оширилган. Лекин халқаро тан олинган ушбу таълим шаклиниң юртимизнинг, халқимизнинг ўзига хос хусусиятларига мос жорий этиш бўйича барча жиҳатлари ҳали тўлалигича ўрганилган эмас.

Инклузив таълимни самарали жорий этишнинг муҳим шартларидан бири бу жамоатчилик фикрини тўғри шакллантиришдан иборатdir.

Ўзига хос ривожланиш хусусиятларига қарамасдан, жамиятни болаларнинг тенг ҳуқуқлилик мақомини қабул қилишга тайёрлаш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали инклузив таълимнинг мақсад, вазифалари ва йўналишларидан кенгроқ хабардор қилиб бориш инклузив таълимни жорий этиш ва ривожлантириш методологиясининг асосий йўналишларидан бири сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилганлиги ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон шароитида мактабгача таълим тизимиға инклузив таълимни жорий этишда жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш масаласи қуйидагилар билан узвий боғлиқdir:

- Ўзбекистонда инклузив таълим янги жорий этилмоқда, жамоатчиликнинг асосий қисмида унинг маъно-моҳияти, мақсад-вазифалари ва аҳамияти тўғрисида етарли тасавурлар мавжуд эмас;

- аҳоли онгига имконияти чекланган болалар тўғрисида узоқ йиллар давомида сақланиб қолган стереотиплар мавжуд (ногиронлиги бўлган болалар соғлом ривожланишдаги болалардан алоҳида ўқийди, улар соғлом болалар билан биргаликда ўқий олмайди ва бошқалар);

- инклузив таълимни жорий этиш жараёнида аҳоли билан олиб бориладиган тушунтириш, тарғибот ва ўқув ишларининг қулай ва самарали дастурлари бугунги кун эҳтиёжи учун етарли эмас;

- бевосита инклузив таълим жорий этилган гуруҳларда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ва соғлом болалар ўртасидаги инсонпарвар ва дўстона муҳитни шакллантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари етарли тадқиқ қилинмаган;

- мактабгача таълим ташкилотларида ота-оналарда инклузив таълимни жорий этиш жараённида кенг жамоатчилик ва ота-оналар билан ишлашнинг стратегиясини бугунги кун нуқтаи-назаридан такомиллаштириш эхтиёжи мавжуд.

Бу каби омилларни ҳисобга олмасдан туриб, мактабгача таълим ташкилотларида инклузив таълимни жорий этишда бир қатор муаммолар келиб чиқишини таҳмин қилиш қийин эмас.

Бу муаммолар нималардан иборат бўлиши мумкин? Умумлашган ҳолда буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- мазкур гурӯҳларда болалар ўртасидаги соғлом ижтимоий-психологик мухитга зарар етиши ва таълим-тарбия сифатининг пасайиши;

- мактабгача таълим ташкилоти имиджи тўғрисидаги ота-оналар фикрига салбий таъсир кўрсатиши;

- инклузив таълим тўғрисида нотўғри тасаввурларни келтириб чиқариши ва уни жорий этиш жараёнининг умумий самарадорлигига таъсир қилиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мактабгача таълим ташкилотларида инклузив таълимни жорий этишда жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш юзасидан қуйидаги тавсияларни беришни лозим деб биламиш:

- мактабгача таълим ташкилотларининг ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш, имконияти чекланган болаларнинг ота-оналари ва яқинлари билан аввалдан тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш;

- инклузив таълим жорий этилиши режалаштирилаётган гурӯҳларда тарбияланаётган болаларнинг ота-оналари учун аввалдан мутахассислар иштирокида давра сұхбатлари, учрашувлар ўтказиб бориш;

- ташкилотларнинг ижтимоий тармоқлардаги сайлари ва гурӯҳларида ота-оналар учун инклузив таълим ҳақидаги оммабоп маълумотларни жойлаштириб бориш;

- имконияти чекланган болалар ота-оналари учун “Фарзандингизни биласизми?”, “Фарзандингизни англанг!”, “Фарзандингизнинг яширин имкониятлари” каби мавзуларда мутахассислар иштирокида тренинглар ўтказиш;

- ҳар бир мактабгача таълим ташкилотининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, инклузив таълимни жорий этиш ва жамоатчилик билан алоқалар стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- инклузив таълим жорий этилган ташкилотлар илғор тажрибасини мунтазам оммалаштириб бориш;

- ҳар бир инклузив таълим жорий этилган ташкилотларни маълум йўналишлар, хусусан, жамоатчилик билан алоқалар бўйича таянч ташкилотлар этиб белгилаш ва тажриба-синов ишларини амалга ошириб бориш.

Юқоридагилардан маълум бўладики, мактабгача таълим ташкилотларида инклузив таълимни жорий этиш биргина педагогик жамоанинг ташкилот ичидаги саъй-ҳаракатлари билан амалга ошмайди. Бу жараёнда жамоатчилик, энг аввало, ота-оналар фикрини тўғри ва инклузив таълим мақсадларига мос шакллантириш ва такомиллаштириб бориш ҳал қилувчи роллардан бирини ўйнаши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. 2019 йил 8 май, ПҚ-4312-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 16 декабрь, ЎРҚ-595-сон.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бердалиева Г.А., XTXKTMOҲM н.ф.ф.д (PhD), доценти

Аннотация. Мақолада мактабгача таълимда масофавий ўқитиши технологияларини кенг қўллаш, боланинг жисмоний ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оптимал ўқитиши учун имконият яратиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Аннотаци. В статье даны практические рекомендации по широкому использованию технологий дистанционного обучения в дошкольном образовании, создающих возможности для оптимального обучения с учетом физических и психологических особенностей ребенка.

Annotation. The article provides practical recommendations on the wide use of distance learning technologies in preschool education, creating opportunities for optimal learning, taking into account the physical and psychological characteristics of the child.

Замонавий дунёда алоқа ва ахборот технологиялари жадал суръатларда ривожланмоқда. Замонавий болалар ва ота-оналарни ўқитиши ва компьютер

технологиялари билан чамбарчас боғлиқдир. Эпидемиологик вазият шароитида кўп нарса ўзгарди. Ўзгаришлар жамиятнинг барча соҳаларига, айниқса таълим соҳасига ўз таъсирини кўрсатди. Мамлакатимиз таълим тизими ўзаро муносабатларнинг янги кўринишига ўтди.

Шундай экстремал вазиятларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача таълимда ҳам масофавий ўқитиш технологиялари кенг қўлланила бошланди, бу эса боланинг жисмоний ва психолигик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оптимал ўқитиш режими учун имконият яратади. Ота-оналарнинг ўзлари болага ўқиши учун қулай вақтни белгилайдилар, соҳа педагоглари эса тарбиянувчилар учун ривожланишининг энг самарали кўринишларни ишлаб чиқиши, болага индивидуал ёндашиш усуллари асосида инновацион ёндашувни амалга ошироқдалар. Бугунги кун боласининг имкониятлар кенг, у дунёнинг исталган нуқтасида бемалол таълим олиши мумкин. Масофавий таълимнинг асосий шарти бўлган компьютернинг мавжудлиги бундай янгича ёндашувни амалга оширишда асосий восита бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3955-сон Қарорида болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик ва жисмоний ривожлантирувчи замонавий таълим дастурлари ва технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий этиши, уларнинг мактабга тайёргарлик даражасини тубдан ошириш мақсадида Ахборот ва педагогик технологиялари инновацион маркази ташкил этиши, мактабгача таълим тизимига электрон мультимедия иловаларини ишлаб чиқиши ва хорижий контентни мослаштириш имконини бериш таъкидланган.

Бугунги кунда масофавий таълим технологияларини тадқиқ этиши соҳасида атамашуносликнинг бир хиллиги йўқ, илмий адабиётларда масофавий ўқитиш, масофавий таълим, масофавий таълим технологиялари, ахборот технологиялари, ахборот-коммуникация технологиялари каби тушунчалар масофавий ўқитиш хусусиятларини тавсифлаш учун ишлатилади.

ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган таърифга кўра, АКТ - бу ахборотни қайта ишлаш ва сақлаш билан шуғулланадиган одамлар меҳнатини самарали ташкил этиши усулларини ўрганадиган ўзаро боғлиқ илмий, технологик, мухандислик фанлари мажмуаси; компьютер технологиялари; ишлаб чиқариш ва таълимдаги инновацион технологиялар, уларнинг амалий қўлланилишидир.

Рус психолог олими Л.А.Венгер мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига доир тадқиқотларида боланинг когнитив ва интеллектуал ривожланиши учун ахборот технологиялардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлаган. Ушбу ҳақиқатни психолог-тадқиқотчилар Ю.М.Горвиц, Т.Д.

Марцинковская, С.Л.Новосоловалар ўз тадқиқотларида мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашда компьютер ўйин дастурларининг самарадорлиги, уларнинг тузилиши интеллектуал ўйин фаолияти билан ўзаро боғлиқлигини тасдиқладилар.

Хорижий олимлар С.Пейперт, Б.Хантер ўз тадқиқотларида болаларнинг интеллектуал ривожланиши учун ахборот технологиялардан фойдаланиш зарурлигини исботлайдилар; компьютер ўйинлари дастурлари бола хотирасини ривожлантириш, фазовий ва визуал шаклда фикрлашдан фойдаланиш самарадорлигининг ортишига хизмат қилишини эътибор берадилар.

Мактабгача таълим жамиятнинг замонавий талабларига жавоб бериши керак, шунинг учун мактабгача таълим ташкилотларида янги давлат стандартларида биноан масофавий таълим доирасида барча иштирокчиларнинг ўзаро алоқаларини таъминлаши керак бўлган ахборот ва таълим муҳити ҳамда болалар, уларнинг ота-оналари (қонуний вакиллари), педагог ходимлар, таълим соҳасидаги бошқарув органлари, жамоатчилик шакллантирилиши жоиздир.

Масофавий таълим технологиялари деганда асосан таълим олувчилар ва педагоглар ўртасида билвосита (масофада) ўзаро алоқада бўлган ахборот ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган таълим технологиялари тушунилади. Пандемия давридаги фавқулодда ҳолат сабаб тарбиячилар болалар ва ота-оналар билан ишлашининг асосий шакллари ўзгарди. Болаларни масофадан ўқитиш - масофадан туриб тарбиячининг болалар ва ота-оналар билан интернет технологиялари орқали таълим бериш имкониятидан унумли фойдаланишdir.

Масофавий таълимнинг моҳияти шундаки, ўкув материаллари (видео дарслар, интерактив ўйинлар ва бошқалар) болалар ва ота-оналарга тушунарли шаклда тақдим этилади, болалар таълим ташкилотларидан ташқари ўзларига тавсия этилган вазифаларни ўрганиб, оила аъзолари билан бирга бажаришлари мумкин бўлади. Асосий мақсад болага уйда ҳам таълим олиш имкониятини беришdir. Масофавий таълим технологияси таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига зид келмайди ва тарбиячиларнинг маълум бир сабабларга кўра ташкилотга келмаган тарбияланувчилар билан ишлашлари учун қулай имкониятдир. Бугунги кунда масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим дастурларини сифатли ўзлаштиришда ота-оналарга керакли маълумотларни, болаларга зарур билимларни мунтазам тақдим етиб бориш мақсадга мувофиқ.

Масофавий таълимни йўлга қўйишида қўйидагиларга эътибор қаратилиши зарур:

- ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш
- ижтимоийлашув ва "жонли" муроқотни амалга ошириш
- масофавий таълим ўқув жараёнига ота-оналарнинг жалб қилинганини даражаси

- мактабгача ёшдаги болаларнинг соғлиги (жисмоний, руҳий)
- масофадан ўқитиш самарадорлиги мониторинги
- мактабгача таълим учун таълим ресурсларининг мавжудлиги
- тарбиячиларнинг малакасини ошириш ва бошқалар

Педагогнинг вазифалари:

- масофавий технологияларни жорий этиш орқали мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини ошириш;
- ота-оналар ва болаларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш;
- мактабгача ёшдаги болаларга таълим дастурларини бевосита уйда ўзлаштириш имкониятини бериш;
- ота-оналарнинг фарзандлари билан ишлаш масъулияти даражасини ошириш;

Ушбу мақсадларга эришиш учун тадбирларнинг мазмуни ҳар кунги тақвим-мавзуйи иш режаси ва барча таълим йўналишлари дастурига мувофиқ ишлаб чиқилиши зарур:

- билиш жараёнларини ривожлантириш даврида болаларнинг ҳар томонлама ривожланишига қаратилган бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари
- Zoom, Skayre, Google Meet платформаларидан фойдаланган ҳолда маҳорат машғулотларини ўтказиш;
- тарбияланувчиларни мактабга тайёрлаш ишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- презентациялар, ота-оналар учун кўрсатмалар, мавзулар бўйича расмлар;
- интерактив ўйинлар ва ўқув мультфильмлари.

Масофавий таълим технологиялари ушбу даврда мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашнинг янги воситаси бўлди. Бундай таълим ресурслари ижтимоий тармоқларда фақат маслаҳат тарзида тақдим этилган кўринишида эди (айрим мактабгача таълим ташкилотлари веб-сайтларида), давр талаби асосида педагогик жараён функциясида ўзгаришлар юз берди.

Масофавий таълим технологияларини мактабгача таълим амалиётига татбиқ этиш тарбиячиларнинг медиасаводхонлиги юқори даражада бўлишини тақозо этади. Замонавий тарбиячи қўплаб кўнкималарга эга бўлиш муҳим: презентациялар, видеомашғулотлар яратиш, мавжуд ўқув материалларини, болалар учун аудио материалларни танлаш, турли хил фото ва видео

муҳаррирлар билан ишлаш. . Бунда педагогнинг ўз устида ишлаши муҳим рол ўйнайди.

Болалар билан онлайн машғулотларга қўйиладиган талаблар:

- машғулотлар учун зарур материаллар
- компьютер олдида иш жойини қандай ташкил этиш бўйича тавсиялар
- янги машғулот бўйича ахборот хатлари
- видео материаллар ҳақида қисқача маълумот
- навигациялар қўрсатмаси
- ўзаро таъсири қоидалари
- онлайн гуруҳ иштирокчилари сони
- қатнашчилар билан алоқа
- муваффақиятли вазият яратиш
- онлайн машғулотнинг тузилиши

Масофавий таълимни самарали, тизимли йўлга қўйиш учун тарбиячилар ўзларининг канал ёки гуруҳларини ташкил этишлари зарур. Педагогга веб-сайт, канал, сарлавча нима учун керак? Бу

- биринчи навбатда, ўзларининг иш тажрибаларини оммалаштириш учун платформа;
- бу сизнинг ютуқларингиз тақдимоти;
- бу ота-оналарни жалб қилиш ва фикрдошларни топиш, тажриба алмашиш учун имконият.

Ота-оналар билан масофадан алоқа ва маълумот алмашиш ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилади. Ота-оналар болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича зарур маслаҳат ва тавсиялар олишлари мумкин, бунинг бола тарбиясидаги аҳамияти эса беқиёсdir.

Технологияларни қўллаган ҳолда масофадан ўқитиш тарбиячиларга замонавий воситалар: тематик сайтлар, ўқув сайтларидағи муаллифлик рукнлари ва бошқалар ёрдамида билим даражасини оширишга имкон беради.

Интернетда педагог турли йўналишдаги манбаларни танлаши мумкин:

- 1) методик ишланмалар ва дидактик материаллар
- 2) гурухларнинг қисқача мазмуни
- 3) тақдимотлар ва видеофильмлар, ребуслар.
- 4) ҳар хил фаолият турлари бўйича ўқув материаллари
- 5) мактабгача таълимда ўқув фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳамкасларнинг касбий амалиётлари
- 6) Мактабгача ёшдаги болалар учун ўқув интернет-ресурслари

Шундай қилиб, масофавий таълим технологиялари нафақат таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига мослиги, балки тарбияланувчиларнинг оиласлари билан ўзаро муносабатлар жараёнида мақбул

ва долзарлиги билан аҳамиятга моликдир. Масофавий таълим анъанавий мактабгача таълим фаолиятини тўлдириши, болаларнинг ҳар томонлама шаклланишида ижобий аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бола уйғун ривожланиши керак, бунда ҳар қандай самарали усулни қўллаш ўринли.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Партретова В. Г. Консультация для педагогов: Организация дистанционного обучения дошкольников, 2020.
2. Авраамов Ю. С. Практика формирования информационно-образовательной среды на основе дистанционных технологий //Телекоммуникация и информатизация образования.-2004.
3. Буймешт, И. А. Использование дистанционных технологий в детском саду: взгляд воспитателя // Образование и воспитание. — 2020. — № 4 (30). — С. 7-10. — УРЛ:

МТТ ПЕДАГОГЛАРИ МАЛКАСИНИ ОШИРИШНИНГ АНДРАГОГИК АСОСЛАРИ

Валиева Ф.Р., МТТДМҚТМОИ в.б. доценти

Аннотация. Ушбу мақолада андрагогика ва андрагогик таълимнинг ижтиомий-психологик ва педагогик хусусиятлари шунингдек, масофадан ўқитишинг психологик-андрагогик хоссаларини аниқлаштириш, масофавий таълимда ўқув-билиш фаолиятини бошқариш каби йўналишлари ёритилган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб таълим тизими кадрлари салоҳиятини тубдан яхшилаш, малака ошириш тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришда профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналаридан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Изчил ислоҳотлар натижасида мактабгача таълим ташкилоти ходимлари малакасини ошириш тизимида мустақил ва узлуксиз малака ошириш таълим парадигмасининг ўрни мустаҳкамланиб, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали масофадан ўқитиши бўйича илғор тажрибаларга асосланган мактабгача таълим тизими ходимлари малакасини масофадан ошириш ўқув муҳити жорий этилди. Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда бугунги кунда мактабгача таълим тизими ходимлари ўқув муҳитидан фойдаланиш қўламини кенгайтириш зарурати мавжуд.

Жаҳон амалиётида масофадан малака оширишни жорий этиш босқичига доир синхронли моделларни ишлаб чиқиш, масофадан ўқитишинг психологик-андрагогик хоссаларини аниқлаштириш, масофавий таълимда ўқув-билиш фаолиятини бошқариш каби йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда

“Катта ёшдагилар таълими” тушунчаси расмий ёки бошқача шаклдаги таълимнинг олға интилувчан жараёнлари бутун мажмуини ўз ичига олиб, унинг ёрдамида ўзлари тегишли бўлган жамият нуқтаи назарида катта ёшдагилар қаторига тан олинган одамлар ўзларининг қобилиятларини ривожлантирадилар, ўз билимларини бойитадилар ҳамда техник ва касбий малакаларини такомиллаштирадилар ёки улардан ўз эҳтиёжларини ва ўз жамиятининг эҳтиёжларини қондириш учун янги йўналишда фойдаланадилар.

Катта ёшдагилар таълими ҳам расмий таълимни, ҳам узлуксиз илм олишни, норасмий ўқитишни ҳамда норасмий ва қўшимча таълимнинг бутун доирасини қамраб олади. Жаҳон амалиётида таълим соҳасида уч турдаги фаолият ажратиб кўрсатилади:

- умумэътироф этилган диплом ёки аттестат берилиши билан якунланадиган расмий таълим;

- одатда хужжат берилиши билан бирга кечмайдиган, таълим муассасалари ёки жамоатчилик ташкилотларида, клублар ва тўгаракларда, шунингдек репетитор ёки мураббий (тренер) билан якка машғулотлар вақтида олиб бориладиган норасмий таълим;

- кундалик ҳаётимизда бирга кечадиган ва аниқ мақсадга қаратилган хусусиятга эгалиги мажбурий бўлмаган якка билим орттиришдан иборат ахборот олиш учун хизмат қиласидиган (информал) таълим.

Бутун умр мобайнида таълим олиш – бу ҳам касбий, ҳам шахсий сабаблар билан рағбатлантириладиган янги билимларнинг доимий, ихтиёрий изланишлари концепциясидан иборат. Бутун умр мобайнида таълим олиш касбий ривожланишга ва инсоннинг меҳнат бозорида рақобатбардошли бўлишига ёрдам беради ва айни пайтда, шахсий ривожланишнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Хусусан, ушбу концепциянинг мамлакат кўламида қабул қилиниши инсон ва интеллектуал капиталнинг шаклланишига ва унинг сифатига самарали таъсир кўрсатади, бу орқали иқтисодиётнинг ривожланишига кўмаклашади. Бутун умр мобайнида таълим олиш концепцияси одамларнинг ёшидан ва фаолият соҳасидан қатъий назар қамраб олинишини, айни пайтда уларга мутлақ ҳар қандай ўкув эҳтиёжлари ва танловларини (ўзлари афзал билган ўкув йўналишларини) реализация қилиш ва ривожлантириш учун имкониятлар тақдим этилишини назарда тутади.

Таълим дастурларини тузиш борасидаги анъанавий тажриба катта ёшдагиларни ўқитишда унча наф бермайди, чунки бу соҳада бошқа – модулли тажриба кенг тарқалган.

Модуль – бу ўзлаштирилиши керак бўлган қобилият, билим ва компетенцияларни бир бутун тўпламидир. Улар талаб шаклида баён этилади ва тингловчи ўқиши тутатгач шу талабларга жавоб бериши лозим. Модулли

ёндашишнинг асосий тушунчаси бу компетенция тушунчаси бўлиб, у меҳнатга доир таниш ва нотаниш вазиятларда билим, қобилият, компетенция ва тажрибани қўллаш лаёқати деб таърифланади. Демак, компетенциянинг энг муҳим жиҳати бу бирон таниш ёки янги нотаниш фаолиятни билим, қобилият, тажриба, муносабат ва ҳоказоларнинг органик бирлиги асосида амалга ошириш лаёқатидир. Компетенциянинг учта асосий тури ажратилади:

1. Профессионал фаолият соҳасига тааллуқли бўлган профессионал компетенциялар;

2. Муфассал “мобил” компетенциялар, улар турли касб ва фаолият доирасида самарали меҳнат қилиш учун зарур бўлган ижтимоий, коммуникатив, методик ва бошқа компетенциялар сирасига киради;

3. Янги таянч (асосий) компетенциялар, улар анъанавий ҳал қилувчи компетенциялар қаторини тўлдиради. Бунда:

- янги билимлар олиш ва бор билимларни янги талабларга мослаштириш;
- профессионал ва касбий ўсиш билан боғлиқ доимо ўзгариб турадиган вазиятга мослашиш ва ҳаёти давомида билим олиш орқали ўзининг меҳнат ва иқтисодий ҳаракатчанлигини ошириш учун зарур. Янги таянч қобилияtlар фуқаролар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда самарали иштирок этиши учун зарур. Улар инсон ҳаётининг илк босқичларида шакллана бошлайди ва мазмун жиҳатдан аста-секин бойиб боради, чуқурлашади ёки кенгаяди. Таянч компетенциялар бир неча асосий категорияларни ўз ичига олади: - чет тилларда эркин сўзлашиш ва АКТ (ахборот-коммуникация технологиялари) соҳасидаги билимлар билан тўлдирилган анъанавий таянч қобилияtlар;

Катта ёшдаги инсонга илм беришни маҳсус тайёргарликка эга мутахассис самарали амалга оширади. Катта ёшдагилар таълими соҳасида фаолият юритувчи мутахассис андрагог деб аталади.

Андрагог дунёқараши қуидагилардан иборат, яъни ҳар бир одам: - ўз қадриятларига эга (унинг кучли томонларига дикқат-эътибор бериш, яширин ресурсларини топиш); - ўз асосида фаол (фаоллик – жисмоний, руҳий ёки ижтимоий – ижобийдир); - ўзи учун жавоб беришни истайди (андрагог ўқув жараёнини осонлаштирувчи тузилиш ва мазмун учун, ўқувчи эса – тиришқоқлик, ўқув жараёнининг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳурмат-эътиборлилик учун жавоб беради; - ривожланиши мумкин (умидсиз ўқувчи йўқ, рағбатлантирилмаган ва ривожланиш мақсадини қўймаган андрагоглар мавжуд).

Андрагог фаол тинглаш, қўриш алокаси, ўқувчини қўллаб-қувватлаш маҳорати, у билан ҳамжиҳатликка эришиш, ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнларини рағбатлантириш каби усулларни ўз ичига олган толерант муомала техникасига эга. Шуларни эътиборга олиб, Катта

ёшдагилар таълим марказлари ўқитувчилариға қўйиладиган асосий талабларни қўйидаги тарзда шакллантириш мумкин: - муайян ихтисосликлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур тааллуқли малака ва тажрибага эгалиги; - андрагог таълим принципларини билиши; - ахборотлар дунёсида ўз йўналишини топа билиши; - бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларга киришиш имконини берувчи коммуникатив маданият малакаларига эга бўлиши; - таълим жараёнини самарали қилувчи ахборот ўқув технологияларини билиши.

Инсон ҳаёти, турмуш тарзи, режаларининг салмоғи ва хилма-хиллиги бевосита унинг эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади ҳамда улар кишилик жамиятининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим тури олдидағи муҳим вазифалардан бири Давлат талабларига мос ўқув режа ва дастурларини таълим эҳтиёжлари асосида шакллантириш ҳисобланади.

ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Гаффаров Л.Х., ПИКҲТБҲПКҶМОИ таянч докторант

Аннотация. Ушбу мақолада профессионал таълим муассасаларида табақалаштирилган таълим дастурларини жорий этиш имкониятлари, асосий вазифалар ва эришиладиган ижобий натижалар кетма-кетлиги, табақалаштирилган таълим дастурлари бўйича ўқувчиларни ўқитишида асосий талабларини ҳамда таълим дастуриларини жорий этиш орқали юзага келадиган муаммолар ва уларнинг ечимлари кўрилган. Табақалаштирилган таълим дастурларининг қўлланиш ютуқлари, мутахассис тайёрлашга олиб борадиган оптималь йўллар ва энг муҳими ушбу жараёнга педагогларни тайёрлаш омиллари борасида фикр юритилган.

Калит сўзлар: профессионал таълим, табақалаштирилган таълим дастурлари, кўнікма, малака, комплекс таълим стандарти, тенденция, таълим модели, меҳнат бозори.

Аннотация. В статье рассматриваются возможности реализации дифференцированных образовательных программ в учреждениях профессионального образования, основные задачи и последовательность достижения положительных результатов, основные требования к обучению студентов по дифференцированным образовательным программам и проблемы, возникающие при внедрении образовательных программ и их реализации. решения. Обсуждались успешность применения дифференцированных образовательных программ, оптимальные пути

подготовки специалистов и, самое главное, факторы подготовки учителей к этому процессу.

Ключевые слова: профессиональное образование, дифференцированные образовательные программы, навыки, квалификации, комплексный образовательный стандарт, направление, образовательная модель, рынок труда.

Annotation. This article discusses the possibilities of implementing differentiated educational programs in vocational education institutions, the main tasks and the sequence of positive results to be achieved, the basic requirements for teaching students in differentiated educational programs and the problems encountered through the introduction of educational programs and their solutions. The achievements of the application of differentiated educational programs, the optimal ways to lead to the training of specialists and, most importantly, the factors of training teachers for this process were discussed.

Keywords: vocational education, differentiated educational programs, skills, qualifications, complex educational standard, trend, educational model, labor market.

Инновацион таълим амалиётида табақалаштирилган ёндашувни юзага чиқариш тажрибавий педагогик тадқиқотнинг методологияси ҳақидаги масалани қўйилишини кўзда тутади. Равшанки, таъкидловчи тажрибалар типига киритилиши мумкин бўлган сунъий ҳолда тузилган тажрибавий вазиятлар ва табиий тажриба методологияси тўла равишда мос келавермайди. Энг яхши вазиятда улар ишларнинг мавжуд ҳолатини қайд этишга имкон беради, лекин амалиётга улар жиддий таъсир кўрсата олмайди.

XX асрнинг 60-80-йилларида юзага келган шакллантирувчи тажриба модели психологик янги ҳосилаларнинг мақсадга йўналтирилган ҳолда шакллантирилиши жараёнларининг ўрганилишига йўналтирилган эди. Шунга кўра, мазкур ёндашувнинг умумий ғояси шундан иборат эдики, бунда агар маълум бир шарт-шароитларда қандайдир психик хосса ёки жараённи шакллантиришга муваффақ бўлинса, у ҳолда шакллантириш боришининг ўзи тўла мос равишда мақсадга йўналтирилган ҳолда аралашувга нисбатсиз равишда маҳорат ва қобилиятнинг табиий, меъёрий ривожланишини тузилмасини ҳамда боришини акс эттиради.

Инновацион амалиётни тузиш шакллантирувчи тажрибанинг алоҳида ўзига ҳос типини ташкил этишни талаб қиласди. Шунга кўра, В.В.Давидовнинг илмий мактабида бу генетик-моделлаштирувчи тажриба деб ном олди. Унинг аҳамиятли хусусиятлари бўлиб болалар психик ривожланиши қонуниятларининг назарий таҳлили асосида гипотетик моделни тузиш ҳамда ишлаб чиқилган моделнинг юзага чиқарилиши ҳисобланади.

Тажриба давомида ўқув-тарбиявий жараённинг янги шаклларини излаб топиш ва тузиб чиқиш амалга оширилади, таълим субъектлари ҳамкорлигининг маҳсулдор шаклларини ўзига хос тарзда “етиштириш” амалга оширилади ва бир вақтнинг ўзида маълум бир ёш босқичида болаларни ривожлантиришнинг истиқболли йўлларини ўрганиш рўй беради. Мана шундай тажрибавий ёндашувнинг асосий хусусиятлари бўлиб қуидагилар саналади:

- 1) асосида тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг гипотетик модели тузиладиган мажмуавийлик;
- 2) тадқиқ қилиш чора-тадбирларидан ташқари тузиш ва лойиҳалаш элементларининг киритилиши;
- 3) тажрибавий ишнинг самарадорлиги назарий моделнинг реалистиклиги ва амалга оширлувчанлиги, шунингдек, уни амалга оширишнинг оқибатлари башорат қилинувчанлиги нуқтаи-назаридан баҳоланади;
- 4) тажрибавий ишлар давомида бир қатор фаолиятли позицияларнинг биргаликда ташкил этилиши.

Бироқ, инновацион таълимни тузишда тажрибалар мазкур типининг имкониятлари чекланиб қолади. Таълим ташкилотларининг инновацион режимга ўтиши назарий билимларнинг алоҳида типи шакллантирилиши билан боғлиқ. Объектли билимлар билан бир қаторда эндиликда лойиҳавий-дастурний ва муҳандислик-конструкторлик билимлари ҳам зарур бўлиб қолиб, булар таълимни янада адекватроқ равишда ривожлантиради.

Шунга кўра, XX-XXI асрлар чегарасида таълим ҳақидаги фан тизимида мажмуавий лойиҳавий-қайта ўзгартирувчи тажрибавий ишланмалар маданияти шаклланган бўлиб, уларнинг назарий-методологик асосларини А.И. Адамский, В.А. Болотов, В.В. Давидов, Ю.В. Громико, В.В. Рубцов, В.И. Слободчиков, Г.П. Шчедровицкий ва бошқаларнинг илмий ишлари ташкил этади [4], Бизнинг тадқиқотимизни ташкил этиш учун аҳамиятли бўлиб умуман гуманитар фанларда ва хусусан, педагогик фанларда тадқиқ қилиш ва билиш тушунчаларининг методологик фарқланиши ҳисобланди. Шунга кўра, Г.П.Шчедровицкий “тадқиқотнинг мумтоз типи билан бир қаторда ижтимоий билишнинг бошқа усусларини, назарий фаолиятнинг бошқа типларини ҳам - лойиҳалаштириш, тузиш, дастурлаштириш, режалаштириш кабиларни ҳам муҳокама қилиш зарурдир. Барча бу фаолият типлари бор нарсани билишга эмас, балки янги маҳсулотларни яратиш ва ҳатто янги прецедентларни шакллантиришга йўналтирилади.

Янги нарсани яратиш жараёнида мавжуд бўлмаган, лекин пайдо бўлиши мумкин бўлган нарсани билиб олиш рўй беарди. Билишга доир фаолиятнинг бу усуслари востасида келажакни яратиш, ижод рўй беради” [2].

Диссертацион тадқиқотнинг амалий қисми асосига биз маданий-таълим лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва инновацион дастурларни амалга оширишни кўйдик. Бу қўйидагилар билан шартланди:

1. Биринчидан, ҳам маданий-таълим лойиҳасини, ҳам инновацион майдончани ишлаб чиқишида касбий педагогик фаолият унинг муаммоли жиҳатидан яхлит қилиб олиб қаралади. Томонлардан бири ёки алоҳида функциялар танлаб олинадиган тажрибаларнинг мумтоз типидан фарқ қилган ҳолда бу ерда яхлит фрагмент ва касбий фаолиятнинг яхлит муҳокамаси мавжуддир.

2. Иккинчи муҳим лаҳза бўлиб жараёнлар боришининг назорат қилинадиган режимлари мавжудлиги, айнан олганда эса – методик бирлашмаларнинг шакллантирилиши, муаммони ажратиб кўрсатиш билан вазиятни таҳлил қилишнинг ўтказилиши, лойиҳавий ғояни ишлаб чиқиш, юзага келаётган вазиятларнинг ҳамда болалар ва катталар фаолиятининг рефлексив таҳлили, таълим жараёнидаги барча субъектлар билан биргаликда ташкил этиш қабиларнинг мавжудлиги.

Конкрет лойиҳанинг тўлдирилиши ҳар доим ноёб бўлади, бироқ бунда лойиҳавий фаолият давомида амалга ошириладиган ишларнинг тузилмаси ва турлари – концептуаллаштириш, дастурлаштириш, режалаштириш, амалий рўёбга чиқариш, натижаларнинг рефлексив таҳлили – ҳар доим ўзгармас таркибий қисмлар бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони.

3. Ушинский, К.Д. Три элемента школы . Педагогические сочинения в 6 т. - М., 1988. - Т.6. - с. 34-67.

4. Гаффаров Х., Гаффаров Л., Равшанов Б. Табақалаштирилган таълим тизимида – олий таълим // Polish science journal (ISSUE 2(35), 2021) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2021. Part 2 – 68 р. (Бухара, Ўзбекистон)

МТТ ВА ОИЛАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ

Дадабоева Д., 2-сонли МТТ таёрлов гурух тарбиячиси

Аннотация: Мактабгача ёшдаги болаларнинг юқори сифатли таълим олишига, ота-оналарнинг эҳтиёжлари ва болаларнинг манфаатларини тўлиқ қондиришга, бола учун ягона таълим маконини яратишга фақат илк болаликдан МТТ ва оила ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини ишлаб чиқсан ҳолдагина эришиш мумкин.

Аннотация: Качественное образование дошкольников, полное удовлетворение потребностей и интересов детей, создание единого образовательного пространства для ребенка может быть достигнуто только путем разработки новой системы взаимодействия ДОУ и семьи с раннего детства.

Annotation: High-quality education of preschoolers, full satisfaction of the needs and interests of children, the creation of a single educational space for a child can only be achieved by developing a new system of interaction between Preschool educational institutions and the family from early childhood.

Таянч иборалар. Сенсор кўникмалар, ҳиссий бардамлик, фаолият йўналишлари, ҳиссиёт олами.

Хозирги кунда бола ривожланишининг дастлабки босқичларида оиланинг тутган ўрни бекиёсdir. Барчага маълумки болалар оилада тарбияланади ва унда юз берадиган воқеалар уларга жуда катта таъсир кўрсатади. Кичик ёшдаги болалар оиласга жуда боғланиб қолган бўлади, чунки оила:

- Уларнинг жисмоний жиҳатдан баркамол бўлишини, овқат, кийим-кечак, уй-жой билан таъминлайди, соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қиласди;

- Уларнинг ҳиссий бардамлигини, жумладан, меҳр кўрсатади, қўллаб кувватлайди, ниманинг яхшилиги, ниманинг ёмонлигини доимо эслатиб туради.

- Уларнинг ривожланиши шарт-шароитларини таъминлайди.

МТТ (Мактабгача таълим ташкилоти) ҳам, оила ҳам, маҳалла ҳам ижтимоий тажрибани болага ўзига хос тарзда етказади. Фақат улар бир-бири билан уйғун ҳолда кичкина инсоннинг катта дунёга киришлари учун энг яхши шароитларни яратадилар. Педагоглар боланинг дастлабки табиячиси сифатида оиланинг етакчи ролини тан олишлари муҳим аҳамият касб этади. Қисқа муддатли гурухга келгунга қадар оила болага маданиятни, муҳим ва энг зарур кўникмаларни сингдиришга улгуради. Болани мактабга тайёрлаш бола ва оила ўртасида шаклланган ана шу дастлабки муносабатларга таянган ҳолда ота-оналарга қисқа муддатли гурухлар фаолиятининг барча жабҳаларида иштирок

этишга имкон беради. Оилаларни жалб этиш мактабга тайёрлаш бўйича қисқа муддатли гуруҳларда болаларнинг билим олиш фаолиятини бойитишида, бола қизиқишилари ва уйдаги таълим-тарбия натижаларидан фойдаланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Болаларнинг муваффақиятли ривожланиши ва билим олишида икки таълим муҳити – уй ва қисқа муддатли гуруҳларнинг бир-бири билан баҳамжиҳатлиги ғоят муҳимдир. Оилаларда болаларни мактабга тайёрлаш ишлари турлича олиб борилади. Баъзи оилаларда болалар билан кўп шуғулланилса ҳам, бу асосан ўқув машғулотлариридир – ҳусниҳат ёзуви, алифбе ўргатиш, турли адабиётлар ўқиб бериш бўлиб, мактабгача ёшдаги болалар учун айниқса муҳим бўлган сюжетли ўйинлар, ҳаракат фаоллиги, тасвирий фаолиятга оид ишлар билан шуғулланмайдилар. Бошқа оилаларда болани ўйинчоқлар ва телевизор билан яkkама-якка қолдириб, бу унга ёқади ва ривожланиши учун етарли билим беради деб ҳисоблашади. Натижада айрим ҳолларда қисқа муддатли гуруҳларга ривожланишида муайян муаммолари, мустақил фаолиятни етарли даражада амалга ошира олмайдиган, мақсадга эришиш учун иродаси бўш, ўзаро ҳурмат, умумқабул қилинган меъёр ва қоидалар асосида бошқалар билан биргаликдаги фаолиятни ташкил эта олмайдиган болалар қабул қилинади.

Бундан ташқари, айрим болаларда сенсор кўнималари, тасаввурларининг ривожланмагани, ҳиссиёт оламининг қашшоқлиги кузатилади. Уйдаги таълим-тарбиянинг турли-туман шароитлари таъсирида болалар ривожланишининг алоҳида соҳалари бўйича эришилган натижаларнинг ҳар хиллигини қайд этиш муҳим. Қисқа муддатли гуруҳларга келаётган болаларга хос ана шу ҳусусиятларни таълим жараёнида албатта эътиборга олиш, уларни ота-оналар хоҳишига биноан ақлий ривожлантиришга эмас, балки умумривожлантирувчи вазифаларни ҳал этишга, бола шахсининг ҳар томонлама ривожланишига йўналтирган маъқул. Вақтининг катта қисмини бола МТТ ва уйда ўтказади, шунинг учун педагоглар ва ота-оналарнинг таъсири бир-бирига зид бўлмаслиги, аксинча, бола томонидан ижобий ва фаол қабул қилиниши керак. Бунга педагоглар ва ота-оналар ҳамкор ва ҳамфикр бўлиб, тарбиявий муаммоларни баҳамжиҳатлик билан ҳал этиш орқалигина эришиш мумкин. Педагоглар таълим жараёнини ташкил этишда ва бевосита педагогик жараённинг ўзига ота-оналарни жалб этишни, уларга болалар билан ривожлантирувчи ўзаро алоқалар шаклларни ўргатиш, болаларнинг таълим тарбиясига доир методик ёрдам беришни назарда тутадиган оилалар билан ижтимоий-педагогик ишларнинг аҳамиятга катта эътибор беришлари лозим. Самарали фаолият юритиш ва оилани МТТ ишига жалб этиш учун педагоглар ўzlари тарбиялаётган болаларнинг бирламчи

вазифаларини билишлари, уларнинг оиласи ва яқин қариндошлари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишлари лозим.

МТТга қатнаётган болаларнинг ота-оналари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиш учун МТТ ходимлариға қўйидаги фаолият йўналишларини тавсия этиш мумкин:

1. Ота-оналарда МТТ ходимлари билан ҳамкорлик қилишга интилишни шакллантириш.

2. Болаланинг имкониятлари, талаб-эҳтиёжлари ва қизиқишларни баҳолашда, унинг МТТ киришига кўмаклашиш.

3. Ота-оналарнинг педагогик компетентлигини ошириш ота-оналарга уйда бола билан машғулот ўtkазиш учун зарур бўлган методик усувларни ўргатиш.

Шундай қилиб, ота-оналарнинг МТТ фаолиятига жалб этилиши болаларга ҳам, ота-оналарга ҳам, МТТ га ҳам фойда келтиради. Мулоқот, ўзаро ҳурмат, бола манфаатларининг муҳимлигини эътироф этиш самарали ҳамкорликка асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Илқ қадам” Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил, 7 июлдаги 4-сон ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган.

2. Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш (барча ёш гуруҳлари учун) 2018 й.

3. О.У. Ҳасанбоева ва бошқалар. Мактабгача таълим педагогикаси. Педагогика коллежи учун ўқув қўлланма (З-нашр) Т.:”Илм зиё”, 2012й.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРАКТИВ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Дарвишев Д.Б., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Таълим-тарбия жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мактабгача таълими тизимини модернизациялашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Таълим жараёнида интерактив технологиялардан фойдаланиш имкониятлари бепоёндир. Бугунги кунда таълим тизимида электронинтерактив доска, интерактив проектор, интерактив панель ва уларнинг ўрнини босувчи интерактив қурилмалар каби ўқитишининг замонавий интерактив техник воситалари шиддат билан кириб келмокда.

Замонавий компьютер технологияларининг яна бир ютуғи шундан иборатки, интернет тизимидан эркин фойдалана олишлиги бўлса, иккинчидан видеоконференцияларларни оддий маркерли доскалардаги маълумотларни

интерактив доскалар билан боғлай олишигидадир. СМАРТ тәхнологияси асосида ишлаб чиқарилаётган интерактив доскалар күйидаги қулайликтарни фойдаланувчиларга тақдим этмоқда. Яни икки қаватли сеткага эга бўлган юқори тасвирларни катта экран кўринишида номойиш эта оладиган бўлиб, бу намойиш этилаётган тасвирнинг барча имкониятларини намойиш этиб беради.

Интерактив панель бу - ўзида суюқ кристалли панель ва ахборотларни киритиш қурилмасини мужассам этган интерактив восита бўлиб, бутун жараённи максимал тезкор бошқариш учун яратилган. Бунда бевосита қўл бармоқлари ёрдамида курсорни бошқариш ва файллар ёки операцион тизим билан хоҳлаган амалларни бажариш мумкин. Уларнинг ишлаш принципи оптик-сенсорли технологияга асосланган. Интерактив панельнинг маҳсус датчиклари ва камералари экран юзасига келтирилаётган бармоқ ёки бошқа предметнинг таъсир этиш нуқтаси координаталарини аниқлайди ва унга мос равишда курсор ҳаракатини мувофиқлаштиради.

Таълим жараёнида интерактив техник воситалардан фойдаланиш имконияти жуда кенг, ундан янги мавзууни ўрганишда, тингловчилар билимини мустаҳкамлашда ва текширишда, мажлисларида ва бошқа тадбирларда самарали фойдаланиш мумкин.

Улар ёрдамида ўтилаётган машғулотлар, тадбирлардаги маъруза, тақдимот ва бошқа жараёnlар жуда ҳам жонли равишда тақдим этилади. Таълим олишнинг ички мотивацияси кучайиши сабабли, таълим жараёни қизиқарли ва креатив тус олади. Таълим-тарбия учун ажратилган вақтдан максимал даражада унумли фойдаланилади.

Интерактив доска бу – компьютер ва проектор билан биргаликда ишлайдиган таълим беришнинг замонавий техник воситасидир. Интерактив доска таркибига интерактив досканинг ўзидан ташқари маҳсус электрон қалам (стилус), дастурий таъминот воситалари (интерактив досканинг драйвери ва маҳсус график муҳаррир) ҳамда USB кабель киради.

Тегишли созлаш амаллари бажарилиб интерактив доска ишчи ҳолатга келтирилгач, проектор ёрдамида интерактив доска юзасига туширилаётган тасвирлар билан интерфаол усулда ишлаш мумкин. Яъни, электрон қалам ёрдамида компьютернинг график интерфейсини бошқариш, турли обьектларни яратиш, олдин яратилган обьектларни очиш, уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш ва ҳ.к. Киритилган барча ўзгартиришлар ва яратилган янги обьектларни, уларга келгусида қўшимча ишлов бериш учун компьютер хотирасига ёзиб қўйиш ёки ташқи ахборот ташувчи воситаларга кўчириб олиш мумкин. Интерфаол доска маҳсус электрон қалам орқали, шунингдек қўл бармоқлари билан ҳам бошқарилиши мумкин, бу интерфаол досканинг қайси технологиялардан фойдаланиб ишлаб чиқилганлигига боғлиқ бўлади.

Бунда махсус электрон қалам ёки қўл бармоқлари компьютер сичқончаси каби ишлайди.

Таълим-тарбия жараёнида интерактив доскадан икки режимда фойдаланиш мумкин: биринчи режимда электрон қалам фақат компьютер сичқончасининг вазифасини бажаради, иккинчи режимда эса у махсус дастурий таъминотнинг барча ускуналари вазифасини бажаради (масалан - оддий қалам, маркер, мўйқалам, ўчиргич, қайчи, лупа ва бошқалар).

Электрон қаламнинг доска юзасидаги ҳолати ва харакатларига оид маълумотлар электрон доскадан USB кабель орқали компьютерга узатилади ва ушбу маълумотлар қайта ишланиб электрон қаламнинг харакатига мос амаллар бажарилади.

Интерактив қурилмалар таркибиға қурилманинг ўзи, яъни махсус электрон қаламдан чиқаётган сигнални қабул қилувчи мослама, ушбу қабул қилувчи мосламага инфрақизил ёки ультратовушли сигналларни юборувчи электрон қалам, интерактив қурилма ва компьютернинг ўзаро алоқасини таъминловчи USB кабель ёки симсиз қабул қилгич ускунаси, дастурий таъминот воситалари киради. Улар инфрақизил ёки ультратовушли технологиялар асосида ишлайди.

Педагог интерактив досканинг кенг имкониятлардан фойдаланади. Хусусан:

- компьютерни доска олдида туриб бошқариш имконияти: Microsoft Office дастурлари билан ишлаш, дарс жараёнини олдиндан тайёрланган тақдимотлар, видеофрагментлар, тасвиirlар, чизмалар билан номойиш этиш;
- интерактив қурилма дастурий таъминотининг ускуналари ёрдамида экрандаги тасвир устига ёки янги варақ (слайд) устига чизиш, бўяш, расм солиш, ёзиш, тайёр объектни ўрнатиш, объектларни катталаштириш, кичрайтириш, бошқа жойга кўчириш, маълум бир қисмини белгилаш имкониятлари;
- доскада бажарилган ишларни файл кўринишида компьютер хотирасида сақлаш ёки доскада амалга оширилаётган барча жараёнларни видеофайл форматида ёзиб олиш;
- ўзининг шахсий интерактив дарс ишланмаларини яратиш, бунда интерактив қурилманинг дастурий таъминот кутубхонасидаги мавжуд шаблон ва тасвиirlардан фойдаланиш;
- интерактив қурилманинг дастурий таъминоти таркибиға кирувчи тасвиirlар кутубхонасини ўзи тайёрлаган янги материаллар билан бойитиб бориши ва бошқа имкониятлар.

Интерактив проектор бу - ўзида интерактив досканинг имкониятларини мужассам этган проектордир. Бундай проекторлар учун алоҳида маҳсус доска сотиб олиш талаб этилмайди, тасвирлар проекцияси оддий доскада, маркер доскасига ёки хона деворига ҳам туширилиши мумкин. Оддий проектордан фарқли равишда интерактив проекторлар компьютердан тегишли сигналларни қабул қилиб тасвирларни экранга намойиш қилиш билан бир қаторда, электрон қаламнинг экрандаги жорий ҳолати ва ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам аниқлаб компьютерга юборади ва компьютер билан икки томонлама алоқани ўрнатади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Программное обеспечение для интерактивных LCD/LED дисплеев.
2. Руководство пользователя интерактивных LCD/LED дисплеев.
3. <https://www.smartclassroomindia.com/Interactiveflattouchpanel>
4. <https://pdf.indiamart.com/mpdf/21867243473/SELLER-4291623/buy-interactive-flat-panels-for-schools-in-india.pdf>
5. https://tami.uz/matnga_qarang.php?id=707
6. www.ahatouch.com

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING MATEMATIK KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISHDA RIVOJLANTIRUVCHI MUHITNING ROLI

Djanpeisova G.E., TDPU p.f.n., dosenti

MTTda matematik tasavvurlarning shakllanishi aniq obrazlar va tasavvurlarga asoslanadi. Mazkur aniq tasavvurlar bolalarda matematik tushunchalarni shakllantirish uchun asos hisoblanadi. Matematik bilim va ko‘nikmalarini tuyg‘ularsiz to‘laqonli o‘zlashtirib bo‘lmaydi.

Ta’limni ko‘rgazmali tarzda tashkil qilish – nafaqat obrazlarni yaratish, balki bolani bevosita amaliy faoliyatga yo‘naltirish deganidir. MTTdagi matematika mashg‘ulotlarida pedagog didaktik vazifalardan kelib chiqib, turli ko‘rgazmali vositalardan foydalanadi.

Pedagog matematikaga o‘rgatish jarayonida ko‘rgazmalilikdan foydalanishi muhim, lekin ko‘rgazmalilik bu maqsad emas, balki ta’lim vositasi ekanligini unutmasligi ham lozim. Muvaffaqiyatsiz tanlangan ko‘rgazmali material bolalarning e’tiborini chalg‘itib, bilimlarni o‘zlashtirishga xalaqit beradi. To‘g‘ri tanlangan

ko‘rgazmali material esa ta’lim samaradorligini oshirib, bolalarning qiziqishini uyg‘otdi, materialning o‘zlashtirilishi va anglanilishini osonlashtiradi.

MTTda ko‘rgazmalilikdan foydalanish bolalarning bevosita tuyg‘ulari bilan bog‘liq tasavvurlarining boyishi va kengayishiga imkon beradi, muayyan obrazlarini aniqlashtirishga, shu bilan birga qiziquvchanlikning rivojlanishiga katta ta’sir ko‘rsatadi, bu esa o‘quv faoliyatida katta ahamiyatga ega.

Barcha ko‘rgazmali materiallarni shartli ravishdaikki turga ajratish mumkin: namoyish etiladigan va tarqatma.

Namoyish etiladigan ko‘rgazmali material hajmi va qo‘llanilishi sohasi bilan tarqatma materialdan farqlanadi. Namoyish etiladigan ko‘rgazmali material hajmi bo‘yicha kattaroq, tarqatma esa kichikroq hajmda bo‘ladi.

Namoyish etiladigan ko‘rgazmali materialning ahamiyati shundaki, uning yordamida ta’lim jarayonini qiziqrli, bolalar uchun qulay va tushunarli tashkil qilish mumkin. Bunday mashg‘ulot bolada muayyan matematik tasavvurlarni shakllantirish, bilishga oid qiziqish va qobiliyatlarning rivojlantirilishi uchun sharoitlar yaratib, tuyg‘ularga asoslangan tayanch tasavvurlarni boyitadi.

Tarqatma ko‘rgazmali materialning ahamiyati, eng avvalo, ta’lim jarayonining ta’sirchanlik imkoniyatini oshirishga xizmat qiladi, bolani bevosita amaliy faoliyatga jalb qilishga yordam beradi.

Tevarak-atrofdagi real predmetlar va hodisalar, o‘yinchoqlar, geometrik figuralar, matematik belgilari – raqam, belgi, harakatlar (1-4-rasm) rasmi bor bo‘lgan kartochkalar ko‘rgazmalilik vositasi bo‘lishi mumkin. So‘zli ko‘rgazmalilikdan – obyekt, tevarak-olamdagи hodisalar, badiiy asarlar, xalq og‘zaki ijodidan ham keng foydalaniladi.

O‘quv jarayonidagi ko‘rgazmalilikning o‘ziga xosligi, uning miqdori va o‘rni, ta’lim maqsadi va vazifalariga, bolalarning bilim va ko‘nikmalarni o‘zlashtirishi darajasiga, bilimlarni o‘zlashtirishning turli bosqichlarida aniqlik va mavhumlikning o‘zaro nisbatiga bog‘liq.

Maktabgacha yoshdagи bolalarda son va sanoq haqidagi dastlabki tasavvurlarning shakllantirilishida ko‘rgazmali material sifatida turli-tuman materiallardan keng foydalaniladi. Pedagog bolalar e’tiborini to‘plam alohida elementlardan iborat ekanligiga, uning qismlarga (ko‘p qismlarga) bo‘linishi mumkinligiga qaratadi. Bolalar shu to‘plam bilan amaliy harakatlarni bajarib, sekin-asta ko‘rgazmali qiyoslash asosida to‘plamning xossasi – miqdorni o‘zlashtirib boradi.

Ko‘rgazmali material bolalarning har qanday to‘plam bir xil yoki bir qancha predmetlar guruhidan iborat ekanligini tushunish imkoniyatini beradi. Bolalar sanoq sonlarning ma’nosini bildiruvchi so‘zlar yordamida hisoblashni o‘rganadi. Bir

vaqtning o‘zida bolalar predmetlarni o‘ng qo‘l bilan chapdan o‘ng tomonga joylashtirishga o‘rganadi.

Ko‘rgazmali material sifatida syujetli rasmlar, suratlardan foydalanish mumkin. Badiiy rasmlar, illyustratsiyalar vaqtga va fazoviy joylashuvga taalluqli munosabatlarni, qiymatning o‘ziga xos xususiyatlarini, tevarak-atrofdagi predmetlarning shaklini anglash, ajratish imkoniyatini beradi.

Bola hayotining uchinchi yili so‘nggida – to‘rtinchi yili avvalida turli belgilar, simvollar (kvadratlar, aylanalar va hokazo) yordamida tasvirlangan to‘plamni idrok etishga qodir bo‘ladi. Belgilardan (simvolik ko‘rgazmali materiallar)dan foydalanish sezgilarga asoslangan ko‘rgazmali shakl bilan aloqadorlikni, muhim xususiyatlarini, o‘zaro nisbatini ajratish imkoniyatini beradi. Maktabgacha yoshdagilarni hisoblash faoliyatiga (raqamlardan, arifmetik harakat belgilari, modellardan foydalanish) o‘rgatishda, ularda fazoviy munosabatlar va vaqtga oid tasavvurlarni shakllantirishda simvolik ko‘rgazmalilikning alohida ahamiyati mavjud.

Maktabgacha yoshdagagi bolaga fazoviy munosabatlarda bevosita amaliy mo‘ljal olish imkoniyatini bermasdan turib, unda fazoga oid tasavvur va tushunchalarni shakllantirishning iloji yo‘q. Biroq, ta’limning muayyan bosqichida, bolalar fazoviy munosabatlarni tushunishi zarur bo‘lganda, fazoda amaliy mo‘ljal ola bilishi emas, balki turli grafiklar, sxemalar, modellar yordamida fazoviy munosabatlarni idrok etishi va tushuna olishi muhim hisoblanadi.

Maktabgacha yoshdagagi bolalarda ko‘rgazmalilikdan foydalanmasdan turib, o‘lcham va shakl haqidagi tasavvur va tushunchalarning shakllanishiga erishib bo‘lmaydi. Shu sababli, turli-tuman shakllardan, shaklning grafik va modelli tasviridan shakl etaloni sifatida keng foydalaniladi. Ko‘rgazmalilikning ko‘proq tarqalgan shakllaridan biri – bu o‘quv jadvallaridir. Jadvallardan foydalanishda samaradorlikka faqat pedagogning yangi o‘quv materialini tushuntirayotgan vaqtida namoyish qilishi bilan emas, balki bolalarning mustaqil faoliyatini tashkil qilishi hisobiga erishish mumkin.

MTTdagi matematikaga oid mashg‘ulotlarda applikatsiya-qo‘llanmalardan (magnitlar yoki boshqa vositalar yordamida vertikal yoki og‘ib turgan tekislikka mustahkamlanib qo‘yiladigan va yechiladigan qismlari bo‘lgan jadvaldan) keng foydalaniladi. Ko‘rgazmalilikning mazkur shakli bolalarga applikatsiyalarni tayyorlashda faol ishtirok etishi uchun, o‘quv mashg‘ulotini yanada qiziqarliroq va mahsuldor qilib tashkil etishga katta imkoniyat beradi. Applikatsiya-qo‘llanmalar o‘zgaruvchan bo‘lib, ular modellarni turli variantlarda ishlatish, turli tusga kiritishga yordam beradi.

Predmetlarning to‘plami bilan bog‘liq bo‘lgan turli tushunchalarni illyustratsiya qilish uchun ko‘pincha universal to‘plamdan foydalaniladi. Bu kabi

bloklar to‘plami o‘z davrida L.S.Vigotskiy va venger psixolog-matematigi D.Dyenesh tomonidan taklif etilgan edi. Keyinchalik A. A. Stolyar mazkur materialni yanada atroflicha ishlab chiqib, mantiqiy mashqlarni taklif etgan.

To‘plam 48ta yog‘och yoki plastmassa bloklardan iborat. Har bir blok mos bo‘lgan to‘rtta: shakli, rangi, hajmi va kengligi bo‘yicha muayyan xususiyatga ega. To‘rtta shakl mavjud: doira, kvadrat, to‘g‘rito‘rtburchak, uchburchak; uchta rang: qizil, havo rang, sariq; ikkita hajm: katta va kichik; ikkita kenglik: qalin va ingichka. Muallif mazkur didaktik materialni “fazoviy variant” deb atadi. Parallel ravishda u bilan birga geometrik figuralardan iborat bo‘lgan bloklarning “tekis varianti”dan ham foydalanish mumkin. Mazkur komplekti 24ta shakldan tashkil topgan. Mazkur shakllardan har biri uchta xossasi (shakli, rangi va hajmi) bilan to‘liqligicha tavsiflanadi.

Ko‘rgazmali material muayyan talablarga mos kelishi lozim:

* hisoblash uchun predmetlar va ularning tasviri bolalar uchun tanish bo‘lishi lozim, ular tevarak-atrofdagi tanish predmetdan olinadi;

* bolalarni miqdorni teng ravishda qiyoslashga o‘rgatish uchun turli sezgi organlari yordamida (eshitish, ko‘rish, paypaslab ko‘rib sezish) his qilib idrok qilishlari uchun didaktik materiallarini ko‘paytirish lozim;

* ko‘rgazmali material o‘zgaruvchan va ko‘p miqdorda bo‘lishi hamda gigiyenik, pedagogik va estetik talablarga javob berishi lozim.

Mazkur ko‘rgazmali materiallardan foydalanilish metodikasiga alohida talablar qo‘yiladi. MTT pedagogi mashg‘ulotlarga tayyorgarlik ko‘rishi davomida ko‘rgazmali material qachon (mashg‘ulotning qaysi qismida), qaysi faoliyatda va qay tarzda foydalanishi lozimligini oldindan izchillik bilan rejalashtiriladi. Ko‘rgazmali materiallardan foydalanishda me’yorga e’tibor berish lozim. Ta’lim jarayonida undan, umuman foydalanmaslik yoki ortiq darajada foydalanish ham ta’limga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin.

Ko‘rgazmalilik faqat e’tiborni samaradorligiga jalb etish uchun qo‘llanilsa juda ham tor belgilangan maqsaddir. Didaktik vazifalarni chuqurroq tahlil qilish va unga muvofiq tarzda ko‘rgazmali materiallarni tanlash lozim.

O‘quv jarayonida ko‘rgazmalilikdan foydalanish yo‘llari turlichayi namoyishkor, illyustrativ va harakatli.

Ko‘rgazmali materialning namoyishkor tarzda qo‘llanilishi mohiyati quyidagicha: masalan, pedagog dastlab geometrik figurani ko‘rsatadi, keyin esa bolalar bilan birga uni o‘rganib chiqadi.

Ilyustrativ yo‘li deganda, ko‘rgazmali materialning illyustratsiya, ya’ni tarbiyachi tomonidan taqdim etilgan ma’lumotni aniqlashtirish uchun foydalanilishi nazarda tutiladi. Masalan, yaxlitni qismlarga ajratish orqali pedagog bolalarni

mazkur jarayon muhimligiga g‘oyaviy jihatdan yaqinlashtiradi, keyin esa taqsimlash vazifasini bajaradi.

Shunday qilib, tarbiyachi so‘zi, bolalar amaliy harakatlari hamda turli ko‘rgazmali vositalarning birlashtirilishi orqali ta’lim samaradorligiga erishiladi, chunki tushunchalarning shakllanishi jarayonini muayyan tasavvurlardan, harakat usullari shakllantirilishidan ajratib bo‘lmaydi.

Rivojlantiruvchi predmetli muhit bolaning dolzarb, yaqin kelgusidagi istiqbolli rivojlanishiga oid, ijodiy qobiliyatlar shakllanishi, turli-tuman faoliyatini ta’minlovchi ehtiyojlarini qondiruvchi tabiiy, ijtimoiy va madaniy predmetli vositalarning uyg‘unligidir.

Matematikada ilk yosh davridan boshlab ularga ta’lim berish jarayonida bolalar tafakkurini rivojlantirish uchun xizmat qiluvchi ko‘plab imkoniyatlar jo bo‘lgan. Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish rivojlantiruvchi muhitni tashkil etishdagi muhim shartlardan biri – bu pedagogning miqdor va sifat nuqtayi nazaridan optimal bo‘lgan matematik o‘yinlar, o‘yinchoqlar, matematik o‘yin jihozlarini to‘g‘ri tanlay olishdir. Predmetli-rivojlantiruvchi muhitning matematik mazmun bilan boyitilishi ongli tarzda tashkil etilishi lozim. Matematik o‘yinlar bolalarning yoshi hamda mazkur bosqichda hal etilishi ko‘zda tutilayotgan vazifaga mos bo‘lishi lozim. Pedagog o‘yin mazmuniga mos ravishda yangi atributlar, o‘yinchoqlar, o‘yin jihozlari hisobiga predmetli-rivojlantiruvchi muhitni o‘z vaqtida o‘zgartirib borishi lozim

Rivojlantiruvchi muhit maktabgacha yoshdagi bola shaxsining to‘laqonli shakllanishi jarayoni uchun stimulyator, harakatlantiruvchi kuch rolini bajaradi. Bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish uchun shunday muhit va munosabatlar tizimini yaratish lozim, toki uning turli-tuman aqliy faoliyatini rag‘batlantirib, samarali rivojlantiriladi.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bodrova, E., & Leong, D. J. Tools of the Mind: The Vygotskian approach to early childhood education (2nd ed.). Upper Saddle River, NJ., 2007
2. Elias, C. L., & Berk, L. E. (2002). Self-regulation in young children: Is there a role for sociodramatic play? *Early Childhood Research Quarterly*, 17(2), 216–238

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ИШЛАРИ

*Джусураева М.Т., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси
Ахмадалиева Х.А., Педагогика колледжи директор ўринбосари*

Аннотация: Болаларни мактабда ўқитишининг самарадорлигини кўп жиҳатдан уларнинг тайёргарлик даражаларига боғлиқ бўлади. Мактабда ўқишига тайёргарлик – мактабгача таълим ташкилоти ва оиласда мактабгача

тарбия ёшидаги болага қўядиган талаблар орқали аниқланади. Бу талабаларнинг ўзига хос томони ўқувчининг янги ижтимоий психологик ўрни, у бажаришга тайёрланган бўлиши лозим.

Аннотация: Эффективность обучения детей в школе во многом зависит от их уровня подготовки. Подготовка к школе определяется организацией дошкольного образования и требованиями к ребенку дошкольного возраста в семье. Уникальным аспектом этих студентов является новая социально-психологическая роль студента, к которой он должен быть готов.

Annotation: The effectiveness of teaching children in school depends in many ways on their level of preparation. Preparation for school is determined by the organization of preschool education and the requirements for the child of preschool age in the family. A distinctive aspect of these students is the student's new social psychological role, which he or she must be prepared to perform.

Таянч сўзлар. Мактаб таълимига тайёрлаш, умумийтайёргарлик, психодиагностик воситалар, тестлар, сўровномалар.

Хамкорлик педагог билан ишлайдиган оила ва жамоа қадриятлари, турмуш тарзи, ўзига хос хусусиятларини тан олиш ва уларни қадрлаши, шунингдек, болаларнинг ўқиши ва ривожланишига ҳисса кўшадиган кўплаб муҳим усулларни қадрлашларини талаб қиласди. Мактабгача ёшдаги болалар билан ишлайдиган педагоглар фарзандлар оилада ва жамоада нималарни ўрганаётганига таяниб, таълим олиш имкониятларини кенгайтиради.

Болаларни мактабга тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси “Мактабгача таълим” тўғрисидаги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда, отоналар мустақил таълим бериш орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим ташкилотларида шунингдек, мактабгача таълим ташкилотларига жалб қилинмаган болалар учун мактабгача таълим ташкилотларида, мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган маҳсус гуруҳлар ёки марказларда олади. Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, аҳлоқи, қизиқиши ва муносабатларида анчайин жиддий ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун болани уйдалигига ёқ мактаб таълимига тайёрлаш, унча қийин бўлмаган билим, тушунча, кўникма ва малакалар билан танишириш керак бўлади.

Болаларни мактабга тайёрлаш, биринчидан мактабгача таълим ташкилотида тарбиявий ишни мактабгача тарбия ёшидаги болаларни умумий, ҳар томонлама ривожлантиришнинг юқори даражасини таъминлайдиган, иккинчидан болаларни мактабнинг бошлангич синфларида ўзлаштиришлари лозим бўлган ўқув фанларини эгаллашга маҳсус тайёрлашни таъминлайдиган қилиб ташкил этилишини назарда тутади. Мактабга умумий тайёргарлик боланинг мактабга бориш вақтига келиб ақлий, маънавий, эстетик ва

жисмоний ривожланишда эришган шундай даражасидирки, у боланинг мактаб таълимининг янги шараоитларига ва ўқув материалининг онгли эгаллашга фаол кириб боришлари учун зарур асосни яратади. Аксарият холларда боланинг ақлий ривожланганлик даражаси ҳақида гапирилганда унинг сўз бойлиги захираси билан аниқланадиган ақлий билимлари миқдорига кўпроқ эътибор берилади. Ота-она, хатто айрим ўқитувчилар хам бола қанчалик кўп билса, у шунчалик ривожланган бўлади, деб ўйлайдилар. Аслида эса ундан эмас, фан-техника, оммавий ахборот воситаларининг кенг тарқалганлиги туфайли бугунги кун болалари гўё маълумотлар уммонида сўзиб юргандек бўймокдалар. Бу эса улардаги сўз бойликларнинг кескин ўсишига асос бўймокда, лекин бу уларнинг тафаккури ҳам шундай жадалликда ривожланаяпти, деган гап эмас. Мактабда амал қилинаётган ўқув дастурларини ўзлаштириш боладан нарсаларни таққослай билиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, мустақил хулосалар чиқариш каби билиш жараёнларининг етарлича ривожланган бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда мактаб амалиётчи психологияри томонидан болаларни биринчи синфга кабул қилиш жараёнида кенг фойдаланилаётган психодиагностик воситалар, тестлар, сўровномалар, асосан болада юқорида келтириб ўтилган хусусиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлашга мўлжалланган методикалардан иборатdir.

Шундай қилиб, мактабдаги ўқишига ақлий тайёрлик болаларни ақлий ва нутқий ривожлантиришнинг ўзаро боғланган таркибий қисмлардан таркиб топади. Билиш фаолияти, билиш қизиқишилари, бола тафаккури усуллари, атроф дунё ҳақидаги англанган тасаввурлар, нутқ ва элементар ўқув фаолияти умумий даражасининг бирлиги, мактабда муваффақиятли ўқишининг зарурий шарти ҳисобланади, бу эса биз педагоглар ҳамда ота-оналарга катта кўмак беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш (барча ёш гуруҳлари учун) 2018 й.
2. О.У. Ҳасанбоева ва бошқалар. Мактабгача таълим педагогикаси. Педагогика коллежи учун ўқув қўлланма (З-нашр) Т.:”Илм зиё”, 2012й.
3. <http://www.edu.uz>—Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсустаълим вазирлиги сайти.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ БЕРИШ ЙЎЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Джураева М.Т., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси
Махкамова З.Т., Наманган вилояти Учқўрғон педагогика
Коллежи директор ўринбосари*

Аннотация. Мактабгача таълим ташкилотлари умумий турдаги мактабгача таълим ташкилоти, кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти, инклюзив гурухларга эга мактабгача таълим ташкилоти, қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти каби турларда ташкил этилиши ва вазифалари келтирилган

Калим сўзлар: Инклюзив гурухлар, қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти, Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, давлат стандарти, педагогнинг касбий стандарти.

Аннотация. Организации дошкольного образования организованы по следующим видам: организация общего дошкольного образования, многопрофильная специализированная организация дошкольного образования, организация дошкольного образования с инклюзивными группами, организация дошкольного образования совместного типа. Ключевые слова: инклюзивные группы, дошкольная организация совместного типа, негосударственные дошкольные организации, государственный стандарт, профессиональный стандарт учителя.

Annotation. Preschool educational organizations are organized in the following types and functions: general type preschool organization, multidisciplinary specialized preschool organization, preschool organization with inclusive groups, joint type preschool organization

Keywords: Inclusive groups, joint preschool education organization, Non-governmental preschool education organizations, state standard, teacher professional standard.

Қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг ва ривожланишида нуқсонлари бўлмаган болаларнинг битта ташкилотда алоҳида гурухларда, шунингдек инклюзив гурухларда биргаликда ўқишини ҳамда тарбияланишини ташкил этишга қаратилган мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши таъминланади.

Гурухлар ёшга доир тоифалар бўйича илк ривожланиш 1 ёшдан 3 ёшгacha, кичик 3 ёшдан 4 ёшгacha, ўрта 4 ёшдан 5 ёшгacha, катта 5 ёшдан 6 ёшгacha гурухларга ва мактабга тайёрлов гурухига 6 ёшдан 7 ёшгacha бўлинади. Гурухларни тўлдириш ва болаларни бир гурухдан бошқасига ўтказиш ҳар йили ўкув йили бошлангунига қадар амалга оширилади. Мактабгача таълим

вазирлиги билан келишувга кўра гуруҳларни уларни тўлдиришнинг энг кўп микдори оширилган ҳолда ташкил этишга йўл қўйилади. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳларни тўлдириш тартиби мактабгача таълим ташкилотларини сақлашга, уларнинг тузилишига ва улардаги иш режимини ташкил этишга доир санитария-гигиена талаблари ҳисобга олинган ҳолда уларнинг муассиси томонидан белгиланади.

Конунда таълим-тарбия жараёни иштирокчилари: болалар, уларнинг қонуний вакиллари ва педагог ходимларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари қайд этилган. Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш кафолатланади, уларни овқатлантиришни ташкиллаштириш ва соғлигини муҳофаза қилиш тартиби, педагогларнинг ҳафталик иш юкламаси ва меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби белгиланган. Давлат болалар боғчаларининг бошқарув органлари: педагоглар кенгаши, кузатув кенгаши ва раҳбарларнинг ваколатлари тартибга солинди.

Таълим ҳизматларини олувчилик нуқтаи назаридан, таълим ва тарбия жараёни сифати таъминланиши муҳимдир. Бунинг учун қуйидаги давлат бошқаруви дастурлари қўлланилади:

❖ мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси 5 йилда ўтказилади, хусусий ташкилотларнинг фаолияти лицензияланади. Иккала ҳолатда ҳам тартиб Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси эса ваколатли орган ҳисобланади;

❖ барча мактабгача таълим ташкилотлари учун мажбурий бўлган давлат стандарти қабул қилинади ва камида 5 йилда 1 марта қайта кўриб чиқилади, давлат таълим дастурлари тасдиқланади;

Педагогнинг касбий стандарти Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, педагогнинг касбий стандарти педагогнинг шахсий сифатларига нисбатан унинг билимлари, маҳорати ва кўникмаларидан ажralmas бўлган талаблар қўяди. Педагог ходимлар 5 йилда камида 1 марта аттестациядан ўтказилади. Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, педагогик фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қиласидиган касалликлари ёки жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар, шунингдек қасдан жиноятлар содир этганлиги учун илгари ҳукм қилинган шахслар мактабгача таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Шу билан бирга мактабгача таълим тизимига бир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, 2021 йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказиш керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равища 2

мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади. Шунингдек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади. Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари янада кенгайтирилади. Бунда ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳам йўлга қўйилади.

Шундай экан, бугунги кунда мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратишими, мактабгача таълим билан қамраб олишни кескин оширишимиз, соғлом, фаол, баркамол, ижтимоий мослаштирилган бола шахсини, шунингдек, келгуси муваффакиятли ўқув фаолияти учун шартшароитларни шакллантириш ва болаларни бошланғич таълимга сифатли тайёрлашимиз талаб этилади. Шунингдек, бошланғич таълим ўқув дастурларининг ўзаро узвийлигини таъминлаш, мактабгача таълим тизимида замонавий ўқитиши шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини кўллашимиз зарур. Бу масалалар бугунги куннинг долзарб ва кечикириб бўлмайдиган вазифаларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сонли Қонуни (2019 йил 16 декабрь).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 март “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори.

ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ СОТРУДНИКОВ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ ЧЕРЕЗ ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ДЛЯ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ (ВИРТУАЛЬНЫЙ КЛАСС)

Дусмухamedov A., старший преподаватель ИППКРСДОО

Аннотация: в статье рассматриваются потенциальные возможности и эффективность применения цифровых технологий в процессе повышения квалификации сотрудников дошкольных образовательных организаций. В частности, рассматриваются характеристики программного обеспечения для дистанционного образования (виртуальный класс), а также возможности

интеграции виртуальных классов и веб-конференций в традиционную систему повышения квалификации сотрудников дошкольных образовательных организаций.

Ключевые слова: виртуальный класс, программное обеспечение для дистанционного образования, веб-конференция, дошкольное образование, повышение квалификации.

Дошкольное образование является фундаментальной основой всей системы государственного образования. В связи с этим важной социально значимой задачей педагогической науки становится оптимизация структуры повышения профессиональной компетентности сотрудников дошкольных образовательных организаций, формирование у них профессиональных и личностных компетенций, а также готовности и способности к инновационной образовательной деятельности в дошкольных образовательных учреждениях.

Сегодня в сети Интернет в открытом доступе существует большое количество образовательных сервисов и различных цифровых платформ, применение которых может расширить потенциальные возможности классического подхода в образовании. Актуальным подходом в настоящее время является смешанное обучение, сочетающее в себе традиционные формы и методы обучения с дистанционными мобильными и компьютерными технологиями [1]. В частности, эффективную поддержку онлайн обучению сотрудников дошкольных образовательных организаций может оказать применение бесплатного *программного обеспечения для дистанционного образования* (*виртуальный класс*).

Программное обеспечения для дистанционного образования (*виртуальный класс*) – это платформа, созданная разработчиками для проведения веб-конференций, создания виртуальных классов. *Программное обеспечение для дистанционного образования* (*виртуальный класс*) является собой метафорическую ассоциацию легкости в организации веб-конференции путем простого нажатия. У *программного обеспечения для дистанционного образования* (*виртуальный класс*) богатый функционал, позволяющий:

- демонстрировать презентации в формате PowerPoint онлайн;
- работать с документами в формате PDF;
- обмениваться файлами;
- транслировать видеопоток с камеры;
- создавать заметки, корректировать работы обучающихся;
- общаться голосом посредством микрофонов;
- общаться как индивидуально, так и в группах;
- выбирать язык пользования и т.д.

Применение в процессе повышения квалификации сотрудников дошкольных организаций *программного обеспечения для дистанционного образования* (*виртуальный класс*) актуально как для дистанционного, так и для очного форм обучения [4]. Управление обучением *программного обеспечения для дистанционного образования* (*виртуальный класс*) позволяет создавать систему управления доступом пользователей (через генерацию логина и пароля), создавать разнообразные видео комнаты (*виртуальные классы*), с заголовками, видеоконтентом, ссылками на источники дополнительной информации, необходимой для усвоения темы.

Среди преимуществ *программного обеспечения для дистанционного образования* (*виртуальный класс*), позволяющей эффективно решать многочисленные проблемы, возникающие при организации повышения квалификации сотрудников дошкольных образовательных организаций онлайн, можно выделить:

- удобство и простоту применения;
- доступность учебных материалов с любого технического средства (компьютер, смартфон, планшет), подключенного к сети Интернет;
- возможность структурирования подачи учебных материалов и оперативного, живого взаимодействия всех участников учебного процесса;
- возможность сохранения записи занятия для последующего его просмотра обучающимися;
- свободный допуск к интернет ресурсам в учебной комнате;
- возможность проведения разнообразных форм обучения (лекций, конференций, семинаров, практикумов, лабораторных занятий, консультаций).

Для создания веб-конференции от педагога требуется проведение подготовительных работ по формированию содержания и решению технических вопросов [5]. Модель организации онлайн-занятий с использованием *программного обеспечения для дистанционного образования* (*виртуальный класс*) состоит из двух сегментов: теоретического и практического. Для создания теоретического сегмента преподаватель создает веб-конференцию на образовательном портале и готовит содержательную составляющую учебного материала (для лекций и докладов) или формирует задания (для практических занятий). Практический сегмент включает в себя интерактивную работу и взаимодействие всех участников учебного процесса на образовательном портале в виртуальных классах [6].

Подводя итог, можно отметить, что применение *программного обеспечения для дистанционного образования* (*виртуальный класс*) в ходе повышения квалификации сотрудников дошкольных образовательных

организаций имеет огромные перспективы. Для использования всего объема возможностей этой платформы участникам учебного процесса необходимо систематически повышать навыки владения компьютерными информационными и коммуникационными технологиями. Педагогам и методистам, организующим процесс повышения квалификации, необходимо повышать психолого-педагогические компетенции в сфере дистанционного образования с целью создания эффективных электронных средств обучения, а также разработки методики, актуальной для смешанного и дистанционного обучения.

Список литературы:

1. Sharifbaeva H. Y., Abdurazzakova D. A. Technology of blended learning as a condition of formation self-education skills for students // International scientific review of the problems and prospects of modern science and education. – 2020. – C. 73-75.
2. Big Blue Button - Open Source Web Conferencing [Электронный ресурс] // Режим доступа: <http://docs.bigbluebutton.org/> (свободный).
3. Бижова, И. А. Организация интерактивной дистанционной формы обучения студентов языкового вуза с применением веб - ресурса bigbluebutton / И. А. Бижова. — Текст: непосредственный // Вестник СИБИТА. — 2020. — № 2. — С. 34.
4. Афанасьев Д. И., Газизов Т. Т., Титевалов А. В. Технологическая площадка для проведения вебинаров и макровебинаров // Вестник Томского государственного педагогического университета. – 2015. – №. 11 (164).
5. Сальников И. А., Сальников В. И. Опыт управления вебинаром в системе дистанционного обучения // Ученые записки Санкт-Петербургского имени ВБ Бобкова филиала Российской таможенной академии. – 2016. – №. 1. – С. 118-122.
6. Горошкин А. Н. Информационно-телекоммуникационная среда вуза на базе свободного программного обеспечения // Решетневские чтения. – 2014. – Т. 3. – №. 18.

РАЗВИТИЕ СВЯЗНОЙ РЕЧИ У ДЕТЕЙ СТАРШЕГО ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Евстафьева Л.Г., старший преподаватель ИППКРСДОО

Аннотация: В статье говорится об использовании моделирования в работе по развитию связной речи детей старшего дошкольного возраста.

Ключевые слова: Связная речь, коммуникативная функция языка, интеллектуальное развитие.

Развитие связной речи является центральной задачей речевого воспитания детей. Данный факт обусловлен социальной значимостью и ролью развития связной речи в формировании личности детей дошкольного возраста. Именно в связной речи реализуется основная, коммуникативная функция языка и речи [1]. В соответствии Государственных требований к развитию детей раннего и дошкольного возраста Республики Узбекистан образовательная область «Речь, общение, навыки чтения и письма;» включает: владение речью как средством общения и национальной культуры; обогащение активного словаря; развитие связной, грамматически правильной диалогической и монологической речи; развитие речевого творчества; развитие звуковой и интонационной культуры речи, фонематического слуха; знакомство с книжной культурой, детской литературой, понимание на слух текстов различных жанров детской литературы; формирование звуковой аналитико-синтетической активности как предпосылки обучения грамоте.

В обучении связной речи первостепенным развивающим потенциалом определяется профессионализм педагога, его способность владеть языком и умением общаться. По тому, как ребенок умеет строить свое высказывание, можно судить об уровне его речевого развития. Успешность обучения детей в школе во многом зависит от уровня овладения им связной речью.

Восприятие и воспроизведение текстовых учебных материалов, умение давать развернутые ответы на вопросы, самостоятельно излагать свои суждения - все эти и другие учебные действия требуют достаточного уровня развития связной речи.

В формировании связной речи особенно отчетливо выступает тесная связь речевого и интеллектуального развития детей. Чтобы связно говорить о чем-нибудь, нужно ясно представлять объект рассказа, уметь анализировать, отбирать основные свойства и качества, устанавливать разные отношения между предметами и явлениями. Кроме того, необходимо уметь подбирать наиболее подходящие слова, уметь строить простые и сложные предложения и связать их разнообразными способами связи. Вопросы развития связной речи детей дошкольного возраста подробно рассматриваются в работах М.С. Лаврик, Т.А Ладыженской, Ф.А. Сохина, А.М. Бородич, Т.Б. Филичевой и др. О.С. Ушакова, М.В. Ильяшенко, Е.А. Смирнова, В.П. Глухов и другие считают, что формирование грамматически правильной, логичной, осознанной, последовательной речи у детей старшего дошкольного возраста есть необходимое условие речевого развития и подготовки детей к предстоящему школьному обучению.

Давно установлено, что к старшему дошкольному возрасту проявляются существенные различия в уровне речи детей. Главной задачей

развития связной речи ребенка в данном возрасте является совершенствование *монологической речи*.

Эта задача решается через различные виды речевой деятельности:

•составление описательных рассказов о предметах, объектах и явлениях природы,

•создание разных видов творческих рассказов,

•пересказ литературных произведений,

• сочинение рассказов по картине и серии сюжетных картинок.

Все вышеназванные виды речевой деятельности актуальны при работе над развитием связной речи детей. Но особый интерес вызывают последние, т. к. их подготовка и проведение всегда были и остаются одними из самых трудных как для детей, так и для педагога. В практике развития речи дошкольников есть факторы, облегчающие процесс становления связной речи. Среди уместных для детей дошкольного возраста методов развития речи в значительном количестве исследований (Е.Л. Агаева Л.А Венгер, Д.Б. Эльконин) определяется *моделирование*.

В дошкольном возрасте наглядный материал усваивается легче, чем словесный. Такие авторы как, Эльконин, Венгер, Егорова [3,8] считают целесообразным применение наглядного моделирования т.к. он доступен детям и развивает умственные способности, обогащает словарь, дети учатся сравнивать, обобщать. Использование моделей развивает память, уточняет знания детей, развивает активность и самостоятельность в усвоении информации об изучаемом. Венгер, Дьяченко [3] специалисты по моделированию выделили 3 этапа:

1. Использование готового символа или модели. На этом этапе взрослый демонстрирует готовую модель или символ, дети ее рассматривают и разбирают, а затем воспроизводят информацию с опорой на эту модель

2. Составление модели педагога совместно с детьми.

3. Самостоятельное составление моделей. Использование заместителей, символов, моделей в разных видах деятельности - источник развития умственных способностей и творчества в дошкольном детстве. [4]

Это особенно важно для дошкольников, поскольку мыслительные задачи у них решаются с преобладающей ролью внешних средств, наглядный материал усваивается лучше верbalного.

Дошкольник лишен возможности, записать, сделать таблицу, отметить что-либо. В непосредственно образовательной деятельности в детском саду в основном задействован только один вид памяти - вербальный. Опорные схемы - это попытка задействовать для решения познавательных задач зрительную, двигательную, ассоциативную память.

Метод моделирования эффективен еще и потому, что позволяет педагогу удерживать познавательный интерес дошкольников на протяжении всего занятия. Именно познавательный интерес детей способствует активной мыслительной деятельности, длительной и устойчивой сосредоточенности внимания.

Заключение

Моделирование – это еще один метод, использование которого способно активизировать процесс учения старших дошкольников, содействуя при этом и овладению ими важными компонентами учебной деятельности.

Список литературы:

1. Алексеева, М.М. Методика развития речи и обучения родному языку дошкольников [Текст]: Учеб. пособие для студ. высш. и сред. пед. учеб. заведений. - 3-е изд., стереотип./ М.М.Алексеева, В.И.Яшина. - М.: Издательский центр «Академия», 2000. - 400 с.
2. Арбекова, Н. Развиваем связную речь детей 6-7 лет [Текст]: Упражнения для развития речи / Н.Арбекова. М.: ГНОМ, 2013. – 158 с.
3. Арушанова, А.Г. Развитие у детей коммуникативных способностей [Текст] // Дошкольное воспитание.2005. - № 10. – С.26-33
4. Асеева, И.И. Развитие связной речи [Текст] / И.И.Асеева. – СПб.: Литера, 2016. – 96 с.
5. Байкова, С.В. Развитие связной речи посредством моделирования [Текст]: Пособие для воспитателя / С.В.Байкова. СПб.: КАРО, 2005. – 146 с

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Жумаев Ю.Р., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Хозирги кунда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) шиддат билан кириб келиши билан бирга, у таълимнинг самарадорлигини оширишда энг қулай омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Таълим тизимини дунё стандартлари даражасига етказиш ушбу ислоҳотнинг муҳим вазифаларидан биридир. Жаҳонда замонавий таълимнинг характерли томони шундаки таълимни ахборотлаштириш ва ахборий жамиятнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Бу Ўзбекистон Республикаси таълимида ҳам рўй бермоқда, ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати «ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамоилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган» Шунинг учун ҳам илғор мамлакатлар таълим

тизимида компьютер техникасидан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга қаратилган изланишлар тўхтовсиз кечмоқда. Ушбу ҳолатлар кадрларни тайёрлаш тизимида информатика фанининг ўрнини муҳимлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларга мўлжалланган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли қарорлари мактабгача таълим тизимида амалга оширилиши керак бўлган вазифаларни белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 4 апрелдаги “Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари фаолиятини баҳолашнинг намунавий рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 84-сонли буйруғида ҳам машғулотлар давомида АҚТдан фойдаланиш рейтингини аниқлаш ва ютуқ ва камчиликларини бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши масалалари кўтарилиган.

Бугунги кунда республикамизнинг мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассислари ўзларининг компьютер саводхонликларини ошириб келмоқдалар. Кейинги қилинадиган ишлардан бири, бу ҳам бўлса компьютерда ўзлаштириб олинган назарий ва амалий кўникмаларни ўзларининг педагогик жараёнида тадбиқ қилиб фойдаланишdir. Юқорида айтиб ўтилган курсларда раҳбар ва ходимларга ахборот-коммуникация технологияларидан билим ва кўникмаларни янада чуқурроқ эгаллашларда ёрдам беради. Компьютер саводхонлиги бўйича ортирилган билим ва кўникмалар раҳбар ва ходимларнинг педагогик маҳоратини юксалтириб, уларнинг амалда қўлланиши машғулотларга ўзгача кўриниш бағишлиайди ва самарали ўтади. Ҳозирги кунда замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимотни такомиллаштиришда янги ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш - бугунги куннинг талабига айланди. Ваҳоланки, таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Замонавий таълим жараёни МТТ ходимларини компетентли, креатив ва конструктив ўйлашга қодир этиб шакллантириш учун таълим муҳитининг энг актуал инновацион имкониятларини акс эттириш лозим. Мактабгача таълимни янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишdir.

Сўнгти вақтларда ушбу йўналишда Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимини (EMIS), шунингдек, болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматларининг ягона портали орқали қабул қилиш бўйича давлат хизматлари қўрсатиш тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда - Вазирлик) томонидан таълим-тарбия жараёнига замонавий илғор ўқитиши шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш орқали тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, мактабгача таълимнинг ҳозирги ҳолати телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантиришни, мактабгача таълим ташкилотларининг кенг полосали Интернет тармоғига уланишини таъминлашни, маънавий етук ёш авлодни тарбиялашнинг самарали ташкилий ва педагогик шаклларини ва усулларини ишлаб чиқишиңи тақозо этади.

Мактабгача таълим соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва жорий этиш мақсадида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши назарда тутилмоқда:

1) Вазирлик ахборот хавфсизлигининг муносиб даражасини таъминлаш, ягона ахборот майдонини яратиш;

2) мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш соҳасида илғор халқаро тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва жорий этиш мақсадида хорижий мамлакатларга ўқув сафарларини ташкил қилиш;

3) мактабгача таълим соҳасида дастурий воситалар, ахборот маълумотлар базалари, мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятида қўллаш;

4) Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимини (EMIS) янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, маълумотларни киритиш ва тезкор алмашиш учун мобил иловаларни яратиш;

5) ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш ва нашр этишни ташкил қилиш, рақамли таълим ресурслари, уйдан туриб масофали таълим бериш ва ота-оналар билимини ошириш технологияларини жорий этиш;

6) мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, илғор илмий ишланмалар ва технологияларни мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятига интеграция қилиш;

7) инновация лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар, стартап-лоиҳалар ташаббускорлари, олимлар, молиявий институтлар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасидаги

ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун зарур ташкилий-техник ва молиявий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш;

8) мактабгача таълим тизими ходимларининг инновацион ахборот-коммуникация ва педагогика технологиялари соҳасидаги билимлари ва малакасини ошириш, инновацион таълим муҳитини ташкил қилиш;

9) биринчи босқичда ҳар бир туман таянч мактабгача таълим ташкилотини, кейинчалик эса республиканинг ҳар бир мактабгача таълим ташкилотини Интернет тармоғига чиқадиган персонал компьютерлар билан таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юлдашев У., Мамаражабов М., Турсунов С. Педагогик Web-дизайн. Ўкув қўлланма – Т.: «Ворис», 2013.

2. Арипов М., Файзиева М., Доттоев С. Web-технологиялар. Ўкув қўлланма. – Т.; «Файлласуфлар жамияти», 2013

3. Фозилов Ш.Х., Жуманазаров С.САхборотли олам. Илмий-оммабоп рисола. Фан ва технология» нашриёти. 2007 йил.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази сайти - www.eduportal.uz, www.multimedia.uz.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ – БУ АТРОФ-ОЛАМ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Жуманиязова З.Р., МТТДМКТМОИ катта уқитувчиси

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг биринчи бўғини ҳисобланиб, у соғлом ва тўлақонли шахс сифатида шаклланган болани тарбиялашни кўзда тутади.

Атроф-олам билан таништириш мактабгача таълим ташкилотининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, болаларнинг қизиқувчанлик ва кузатувчанлик қобилияtlарини тарбиялаш, ўзини қуршаб турган оламни билишга бўлган қизиқишини ўстиришдан иборатdir. Унга кўйдаги вазифалар;

- * Буюк сиймолар билан таништириш,
- * Байрамлар билан таништириш,
- * Катталар меҳнати билан таништириш,
- * Транспорт воситалари билан таништириш,
- * Буюмлар билан таништириш,
- * Кийимлар билан таништириш,
- * Боланинг тана қисмлари ва гигенаси

Бу вазифалар яъний, атроф-олам билан таништиришда ҳэр бир тарбиячи ўз устида ишлаш ўрганиш болалар нутқини ўстириш иши билан узвий боғлиқ ҳолда ўргатилади.

Тарбиячи болаларни атроф-олам билан таништиришда жонли табиат ҳодисалари, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва уларнинг билиш фаолиятини бошқаришда, ҳар бир болага унинг тўплаган тажрибасини тартибга солишда ёрдамлашади, унга янги билимлар беришда, унда қизиқувчанлик ва кузатувчанлик қобилиятларини тарбиялашда, бола ўзини қуршаб турган оламни билишга бўлган қизиқишини ўстиришди ёрдам беради.

Болаларнинг шахсий сифатларини шакллантиришда ва атроф-олам билан таништиришда шунингдек, ҳар бир гуруҳ тарбиячиси болаларни атроф-олам билан таништириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар мажкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартин тасдиклаш хакида”ги 802 сонли карорини мактабгача ёшдаги болалар ривожланишида ва “Илк қадам” Давлат ўқув дастури асосида болаларга бериладиган билимлар ҳажмини ва уларни амалга ошириш йўллари ва услубларини билиши керак.

Мактабгача таълим ташкилоти “Илк қадам” Давлат ўқув дастурида берилган йиллик мавзувий режа асосида ой мавзулари ва ҳафта мавзуларига асосланибтарбиячи болаларни уй-рўзгор буюмларнинг номини англатадиган отлар (кийим, идиш-товоқ, мебель, ўйинчоқлар), “Менинг гурухимдаги жиҳозларим”, “Кун қисмлари”, “Менинг оилам”, “Транспорт турлари”, “Менинг тана аъзоларим”, “Паррандалар”, “Ҳашоротлар”, “Менинг жаножон Ватаним”, “Менинг Она шаҳрим”, “Олтин куз”, “Маиший асбоблар”, “Йил фасллари”, “Кун қисмлари”, “Буюк сиймолар”, “Метал хусусиятлари”, “Ватан ҳимоячилари куни”, “Мен ва менинг баданим”, “Баҳор”, “Коинот”, “Менинг уйим”, “Мебель”, “Маиший асбоблар”, “Миллий ҳунармандчилик” ва бошқалар билан таништириб уларнинг билим доираларини кенгайтириб бориши қерак. Бу вазифаларни ҳал қилиш болаларнинг ақлий қобилияти ва нутқининг ўсишини таъминлаши лозим. Мактабгача ёш болаларнинг воқеликни фаол идрок қиласидиган ва теварак-атрофдаги ҳаётга киришиб кетадиган болаларда сўз бойликлар жуда тез ўсиб боради.

Шунингдек, болаларда одамларга нисбатан меҳр-муҳабbat, хурмат, самимийлик, она қишлоғи, шаҳарига, ҳалқига ва ўз ота-оналарига муҳабbat, бирдамликда меҳнат қилишдан қувониш ҳисларини тарбиялаш зарур.

Атроф-олам билан таништириш болаларда билим олишга, ўрганишга ва фикрлашга истак уйғотиши керак. Бу иш болалар нутқини ўстириш иши билан узвий боғлиқ бўлиб, улар биргаликда ҳал этилишини унутмаслик лозим. Атроф оламдаги нарса ва ҳодисалар болалар нутқининг мазмунини ташкил

этади. Болалар ўз атрофидаги ҳодисалар билан танишиш жараёнида улар ҳақида зарур билимларни эгаллаш билан бир вақтда буюм ва нарса уларнинг номларини, вазифаларини, сифат ва хусусиятларини, қисмларини билдирувчи бир қатор сўзларни билиб оладилар. Кейинчалик улар ҳақида ўз фикрларини билдирганда, сўзлаб берганда, тарбиячинииг саволларига жавоб берганда шу сўзлардан фойдаланадилар.

Болалар ўzlари танишган ҳар бир нарса, ҳодиса ҳақида, зарур билим ва тушунчаларни эгаллаш билан бирга улар ҳақида билғанларини сўзлаб бера олиш ҳам ўрганишлари керак.

“Илк қадам” Давлат ўқув дастурида ҳар бир ёш гуруҳидаги болалар таништириладиган нарса ва ҳодисалар аниқ мавзуларга ажратиб берилган. Ҳар бир мавзу бўйича болаларга билим бериш ва уни мустаҳкамлаш, кенгайтириш, шунингдек сўзлаб беришга ўргатиш, болаларнинг қун давомидаги турлитуман фаолиятлари (фаоллик марказлардаги фаолият, ўйин, меҳнат, сайр, кўнгил очиш ва бошқалар) жараёнида амалга ошириб борилади. Бунда тарбиячи ранг-баранг қизиқарли услугуб ва усулларни қўллаши лозим.

“Илк қадам” Давлат ўқув дастуридаги ҳар бир мавзу билан болаларни учхил йўл билан таништириш мумкин.

1.Бевосита таништиришяъни болаларга нарса ёки ходисани кузатиш, кўриш, қўл билан ушлаб кўриш, тажрибалар ўтказиш, экспурсиялар ташкиллаштириш имкони берилади.

2.Билвосита (бавосита) таништириш (ҳар хил сурат, мультимедия, АКТ, диск орқали кинофильмлар кўрсатиш).

3.Ўқиб ёки сўзлаб бериш, масалан: ўзбек шоири ва мутафаккири А.Навоий, машҳур саркарда ва давлат арбоби Амир Темур кабилар фаолияти билан таништириш.

*Кичик гуруҳда: Атроф-олам билан таништиришига доир олиб
бориладиган таълим-тарбиявий ишлар*

Мактабгача ёшидаги болалар теварак-атрофдаги воқелик билан икки йўл воситасида таништирилади.

Биринчи йул - ташқи оламни бевосита идрок этиш бўлиб, бу жараёнда болалар теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳар хил воқеалар билан танишадидар. Бунда уларнинг сўз бойлиги турли ишлар, ҳодисалар, нарсаларнинг номлари ва уларнинг сифатлари билан бойиб боради.

Иккинчи йул - воқеликнинг бевосита билиш йўли бўлиб, бунда тарбиячи кишилар ҳаёти ва табиат ҳақида гапириб беради, кузатиладиган воқеаларни тушуниради, китоб ўқиб беради, болаларга ўйинчоқлар, расмлар ва мультимедиялар кўрсатади. Ана шу усуллар ёрдамида атроф-олам билан таништириш бевосита кузатиш жараёнида олинган маълумотларни

мустаҳкамлайди ва уларга аниқлик киритади. Кузатишлар жараёнида тарбиячи болаларнинг сўз бойлигини мустаҳкамлайди ва фаоллаштириб боради. Болаларнинг атроф-олам ҳақидаги дастлабки тасаввурларини кенгайтириш ва уларга қизиқиш уйғотиш мақсадида масалан, “Мен ва болалар боғчаси” ҳафталик мавзусида куйидагиларга эътибор берилади:

1. “Менинг гурухимдаги жиҳозларим”. Ўз гурухи хонасини қўздан кечириш. Жиҳозлаш буюмлари, ўйинчоқ, табиат бурчаклари, хонанинг сарамжом-саришта бўлиши;
2. Ётоқхонани қўздан кечириш. Жиҳозлаш буюмлари, ётоқхонани тартибли тутиш ҳақида тушунча бериш.

Болаларни ўз гурухидаги ўртоқлари билан фаол мулоқотда бўлишларига имконият яратиш;

- Тарбиячи ёрдамчиси меҳнатини қўздан кечириш. Унинг меҳнати жараёнлари билан таништириш, (тарбиячи ёрдамчиси хоналарни тартибли, саранжом-саришта қилиб, болаларга овқат келтиради, овқатдан сўнг илиқ сувда ликобчаларни ювиб, уларни тоза сувда чайиб олади, ҳамма идишлар тоза бўлади).

- Идишлар билан таништириш. Чой идишлари номларини тўғри айтишга, буюмларнинг муҳим қисмарини ва номларини фарқ қилишга, шунингдек бир-бирига ўхшаш баъзи буюмларни шакли, вазифаси ва номига қараб ажратишга ўргатиш."Кўғирчоқни чой билан меҳмон қиласиз" деган ўйин воситасида болалар чой қандай дамланиши, бунда нималар керак бўлиши билан яқиндан танишадилар.

Тасаввурларни таркиб топтириш учун болаларнинг ўйин фаолиятини машғулотларда бевосита таълим билан бирга кўшиш муҳимдир. Шунинг учун бир қанча ҳолларда бевосита кузатишлардан кейин болаларга керакли ўйинчоқлар тўпламларини бериш фойдали бўлади. Масалан: "Кўғирчоқ Наргизага идишларни эсда сақлаб қолишга ёрдам берамиз" ўйинида, коса, товоқ-қошиқ, ликобча, патнис ва бошқалардан фойдаланилади.

Устки кийимларни қўздан кечириш.

"Сандиқча ичиди нима бор?" ўйинидан фойдаланиб, болаларнинг турли куйлаклар, камзул, нимча, тўн ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирилади.

Бош кийимлар билан таништириш мақсадида "Кўғирчоқка кўйлагининг рангидаги лента совға қиласиз".

- Болаларга шахсий рўзгор буюмлари, жиҳозлаш буюмлари ва яхшигина таниш буюмларнинг муҳим қисмларини, номларини тўғри айтишни ўргатиш мақсадида "Бу нима, номини тўғри айт", "Нимани қайерга қўйилади?", "Нима ўзгарди?", "Айтиб тур", "Кўғирчоқка уй қурамиз", "Шундай рангдаги

буомларни топ" таълимий ўйинларида буюмларга нисбатан онгли муносабат тарбияланади.

3. АКТ, дисқдан гуруҳлар тасвирланган фильмни томоша қилиш.

*Ўрта гуруҳда: Атроф-олам билан танишишига
доир олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар*

Ўрта гуруҳдаги машғулотлар айниқса йил бошида ўз тузилишига кўра кичик ёшдаги болаларнинг машғулотларига яқинроқ бўлади. Бироқ болаларга анча мураккаб талаблар қўйиш, хусусан уларнинг нутқ фаоллигини ўстириш зарур. Яқин теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалар билан танишиши тарбиячининг болалар билан сұхбати жараёнида юз беради: у нарсаларни кўрсатади, тушунтиради ва номларини айтади, кузатилаётган нарса тўғрисида болаларга саволлар (ким? нима? қандай? нима учун? нима қиласпти? каби) беради. Болаларнинг саволлари ва ташлаган луқмаларига жавоб беради.

Болаларнинг атроф-олам ҳақидаги дастлабки тасаввурларини кенгайтиши ва уларга қизиқиши ўйғотиши мақсадида масалан, "Менинг шаҳрим-менинг маҳаллам" ҳафталик мавзусида қўйидагиларга эътибор берилади:

1. Болада туғилиб ўсган юртига муҳаббат ҳиссини ўйғотиши. Болани ўзи яшаётган кўча, маҳалла, қишлоқ, туман ва шаҳар билан танишиши, уларнинг номларини тўғри айтишга ўргатиши. Боланинг эътиборини яшаш жойидаги диққатга сазовор жойлар, баланд ва кўркам биноларга, кенг ва равон йўлларга қаратиб уларга нисбатан қизиқиши ўйғотиши.

2. МТТга яқин жойлашган кўчани кўздан кечириши. Бинолар, уйларни катта-кичиклигига, баланд-пастлиги, кўп қаватлилигига қараб таққослаш. Деразалар, эшиклар, айвонлар ва бошқаларга эътиборни қаратиши. Ўз кўчаси, тумани ва маҳалласини номини билишга ўргатиши.

3. Кўчадан ўтиб кетаётган ҳаракат воситаларини, машиналарни кузатиши. Машинанинг номи: автобус, юк машинаси, мотоцикл, велосипед ва ҳоказо. Машинани ким бошқаради? Юк машнасида нималар ташилади? Одамлар кўчанинг қаеридан ўтадилар?

4. МТТга яқинроқ жойлашган дўконларни, яқин кўчадаги сабзавот дўконларини кўздан кечириши. Пештахталарга қўйилган молларга қараб дўконларда нималар сотилишини: озиқ-овқат дўконида – нон, гўшт, колбаса, қанд-шакар, майший моллар дўконида ҳар хил буюмлар, мевалар дўконида олма, гилос, помидор, бодринг, узум ва ҳоказолар сотилишини аниқлаш.

*Катта ва мактабга тайёрлов гуруҳлар: Атроф-олам билан
танишишига доир олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар*

Тарбиячи болаларни атроф-олам билан (нарсалар, жонли табиат ҳодисалари, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари) танишишида болаларнинг билиш

фаолиятини йўлга қўяр ва бошқарар экан, ҳар бир болани шахсий қизиқишилари ва эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаб унинг тўплаган тажрибасини тартибга солишда ёрдамлашади, унга янги билимлар беради, унда қизиқувчанлик ва кузатувчанлик қобилиятларини тарбиялайди, ўзини куршаб турган оламни билишга бўлган қизиқишини ўстиради.

Болаларга она-Ватанимиз ҳақида сўзлаб, уни севиш, ардоқлаш, унга муносиб фарзанд бўлишлик ҳақида сухбатлашиб, улар қалбида Ватан туйғусини шакллантириб бориши:

Ватан туйғуси - бу оналар алласи, боболар ўгити, оила тарбиясидан бошланади.

Ватан туйғуси - бу миллий қадриятлар, урф одатларни қадрлаш, севиш ва ундан фаҳрланиш дегани.

Ватан туйғуси – буюк сиймоларимиздан ибрат олиш дегани. Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби ота-боболаримизни таниш, улардан фаҳрланиш, уларни доимо эсламоқ дегани.

Ватан туйғуси – бу Ватанга муносиб фарзанд бўлишни англаш дегани.

Ватан туйғуси - бу Ватани, халқи учун курашган миллатимиз фидоийларидан ибрат олиш дегани. Улар каби ватанпарвар бўлишни ният қилиб қолиш дегани.

Шунингдек, болаларга давлатимиз тили, давлатимиз рамзлари- байроғи, герби, мадҳияси ҳақида тушунчалар берилади. Бунда болаларга давлат рамзлари Ўзбекистон халқининг шон - шарафи, ғурури эканлигини, давлат рамзларини эъзозлаш, қадрлаш, севиш - ўз қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш дегани экани тушунтирилади. Давлат рамзлари бўлмиш байроқ ва гербдаги ифодаларнинг маъноси тушунтирилиб, рамзларга нисбатан ҳурмат, фаҳр туйғуси уйғотилади. Шу мақсадда болаларга байроқ ва гербдаги ифодаларни ҳар бир тасвири (башоқ, пахта, қуёш, хумо қуши, ой, юлдузлар, ранглар) изоҳлаб берилиб, маъноси тушунтирилади.

Мактабгача таълим ташкилотида Давлат мадҳиясини тик туриб, ўнг қўл кўкракка қўйилиб тинглаш ва айтиш тарбияланади. Бу энг яхши шарқона миллий анъаналаримизнинг яққол номоёнидир. Бу эҳтиром Давлат мадҳиясига бўлган ҳурматимиздир. Мадҳия катта йиғилишларда, учрашувларда тантанали янграши ҳақида қисқача сўзлаб берилади. Давлат рамзларини ҳурмат қилиш, Ватанимизни қанчалик севишимизни билдириши болаларга англатилади.

Болаларни ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини билиш жараёнида халқ амалий санъатимилий ҳунармандчилигидан: заргарлик, зардўзлик, ганчкорлик

кабилар билан таништирилади. Болаларнинг катталар меҳнати ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришни давом эттирилади. Ишлаб чиқариш корхоналари, қурилишлар, далаларда қилинадиган меҳнат ҳақидаги билимларини такомиллаштирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари.– Т.:2018
2. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури.– Т.:2018
3. Ф.Р. Қодирова “Нутқ ўстириш методикаси” Тошкент-2004.
4. Ф.Р. Қодирова ва бошқалар “Мактабга тайёрлов гуруҳида нутқ ўстириш машғулотлари”- Тошкент-2009.
5. Ф. Қодирова, Р. Қодирова “Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси”. Тошкент-2006.
6. Р.Қодирова “Мактабгача ёшдаги болаларда диологик нутқни ривожлантиришнинг психологик омиллари” Тошкент-2006.

**МАКТАБГАЧА ТА'LIM VA TARBIYA TO'G'RISIDAGI
QONUNLARGA SHARH**

*Зокиров А.А., МТВХМТДМҚТМОИ
Ахмадалиева Б.Ш., МТВХМТДМҚТМОИ*

Annotasiya. O'zbekistondagi olti yoshli bolalarni ko'pchiligini tayyorlashning hozirgi holati va darajasi mavjud usullarni qayta ko'rib chiqishni va o'quv jarayonini tashkil etish, maktabgacha ta'lif tizimida kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlashga yangi yondashuvlarni joriy etishni talab qiladi.

Kalit so`zlar. Maktabgacha ta`lim, qaror va qonunlar, farmoysishlar, ta`lim va tarbiya birligi, istiqboldagi rejalar.

Аннотация. Современное состояние и уровень подготовки большинства шестилетних детей в Узбекистане требует пересмотра существующих методик и внедрения новых подходов к организации образовательного процесса, обучения и переподготовки в системе дошкольного образования.

Ключевые слова. Дошкольное образование, решения и законы, приказы, единицы обучения и воспитания, планы на будущее.

Annotation. The current state and level of training of the majority of six-year-old children in Uzbekistan requires a revision of existing methods and the introduction of new approaches to the organization of the educational process, training and retraining in the preschool education system.

Keywords. Preschool education, decisions and laws, orders, training and education units, plans for the future.

Bolaning maktabgacha ta'limga kafolatlangan huquqi, uning qonuniy vakillari va o'qituvchilarining huquqlari va majburiyatlari - "Maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risida" gi qonunga sharh.

16-dekabr kuni O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev Qonunchilik palatasi tomonidan 22-oktabrda qabul qilingan va 14-dekabr kuni Senat tomonidan tasdiqlangan "Maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risida" gi qonunni imzoladi. Hujjat 17-dekabr kuni "Narodnoe Slovo" gazetasida chop etildi va olti oydan keyin kuchga kiradi.

Hujjatda maktabgacha ta'lim va tarbiya bolalarni o'qitish va tarbiyalashga, ularning intellektual, ma'naviy, axloqiy, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlanishiga, shuningdek bolalarni umumiyligi o'rta ta'limga tayyorlashga qaratilgan doimiy ta'lim turi sifatida belgilanadi.

Qonunda quyidagi tushunchalarga ta'riflar berilgan: maxsus ta'limga muhtoj bolalar - nogironligi yoki yo'qligidan qat'i nazar, individual ehtiyojlari bo'lgan bolalar, oilalar, o'qituvchilar, mutaxassislar, jamiyat va davlatning alohida e'tiboriga muhtoj; inklyuziv ta'lim va tarbiya - bu ularning maxsus ta'lim ehtiyojlari va individual imkoniyatlarini hisobga olgan holda, bolalarning ta'lim va tarbiya olishiga teng huquqlilagini ta'minlaydigan jarayon.

Maktabgacha yosh, qonunga ko'ra, bolalarning tug'ilishidan 7 yoshgacha bo'lgan yoshi, ular boshlang'ich ta'limga ega bo'lgunga qadar.

Qonunda maktabgacha ta'lim va tarbiya uchun davlat kafolatlari berilgan:

"Har bir bola maktabgacha ta'lim va tarbiya olish huquqiga ega. Davlat har bir bolaning umumiyligi o'rta ta'limga kirishidan bir yil oldin davlat maktabgacha ta'lim muassasalarida umumiyligi o'rta ta'limga majburiy bir yillik tayyorgarlik olish huquqini kafolatlaydi."

Qonunga binoan maktabgacha ta'lim va tarbiya tizimi quyidagilarni o'z ichiga oladi:

maktabgacha ta'lim tashkilotlari (ECE);

ta'limning muqobil shakllari;

maktabgacha ta'lim sohasidagi ilmiy-tadqiqot muassasalari va ta'lim tashkilotlari;

maktabgacha ta'lim va tarbiya sohasidagi davlat organlari, shuningdek ularga bo'y sunuvchi tashkilotlar.

Qonunga ko'ra, maktabgacha ta'lim tashkiloti davlat va nodavlat bo'lishi mumkin. Davlat-xususiy sheriklik asosida nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari ham yaratilishi mumkin.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlari quyidagi to'rt turga bo'linishi mumkin:

Umumiy maktabgacha ta'lim muassasasi;

ko'p tarmoqli ixtisoslashtirilgan maktabgacha ta'lim muassasasi (jismoniy yoki aqliy rivojlanishida nuqsoni bo'lган bolalarni o'qitish uchun);

Inklyuziv guruhlarga ega bo'lган maktabgacha ta'lim muassasalari (bolalarni sog'lom muhitga qo'shish orqali ularning maxsus ta'lim ehtiyojlari va individual imkoniyatlarini hisobga olgan holda o'qitish);

Kombinatsiyalangan turdag'i ECE (jismoniy yoki aqliy rivojlanishida nuqsonlari bo'lган bolalar va rivojlanishida nuqsonlari bo'lмаган bolalar, alohida va inklyuziv guruhlarda birgalikda ta'lim uchun).

Qonunda ta'kidlanishicha, yuridik va jismoniy shaxslar yakka tartibdagi tadbirkor sifatida nodavlat maktabgacha ta'lim muassasasini tashkil qilishi mumkin. Ikkinchisi oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim muassasasi shaklida maktabgacha ta'lim va tarbiya sohasida ta'lim xizmatlarini ko'rsatishi mumkin. Bunday holda, bir vaqtning o'zida 25 dan ortiq bolaga o'qishga ruxsat berilmaydi.

Hujjat maktabgacha ta'lim tashkilotining huquqlari va majburiyatlarini tavsiflaydi. Maktabgacha ta'lim muassasasi davlat asosida o'z ta'lim dasturini ishlab chiqish va shartnoma asosida qo'shimcha pullik ta'lim xizmatlarini ko'rsatish huquqiga ega. Shu bilan birga, maktabgacha ta'lim muassasasi: davlat standarti talablariga javob beradigan maktabgacha ta'lim darajasini ta'minlash, bolalar uchun xavfsiz sharoitlar yaratish va bolaning hayoti yoki sog'lig'iga tahdid to'g'risida vakolatli organlarga xabar berish, uning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini buzish.

Davlat maktabgacha ta'lim muassasalari qonunga binoan davlat byudjeti, maktabgacha ta'lim muassasalarida parvarishlash, oziq-ovqat va bolalarni parvarish qilish uchun to'lovlar hisobidan moliyalashtiriladi. Nodavlat maktabgacha ta'lim muassasalarini moliyalashtirish ularning muassisalarini tomonidan amalga oshiriladi.

Maktabgacha ta'limning davlat ta'lim dasturida quyidagilar ko'zda tutilishi kerak:

bolaning kognitiv va intellektual rivojlanishi;

bolaning qonuniy vakillari bilan o'zaro munosabatlar;

bolalarni O'zbekistonda yashovchi millatlar va elatlarning milliy va umuminsoniy qadriyatlari, urf-odatlari va an'analari bilan tanishtirish;

bolaning ijtimoiy moslashuvi;

maxsus ta'lim ehtiyojlari bo'lган bolalar bilan tuzatish-pedagogik va tibbiy-psixologik ishlarni olib borish;

bolalarni umumiy o'rta ta'limga tayyorlash.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida o'quv yili joriy yilning 2 sentyabridan keyingi yilning 31 mayigacha, yozgi ta'til davri esa 1 iyundan 31 avgustgacha bo'lган davrni o'z ichiga oladi.

Guruh bolalarining maktabgacha ta'lim muassasalarida bo'lismuddatiga qarab quyidagilar bo'lishi mumkin.

Davlat maktabgacha ta'lim muassasasini pedagogik kengash, kuzatuv kengashi va maktabgacha ta'lim muassasasi rahbari boshqaradi. Kuzatuv kengashi bolalar va maktabgacha tarbiyachilarning qonuniy vakillari orasidan tuziladi.

Kuzatuv kengashi tuman (shahar) maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan tavsiya etilgan nomzodlar orasidan maktabgacha ta'lim muassasasi rahbarini aniqlaydi, shuningdek uni lavozimidan ozod etish to'g'risida takliflar kiritadi, maktabgacha ta'lim muassasasi rahbarining maktabgacha ta'lim muassasasi rahbarining hisobotlarini eshitadi. moliyaviy-iqtisodiy vaziyat, daromadlar va xarajatlar, byudjet va byudjetdan tashqari mablag'lardan foydalanish.

bolalarning qisqa muddatli (kuniga 3-4 soat) turishi bilan;

to'liq kun (kuniga 9, 10,5 va 12 soat);

bolalarning tunu-kun bo'lishlari bilan.

3 yoshdan 7 yoshgacha bo'lgan bolalar uchun uzlusiz uyg'otishning tavsiya etilgan maksimal davomiyligi 5,5-6 soatni tashkil qiladi. Kundalik uyquning tavsiya etilgan umumiy davomiyligi 12-12,5 soatni tashkil qiladi, shundan kunduzgi uyqu uchun 2-2,5 soat tavsiya etiladi.

Qonunda maktabgacha yosh va uning davrlari belgilab qo'yilgan:

go'daklik (tug'ilishdan bir yoshgacha);

erta bolalik (1 yoshdan 3 yoshgacha);

kichik maktabgacha yosh (3 yoshdan 4 yoshgacha);

o'rta maktabgacha yosh (4 yoshdan 5 yoshgacha);

katta maktabgacha yosh (5 yoshdan 7 yoshgacha).

Bolalarni umumiy tipdag'i davlat maktabgacha ta'lim muassasalariga qabul qilish Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilangan tartibda amalga oshiriladi. Ko'p tarmoqli ixtisoslashtirilgan maktabgacha ta'lim muassasalarida va jismoniy yoki aqliy qobiliyati cheklangan bolalar uchun rivojlangan davlat maktabgacha ta'lim muassasalarida estrodiol turdag'i tibbiy-psixologik-pedagogik komissiyaning xulosasi asosida qabul qilinadi.

Qonunda maktabgacha yoshdagi bolalarning huquqlari, shu jumladan:

davlat tomonidan kafolatlangan hajmda bepul tibbiy yordam;

sog'liq uchun xavfsiz bo'lgan ta'lim va tarbiya uchun sharoitlar;

sog'lom turmush tarzini saqlash, mehnatga majburlashning har qanday shaklidan himoya qilish, jismoniy va psixologik zo'ravonlik, uning sha'ni va qadr-qimmatini kamsitish;

uning sog'lig'iga zarar etkazadigan ma'lumotlardan himoya qilish;

umumiy o'rta ta'lim uchun majburiy bir yillik tayyorgarlikni olish.

Hujjatda shuningdek, bolaning qonuniy vakillarining huquqlari ko'rsatilgan:

bolaning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish;
bolangiz uchun maktabgacha ta'lim shakllarini va o'qitish tilini tanlang;
maktabgacha ta'lim tashkilotlari ma'muriyatidan maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risidagi qonun hujjatlarida nazarda tutilgan zarur shart-sharoitlarni ta'minlashni talab qilish;
maktabgacha yoshdagi bolalarni rivojlantirish, maktabgacha ta'lim va tarbiyalash bo'yicha davlat organlariga murojaat qilish;
bolaga hurmat ko'rsatishni talab qilish;
maktabgacha ta'lim muassasasida o'quv jarayonini tashkil etishda ishtirok etish;
davlat maktabgacha ta'lim tashkilotining kuzatuv kengashini saylaydi va saylanadi.

Bolaning qonuniy vakillarining vazifalariga quyidagilar kiradi.
bolaning jismoniy salomatligi, ruhiy holati to'g'risida g'amxo'rlik qilish, uning qobiliyatlarini rivojlantirish uchun sharoit yaratish;
bolaning maktabgacha ta'lim olishiga ko'maklashish yoki uning oilada tarbiyasi va ta'limini ta'minlash;
maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonining boshqa ishtirokchilarining sha'ni, qadr-qimmati va ishbilarmonlik obro'sini hurmat qilish;
bolalarni vatanga muhabbat, mehnatga hurmat bilan munosabatda bo'lismuhida tarbiyalash,
o'z xalqining milliy, tarixiy, madaniy qadriyatlariga, shuningdek, umuminsoniy qadriyatlarga, atrof-muhitga hurmat bilan munosabatda bo'lismuhida tarbiyalash;

bolani oilada har tomonlama rivojlantirish, tarbiyalash va o'qitish uchun zarur shart-sharoitlarni ta'minlash.

Bolaning qonuniy vakillari maktabga kirishdan bir yil oldin umumiy o'rta ta'limga majburiy bir yillik tayyorgarlikni olish uchun qonun bilan javobgardir.

Qonun maktabgacha tarbiyachilarga quyidagi huquqlarni beradi:
kasbiy sha'ni, qadr-qimmati va ishbilarmonlik obro'sini himoya qilish;
ijodiy tashabbus, ta'lim va tarbiya usullari, o'quv qo'llanmalari va o'quv qo'llanmalarini tanlash erkinligi;
maktabgacha ta'lim tashkilotini boshqarish va ta'lim dasturlarini ishlab chiqishda ishtirok etish;
o'qitishda muvaffaqiyatga erishish uchun ma'naviy va moddiy rag'batlantirish;
maktabgacha ta'lim sohasidagi ilmiy, innovatsion, xalqaro tadbirdarda ishtirok etish.

Bundan tashqari, qonun hujjatlarida nazarda tutilgan hollar bundan mustasno, maktabgacha tarbiyachilarni kasbiy vazifalarini bajarish bilan bog'liq bo'limgan ishlarga jalb qilishga yo'l qo'yilmasligi ta'kidlandi.

Maktabgacha ta'lim muassasalarining pedagogik xodimlari:

bolalarni professional darajada o'qitish va o'qitish;
pedagogik axloq qoidalariga rioya qilish, bolaning sha'ni va qadr-qimmatini himoya qilish, bolalarni zo'ravonlikdan himoya qilish, ularni vatanparvarlik, mehnatga, qonuniy vakillarga va atrof-muhitga hurmat ruhida tarbiyalash;
maktabgacha ta'larning davlat ta'lim dasturini amalga oshirish;
malaka oshirish, kasbiy mahorat va pedagogik mahoratni oshirish.

Qonun ta'lim jarayonidan siyosiy maqsadlarda foydalanishni yoki bolalarni qonunga xilof ishlarni qilishga undashni taqiqlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1.Обзор: Закон «О дошкольном образовании и воспитании» 18.12.2019 yil. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/12/18/education/>

2. Развитие дошкольного образования - стратегическая цель на ближайшие годы.31.12.2021.

3.<https://yuz.uz/ru/news/razvitiye-doshkolnogo-obrazovaniya---strategicheskaya-tsel-na-blijayshie-god>

4.<https://lex.uz/pdfs/4327240>

5.Об утверждении Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года. РР -4312. 08.05.2019.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ДИЗАЙН ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ: АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ.

Зупарова Д.Д., МТДДМҚТМОИ докторанти

Калит сўзлар: Дизайн, дизайн таълими, таълим дизайнни, лойиҳалаш маданияти, компетенция, мактабгача педагогика.

Аннотация: Маъруза тезисида дизайн, дизайн таълимининг моҳияти, таълимда, ҳусусан мактабгача таълим тизими жараёнини модернизация килишининг самарали инновацион методи сифатида тутган ўрни, методи, шакл ва воситалари ёритилган.

Аннотация: В данном тезисе освещена значимость , методы формы и средства внедрения дизайн образования как инновационного эффективного метода модернизации дошкольной педагогики. Освещена сущность понятий дизайн, дизайнобразование, педагогический дизайн.

Instruction: This thesis highlights the relevance of methods, shapes and implementation tools of design education as an innovation and effective method of modernization of nursery education. Highlights the essence of concepts of design, design education and instructional design.

Дизайн ҳакли равишда замонавий ва хар соҳага тааллукли санъат дея эътироф этилади. Дизайн бу - шахснинг объектив фазовий оламни мақсадга

мувофиқ гўзаллик қонунлари асосида ташкил этишга қаратилган бадиий ижодий фаолиятнинг ўзига ҳос тури. Шу билан бирга мақсадга мувофиқлик нафакат функционалликни, маҳсулотнинг мақсадга аниқ мослигини, балки, дизайн объектиning фазовий шакли, мазмуни, функцияси ва жойининг уйғун бирлиги сифатида уйғунликни англатади. Дизайн атамалари луғатида “дизайн” инглизча сўз булиб, “лойиҳа”, “образ”, “фикр”, “ғоя”, “ғайриоддий фаолият”, “композиция санъати”, “санъат асари” каби маъноларни англатади.

Дизайн турлари: саноат дизайнни, муҳит дизайнни, график дизайн, веб дизайн, жараёнлар дизайнни, фикрий дизайн. Бугунги ривожланган жамиятда дизайнерларнинг моҳир куллари, фантазиялари, креатив фикр ва лойиҳалари кириб бормаган касб, соҳа ва хизматнинг ўзи қолмади. Дизайн кириб борган соҳалар: бинолар, интеръер, қўпприклар, транспорт, кийим кечак, пойафзал, ўйинчоқлар; китоблар, журналлар, реклама баннерлари, компаниялар брендси, логотиплар, маркетинг, савдо сотиқ, эсдалик совғалари, озик овқат, қадоқлаш; Асбоб ускуналар, тақдимотлар, тўй ва байрам тадбирлари, шоу бизнес, театр, саҳна безаги, сиёsat, таълим; Дастурий маҳсулотлар, ғоялар, патентлар, лойиҳавий ишланмалар, рақамли технологиялар, интернет, веб жараёнлар. Ҳусусан замонавий педагогикада ҳам дизайн, дизайн элемент ва сигналлари, услуга ва воситаларидан мақсадли, самарали ва тўғри фойдаланиш таълим сифатини ошириш, модернизация қилишда қўл келади. Чунки, замонавий дизайн инсонлар онгига таъсир этувчи ва уларнинг танловини бошқариш методи сифатида эътироф этилмоқда. Дизайн боланинг ҳис туйғулари ва ҳаракатларига, фикрлаш доираси ва ғояларига, ахлоқий тарбиясига, қизиқиш ва еътиқодига, эстетик дидига, касб ҳунар танлашига, лойиҳалаш маданиятига, дунёқарашининг шаклланишига ва замонавий технологик ҳаётга тайёрлайди, қашфиётлар яратишга ўргатади ҳар бир ҳаётий фаолиятини тўғри лойиҳалаштиришга, шунингдек, ўз ғояларини моддийлаштириш имкониятини беради. Агар киши болалигиданқатъий ғоявий позициясига ва ахлоқий кўрсатмаларга эга бўлмаса, эстетик диди бўлмаса ўз фикрлари ва баҳоларига ишончсиз булса, қизиқишлиар ва эътиқодларига нисбатан бекарор булса у, “кўр кўрона” ҳаракатлар учун қўлланма сифатида дизайн сигналларини осонгина қабул қиласди: қайерга қарашиб керак, нимага эришиш керак, кимга ишониш ва эргашиб керак, кимга мурожат қилиш керак, ҳаёти ва ташки дунё билан муносабатда қандай қуриш масалалари юзасидан дизайн сигналларига беркинган ғоялар ортидан эргашади.

Мактабгача ёшдаги бола онгига дизайн сигналларининг салбий таъсири натижалари қуйидагиларда намоён бўлади: Боланинг ёркин рангли носоғлом озиқ овқатларга интилиши; Носоғлом турмуш тарзининг шаклланиши; Виртуал оламга қарамлик; Кам ҳаракатлилик; Бола турли мобил иловалар,

компьютер уйинларини ўйнашга ўрганиб қолиши; Кўр кўрона тақлид еки эргашув; Бола онгига менталитетимизга ёд ғояларнинг кириб олиши; Болада агрессия ривожланиши; Миллий ўзлигини йуқотиши.

Дизайн сигналлари ва категориялари: шакл, ранг, структура, фактура, чироқлар, чизиқлар, анимациялар, товуш, овоз, композиция, чиройли ибора ва матнлар, дастурий маҳсулотлар, реклама ва маркетинг, таъм, хуш бўй, интернет ва веб дизайн ва б.

Дизайн таълими. Лойиҳалаш компетенциясига эга бўлган шахсни тарбиялашга йўналтирилган таълим тuri. Дизайн таълими маълум муассасасида, давлат ва жамиятда ижодий маданий мухитни ташкил қилишнинг тизимли шаклидир. Замонавий таълимда дизайн таълимининг аҳамияти ҳар бир болага нарсалар дунёсидан қобилиятли фойдаланишни тарбиялашдан иборат. Бунинг учун технологик билимларнинг ўзигина етарли эмас, болаларни илк ёшлариданок, ҳизматлар ва буюмларнинг бадиий тилини ўқиши, уларнинг шакллари мутаносиблигини ҳис килишга ўргатиб бориш зарур. Болалар нафақат улар олдида яратилган гўзалликни англашлари ва сақлаб қолишли, балки, гўзаллик қонунларига кўра дунёни ўзгартиришни ўрганишлари, уни экологик тоза қулай ва инсонпарвар қилишлари керак. Ушбу ўзгариш оддий нарсалардан бошланади(кийим ва ўйинчоқлар танлаш) ва вақт ўтиши билан инсон дунёни англаши жараёнида ўзгариб ривожланиб такомиллашиб боради. Нарса ва буюмларнинг нафақат қимматини, балки моҳиятини англайди. Умумий табий узвийликка интилади. Бу эса ҳаёт учун қулайлик ва маҳофаза вазифасини ўтайди.

Дизайн таълими болаларга (Лойиҳалаш маданияти) эстетик дид, ижодкорлик, яратувчанлик, лойиҳа маданияти, креативлик, тўғри фикрлаш йўли (мантиқ), сабр қўнимлилик, ўз вақтини тўғри ташкил этиш ва бошқариш, мақбул ечим излаш, саранжомлик, ўзига ишониш каби жуда керакли қатор хислатларни тарбиялайди. Дизайн таълими оркали ва педагогик дизайн элементлари ёрдамида “Илк кадам” Давлат дастурига асосан қуйидаги компетенцияларни шакллантириш мумкин:

1. Боланинг умумий мухим компетенциялари - коммуникатив компетенция, ўйин компетенцияси, ижтимоий компетенция, билиш компетенцияси.

2. Боланинг ривожланиш соҳалари компетенциялари - ”Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш” соҳаси компетенциялари, “Ижтимоий хиссий ривожланиш” соҳаси компетенцияси, “Нутқ, мулоқот, ўқиши ва ёзиш малакалари” соҳаси компетенцияси, “Билиш жараёнларининг ривожланиши” соҳаси компетенцияси, “Ижодий ривожланиш” соҳаси компетенцияси.

Мактабгача таълимда ва тарбия жараёнида дизайн қуидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Мактабгача таълим ва тарбия муҳитини ташкил этишда (педагогик дизайн, график дизайн саноат ёки буюмлар дизайнни, дидактик дизайн, веб дизайн, жараёнлар дизайнни, фикрий дизайн).

2. Болани ўраб турган атроф муҳитни лойиҳалашда (архитектура дизайнни, интеръер дизайнни, ландшафт дизайнни).

Дизайн таълими ўргатилиш жараёни: бола расм чизганда, қул меҳнати билан машғул бўлганда, ранг шакл танлашда, компоновка жараенида, болага атроф муҳитининг таъсирида, бешта ривожлантириш марказларидағи фаолият натижасида, гуруҳ бурчаклари таъсирида, табиат билан мулоқот жараёнида, овқатланиш, кийиниш, соғлиқ ва гигиена, ҳёт муҳофазаси, оила ва маҳаллий ҳамжамият ҳамкорлиги, ижтимоий шериклик.

Дизайн таълими ва таълим дизайнни болада лойиҳалаш маданиятини шакллантирувчи метод сифатида қуидаги воситалардан фойдаланиши мумкин: оила ва МТТ бирдамлиги; узлуксиз таълимнинг бошқа поғоналари билан ҳамкорлик; маҳаллий ҳамжамият ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик; ижтимоий шериклик; соҳа мутаҳассислари ва ота оналар учун маҳсус тренинглар, очик эшиклар кунлари; болалар учун таникли дизайнерлар, рассомлар ҳунармандлар томонидан ўтказиладиган мастер класслар, тренинглар, кўргазмалар; болаларнинг дизайн ижоди намуналари намойишлари кўргазмалари ва конкурслари; ОАВ ни жалб этиш; Масофавий ва онлайн таълим; Болалар дизайнига бағишлиланган медиа маҳсулотлар намойиши ва б.

Хуроса қилиб айтганда бугунги кунда мактабгача таълим ва тарбия жараёнида таълимни модернизация қилишининг инновацион метод ва воситаларини аниқлаш, ишлаб чиқиш ва қўллаш зарур бўлган бир шароитда дизайн ва дизайн таълими ана шундай метод эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Буни ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди. Дизайн ва дизайн таълими, педагогик дизайн элементларини чуқур тадқиқиқ этиш мактабгача педагогика жараёнини модернизация қилишда юқори самарали натижаларни берувчи янги инновацион методни ишлаб чиқиш ва қўллашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги 2019 йил 17 декабрьда қабул килинган 595 сонли ЎРҚ.

2. Цай Е.Ф., Грошева И.В., Назарова В.А., Исмаилова М.А.. Пособие для тренеров «Внедрение Государственной учебной программы «Илк кадам» для дошкольных образовательных учреждений и Государственных требований к

развитию детей раннего и дошкольного возраста Республики Узбекистан» Ташкент, 2019 г.

3. Конышева, Н. М. Теоретические основы дидактической системы дизайнера образованием младших школьников [Текст]: автореф. дис. д-ра пед. наук / Н. М. Конышева. – М., 2000.

5. Ткаченко, Е. В. Концепция непрерывного дизайн-образования [Текст] / Е. В. Ткаченко, С. М. Кожуховская. – М.: Изд. центр НОУ «ИСОМ». 2006.

ИНФОРМАЦИОННОЕ ПРОСТРАНСТВО ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Исаходжаева Н.А., старший преподаватель ИППКРСДОО

Качества образовательного процесса в дошкольной образовательной организации (ДОО) в значительной степени зависит от компетентности педагогов и воспитателей. При этом педагогическая компетентность, как интегративный личностный ресурс [1] включает в себя многие практические аспекты: высокий уровень знаний, умений и навыков, опыт работы, способность реализовывать круг задач, стоящих перед современным специалистом ДОО, которая отражается во владении информационными технологиями, эффективной межличностной коммуникации, эмпатии, стремлении к профессиональному развитию. В этой связи возникает проблема создания условий для совершенствования и развития профессиональных компетенций специалистов ДОО. Мы считаем, что специально организованное информационно-методическое сопровождение таким условием позволит специалистам ДОО более эффективно овладевать профессиональными компетенциями как в периоды повышения квалификации, так и в ходе профессиональной деятельности непосредственно в ДОО.

Актуальность постановки проблемы разработки эффективных механизмов информационно-методического сопровождения формирования профессиональной компетенции специалистов ДОО состоит в необходимости разрешения следующего комплекса противоречий между значением формирования профессиональных компетенций как процесса роста профессионального потенциала личности педагога и недостаточной разработанностью технологий методической работы, ориентированных на формирование профессиональных компетенций педагогических работников в ДОО.

Эффективность методического сопровождения и поддержки с использованием современных информационных и коммуникационных технологий в процессе повышения квалификации педагогов доказана

многочисленными исследованиями [2,3]. Организованное информационно-методическое сопровождение позволяет создать условия для овладения специалистами новейших методов, принципов работы с детьми и их родителями, способствует более полному раскрытию творческого потенциала педагогов и воспитателей, позволяет не только накапливать, но и распространять полученный опыт среди коллег. Однако до сих пор мы наблюдаем недостаточную разработанность механизмов информационно-методического сопровождения формирования профессиональных компетенций у специалистов ДОО. Все еще требуют изучения организационно-управленческие условия и механизмы построения и реализации информационно-методического сопровождения процесса формирования профессиональной компетенции педагогов и воспитателей ДОО.

Мы считаем, что разработка и внедрение информационно-методического сопровождения в процесс формирования компетенций специалистов ДОО должны основываться на следующих принципах:

- Системность и комплексность;
- Дифференцированный подход к составлению образовательной траектории каждого специалиста ДОО;
- Научность;
- Непрерывность – информационно-методическое сопровождение должно осуществляться постоянно, как в ходе повышения квалификации, так и в непосредственной работе в ДОО;
- Измеримость – наличие объективной системы оценивая результатов формирования профессиональных компетенций;
- Ориентированность на практическую деятельность.

Подводя итоги, делаем вывод, что в педагогическая теория еще требует более полной проработки аспектов, связанных с построением системы информационно-методического сопровождения формирования профессиональных компетенций педагогов ДОО, основанном на принципах сетевой организации и использовании современных эффективных механизмов сопровождения.

Список литературы:

1. Рамазанова Э.А., Усеинова А.А. Методическое сопровождение развития профессиональной компетентности педагогических кадров ДОУ //Наука и образование сегодня. – 2020. – №. 6-1 (53).
2. Олефир Л.Н. О тьюторском сопровождении повышения квалификации учителя в информационно-методическом центре //Проблемы современного педагогического образования. – 2019. – №. 64-1.

3. Авво Б.В. и др. Андрагогические аспекты повышения квалификации педагогов: информационно-методический сервис "Профиль роста". – 2019.

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI PEDAGOGLARI MALAKASINI OSHIRISHNING ANDRAGOGIK YONDASHUVGA ASOSLANGAN MODELI

*Isxakova M.R., MTTDMQTMOI katta o`qituvchisi
Zokirov A.A., MTTDMQTMOI prorektori, ps.f.n., dotsent*

Annotatsiya: Maqolada maktabgacha ta'lism tashkilotlari pedagoglarining andragogik yondashuv asosida malakasini oshirish jarayonini tashkil etish, uning andragogik modelini ishlab chiqish va amalga oshirish, shuningdek, kattalar ta'limida samarali texnologiyalardan foydalanish yoritilgan.

Kalit so`zlar: andragogika, andragogik yondashuv, andragogik model, katta yoshli ta'lism oluvchi, malaka oshirish, metod, vosita, shakllar, o`quv jarayoni, pedagoglar, maktabgacha ta'lism tashkiloti.

Maktabgacha ta'lism tashkilotlari (MTT) pedagoglarining malakasini oshirish masalalarini o'rganish shuni ko'rsatadiki, pedagoglarning kasbiy rivojlanishini amalga oshirishda, albatta, ularning ehtiyojlari, qiziqishlari, amaliy tajribalari inobatga olinishi maqsadga muvofiqdir. Bunday imkoniyatni andragogik yondashuvga asoslangan malaka oshirish tizimi beradi.

Ilmiy manbalarni tahlil qilish “andragogika” atamasini o'qitish, tarbiyalash, o'z taqdirini belgilash, o'z-o'zini anglash, o'z-o'zini anglashning nazariy va amaliy elementlarini bir-biriga bog'lab, pedagogika fanining ajralmas qismi sifatida ko'rib chiqishga imkon beradi. Shuni ta'kidlash kerakki, bu jarayonlar insonning butun hayoti davrida sodir bo'ladi. Andragog-olim S.G.Vershlovckiy "andragogika" tushunchasini ijtimoiy va pedagogik jarayonda kattalarni mustaqil fikrlash qobiliyatini rivojlanтирib, kasbiy mahorat cho'qqisiga ko'tarishga tayyorlaydigan fan sifatida talqin qiladi [1].

Andragogika sohasidagi faol ilmiy izlanishlar XX asrning o'rtalaridan boshlab amalga oshirila boshlangan. Ushbu tadqiqotlar dunyo miqyosida P. Jarvis, M. Noulz, R. Smit, S. Zmeev, S. Vershlovskiy, M. Gromkova va boshqalarning fundamental asarlarida, mamlakatimizda H.Pashidov, N.Abdunazarova, A.Zokirov, M.Mirsoliyevalarning ilmiy izlanishlarida aks etgan.

Bizning tadqiqotimiz hozirgi kunda uzlusiz ta'lism tizimida malaka oshirish va kasbiy rivojlanish borasida yetarli darajada ishlar amalga oshirilmaganligini ko`rsatdi.


Olimlar ta'kidlaganidek, kattalar o'zlarining qadriyatlari va professional stereotiplarini faoliyat darajasida, ulardan ba'zilaridan voz kechish zarurligini tushunmaguncha saqlab qoladilar.

Shu munosabat bilan bizning ilmiy izlanishimizning maqsadi mактабгача та'lim tashkiloti pedagoglarining malakasini oshirish jarayonida andragogik modelning imkoniyatlarini ochib berish bo`ldi. Malaka oshirish tizimi - bu kasbiy ta'lim olganidan keyin insonning mustaqil hayoti davomida rivojlanishiga yordam berish uchun mo'ljallangan ta'lim tizimining bir qismidir.

Kattalar ta'limining andragogik modeli va MTT pedagoglarining malaka oshirish tizimidagi o'quv jarayonini tashkil etish xususiyatlarini batafsil ko'rib chiqamiz.

S. I. Zmeyev [4]ga binoan andragogik model kattalarning ta'lim oluvchi sifatidagi psixofiziologik va ijtimoiy-kasbiy xususiyatlaridan, ularning ta'lim maqsadi va shartlaridan kelib chiqadigan quyidagi tamoyillarga asoslanadi:

- katta yoshli ta'lim oluvchi o'quv jarayonida yetakchi rolga ega;
- katta yoshli ta'lim oluvchi o'zini anglash, mustaqillik, o'zini o'zi boshqarish uchun harakat qiladi;
- katta yoshli ta'lim oluvchi o'zi uchun ham, hamkasblari uchun ham muhim ta'lim manbai sifatida ishlatalishi mumkin bo'lgan hayotiy (kundalik, ijtimoiy, kasbiy) tajribaga ega;
- kattalar muhim hayotiy muammoni hal qilish va aniq maqsadga erishish uchun o'qiydi;
- katta yoshli ta'lim oluvchi mashg'ulot jarayonida to'plangan bilim, ko'nikma va tajribani zudlik bilan qo'llashga intiladi.



1-rasm: Andragogika va pedagogikada o'qish jarayoni qiyosi

O'quv jarayoni kattalar o'qituvchisi (andragog) va ta'lif oluvchi (tinglovchi)ning barcha bosqichlarda: diagnostika, rejalashtirish, amalga oshirish, baholash, korreksiya jarayonida birgalikdagi faoliyati shaklida tashkil etiladi. Ta'lif oluvchilar (kattalar va kattalar bo'limgan) xususiyatlaridan kelib chiqib, andragogikaning asoschisi M. Sh.Nouls [6] pedagogik va andragogik o'qitish modellarini taqqosladi. Modellarni yaratish uchun M. Sh.Nouls ta'lif oluvchining tasnifi, ta'lif jarayoni xususiyatlari, ta'lif beruvchi va ta'lif oluvchilar faoliyat turlaridan foydalangan.

Andragogik modelning asosiy g'oyalari: kattalarga ta'lif beruvchining etakchi roli; kattalar - ta'lif beruvchi va ta'lif oluvchining hamkorlikdagi faoliyati; o'quv jarayonini tayyorlash va uni amalga oshirishda o'zaro hurmat, mas'uliyat va birgalikda ishslashga asoslangan norasmiy psixologik o'quv muhiti.

Muallif ta'lif beruvchi va ta'lif oluvchi o'rtasidagi o'zaro faoliyat turlarini andragogik jarayonda tasvirlaydi, bunda deyarli barcha sub'yektlar kimdir yoki nimadir (kompyuter) bilan muloqot jarayonida bo'ladi.

Bugungi kunda innovatsion bo'lgan andragogik ta'lif modelini tuzimlashtirishda turli xil talqinlar mavjud. Shuning uchun, amalda uni andragogik o'quv jarayonining tarkibiy qismi sifatida amalga oshirish mumkin.

Odatda, andagog - ta'lif beruvchilar modeldagi kattalarni tavsiflovchi eng muhim parametrlar bilan belgilanadi:

- o'z-o'zini anglash, hayotiy tajriba;
- ta'lif olishga tayyorlik va ta'lif olish maqsadi;
- bilim, ko'nikma, malaka va tajribalarni ishlatishga yo'naltirish;
- o'quv jarayonini tashkil etishda ishtirop etish.

Kattalar bilan ta'lif jarayonini tashkil qilish xususiyatlarini tahlil qilib, shuni ta'kidlash kerakki, malaka oshirishning andragogik modeli ma'lum ta'lif oluvchilar va ta'lif beruvchilar guruhi - kattalar guruhi bilan ishslash qoidalari tizimini o'z ichiga oladi.

Andragogik malaka oshirish modeli ta'lif jarayonining barcha parametrlarini aniqlashga imkon beradi: u katta yoshdagi ta'lif oluvchilarning asosiy xususiyatlariga, ta'lif beruvchi va ta'lif oluvchilarning birgalikdagi faoliyatiga asoslangan bo'lib, ular kattalarning etakchi, faol pozitsiyasini belgilaydi, shuningdek, o'quv jarayonining barcha bosqichlarida teng ishtiropchi sifatida guruhi faoliyat ishtiropchisi hisoblanadi.

MTT pedagoglari malakasini oshirishning ushbu andragogik modeli - bu murakkab dinamik jarayon bo`lib, "Men - kattaman" psixologik pozitsiyasiga asoslanadi va u anglash qobiliyatini, faoliyat va xatti-harakatlarni muvofiqlashtirish, loyihalash, tartibga solish, refleksiya (aks ettirish) va korreksiyalash (tuzatish)ni amalga oshirishni nazarda tutadi.

Andragogik tadqiqotlarni o'rganish asosida (S.G.Vershlovskiy [1], S.I.Zmeyev [4], M.P.Gromkova [3], A.Kopilova [5], Z.V.Vozgova [2], M.Mirsoliyeva[7], O.A.Orlova [8] va boshqalar.) biz pedagoglar malaka oshirishining quyidagi komponentlaridan ibotat bo`lgan andragogik modelinini belgiladik:

- *andragogik tamoyillar* (mustaqil ta'lif olish: birgalikdagi faoliyat, tinglovchi tajribasiga tayanish, ta'lif olishni individuallashtirish, tizimli ta'lif, kontekstli ta'lif, o'quv natijalarini aktuallashtirish, ta'lifning elektivligi, ta'lif ehtiyojlarini rivojlantirish).

- *malaka oshirish jarayonining bosqichlari* (diagnostika, malaka oshirish jarayonini rejalashtirish va uni amalga oshirish, refleksiya, malaka oshirish jarayonini korreksiyalash);

- *ta'lif beruvchining vazifalari* (diagnostika testlari, anketa-so`rovnomalari, kuzatuqlar olib borish, suhbatlar o'tkazish; tinglovchilar bilan birgalikda malaka oshirishning individual dasturini ishlab chiqish; muvaffaqiyatli o'qitish uchun zarur bo'lgan ilmiy, uslubiy va psixologik sharoitlarni tayyorlash; diagnostika tadbirlarini o'tkazish va tinglovchilar malaka oshirish jarayonini amalga oshirilishini monitoringini tashkil etish;

- malaka oshirish jarayonining kurs ishlarida yutuqlarni baholash vositalari va shakllari, usullari, tartiblari va malaka oshirish jarayonining o'zi, ushbu jarayonning faol ishtirokchilarining malakasini oshirish maqsadlariga va tinglovchilarning xususiyatlari mos keladigan harakatlarini tanlash va ulardan foydalanish; malaka oshirish jarayonining etarli darajada samarali bo'limgan tarkibiy qismlariga kerakli o'zgarishlarni kiritish);

- *ta'lif oluvchilarning funksiyalari* (diagnostika vazifalarini bajarish va ta'lif ehtiyojlari, bilim va ta'lif uslublarini, o'z-o'zini diagnostika qilish texnologiyasini bosqichma-bosqich o'zlashtirish); individual o'quv dasturining ta'lif beruvchilar bilan birgalikda ishlab chiqish; ta'lif olish uchun qulay psixologik muhit yaratish uchun zarur bo'lgan shart-sharoitlarni yaratish va ularga rioya qilish; malaka oshirish kurslarida o'qitishning turli manbalari, vositalari, shakllari va usullarini izlash va ulardan foydalanish; malaka oshirish jarayonida erishilgan yutuqlarni baholashning turli mezonlari, shakllari, usullari, tartiblaridan hamda ushbu jarayonning faol ishtirokchilarining harakatlaridan foydalanish; o'quv jarayonini korreksiyalash bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish);

- *tashkiliy shakllar* (muammoli ma'ruzalar, ma'ruza-vizualizatsiyalar, munozaralar, ishbilarmonlik o'yinlari, proaktiv, refleksiv seminarlar va boshqalar), *metodlar* (keysler tahlili usuli, o'yin orqali loyihalash, aqliy hujum, bitta savol formati, to'siqlarni bartaraf etish texnikasi va boshqalar) va *vositalar* (o'qitishning axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, malaka oshirish kurslari tinglovchilari uchun uslubiy ko'rsatmalar va boshqalar).

Andragogik model:

Ta'lim oluvchilarning funksiyalari

Tashkiliy shakllar

Metodlar

Vositalar

Andragogik tamoyillar

Ta'lim beruvchining vazifalari

Maktabgacha ta'lim tashkilotlari direktor va mutaxassislarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish institutining malaka oshirish kurslarida biz MTT pedagoglarining malakasini oshirishning yuqorida ko'rsatilgan andragogik modelini joriy qildik. Shuni ta'kidlash kerakki, ushbu model bizning ijtimoiy-andagogik sharoitimizga moslashtirildi: biz malaka oshirish jarayonida katta yoshli tinglovchilarning psixologik xususiyatlarini hisobga oldik, andragogik tamoyillarga, tashkiliy shakllarning o'ziga xos xususiyatlariga va interfaol usullarga tayandik.

Andragogik modelning joriy etilishi MTT pedagoglarining kasbiy mahoratini, ularning ijodiy faolligini, tadqiqot ishlarida mustaqillagini oshirishga ijobiy ta'sir ko'rsatdi.

Olingen ma'lumotlarga asoslanib, biz andragogik yondashuv doirasida MTT pedagoglarining malakasini oshirish uchun quyidagi tashkiliy va pedagogik shartlarni amalga oshirdik:

➤ MTT pedagoglarining malakasini oshirishning andragogik modeli ishlab chiqildi va amalga oshirildi (maqsad, kattalar ta'limi tamoyillari, mazmuni, tashkiliy shakllari, usullari, ta'lim vositalari, samaradorlik mezonlari);

➤ pedagoglar malakasini oshirishda qo'llaniladigan andragogik texnologiyalar (faol ta'lim uchun vaziyatni tahlil qilish texnologiyasi, aqliy hujum, faol ta'limning kompleks texnologiyalari va boshqalar);

➤ malaka oshirish tizimida faoliyat obib borayotgan professor-o'qituvchilar uchun turli yoshdagi kattalar bilan ishlash bo'yicha maxsus trening tashkil etildi.

Malaka oshirishning andragogik modeli bizga o'quv jarayonini takomillashtirishga imkon berdi:

- katta yoshli ta'lim oluvchilarning yoshi, psixologik va ijtimoiy xususiyatlarini hisobga olish;

- katta yoshli ta'lim oluvchilarning kasbiy va hayotiy tajribasiga tayanish;

- ta'lim jarayoniga yorqin obraz (tasvir)lar, misollarni kiritish;

- o'quv jarayoni va kasbiy rivojlanish uchun mas'uliyatni oshirish;

- ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchi o'rtaida ishonchli, ijobiy munosabatlarni yaratish;

- axborotni taqdim etishning turli shakllari va usullarini, faoliyat shakllarini ishlab chiqish va ularning mobilligini ta'minlash;
- ta'lim olish uchun yuqori motivatsiyani saqlab qolish va malaka oshirish jarayoniga ma'lum o'zgarishlar kiritish.

Shunday qilib, biz MTT pedagoglarini andragogik yondashuv asosida malakasini oshirish kattalar ta'limi jarayonini yangicha – innovatsion tarzda tashkil etishga imkon beradi degan *xulosaga keldik*:

- katta yoshli ta'lim oluvchilarning ehtiyojlarini qondirish va ularning imkoniyatlarini kengroq ochib berish;
- individual traektoriyalar bo'yicha kasbiy rivojlanishni kafolatlash;
- o`z-o`zini tahlil qilishning turli shakllaridan doimiy foydalanishni o'z ichiga oladigan (refleksiya (aks ettirish), o'zini sinab ko'rish, o'zini o'zi baholash, o'z-o`zini korreksiyalash (tuzatish)ni va boshqalar) o'z ichiga olgan hayot davomidagi ta'limga e'tibor qaratish;
- kattalar ta'limida afzal ko'rilgan interfaol ta'limdan va ta'limning eng keng tarqalgan shakli bo'lgan kichik guruuhlar ishlaridan keng foydalanish.

Yuqoridagilardan kelib chiqadigan bo'lsak, andragogik yondashuv maqsad, tamoyillar, usullar, metodlar va ta'lim vositalari kabi tarkibiy qismlardan iborat bo`lgan majmuani nazarda tutadi.

MTT pedagoglarining malakasini oshirish tizimida andragogik yondashuv tinglovchilarga o'zlarining kasbiy malakalarini oshirishga quyidagi imkoniyarlarni beradi:

muammolarni samarali hal etish yo'llarini belgilab, ularni natijali bartaraf eta olish, bilimlarni integratsiyalash va murakkab muammolarni hal qilish, turli toifadagi tinglovchilar uchun o'z nuqtai nazari va dalillarini taqdim etish va kattalar ta'limining asosiy tamoyili - "hayot davomida ta'lim"ni amalga oshirishga

Foydalanilgan adabitotlar ro`yxati:

1. Вершловский С.Г. Общее образование взрослых: Стимулы и мотивы. М., 1987
2. Возгова З. В. Андрагогические особенности профессиональной подготовки в процессе непрерывного повышения квалификации научно-педагогических работников. В: Фундаментальные исследования, 2013, № 6, с. 730-734.
3. Громкова М. Т. Андрагогика: теория и практика образования взрослых: Учеб. пособие для системы доп. проф. образования. Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. 495 с.
4. Змеёв С. И. Андрагогика: основы теории, истории и технологии обучения взрослых. Москва: PerSe, 2007. 272 с.
5. Копылова А. В. Особенности андрагогической модели в системе

повышения квалификации педагогических и руководящих работников образования. В: Вестник ТГПУ, 2010, вып. 10(100), с. 43-47.

6. Ноулз М. Ш. Современная практика образования взрослых, 1970г
7. M.Mirsoliyeva Andragogikaning taraqqiyot yo`nalishlari. Zamonaviy ta`lim. 2016.11
8. Орлова О. А. Андрагогический аспект подготовки учителя в системе последипломного образования. В: Вектор науки ТГУ, 2012, № 4(11), с. 216-218.

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДАГИ НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ: МАВЖУД ҲОЛАТ ВА МУАММОЛАР

Калмуратов Т.Н., МТТДМҚТМОИ таянч докторанти

Таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнларининг сифати ва самарадорлиги ташкилотни бошқариш билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, бугунги тез ривожланаётган таълим хизматларини қўрсатиш бозорида буюртмачиларнинг талабларини қондира оладиган рақобатбардош таълим ташкилотини ташкил этиш, унинг фаолиятини жамиятнинг ривожланиш суръатларига олдиндан мослаштириб борища таълим менежменти муносиб ўринга эга.

Таълим муассасаларини бошқариш масалаларига мамлакатимиз олимларидан Р.Джураев, М.Мирқосимов, Ҳ.Сайдов, С.Турғунов, Қ.Шодмонов, Ж.Йўлдошев, Р.Ахлидинов, У.Иноятов, М.Юлдашев, Н.Аҳмедова шунингдек, МДҲ давлатларидан М.Губанова, В.Гуров, З.Крецан, В.Лазарев, Н.Немова, Т.Шамова, Н.Шмырева каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида асосан умумий ўрта, ўрта маҳсус таълим муассасаларида бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, раҳбар ва педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, таълим сифатини бошқариш муаммолари тадқиқ этилган.

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни ҳар томонлама ривожлантиришга оид тадқиқотлар ўзбекистонлик педагог, психолог ва файласуф олимлар Д.А.Абдураҳимова, М.К.Абдуҳакимова, Ў.К.Адамова, З.Азизова, М.Асқарова, М.Асқархўжаева, Д.Р.Бабаева, Н.Х.Бегматова, У.Бўтаева, Ф.Б.Валихўжаева, Б.Джураева, Г.Назирова, Н.Режаметова, Т.С.Усмонхўжаев, Ф.Р.Қодирова, Ш.Шодмонова, М.Файзуллаева, Д.Ж.Шарипова, Қ.С.Шодиева, П.Юсупова ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, мактабгача таълим ташкилотларини шунингдек, нисбатан янги институт сифатида ватанимизга кириб келган давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқариш йўналишида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Мактабгача таълим вазирлигининг маълумотларига кўра бугунги кунда Республикаизда 11 250 тадан ортиқ давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда. Улардаги таълим-тарбия сифатини ошириш, моддий-техник база ҳамда кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишлари учун муносиб шарт-шароитларни таъминлаш учун ташкилотлар фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Тадқиқот муаммосининг таълим амалиётидаги мавжуд ҳолатини ўрганиш мақсадида 2021 йилнинг март-апрель ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё вилояти ва Хоразм вилоятларида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов ишлари жараёнига Сирдарё вилоятидан 19 нафар, Хоразм вилоятидан 19 нафар, Қорақалпоғистон Республикасидан 57 нафар, жами 95 нафар респондентлар қамраб олинди.

Тажриба-синов жараёнида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари директорлари билан сұхбат ва анкета сўровномалари ўтказилди.

Анкета саволларига қуйидагича жавоблар олинди:

1. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан давлат-хусусий шериклик битимида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши ўрганилганда, респондентларнинг Қорақолпоғистон Республикасида 26.3% (15 нафари), Хоразм вилоятида 78.9% (15 нафари) томонидан бугунги кунда умуман имтиёзли болалар қабул қилинмаганлиги аниқланди. Бундан кўринадики, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари битимда белгилаб берилган мажбуриятларини тўлиқ бажармасдан келмоқда ҳамда тарбияланувчилар контингентида давлат улушининг бажарилиши ҳудудий мактабгача таълим бўйимлари томонидан етарлича назорат қилинмаган.

2. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига тибиёт ходимларининг бириктирилганлиги ўрганилганда сўровномада иштирок этган респондентларнинг Сирдарё вилояти бўйича 37%и (7 та), Қорақалпоғистон Республикасида 57% (28 та), Хоразм вилояти бўйича барчасида ҳамширалар

бириктирилмаганлиги аниқланди. Демак, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг аксариятида болалар саломатлиги ва овқатлантириш сифати таъсисчилар томонидан мақсадга мувофиқ назорат қилинмайди.

3. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан давлат-хусусий шериклик битими бўйича нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига тарбияланувчиларнинг қамраб олингандиши бўйича ўрганиш ишлари олиб борилганда, Сирдарё вилояти бўйича 10 та НМТТ (53%) қувватга нисбатан кам бола қабул қилганлиги, 2 та (11%)сида эса белгиланган қувватдан ортиқ, Қорақалпоғистон Республикасидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг эса 2 таси (3.51%) умуман тарбияланувчи қабул қилмаганлиги, 15 таси эса белгиланган қувватдан кам миқдорда тарбияланувчиларни қабул қилганлиги аниқланди. Юқоридагилардан худудлардаги мактабгача таълим бўлимлари томонидан нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қамраб олинган тарбияланувчилар сони бўйича статистик маълумотлар нотўри юритилаётганлигини кўриш мумкин.

4. Респондентлар ўртасида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагог ходимларининг мутахассис ёки номутахассис эканлиги ўрганилганда, Сирдарё вилоятида 34% (45 нафар), Қорақалпоғистон Республикасида 29% (40 нафар), Хоразм вилоятида 10% (5 нафар) педагог ходимларнинг номутахассис эканлиги аниқланди.

5. Тажриба-синовда қатнашган респондентлар ўртасида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагог ходимларни касбий ривожлантириш масалалари ўрганилганда Сирдарё вилоятида 11% (2 та), Қорақалпоғистон Республикасида 35% (20 та) НМТТлар томонидан педагог ходимларни касбий ривожлантириш бўйича умуман ҳеч қандай ташкилий ишлар олиб борилмаганлиги маълум бўлди.

Демак, туман (шахар) мактабгача таълим бўлимлари ва таъсисчилар томонидан нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагог ходимларни касбий ривожлантиришга, уларнинг малакасини оширишга етарли даражада эътибор берилмайди.

6. Тажриба-синовда қатнашган давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари ўртасида бугунги кунда ташкилотларнинг ўқув-методик ва дидактик материаллар билан таъминланиши бўйича сўровнома ўтказилганда Сирдарё вилоятида 53% (10 нафар), Қорақалпоғистон Республикасида 70% (40 нафар) респондентлар ўқув-методик ва дидактик материаллар билан таъминланишида муаммолар мавжудлиги бўйича жавоб беришган.

Худудий мактабгача таълим бўлимлари томонидан нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ўқув-методик ва дидактик материаллар билан таъминлаш бўйича етарлича ташкилий ишлар олиб борилмаган.

7. Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари директорларининг бугунги қундаги бепул услугубий ёрдамга эҳтиёжи тўғрисидаги саволга Сирдарё вилояти 68% (13 нафар), Қорақалпоғистон Республикасида 77% (44 нафар) ҳамда Хоразм вилоятида 68% (13 нафар) директорлар бугунги кунда бепул услугубий ёрдамга эҳтиёжи борлигини маълум қилишган.

8. Респондентлардан ташкилот фаолиятини тартибга солиш бўйича амалдаги меъёрий-хуқуқий асосларнинг етарлилиги бўйича фикрлари ўрганилганда Сирдарё вилоятида 58% (11 нафар), Қорақалпоғистон Республикасида 35% (20 нафар) ва Хоразм вилоятида 5 % (1 нафар) респондентлар педагог ходимларнинг малакасини ошириш харажатларини давлат бюджети томонидан қоплаб бериш, нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилинадиган тарбияланувчиларнинг ёшлиарини меъёрий хужжатлар асосида аниқ белгилаб қўйиш, оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига худудий тиббиёт пунктларидан ҳамшираларнинг бириктирилиши бўйича бошқа механизм ишлаб чиқиш, шунингдек оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидағи тарбиячи ва ёрдамчи тарбиячиларга меҳнат қонунчилиги бўйича тугруқ ва таътил пулларини ўрнатилган тартибда давлат бюджетидан ажратиш каби таклифларни берган.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқаришнинг қуйидаги жиҳатларини такомиллаштириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга:

1. Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари таъсисчилари, яъни тадбиркорларнинг аксарият ҳолатларда мактабгача таълим ташкилотини бошқариш бўйича компетенциялари етарли эмас. Мазкур масалага ижобий ечим топиш мақсадида тадбиркорларда таълим ташкилотини бошқаришнинг ташкилий, хуқуқий, педагогик жиҳатлари бўйича компетенцияларини ривожлантириш зарур.

2. Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқаришнинг қуйидан юқорига томон йўналтирилган вертикал тизимини ривожлантириш. Мазкур мақсадда ДХШ нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқариш ва назорат қилишнинг электрон платформасини яратиш.

3. Давлат-хусусий шериклик битимида белгиланган тарбияланувчилар сонига нисбатан давлат улушининг ўрнатилган ҳажмларда бўлиши ва унга мувофиқ хўжалик-молиявий масалаларни юритишни такомиллаштириш.

4. Ташкилотда таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш ҳамда сифат менежментини йўлга қўйиш.

5. Ташкилотда болалар саломатлигини сақлаш, соғлом овқатлантиришни ривожлантириш билан боғлиқ комплекс масалаларни ҳал қилиш.

6. Ташкилотга кадрларни танлаб олиш, уларнинг узлуксиз малакасини оширишини ва ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш.

7. Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ўқув-методик ва дидактик тарқатма материаллар билан таъминлашда давлатнинг минимал мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3955-сон Қарори.

3. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. – Тошкент, 2018.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган «Илк қадам» мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастури. – Тошкент, 2018.

БОЛА ТАРБИЯСИДА АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИДА ШАРҚ ВА ҒАРБ АЛЛОМАЛАРИНИНГ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИ РИВОЖИДАГИ ҚЎШГАН ХИССАЛАРИ

Каримова М.А., МТТДМҚТМОИ мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада таълим тизимида ҳам шахс шаклланишининг барча босқичларида бола мавқеини айнан ижтимоий бирлик сифатида баҳолаш, боланинг билимга бўлган муносабатини унинг шахсиятига тегишли интеллектуал элитарлик сифатида қадрлаш, ақл на фақат шахс бойлиги, балки бутун жамият бойлиги эканлиги тамойилига риоя этиш, ақлий салоҳият иқтисодиётнинг муҳим элементи ва истиқбол ривожи, мактабгача

таълим муассасалари таълим тизимининг турли масалалари дунё олимларининг қарашлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Тарбия, ақлий тарбия, бола, таълим, маданият, ақл, билим.

XXI асрга келиб глобализация шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида интеграция, унификация, техноген тараққиёт, замонавий жамиятларнинг тезкор ривожи ва ижтимоий жараёнларнинг кескин трансформацияси рўй берадиган бўлиб, таълим тизимида ҳам шахс шаклланишининг барча босқичларида бола мавқенини айнан ижтимоий бирлик сифатида баҳолаш, боланинг билимга бўлган муносабатини унинг шахсиятига тегишли интеллектуал элитарлик сифатида қадрлаш, ақл на фақат шахс бойлиги, балки бутун жамият бойлиги эканлиги тамоилига риоя этиш, ақлий салоҳият иқтисодиётнинг муҳим элементи ва истиқбол ривожи, замонавий техноген жамият қадрияти эканлигини англаш кучаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг фикрига кўра, “Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар, аввало, ижтимоий қадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашимоқда. Шунга кўра, билимга қизиқиши ривожлантириш негизида бола шахсини шакллантириш муаммолари долзарблик касб этмоқда. Замонавий жамиятларга зарур устқурма бўлган инсон омилининг асосида илм ва ақл турди, илмга қизиқиши эрта болаликдан мақсадли шакллантириш зарур. Ақлий-интеллектуал ривожланиши таъминлаш педагогик тизимнинг муҳим педагогик вазифаси бўлиб, замонавий жамиятларда ижтимоий заруриятга айланмоқда.

Жаҳонда бугунги кунда ақлий тарбия жараёни мақсадли ташкил қилинган педагогик жараённи тақозо этиши, у олам қонуниятларини англашни фаоллаштиришга йўналтирилганлиги эътироф этилмоқда. У ўз мазмунига бола манфаатларини қамраб олади ва бола истиқболига қаратилади. У ақлий фаолият йўллари ва борлиқ ҳақидаги элементар билимлар мажмуудан иборат бўлади. Ақлий тарбиянинг мақсади боланинг интеллектуал салоҳиятини яратиш ва уни шакллантиришдан иборатдир. Шунингдек, ҳозирги даврда “инсон капиталига” бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Инсон капитали бугунги дунёни бош ривожлантирувчи кучи, унинг қуввати ва энергияси сифатида баҳоланмоқда. Ақлий ривожланишсиз “инсон капиталини” яратиб бўлмаслиги айтилмоқда. Уни яратиш тушунчалик асосида шахс ривожи учун зарур бўлган барча эҳтиёжлар назарга олинади ва улар зарур кетма-кетликда давлат томонидан таъмин этилишини ўз мазмунига қамраб олади, уларнинг ичидаги физиологик, тиббий, психологик, таълимий, эмоционал эҳтиёжлар қаторида бош марказий категория сифатида ақлий салоҳият ўрин олади, хусусан озиқ-

овқат, кийим-кечак, саломатлик, таълим, маданият кабиларнинг барчаси ўз ўрнида зарур эканлиги тан олинади.

Ўзбекистон педагогикасида бола тарбиясининг турли қирралари қаторида мактабгача таълим муассасалари (МТТ) фаолиятини инновацион ташкил қилиш, педагогик жараённи бола шахсини ривожлантириш асосига қуриш, мазкур фаолиятини ташкил қилиш, бошқариш, унинг метод, шакл, воситалари масалалари энг долзарб вазифаларидан саналади. Шунга қўра, бугунги кунда мактабгача таълим муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар тармоғи ва сифимини кенгайтириш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш ва замонавийлаштириш, тизимда педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш, таълим мазмунини инновацион бойитиш тақозо этилади.

Мактабгача таълим муассасалари таълим тизимининг турли масалалари дунё олимларини доимо қизиқтириб келган ва ўтган асрдан бошлаб турли методикалар яратилган.

Бизнинг юртимиз, Мовароуннаҳдан бўлган Шарқнинг буюк алломалари энциклопедик олимлар Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (782-847), Абу Наср Фаробий (870-910), Абу Райхон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037); муҳаддис, фикъшунос ва мутасаввуфлар Имом Бухорий (810-870), Ҳаким Термизий (750/760-869), Имом Замахшарий (1075-1144), Имом Мотурудий (870-975), Бурхониддин Марғиноний (1116-1197), Нажмиддин Қубро (1145-1221), Аҳмад Яссавий (тақ. 1050-1166/7), Юсуф Ҳамадоний (1048-1140), Ҳожа Абдуҳолик Ғиждувоний (XII асрнинг биринчи чораги-1220), Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Сўфи Оллоёр (1644-1721), туркий тил асосчилари Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср), Аҳмад Юғнакий (XII-XIII асрлар), Маҳмуд Қошғарий (XI аср), халқ ардоқлаган шоир Паҳлавон Маҳмуд (1247-1325), мутафаккир шоир Алишер Навоий (1441-1501) кабиларнинг маънавий-ахлоқий қарашларида ҳам бола тарбиясида ақлни ривожлантириш масалалари муҳимлиги таъкидлаб ўтилган.

Ақлий ривожланиш масалалари Ўрта асрлар Ғарб педагогикасида М. Монтеңь, Я.А.Коменский, Ж.-Ж.Руссо, А.Гильвеций, Д.Дидро, А.Дистервег, И.Г.Песталоцци кабилар томонидан тадқиқот обьекти қилиб қўйилган ва уни амалга оширишнинг усул ва воситалари ўрганилган.

Болани илк гўдаклик давриданоқ, хусусан маҳсус ташкил қилинган мактабгача таълим ташкилотида шахсни ривожлантиришнинг педагогик асослари бўйича яратилган илмий назариялардан Мария Монтессори (Италия), Глен Доман (АҚШ), Масаро Ибуки (Япония), Сесиль Лупан

(Бельгия), А.А.Маниченко, Н.Зайцев, Б.П.Никитин ва Л.А.Никитина (Россия) каби олимларнинг эрта ақлий ривожланиш, ақлий ўйинлар, уч ёшгача даврдаги ақлий такомил, интеллект, бола истеъоди, уларни шакллантириш методлари масаларига бағишлиган тадқиқотлар бутун дунёга кенг тарқалди. Шунингдек ақлий-интеллектуал ривож борасида Жан Пиаже, Пол Клейнман, Д.Хокинс, С.Блейксли, Л.С.Виготский, В.В.Давидов каби тадқиқотчиларнинг ишлари соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этди.

Илмий-назарий жиҳатдан мактабгача таълим жараёнида ақлий ривожланишни таъминлаш бўйича а) бола *ақлий шакланишининг тарихий-маданий ва ижтимоий-маънавий илдизлари борасидаги умумбашарийлик, космополитизм, индивидуализм, миллийлик, либерализм, секуляризм гояларига асосланган назариялар* (Д. Хокинс, С. Блейксли, Л.С.Виготский); б) *хиссий-эмпирик, сенсор тарбия асослари, ақлий ривожланишида босқичлик назариялари* (Жан Пиаже, Пол Клейнман, М.Монтесорри, Ф.Фребель, О.Декроли, В.Давидов, А.З.Зак, А.П.Усова); оламни англанинг интеллектуал асослари борасидаги турли назариялар (Рэймонд Кэттел, Л.И. Божович, Л.С. Виготский, М.И. Лисина, А.А. Люблинская) кабилар мавжуд бўлиб, уларнинг мажмуи боланинг ақлий ривожланишига оид турли қарашларни ўзида намоён этади.

Ўзбекистонда мактабгача таълим педагогикасида бола тарбиясининг турли қирралари ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш, бошқариш, унинг метод, шакл, воситалари масалалари Р.Мавлонова, О.Хасанбоева, И.Валихўжаева, П.Юсупова, О.Жамолиддинова, Г.Қосимова, Р.Сафарова, А.Бекмуродов, М.Хайдаров, Х.Назарова кабилар томонидан маълум даражада ўрганилган.

Таълим тизимида тарбиявий ишларнинг илмий-назарий ва методик асослари мамлакатимизнинг бир қатор педагог олимлари томонидан тадқиқ этилган. *Шахс маънавий-ахлоқий маданияти, оиласи қадриялар тизими ва унинг критерийлари* (О.Мусурмонова); *Шарқ алломалари ижодида комил инсон тарбияси масаласи* (С.Нишонова); *халқ педагогикаси мазмуни асосида талаба-ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаши тизими хусусиятлари* (М.Махмудова); *ёшларни маънавий тарбиялашда оила ва миллий қадриялар аҳамияти* (М.Иномова); *юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданият* (У. Махкамов); *ўқитувчи компетенциясида муаллим одоби* (М.Очилов) каби масалалар шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. [http://uza.uz/oz/documents/-yillarda-maktabgacha-talim-tizimini-yanad atakomil--30-12-2016](http://uza.uz/oz/documents/-yillarda-maktabgacha-talim-tizimini-yanad-atakomil--30-12-2016)
2. Хайруллаев М.М. Абу Али ибн Сино меросини ўрганиш – долзарб вазифалардан бири. // Ибн Сино халқаро ўқишилари. –Т.-Б.: 2000. –Б. 5;
3. Шодмонова Ш. Мактабгача таълим педагогикаси. Ўқув методик кўлланма. Тошкент, 2008. -160 б. (-Б. 11)

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛОВ ГУРУХЛАРИДА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИ МАКТАБГА СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Курбанов И.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори мисолида кўрсак, мазкур концепция мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларини ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли вазифаларини қамраб олган бўлиб, жараённинг устуворликлари ва босқичларини белгилаб беради. [1]

Концепция тасдиқлангандан сўнг ўтган бир йилдан ортиқ вақт мобайнида мактабгача таълим тизимида янги Конун қабул қилинди, янги лойиҳалар, ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, 2019 йилда “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилинди. [2]

Мазкур Конунда мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий тамоиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсати йўналишлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги эгалигида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгиланган.

Қайд этилган Концепцияда 2030 йилгача 3-7 ёшдаги болаларнинг 80,8 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олинишининг таъминланиши кўзда тутилган. Хусусан, 2021 йилда янги мактабгача таълим ташкилотлари биноларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, бир пайтлар боғча бўлган биноларни қайта мактабгача таълим вазирлиги ҳисобига қайташ, мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини жорий этиш каби чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган. [1]

Мактабгача таълим ташкилотлари учун педагог ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва салоҳиятини ошириш борасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳам Концепциянинг асосий йўналишларидан биридир. Мазкур тизимда инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида мактабгача таълим ташкилотларини компьютерлар билан таъминлаш, интернет тармоғига уланиши босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим ва тарбиявий фаолият педагогик жараён сифатида олимлар, илмий тадқиқотчилар дикқат марказида бўлиб келган. Тарбияланувчиларда шахслик сифатларини шакллантириш, ақлий-интеллектуал салоҳиятни ошириш, ижобий фазилатларни ривожлантириш, келгуси мактабга тайёрлаш асосий фаолият объектларидан бири саналган.

Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари учун таълимни ташкил этишнинг этакчи шакли бу машғулот. Я. А. Коменский “Буюк дидактика” асарида биринчилардан бўлиб педагогик тизим ҳақида фикр билдиради бола тарбияси мактабгача ёшдан бошланади деган ғояни илгари сурди, мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш мазмунини ишлаб чиқди ва уларни “Оналар мактаби” деб номлади. [3]

Ўз навбатида, К.Д.Ушинский болаларни синфда ўқитишнинг дидактик тамойилларини психологик жиҳатдан асослаб берди ва ишлаб чиқди, мактабгача ёшда бола таълимига, унда ақлий ривожланиш учун маҳсус машғулотларни ташкил қилиш ва уни ўйиндан ажратиш зарурлигини таъкидлади: “Сиз болаларни фақат ўйнаш орқали билимли қила олмайсиз, илмли бўлиш учун уни ақлий меҳнатга ўргатиш керак”. Шу сабабли, К.Д.Ушинскийнинг фикрига кўра, мактабгача таълимнинг вазифаси ақлий қобилиятни ривожлантириш (*ўтқир диққат ва фаол хотирани ривожлантириш*) ва болаларнинг нутқини ўстириш ҳамда мактабга тайёрлаш муҳим эканлигини кўрсатади. Бироқ, шу билан бирга олим мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг икки томонлама характерга эга эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Шундай қилиб, болалар боғчасида ва бошланғич мактабда болаларни ўқитиш ўртасидаги фарқларнинг мавжудлиги муаммоси кўтарилиди. [3]

Кейинчалик А.П. Усова мактабгача ёшдаги болаларни болалар боғчасида ва оилада ўқитиш асосларини ишлаб чиқди. Болалар боғчасида ўқитишнинг

моҳиятини очиб берди. Олима болалар эгаллаши мумкин бўлган билимларнинг икки даражасини асослаб берди. [4]

Мактаб дарсларини ва мактабгача таълим ташкилотидаги дарсни қиёсий ўрганиш натижасида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Моҳиятан умумийлик: болаларнинг билим эгаллаш фаолиятини ташкил қилиш, бошқариш, уларни кўникма ва малакалар билан куроллантириш ва бир вақтнинг ўзида тарбиялашдан иборат эканлиги.

2. Аниқ ва қатъий тизимлаштирилган фаолият: аниқ жадвал асосида ҳар бир бола учун ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар ҳажми, ўкув материали бўйича тарбияланувчилар ва ўқитувчининг ҳамкорликдаги фаолиятидан иборат эканлиги. Республикаизда “Илк қадам” дастури асосда ҳафталик ва ойлик машғулотлар тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда.

Мактаб ва мактабгача таълимдаги фарқлар болаларнинг ёш хусусиятлари билан белгиланади. Бу хусусиятларни мактабгача таълим ташкилотларида машғулотларни ташкил қилганда, ўкув дастурларини яратганда инобатга олиш лозим бўлади.

Методикадаги фарқларга қарамасдан мактабгача таълим ташкилотларида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий талаблари мавжуд бўлиб, педагоглар буни ҳисобга олишлари керак:

- Машғулотлар ривожлантирувчи хусусиятига эга бўлиши, ўкув жараёнида боланинг фаоллигини ва билимларни мустақил ўзлаштиришини таъминлаш керак. ;

- ўкув жараёнини ўйин билан чалкаштириб юбормаслик керак, чунки ўйинда бола мулоқот усулларини, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради. Шу билан бирга мактабгача таълим ташкилотларида машғулотларда ўйин услубларидан фойдаланилади ва улар дидактик мақсадларни кўзлайди;

- машғулотларни ўтказиш жараёнида дидактик ўйинлардан, оғзаки нутқни ривожлантирувчи материаллардан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Ўз навбатида Ш.Шодмонова махсус дидактик материаллардан фойдаланган ҳолда болалар боғчасида жамоавий ўқитиши тизимини ишлаб чиқди, сенсорли таълим ва конструктив фаолиятни ривожлантириш (*моделлаштириш*) учун машғулотлар ва дидактик ўйинлар тизимини таклиф қилди. (*қоғоздан турулар нарсалар аппликацияси, тўқии, каиштачилик*). [5]

Мактабгача ёшдаги болаларни экологик тарбиялаш тизимидағи ўйинларни бажариш вазиятлари С.Н.Николаева ва Т.С. Комароваларнинг фикрига кўра уч турга бўлинади. [6] Улар қуидаги дидактик имкониятларга эга:

- ўйинчоқлар воситасида машғулотларни ташкил қилиш, яъни ҳайвонлар ва ўсимликларни тасвиrlайдиган ва тирик объектни жонсиз қиёфаси билан таққослашга имкон берадиган ўйинчоқлар;

- адабий қаҳрамонлар қатнашадиган ўйин вазиятлари эртак қаҳрамонлари (*Зумрад, Қиммат, олтин балиқ, қизил қалпоқча ва бошқа қаҳрамонлар*) күғирчоқларидан фойдаланишга асосланган ва болаларни улар билан мулоқотга жалб қиласынан;

- мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, олинган билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратылған машқлар;

- саёхат ўйинлари (“*Күргазмага саёхат*”, “*Тарихга саёхат*”, “*Ҳайвонот боғига саёхат*”, “*Расмлар галереясига саёхат*” ва бошқалар), бу даврда болалар саёхатчилар сифатида қатнашадылар, муаммоли вазиятларни мұхокама қиласынан, таассуротларни кенгайтирадылар.

Ўйин болаларнинг янги билимларни әгаллаш, мустаҳкамлаш, дунёқарашини кенгайтириш, нутқини ўстириш, мулоқот маданиятини ривожлантириш, тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш сифатларини шакллантиришга замин бўлади.

Фойдаланилған адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2019 й. ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори

2. Ўзбекистон Республикасининг 16.12.2019 й. ЎРҚ-595-сон “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни.

3. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М.- Педагогика тарихи. - Т., “Ўқитувчи”. 2005.

4. Усова А. П. Обучение в детском саду - М. : Просвещение, 1998.

5. Шодмонова Ш. Мактабгача таълим педагогикаси. Т., “Фан ва технология”, 2008.

6. Комарова, Т. С. Дошкольная педагогика. Коллективное творчество детей : учебное пособие для среднего профессионального образования / Т. С. Комарова, А. И. Савенков. — 2-е изд., испр. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, 2020.

МАКТАBGACHA TA’LIM TASHKILOTLARIDA INGLIZ TILI MASHG’ULOTLARINI ZAMONAVIY USULLAR ORQALI TASHKILLASHTIRISH

Khakimova D.A., MTTDMQTMOI stajor tadqiqotchisi

Annotasiya: Hozirda kunda butun dunyodagi maktabgacha ta’lim tashkilotlarida xorijiy tilni, xususan, ingliz tilini o’qitish imkoniyatlari mavjud.

Mazkur maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarga ESL metodikasi orqali ingliz tilini tez va oson o'rgatish, ESL metodikasi asosida mashg'ulotlarni qanday olib borish mumkinligi haqida so'z yuritamiz.

Kalit so'zlar: Maktabgacha yoshdagi bolalar, ikkinchi til, ESL, mahsg'ulot namunasi

Bugungi kunda maktabgacha yoshdagi bolalarga chet tilini har xil qiziqarli mashg'ulotlar orqali o'rgatish muhim yo'nalishga aylangan. Maktabgacha ta'lim tizimida ingliz tilini chet tili sifatida o'rgatish dunyoning ko'plab mamlakatlarida tobora o'sib borayotgan tendentsiyaga aylandi.

Maktabgacha ta'limda qiziqarli mashg'ulotlarga asoslangan dars mavzusi, mazmuni va bilimni bolalar bilan ulashish usullari, albatta, bolalarning yoshi va ijtimoiy muhitga moslashtirilgan. Usullar, uslublar va vositalar juda ko'p; xalqaro maktabgacha ta'lim tashkilotlari odatda o'qitishning asosiy usuli sifatida tilga cho'mishni qo'llaydi va aksariyat milliy davlat va xususiy bolalar bog'chalari chet tillarini o'qitishning turli usullari (masalan, ketma-ket usul) yordamida ikkinchi tilni o'rganish imkoniyatini taklif qiladi - bu mamlakatga bog'liq.

Bolalar bog'chasida ikki yoki undan ortiq tillarni o'rganish bugungi kunning dolzARB masalaridan biri bo'lib kelmoqda.

Ba'zilar o'z farzandlarining chet el tilini shunday erta yoshda o'rganishni boshlashi to'g'rimi yoki yo'qligini bilmaydilar (3-6), ba'zilari esa biz ularga buni talab qilib ularga haddan tashqari yuklaymiz deb o'ylashadi, ammo bu haqiqatan ham noto'g'ri. Bu yoshdagi bolalar haqiqatan ham deyarli cheksiz ko'p yangi ma'lumotlarni olish uchun kuchli salohiyatga ega ekanligi, ayniqsa, ikkinchi tilni o'rganish masalasida allaqachon isbotlangan. Bundan tashqari, ikkinchi tilni juda yoshligida o'rganadigan (o'rganmaydiganlarga nisbatan) bolalarning miya sohalari faolroq ekanligi va keyinchalik maktab fanlarida ingliz tilidan boshqa muammolari kamroq ekanligi isbotlangan.

Ikkinchi tilni o'rganish - qachon boshlash kerak?

Bolalar bog'chasida ingliz tilini chet tili sifatida o'qitishni boshlaydigan aksariyat o'qituvchilar ushbu yosh toifasiga dars berish qanchalik oson kechadi deb o'ylashadi. Tez orada ular bu vazifa umuman oson emasligini bilib olishdi. Dastlabki tilni o'rganuvchilar qiziqish, doimiy ravishda animatsiya va bolalar uchun turli xil qiziqarli ESL (English as a second language, ingliz tili ikkinchi til sifatida) mashg'ulotlari va mashqlariga jalb qilinishi kerak. ESL bu maktabgacha yoshdagi bolalarga ingliz tilini ikkinchi til sifatida ona tili barobarida o'rgatish demakdir. Ya'ni, bolaga ingliz tilini ona tilida so'zlashishni qanday o'rgangan bo'lsa shunday o'rgatish kerakligini ta'kidlaydi.

Hozirgi kunda Internet bizga cheksiz ko'p o'yinlar, qo'shiqlar, qofiyalar va boshqa qiziqarli ESL tadbirlarini taqdim etadi, lekin ko'pincha "mashg'ulotlarning

boshi va sumi" ni topa olmaydi, boshqacha qilib aytganda, qaerdan va qaerdan boshlash kerak. mактабгача yoshdagi dars mavzularini tugatish.

Bolalar uchun ESL o'yinlari

Bolalar uchun inglizcha o'yinlar juda qiziqarli!

Ona tili bo'lмаганлар ingliz tilini o'рганадиган ба'зи bolalar bog'chalarida bolalar odatda ikki guruhga bo'linadilar: 3-4 yoshdagi bolalar 5-6 yoshdagilarga qaraganda boshqa o'quv rejasiga va turli xil (lekin o'xshash) o'qitish usullari va ESL faoliyatiga ega.

3 va 4 yoshli bolalar uchun bolalar bog'chasida ESL-ni o'qitish harakatga asoslangan mashg'ulotlar, o'yin o'ynash, ashula va raqs bilan cheklangan; 5 va 6 yoshli bolalar bilan ingliz tilini chet tili sifatida o'qitish metodikasi hikoya qilish, rol o'ynash va dramatizatsiya usullaridan foydalangan holda kengaytiriladi. O'yin va interaktiv maktabgacha yoshdagi mashg'ulotlar mavzusi va ESLning qiziqarli mashg'ulotlari ikkinchi tilni o'rganish, har ikkala guruhda grammatika va so'z boyligini rivojlantirish uchun asosiy vosita hisoblanadi.

Mактабгача ESL faoliyati uchun ishlatiladigan o'quv materiallari

O'qituvchilar uchun maktabgacha tarbiya mashg'ulotlarida foydalanish va qo'llash uchun maktabgacha ta'lim materiallari juda ko'p. Bu o'qituvchining ijodkorligi eng ko'zga ko'ringan va eng muhim qismidir. Bolalar har xil turdag'i ko'rgazmali ko'rishni yaxshi ko'radilar: plakatlar, kartochkalar, rasmlar, videolar, rasmlı kitoblar, bolalar uchun lug'atlar yoki rasm lug'atlar va boshqalar.

Eng yaxshisi, qo'lda tayyorlangan materiallarni zavod ishlab chiqaradigan materiallar bilan birlashtirishdir. Bolalar bolalar uchun amaliy, qiziqarli mashg'ulotlar va mashg'ulotlar bilan shug'ullanishni, shuningdek, qog'ozli samolyotlarni, kemalarni , tabriknomalar va shu kabilarni tayyorlashda qatnashishni yaxshi ko'radilar.

ESL faoliyati va o'qitish usullari

Shunga qaramay, kichkintoylar uchun narsalar yasash uchun ko'p vaqt kerakligini unutmang, shuning uchun amaliy ishlar usuli mavsumiy, bayram va tug'ilgan kun mavzulariga ko'proq mos keladi.

Ota-onada o'qituvchi sifatida siz bolalar narsalar qilish paytida o'z ona tillarida suhabatlashish va kulgili hazil qilishni istashayotganini payqaysiz, shuning uchun ingliz tili darsining o'rtasida ekanligingizni unutib vaqt sarflamaslikka harakat qiling.

Chizish va suhabat usullari juda samarali; siz rasmlar, kartochkalar yoki boshqa ingl. Ko'rgazmalarni namoyish qilish orqali, berilgan mavzular haqida gaplashib (ingliz tilidan iloji boricha ko'proq foydalanishga harakat qiling) yangi so'z boyliklarini o'rgatasiz va bolalar tinglash, rasmlarga qarash, rasm chizish, rang berish va oxir-oqibat gaplashish orqali o'rganadilar. Internetda raqamlar yoki alifbo

harflari, nuqta, hayvonlar, fasllar va boshqalarni bog'laydigan bepul bo'yash sahifalari va sahifalarini topish mumkin (qidiruv tizimining qidiruv maydoniga rangli sahifalarni kiriting).

Maktabgacha yoshdagi ESL bo'yicha qiziqarli tadbirlar - Jismoniy javob berish (TPR). Bolalar bog'chasida yoki ELL muhitida ingliz tilini ikkinchi til sifatida o'qitishda TPR talablari ikkinchi darajali tilni o'rganishning muhim usuli (yoki ba'zi tilshunoslarning fikriga ko'ra yondashuv) sifatida qaraladi.

TPR turli xil o'quv sharoitlariga moslashtirilishi mumkin bo'lgan o'qitishning eng muhim yondashuvlaridan biri bo'lib, bolalar buni amalga oshirishdan juda xursand bo'lishadi. Bu harakatlar, vaqtlar, buyruqlar va ko'rsatmalar, sinf tili va hatto hikoyalar bilan bog'liq bo'lgan so'z boyligini mashq qilishga yordam beradi. Bu qo'shiq va raqs texnikasi bilan birlashtirilishi mumkin; Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun inglizcha qo'shiqlar va bolalar bog'chalari deyarli har bir mavzuni o'z ichiga olishi kerak.

Bolalar bog'chasidagi ESL faoliyati

Ko'pgina ota-onalar va o'qituvchilar ingliz tilini ikkinchi til sifatida o'rganayotgan bolalar uchun maktabgacha yoshdagi dars mavzusi va bolalar uchun ingliz tili mashg'ulotlari eng qiziqarli bo'lishi haqida qiziqishadi. Mavzular erta tilni o'rganish dasturida juda sodda va universaldir; ESL mashg'ulotlarini kulgili va tushunarli qilishga muvaffaq bo'lsang, kichik bolalar qiziqishadi.

Siz ESL darsingizni bolalar uchun ingliz tilidagi o'yinlardan boshlappingiz kerak, bu orqali siz ilgari o'rganilgan so'z boyliklarini takrorlappingiz mumkin.

Izoh: bolalardan sinfning o'rtasida polga o'tirishlarini so'rang va ko'zlarini qo'llari bilan yopishini so'rang (va ularni ko'zdan qochirmasliklarini ogohlantiring!). Plastmassa olma yoki qalam (yoki boshqa biron bir narsa) kabi buyumni oling va uni sinfning bir joyiga yashiring. Agar siz qizil qalamni yashirgan bo'lsangiz, dastlabki til o'rganuvchilarga qizil qalam qidirishni buyuring (maqsadli tilda). Har xil ob'ektlardan foydalangan holda bir necha marta mashqni takrorlang.

Salom

Salom! Xayrli tong! Hayrli kun! Hayrli kech! Hayrli tun! Xayr. Salomat bo'ling!

- Siz salom va xayrlashishni o'tinni taqillatib: "Salom!" Uyda kimdir bormi? "Va "Alvido!" Deb qo'lingizni silkitib

- "Kecha va kunduz" o'yinini o'ynang (ushbu o'yin orqali ularga ertalab / kechqurun, yoz / qish, katta / kichik va hokazo qarama-qarshi so'zlarni o'rgatish uchun foydalанишингиз mumkin). Har doim nima uchun o'yin o'ynayotganingizni tushuntiring va o'yin qoidalarini tanishtiring. Masalan: "biz kechqurun deganda o'tiramiz, chunki uzoq kundan keyin charchaganmiz va ertalab deganda o'rnimizdan turamiz, chunki kun bo'yi yashashga tayyor holda yotoqdan turamiz" va h.k.

Sizning intonatsiyangiz musiqiy bo'lishiga ehtiyoj bo'ling, chunki so'zlarni eslab qolish osonroq bo'ladi!

Ranglar

Dastlabki til o'rganuvchilarga 11 xil rangni o'rgating: sariq, qizil, ko'k, yashil, to'q sariq, pushti, qora, oq, kul, pushti, binafsha ranglar. Ranglarni o'rgatish uchun siz kartochkalardan yoki turli xil rangdagi turli xil narsalardan foydalanishingiz mumkin.

- Rangli qalamlarni oling va ranglarning nomlarini ayting. Keyin bolalardan sizning orqangizdan takrorlanishlarini so'rang. (Kichkina bolalarga ingliz tilini o'rgatishda ko'p takrorlanishlar borligini unutmang).

- Ruchkalarni chiqarib oling va bolalardan ranglarning nomlarini aytib berishlarini yoki boshqa har qanday narsalarni yoki ESL mashg'ulotlari uchun rangli kartalarni olishlarini so'rang.

Raqamlar

Raqamlar 1 - 20. Dastlabki tilni o'rganuvchilarga 10 gacha bo'lgan raqamlarni aytishni o'rgating va agar ularni chet tilida o'rganib chiqsangiz, 10 dan 20 gacha bo'lgan sonlarni o'rgating.

Internet-kartalardan foydalaning, raqamlarni doskaga yozing yoki raqamlar bilan o'yinlarni toping. Agar siz raqamlardan iborat kartalarni pastga qaratib ishlatsangiz, bolalardan kartalarni chiqarib olishlarini, so'ngra kartadagi raqamni taxmin qilishlarini so'rang.

Raqamlar va ranglarni kichik qog'ozga yoki katta qog'ozga chizish orqali birlashtirishingiz mumkin (bu erda barcha raqamlarni qo'yasiz); mashg'ulotlarni bajaring, unda siz bolalarni kelishga chaqiring va raqamni ranglang, masalan: "Bittasi sariq rangda. Ikki qizil. Uchtasi ko'k ... va hokazo. "

Bolalardan takrorlash yoki davom ettirishlarini so'rashdan oldin har doim ESL mashg'ulotlarini o'zingiz ko'rsating.

Oila a'zolari

Onam - onam, otam - ota, aka, singil, bobo - bobo, buvi - buvi. Ushbu so'z sinfiga chaqaloq va oila so'zlarini kiriting.

- Chizmalar / kartochkalardan foydalaning, oila haqida suhbatlashing, bolalardan ota-onalari, aka-ukalari va opa-singillarining ismlarini so'rang, qog'ozga o'z oilalarini chizishini so'rang.

- Bosh, elka, tizza va oyoq barmoqlari videosi

Tana qismlari

Tana so'zini kiriting.

- O'rningdan turib, baland ovoz bilan gapirayotgan tana qismlarini ko'rsating: sochlari, boshlar, yuzlar, ko'zlar, qoshlar, kirpiklar, quloqlar, yonoqlar, burun, og'iz /

lablar, tishlar, iyak, bo'yin, elkalar, qo'llar / qo'llar, barmoqlar, qorin, oyoqlar, tizzalar, barmoqlar, orqa.

- TPR dan foydalaning: menga boshingizni / elkangizni ko'rsating ... va hokazo. Yoki iboralar, keyin namoyish: Men sochlarimni / yuzlarimni / tishlarni yuvaman... sochlarimni yuvaman.

- Ulardan chizish oson bo'lgan ba'zi tana qismlarini chizish, kartochkalardan foydalanish yoki taxtada rasm chizishlarini so'rang.

- Ularga ingliz tilidagi mashhur " Head, elkalar, tizzalar va oyoq barmoqlari " qo'shig'ini kuylashni o'rgating.

Hayvonlar

Dastlabki til o'rganuvchilarga odatdagি materiallar va ESL mashg'ulotlari yordamida uy va yovvoyi hayvonlar nomlarini o'rgating. Agar sizda hayvonlarning figuralari yoki o'yinchoqlari bo'lsa, ularni yosh o'quvchilaringga bering va ularga hayvonlar tovushlariga taqlid qilishni iltimos qiling (hayvonlar tomonidan shaklini ular qo'llarida ushlab turadigan tovushlar). Qaysi tovushlarni (inglizcha fe'llarni) o'ynash uchun kiritishni tanlashingiz uchun o'zingiz uchun hayvon tovushlarining ro'yxatini tuzing.

Ushbu mavzu bo'yicha bolalar bog'chalarini ishlating va ularga "Qadimgi McDonaldda ferma bor edi" kabi bolalarning hayvonlarga oid qo'shiqlarini o'rgating. Qo'shiq o'z fermasida turli hayvonlarni boqadigan keksa dehqon haqida.

Uy: Uy va uy jihozи

Uyingizda, mo'ri, devor, deraza, eshik.

Yotoq xonasi, hammom, yashash xonasi, oshxona.

- Siz ularning har biriga: karavot, stul, stol, pardalar, suv havzasi, sochiq va hk kabi so'zlarni kiritishingiz mumkin. Dastlab ularga asosiy so'zlarni o'rgating, so'ngra boshqa so'z sinfi bilan assotsiatsiyalar tuzish orqali so'z boyligini kengaytiring.

- Esingizda bo'lsin: siz soatiga bitta birlikni o'rgatmasligingiz kerak, lekin har doim ilgari o'rgatilgan so'z boyligini takrorlang va bir vaqtning o'zida barcha sinf so'zlarini kiritishingiz shart emas.

- Yangi so'zlarni asta-sekin kiriting va ko'p takrorlang. Ularning ritmiga rioya qiling va qachon harakat qilishni, qachongacha takrorlash kerakligini o'zingiz hal qiling - buni ular bilan o'yinlar o'ynash orqali sezasiz, unda siz ularning xotirasi holatini tekshirishingiz mumkin.

Oshxonada: Oziq-ovqat - meva va sabzavotlar

Ushbu so'zlarni asta-sekin o'rgating (bu katta so'z sinfidir). Bo'yoqli sahifalar, rasmlar, kartochkalardan foydalaning. Muayyan mavzular haqida suhbatlishing - har qanday mavzuni tanishtirish uchun suhbatni boshlang, masalan, ularga yoqadigan va yoqtirmaydigan narsalarni so'rang va shunga o'xshash narsalar.

Albatta, ushbu o'ta muhim usul - suhbat yordamida mavzuni ochish uchun siz ona tilidan foydalanishingiz mumkin, lekin har doim bolalardan qanday qilib "narsalar" ni inglez tilida aytayotganimizni eslashlarini so'rang. Ushbu so'z sinfida siz quyidagi so'zlarni kiritishingiz mumkin: nonushta, tushlik, kechki ovqat va fe'llar yeb-ichish.

Hulosa o'rnida shuni aytish lozimki, ikkinchi tilni ona-tili kabi o'rgatish bir muncha vaqtini talab etadi huddi ona tilini o'rganish, so'zlashish uchun ham binecha yilni talab etgani kabi. Maktabgacha yoshdagি bolalarga ikkinchi tilni o'rgatish jarayonida pedagogdan sabr, matonat, bag'rikenglik va albatta bolalarga bo'lган cheksiz muhabbat talab etiladi.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН ЎҚИТИШДА АХБОРОТЛАШТИРИШ ТИЗИМИГА ҚУЙИЛАДИГАН ДИДАКТИК, ЭРГОНОМИК, ЭСТЕТИК ВА МЕТОДИК ТАЛАБЛАР

Мавлонов Н.Ш., МТТДМҚТМОИ таянч докторанти

Педагогика фанида катталарни ўқитиш самарадорлиги тушунчаси кенг ва тор маъноларда талқин қилингандигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Тор маънода бу таълим мақсадларида кўзда тутилган ўқув ютуклари натижалари: касбий билим, кўникма ва малакларни шакллантиришни англатади. Бизнинг ҳолатимизда, бу тарбиячиларнинг ахборот ва коммуникация технологиялари асосида ахборотларни қайта ишлиши ва уларга таянган ҳолда касбий вазифаларни бажариш усулларини эгаллаганликлари назарда тутилади. Технологияларнинг самаралилиги кенг маънода – ўқув натижаларини таъминлаш орқали педагог шахси умумий ривожланиши, унинг шахсий ва муҳим касбий - шахсий сифатлари ривожланишини англатади. Тегишли тарзда самаралилик мезонларини тор маънода - ўқув мазмуни (касбий-педагогик фаолиятда ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасидага компетенциялари жамланмаси)ни эгаллаш даражаси сифатида кўриб чиқиш мумкин. Кенг маънода мезонлар мажмуи олдинга қўйилган дидактик мақсадларни тўлиқ амалга ошириш натижасида малака ошириш таълим муҳитида педагог шахсини риожлантириш ва замонавий коммуникация, ахборотлаштириш воситалари асосида касбий вазифаларни ҳал қилиш билим, кўникма ва малакалари жамланмасининг сифат ўзгаришларини ҳисобга олишни билдиради. Мос тарзда таълим жараёни самарадорлигини баҳолаш мезонлари жараёнини қуидаги икки гурӯхга ажратиш мумкин.

Биринчи гурӯх мезонлари таълим натижаларига эришиш жараёнини характерлайди (касбий кўникма ва малакаларни, касбий фаолиятнинг янги усулларини эгаллаш), яъни ахборот компитентлигининг когнитив ва операцион-фаолиятли таркибий қисми, уларнинг диагностикасини барчага

маълум бўлган анъанавий дидактик кўрсаткичлар ёрдамида, шунингдек, ўзига хос компетентли ёндашув орқали амалга ошириш мумкин:

- малака ошириш таълим дастурлари мақсадлари ва меъёрий талабларига мос тарзда янги касбий билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги;
- тарбиячиларни ўқитишининг аввалдан шакллантирилган тамойиллари ёрдамида мавжуд касбий фаолият тажрибаларига таянган ҳолда янги билим, кўникма ва малакаларнинг шакллантирилганлиги;
- касбий ўқув фаолиятида компитентликни қўллаш тажрибаси;
- ҳозирги пайтда ахборот технологиялардан яхлит ва самарали фойдаланиш қобилиятига тайёрлиги (ахборот компитентлиги ривожланиши фаол даражасини аниқлаш);
- ўз-ўзини рефлексия қилиш (ахборот компитентлиги ривожланиши истиқбол даражасини аниқлаш).

Тажрибалар касбий таълим соҳасида соф ўқув натижаларига эришиш мезонлари юзасидан маҳсус билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш самаралилик талқини устувор аҳамиятга эгалигини кўрсатди. Бу масалани билишнинг психик жараёнлари ёки айрим шахсий ва касбий муҳим жиҳатларнинг ривожланмасдан қолаётганлигини англатмайди, лекин бу каби мақсадлар аксарият ҳолларда англанган ҳолатда қўйилмаслиги барчага маълум.

Иккинчи гурӯҳ мезонлари – тарбиячи шахсининг касбий ва умумий кўрсаткичларига таъсир қилишига мос тарзда таълим жараённи самарадорлиги тўғрисида фикр юритиш имконини берадиган кўрсаткичлар рўйхати. Бу гурӯҳдаги мезонларни ажратищдаги қийинчиликлар «шахс умумий ривожланиши»ни шакллантирадиган компонентларга нисбатан ягона талқиннинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Аксарият ҳолларда шахснинг такомиллашуви жараёни унинг касбий ўсиши тўғрисидаги тасаввурлар сифатида кўтарилади [1,30-б]. Катталар ҳолатига оид фанда мавжуд характеристикалар таҳлилларига таянган ҳолда тарбиячи шахси таркиби ва касбий муҳим сифатларининг кўрсаткичларини қўйидагиларга ажратиш мумкин:

- тингловчиларнинг психик билиш жараёнларини уларнинг психофизиологик имкониятларига мос тарзда фаол ҳолатда ушлаб туриш;
- тингловчиларда ўқув натижаларига эришиш ва билиш жараёнида юзага келадиган ижобий эмоция ва ҳиссиётларнинг пайдо бўлиши, юзага келиши ва ривожланиши, таълимда қатъий ижобий психологик кўрсатмаларни мутаҳкамлаш;
- мустақил ва узлуксиз таълим муваффақиятлари зарурӣ шарти саналадиган билишга бўлган эҳтиёж ва заруратларни кенгайтириш,

ривожлантириш;

- шахснинг хусусий муҳим касбий сифатлари, ўқув ва мустақил таълим, касбий фаолият муваффақиятида алоҳида аҳамият касб этувчи жиҳатларни ривожлантириш (мустаҳкамлаш) ;

- ўзлаштирилаётган ўқув материалларига муносабат бўйича тинговчиларнинг қадриятли йўналишларини корректировка қилиш [2,10-б].

Таълим жараёни, таълим натижаларининг экологик тамойиллар асосидаги самарадорлиги тўғрисида тарбиячиларнинг жисмоний ва психофизик саломатликларига зарар етказишни ифодалайдиган омиллар хусусида фақат тарбиячиларнинг кузатуви ва тинговчиларнинг ўз жисмоний ва психофизик ҳолатлари ҳақидаги субъектив кўрсаткичлари асосида фикр билдириш мумкин бўлади.

Тарбиячилар малакасини ошириш таълим жараёни самарадорлиги диагностикаси тизимини прогноз қилишда қуйида санаб ўтилган жиҳатларни амалга оширишга нисбатан кўпроқ ёрдам берадиган қуйидаги усул ва воситаларни инобатга олиш мақсалга мувофиқ:

1) фаолиятнинг самаралилигини баҳолашга дифференциал ва индивидуал ёндашув;

2) таълимнинг муваффақиятини баҳолашнинг ҳар томонлама объективлиги мотивацияланганлигини таъминлаш;

3) таълим натижаларини баҳолашда бевосита тарбияланувчининг иштирокини таъминлаш, таълим жараёнига нисбатан субъект томонидан қабул қилинган ички қарорларни асослаши [3, 388-б].

Тарбиячининг ахборот компетентлилиги даражаларини – расмда тасвирланганидек, компетентлилик зинапояси кўринишида бериш мумкин, у унинг ривожланиш векторини белгилаб беради:



1-расмда. Тарбиячининг ахборот компетентлилиги ривожланиш даражалари

Таянч даражаси – бу АКТ асосида касбий-педагогик вазифаларни ҳал қилиш учун умумий фойдаланишдаги ахборот технологиялари ва дастакли воситаларни қўллаш бўйича билим, маҳорат ва тажрибаларнинг инвариантлилигидир. Мазкур даражаси ўз ичига фаолият тажрибасини олади, унинг ўзлаштирилиши эса таълим фаолиятининг дидактик воситаларини ва

функциональ-йўналтирувчи компонентларини моделлаштириш давомида амалга оширилади.

Функциональ даража – бу ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида ўзига хос предметли-йўналтирилган педагогик вазифаларни ҳал қилишга қобилликдир. Бу даража касбий фаолиятнинг предметли соҳасининг ўзига хослигини акс эттиради ва у ёки бу ўқув предметининг мазмунига талаблар билан мос ҳолда ишлаб чиқилган ихтисослаштирилган технологиялар ва ресурслардан фойдаланишга тайёрлик шакллантирилишини кўзда тутади.

Тизимли даража – бу касбий-педагогик фаолиятда ахборот технологияларидан эркин, мос ҳолда ва самарали фойдалана олишга қобилликдир. Бу даража тарбиячининг таълим тизимиға ва ўқув фани соҳасига замонавий талаблар контекстида яхлит педагогик фаолиятни ахборотлар билан ишлашнинг замонавий усуллари, коммуникация воситалари ва усуллари ёрдамида амалга ошира олишга қобиллигини тавсифлайди. Тарбиячининг ахборот компетентлилиги моделининг ўз моҳиятига кўра функциональ даража талабларини белгилайдиган, яхлит тизимнинг таркибий қисмлари сифатида олиб қараладиган айрим компонентлари тизимли даража асосида унинг шаклланиши учун шарт-шароитларни яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иванова, Л.Ф. Инновационные условия развития профессиональной компетентности учителя [Текст] /Л.Ф. Иванова // Инновации в образовании. - 2003.-№4.
2. Извозчиков, В.А. Концепция педагогики информационного общества [Текст]/В.А. Извозчиков, В.В. Лаптев, М.П. Потемкин //Наука и школа. -№1.
3. Изучение основ информатики и вычислительной техники: Пособие для учителей. Ч. 1, 2 [Текст] /Под ред. А.П. Ершова, В.М. Монахова. - М.: Просвещение, 1985,1986.

БАГРИКЕНГ БОЛАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛАТЛАРАРО ТАЖРИБА АЛМАШИНУВИ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ

Маматов Н., МТТДМҚТУМОИ профессори

Джамиев Б., МТТДМҚТУМОИ “китта ўқитувчиси

Мактабгача таълим-тарбияда Ўзбекистон бой миллий тажрибага эга. Аммо бугунги глобаллашув шароитида ҳар қандай миллий тажриба жаҳон халқларининг илғор тажрибаларини ўзлаштириш орқали замонавийлик мақомига эга бўлади. Бундай муносабатга кирган миллатларнинг ўзаро тарихи, ментелететининг яқинлиги муҳим рол ўйнайди. Шарқона маданият ва маънавият умуммиллийлигига кўра такомиллашиб келаётган ўзбек-корес

таълим ва тарбия тизимида бир-бирига берадиган ва бир-биридан оладиган жиҳатлари кўп. Жанубий Корея ҳакида гап кетадиган бўлса, унда биз, 1475 иили қиролича Соҳей томонидан қолдирилган “Не хун” талабларига кўра шаклланган бола тарбияси кейинги йилларда Европа, Америка тарбия тамойилларининг ижобий томонларининг миллийликка ижодий сингдирилганини кўрамиз. Ушбу натижаларнинг Сон минг, Чунг-Ан, Чон Нам университети педагог, психолог олимлари томонидан бойитилган ҳолдаги кўриниши бугун кўпчилик давлатлар педагогларида катта қизиқиши ўйғотмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мактабгача таълим вазирлиги делегацияси Жанубий Кореяда сафарда бўлганида Кореядаги мактабгача таълим ташкилотларининг ўзига хос томонлари, таълим шакллари, ишлаш тамойиллари, молиялаш тизими, педагогик ходимлар квалификацияси уларнинг шароитлари, МТТларда овқатланиш тизими уларнинг моддий-техник базаси ва бошқалар билан қизиқдилар. Албатта мактабгача таълим-тарбия жараёнида ўзбек ва корес мактабгача таълим ташкилотларида болаларда толерантликни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Толернатлик жамият ҳаётида энг муҳим заруриятлардан бири хисобланади. Файласуфлар, педагоглар кишиларда уни шакллантиришнинг турли даврларини кўрсатиб ўтганлар. Бугунги кунда кишилар ўртасида ўзаро тушунишга асосланган алоқадорликни, ўзгаларнинг миллати, дини, тили ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар, улар қандай булса шундайлигича қабул қилишга тайёрлик сифатини илк болаликнинг биринчи қадамидан самарали бошлашнинг афзалликларини кўпроқ таъкидламоқдалар.

Мактабгача ёшдаги болага сингдирилган билим ва қадриятлар унинг бутун келгуси ҳаётини белгилаб бериши сабабли мактабгача таълим ўйғун ривожланган шахсни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгалигидан келиб чиқкан ҳолда мамлакатимизда маҳсус мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларга мўлжаланган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 29 декабрдаги Қарори, ҳамда “Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 майдаги Қарори ушбу масалани ҳал қилишда тарихий аҳамият касб этмоқда.

Ушбу тарихий хужжатлар асосида “Илк қадам” мактабгача таълим муассасаларининг давлат ўқув дастури ишлаб чиқилди ва амалгат оширилмоқда. Ушбу дастурнинг 3 дан 7 ёшгача бўлган боланинг ривожланиш харитасида бағрикенг болани шакллантиришга алоҳида аҳамият берилган.

Болаларда толерантликни шакллантиришнинг бирламчи академияси, албатта, бу оила, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, муносабатдаги

қадриятлар ва анъаналар, уларнинг узликсизлиги ва доимийлиги, табиийлиги ва самимийлиги, бағрикенглиги ва очиқлигидир. Ушбу муносабатларнинг бошқаларга, умуман жамиятга нисбатан кўчирилиши болада дастлабки толерантликга кўра ижтимоийлашувда кўринади. Мазкур жараённинг мақсадли, уйишган ҳолда амалга оширишда мактабгача таълим муассасаларининг ўрнини босадиган бирорта муассаса йўқ. Кореслар болалар боғчаларини зарур ва фойдали ташкилот деб атайдилар. Бу муассасада тажрибали педагоглар, психологлар мавжуд илмий асосларга кўра тизимли ва узликсиз фаолият олиб бормоқдалар. Мактабгача таълим мутахасислари учун бугун ўз малакаларини оширишлари, соҳа муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришлари учун шароитлар яратилган.

Мамлакатимиздаги мавжуд 14000 дан ортиқ мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширилаётган “Илк қадам” давлат ўкув дастуридаги З ёшдан 6 ёшгача бериладиган таълим ва тарбияда болаларни дастлаб уни ўраб турган объектив олам билан таништириш, уларни табиат қўйнига олиб чиқиш, баъдий адабиёт, нутқни ривожлантириш, сенсор тарбия, элементар математика, расм чизиш, аппликация, конструкциялар тузиш, пластилин, лойдан ясаш, жисмоний тарбия машқларига тизимли аҳамият беришда унинг шакли ва мазмунига катта эътибор берилмоқда. Бу соҳа бўйича мамлакатимизда намунали мактабгача таълим ташкилотларининг сони йилдан йилга қўпайиб бормоқда. Тарбиячиларимизнинг малакаси ошиб бормоқда. Юқорида келтирилган йўналишдаги амалиётнинг ҳар бир босқичида ишлар ўзига хос дастурларга кўра амалга оширилмоқда.

Тажриба шуни кўрсатмоқда-ки, мактабгача таълим ташкилотларида болаларда толерантликни шакллантиришда юқорида келтирилган барча йўналишларда ҳалқ оғзаки ижодиётларидан кенг фойдаланиш муҳим самара бермоқда. Бунда болалар биринчидан, афсоналар дунёсига сайр қиласди. Афсонавий қаҳрамонларини танийди. Улар билан мулоқотга киришади. Ижобий қаҳрамонларнинг яхши ишлари уларда, бағрикенгликни, голиблиқдан завқланиш ҳиссиётини шакллантирса, салбий қаҳрамонлар уларда ёмонлик, ёвузлик, бағритошлиқга нисбатан салбий қарашни шакллантиради. Болада ёмонликнинг, манманликнинг умри қисқа эканлиги тўғрисида тасаввур пайдо бўла бошлайди. Иккинчидан, ҳалқ оғзаки ижодиёти қаҳрамонлари қандай ҳалқ, миллат, қандай дин вакили бўлмасин, турли номлар атамалар билан аталмасин улар бир бирларига ўхшаш эканлигига болада ишонч пайдо бўла бошлайди. Шу Зумрад ва Қиммат номлари бошқа ҳалқлар эртакларида нима дийилишидан қатъий назар ҳар бир миллатда бир хил қадрият сифатида кўриниши уларда миллат вакилларига нисбатан қадриятлар орқали муносабатда бўлиш сифатини шакллантиради. Яхшиликка яхшилик, ёвзликка

ёвузлик сифатида қараш ва баҳо бериш миллатлараро мулокотда бирлик ва яқдиллик қадриятлари орқали ўзаро бир бирларини қадрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Ушбу соҳада корес ёзувчилари ва киноматографлари томонидан яратилган асарлар мултъфилмлар ўзбек болаларида катта қизиқиш ўйғотмоқда. Айни вақтда корес педагоглари ҳам ўзбек миллий адабиёти, тасвирий санъатини жиддий ўрганиб, уларни таълимтарбия жараённада кенг қўлламоқдалар.

Болаларда толерантлик кўникмаларини шакллантиришда ўтказиладиган машғулотларнинг эмоционаллик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Рус ва америка социологияси асосчиларидан бири П.Сорокининг фикрига қараганда умуман эмоционал характердаги шахслараро муносабларнигина социал муносабатлар дийиш мумкин. Ҳиссиётли муносабатлардагина кишилар, ижтимоий групкалар, миллатлар бир бирларини ижтимоий идрок қила оладилар, тушунади ва биладилар. Шунинг учун ҳам юқоридаги муҳим ижтимоий ҳолатнинг тамал тоши мактабгача таълим муассасаларида кўйилади. Чунки, ушбу муассасаларда бола ўзининг ўзига хос жиҳатларини, ўзининг такрорланмас алоҳида ижтимоий ходиса эканлигини, хурмат ва зътиборга лойиқлигини, айни вақтда бошқа болалар ҳам ўзи сингари беқиёс қадрли ва ардоқли эканлигини хис қила бошлайди. Бошқа болалар билан эмоционал муносабат болада мавжуд бўлса, унда эртага эмоционал муносабат бунданда яхши бўлишга, бугун қиломаган ишини эртага албатта қилаолишига ишонч туғдиради. У яхши ва ёмон фазилатларни яшириб бўлмаслигини яхши фазилатнинг мақталаётганлигини, ёмон фазилатларнинг атрофдагилар томонидан ёмон қабул қилинаётганлигини сеза бошлайди. Ўзининг ва бошқаларнинг эмоционал ҳолатини сезиб ўзида бошқалар эмоциясига жой ахтара бошлайди, ўзларида бошқалар билан муносабатга кириш, конфликтлардан қочиш сифатларини шакллантира бошлайдилар. Улар жамиятда қабул қилинган тартиб ва нормаларга кўника бошлайди ва шу асосида уларда ижтимоий этикет қоидаларига кўра бошқалар билан муносабатга киришиш нинг асосий сабабларини фахмлаш сифатлари шакллана бошлайди. Ушбу жараёнларни бошқаришда мактабгача таълим муассасалардаги ижобий эмоционалликга йўналтирилган муносабат муҳитининг роли бениҳоя каттадир.

Болаларда толерантликни шакллантиришда уларнинг жамоа бўлиб машқ қилиши муҳим роль ўйнайди. Чунки, жамоада зехни ўткир, зехни ўрта, зехни паст болалар иштироқ этади. Масалан, улар кўп ўйнайдиган “сири қутича”, “ранглар альбом”, “лото”, “қўғирчоқ театр”, “жуда муҳим қутича”, “мен хақимда китобча”, каби ўйинларда ёки суратда кўраётган нарсалари ҳақида

гапиришида, таниш асарлардан парча эшитиб унинг номини айтишда, катталар томонидан бошлаб берилган таниш эртак, ҳикояни давом эттиришда бошқа тендошларнинг иштирокида бошқаларнинг бошқача қараси, фикрлашини қабул қилишга тайёрлиги муҳим роль ўйнайди.

Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришда миллатлараро тажрибаларни тизимлаштириш ва ундан фойдаланиш дастурини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда мактабгача таълим ташкилотларини бошқариш, таълимтарбия жараёнини илмий тадқиқ қилиш мактабгача таълим ташкилотларида хизмат қилаётган раҳбарлар, услубчилар, тарбиячилар тажрибасини умумлаштиришт алоҳида аҳамиятга эгадир.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПЕРСПЕКТИВНОГО МЕНЕДЖМЕНТА

*Матназарова М.Б., доктор философии (PhD)
и.о доцент ИППКРСДОО*

Важным условием эффективности реализации перспективного менеджмента является готовность менеджеров, педагогических кадров, и всего персонала образовательного учреждения к инновационной деятельности.

Готовность менеджера рассматривается исследователями как трехкомпонентная модель (мотивационная, когнитивная, личностно-деятельностная) и характеризуется совокупностью его знаний и умений по определенному виду деятельности, мотивации и профессионально-личностных качеств [1, 3, 5].

Так, мотивационный компонент готовности предполагает, что мотивация менеджера образования по управлению инновационной деятельностью характеризуется его желанию инициировать и поддерживать образовательные инновации, новые подходы в управлении образовательным процессам, педагогическим коллективом.

Когнитивный компонент готовности включает знания и умения менеджера по основным положениям законодательной и нормативной базы инновационной деятельности, основ теории и практики педагогической инноватики и менеджмента образовательных инноваций.

Личностно-деятельностный компонент готовности менеджера к инновационной деятельности предполагает развитые творческие способности его личности, направленные на выполнение профессиональных задач и характеризуются умением менеджером принимать управленческие решения на основе менеджмента образовательных инноваций.

Итак, важным условием эффективности управления развитием профессиональной компетентности педагогических кадров, становление инновационной компетентности является профессионально-управленческая компетентность менеджера образования.

Профессиональная управленческая компетентность рассматривается современной наукой как совокупность личных возможностей должностного лица, его квалификационных знаний, опыта, позволяющего участвовать в принятии определенных решений или самостоятельно решать определенные вопросы благодаря наличию соответствующих знаний и навыков [2].

Профессиональную компетентность менеджера образования целесообразно рассматривать на основе анализа основных видов профессиональной компетентности (ключевой, базовой и специальной компетентности), их соотнесение с современными реалиями, функциями управления образовательным процессом. На основании этого В.Ю. Быков при рассмотрении компетентностной модели управленческой деятельности руководителя учреждения образования выделил три блока компетенций: общеобразовательной, общеуправленческой и управленческо-педагогический [4].

Общеобразовательной блок содержит компетенции, реализуемых как в процессе жизнедеятельности менеджера, так и в его профессиональной деятельности (социальная, ценностно-смысловая, когнитивная, операционно-технологическая, коммуникативно-этическая).

Общеуправленческой (функциональный) блок предусматривает процессуальные действия менеджера, то есть управленческие процедуры, которые выступают в роли компетенций (педагогический анализ, целеполагание (прогнозирование), принятие управленческого решения (планирование), организация (регулирование и корректировки), контроль).

Управленческо-педагогический блок сформирован на основе учета особенностей образовательного учреждения как сложного социально-педагогического объекта. В нем отражаются структура управления и место в ней менеджера, содержание его деятельности, его характер и особенности в условиях обновления образовательного учреждения. В этот блок относятся управленческо-смыловые функции (функции-задачи), которые являются ключевыми в профессиональной компетенции (социально-педагогическая, юридически правовая, организационно-педагогическая, исследовательская (инновационная), финансово-хозяйственная, социально-психологическая, педагогическая).

Таким образом, профессиональная компетентность менеджера образования предполагает владение широким общим кругозором и высокой

культурой, совершенными профессиональными знаниями по менеджменту в образовании, педагогике, психологии, теории управления, педагогической этики, управлеченческой этики, способность реализовывать свои знания на практике, владение методами психолого-педагогических, социологических исследований.

Список использованной литературы:

1. Быков В.Ю. Модели организационных систем открытого образования / В.Ю. Быков. - М.: Атика, 2008. - 684 с.
2. Вакуленко В.М. Развитие теории и практики высшего педагогического образования России, Украины, Беларуси на основе акмеологического подхода: [монография] / В. Вакуленко. - Луганск: Альма-матер, 2007. - 496 с.
3. Шелест А.А. Модель перспективного менеджмента в образовании / А.А. Шелест. - М.: Наука, 2012. - 123 с.
4. В.П. Образовательная политика / В.П. Андрушенко, В.Л. Савельев. - М.: Леся, 2010. - 368 с.
5. Кнорринг В.И. Основы искусства управления / В.И. Кнорринг. - М.: Дело, 2003. - 328 с.

**СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО
МЕНЕДЖМЕНТА ДОШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ
ОРГАНИЗАЦИИ**

*Матназарова М.Б., доктор философии (PhD)
и.о доцент ИППКРСДОО*

Концепцией развития системы дошкольного образования представлены основные задачи современной образовательной политики - доступность, эффективность и качество образования. Только при реализации новых подходов управления, высоком уровне директора дошкольной образовательной организации и профессионализма педагогических кадров возможен шаг дошкольного образования в сторону дошкольника с учетом его потребностей и особенностей индивидуального развития.

Система дошкольного образования пережила значительные перемены: изменился правовой статус образовательных организаций, изменилась степень самостоятельности, определены функциональные обязанности всех участников образовательного процесса, высока ответственность за качество предоставляемых услуг, что привело к изменениям экономических связей организации с внешней средой.

Траектория общества, неоднородность и ограниченность ресурсов дошкольных образовательных организаций порождает новые задачи, решить которые на основе прежнего опыта не получается, в свою очередь усложняет

управленческую деятельность руководителя. Современный этап развития дошкольного образования характеризуется изменением требований к менеджменту.

Совершенствование менеджмента дошкольных образовательных организаций требует поиска новых форм деятельности, которые могли бы помочь директорам в принятии наиболее эффективных управленческих решений, распространения положительного опыта управления.

Время доказывает, что эффективное функционирование дошкольной образовательной организации, во-первых, зависит от профессионализма директора и подобранной им команды. Во-вторых, в качестве одной из основных движущих сил развития дошкольной образовательной организации выступает творческий потенциал педагогов: личностный рост, повышение уровня педагогического мастерства, ответственное, порой креативное отношение к работе и постоянное развитие навыков выявления потенциальных возможностей своих воспитанников.

Инновационная педагогическая деятельность активно вошла в жизнь дошкольных образовательных организаций, повысить ее эффективность в условиях реализации нововведений невозможно без нормативного и инструктивно - управленческого обеспечения системы обновления управленческой деятельности. Практика инноваций требует перевода методической работы и управленческой деятельности дошкольной образовательной организации в новое состояние — инновационное пространство дошкольной образовательной организации.

Таким образом, потребности двигаться вперёд привело к управленческой идее о необходимости создания алгоритма, на основе которого будет возможно профессионально и оперативно реагировать на изменения внешней среды.

Сегодня дошкольная образовательная организация - особый тип образовательной организации. Она создана для ведения образовательной деятельности по реализации государственной учебной программы «Илк кадам» которая носит инновационный характер, наряду с традиционными методами способствует интеллектуальному развитию детей, их познавательному развитию, предполагает, кроме основных и традиционных форм работы включенность родителей в инновационный процесс. Условия успешности инновационного процесса содержания дошкольного образования, следующие: обращение к личностно-ориентированной педагогике, отход от жестко регламентированных форм воспитания и образования детей, которые характеризуют современные тенденции дошкольного образования. Гуманизация современного дошкольного образования связана, прежде всего,

с изменением отношения образовательного и познавательного процесса в центре которого находится человеческий капитал нашей страны.

Таким образом, установленные законодательные регламенты системы дошкольного образования позволяют педагогам проявлять творчество, более смело использовать инновации, а детям - получить комфортную среду обитания, уважение их интересов и признание ценности дошкольного периода жизни.

Список использованной литературы:

1. Мацкевич, С.А. Менеджмент в системе образования: теория и практика инновационной подготовки / С.А. Мацкевич; науч.ред. А.Н. Мирошниченко – Минск : И.П. Логвинов, 2011. – 260 с.
2. Менеджмент системы образования: курс лекций / М.М. Ермолович. – Минск : БГУ, 2012. – 100 с.
3. Новиков, Д.А. Теория управления образовательными системами / Д.А. Новиков. – М. : Эгвес, 2009. – 452с.
4. Педагогический менеджмент в образовании: актуальные вопросы современной науки : Монография [под ред. С.Д. Якушевой]. – Новосибирск : Изд. АНС СибАК, 2015. – 158 с.
5. Шарипов, В.Ф. Педагогический менеджмент /В.Ф. Шарипов, – М.: Университетская книга, 2014. – 100 с.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ КАТТА ГУРУХ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ МАЬНАВИЙ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ

Матчанов Б., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Маънавий тарбия юксак маънавиятни тарбиялаш воситаси, муайян шахс, жамоа, гурух, жамият, миллатда жисмоний барқарорлик, рухий, ахлоқий, маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёнидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 5040 – сон қарорида оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш белгиланди.

Буюк шарқ мутафаккурларининг тарбия масаласидаги қарашларида тарбия қанча эрта бошланса шунча самарали бўлиши таъкидланган. Ўсиб ва ривожланиб борувчи инсон тарбия объекти ҳисобланади. Бутун ҳаёти

давомида инсоннинг ривожланиш жараёни давом этаверади. Бу жараёнда у турли ўзгаришларни, жисмоний, психик, микдор ва сифат ўзгаришларни ўз бошидан кечириб боради. Узлуксиз таълим тизимининг биринчи бўғини сифатида мактабгача таълим тизимида олиб борилган маънавий тарбия муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда фарзандларимиз тарбиясида ҳал қилувчи бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг замон талабларига мос келмаслиги ҳам сир эмас. Ушбу соҳага бир пайтлар эътиборимизни сусайтириб юборганимиз оқибатида кўпгина муоммолар йиғилиб қолганини очиқ айтиш лозим.

Боғча тарбиясини кўрган боланинг онги, дунёқараши қандай юқори бўлишини бугун кимdir исботлаб ўтиришга, ўйлайманки, ҳеч қандай хожат йўқ. Ана шу ҳолатларни барчасини ҳисобга олиб мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Мазкур вазирлик зиммасига маъмурий ислоҳотлар доирасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бир қатор муҳим вазифалар юқлатилди. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда маънавий ва эстетик туйғулар ҳамда муносабатларнинг ҳаммаси тарбия таъсирида эндиғина ривожлана бошлайди. Лекин бу киши шахсининг пойдевори бўлади, чунки характер ва ахлоқ белгилари ҳаётга муносабат улгайганда эмас, балки мактабгача ёшда шаклланади. Мактабгача таълим жараёнида боланинг атроф муҳит билан дастлабки алоқага киришишлари таъминланади. Мактабгача таълим ташкилотларида болалар дастлабки билимларни ўрганадилар, ўзаро мулоқатга киришадилар натижада болалар янги кўникмаларни жадал ўзлаштирадилар ва янги билимларни эгаллайдилар. Шулардан келиб чиқадиган бўлсак мустақил мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини кўшадиган ҳар томонлама баркамол, маънан етук инсонларни тарбиялаш Мактабгача таълим ташкилотларида бошланмоғи зарур.

Маънавий – ахлоқий тарбия бу боланинг шахсини жамиятнинг мақсадлари ва ғояларига мос равишда ривожланиши билан педагогик таъсир қилиш усули. Катта мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсининг ривожланишини ҳисобга олиб, шуни таъкидлаш керакки, унинг шахсий ривожланиши туғилган пайтдан бошланади. Уларнинг ривожланиши ва мақсадга мувофиқ тарбия жараёнида бола катталар ёрдамида жамиятда қабул қилинган талаблар, нормалар ва хулқ-атвор қоидалари билан танишади. Дастраси билим олиш жараёнида улар тизимли ва умумлаштирилган ғояларни шакллантирадилар. Билим ва ғоялар асосида болада муайян талаб, ахлоқий меъёр, сифатга бўлган муносабат ривожланади, бу еса егалик ва заруриятнинг ташқи мотиви пайдо бўлишини тақозо этади. Шу туфайли катта мактабгача тарбия ёшидаги бола елементар ахлоқий мақсад ва вазифаларни

белгилаб олиш, унинг ҳатти-ҳаракати ва ҳаракатларида ифодаланган қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш имкониятига ега.

Маълумки, мактабгача ёш даври ижтимоий таъсирларга нисбатан сезувчанликнинг ортиши билан ҳарактерланади. Бола бу дунёга келиб, ҳамма нарсани: мулоқот йўллари, ҳатти-ҳаракатлари, муносабатларини ўзига сингдиради, шу мақсадда ўз кузатишлари, емпирик холосалари, катталарга тақлид қилишларидан фойдаланади, ва буларни ўзида синайди шуларга орқали ҳаракат қилиб, у охир-оқибат инсон жамиятда ҳаётнинг асосий нормаларини ўзлаштириш мумкин. Мактабгача таълим ташкилотларида маънавий тарбиянинг асоси тарбияланувчиларда умуминсоний ва миллатга хос маънавий, маданий анъаналар, қадриятлар ҳақидаги дастлабги таъсавурларни шакллантиришдир. Маънавий фазилатларни шакллантириш катта мактабгача ёши энг қулай давр ҳисобланади. Бу даврда бола қизиқишиларининг тўпланиши, қизиқувчанликни ортиши билан ҳарактерланади.

Мактабгача таълим ташкилотларида нафақат билим, малака ва кўнникмаларни шакллантиришга, балки бола шахсини – ҳарактери, иродаси, қобилиятлари ва қизиқишиларини шакллантиришга қаратилган бўлиши керак. Бола шахсининг ривожланиш даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири. Болага таълим-тарбия бериш жараёнида шаклланадиган ахлоқий нормалар, эътиқодлар, мақсадлар, ҳис-туйғулар, боланинг хулқ-авторида намоён бўладиган маънавий қарашлар, шунингдек билимлар, эътиқодлар ва хулқ-авторнинг уйғунлиги билан белгиланади.

Демак мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни ахок нормаларга ўргатиш ва маънавий фазилатларини дастлабки куртакларини шакллантишимиз лозим.

BO'LAJAK MUSIQA O'QITUVCHILARI VA MUSIQA RAHBARLARINING PEDAGOGIK SHAKILLANISHI TARIXIY BOSQICHLARI

Matyakubov I.B., MTTDMKTMOI katta o'qituvchisi

Annotation. Eramizdan avvalgi birinchi ming yillik o'rtalarida, ya'ni ibtidoiy jamoa tuzumi davrida odamlar insonning kamoloti to'g'risidagi g'oyalarini juda ko'p rivoyatlardan foydalanib ustoz-shogirdlik yo'li orqali avloddan-avlodlarga yetkazganlar, mazkur rivoyatlarda, kishilarni tarbiyalash, axloqiy barkamollik shaxsning ma'naviy yuksakligi masalalari asosiy o'rinnegallagan.

Kalit so'zлari: Tarix, pedagog, musiqa rahbari, musiqa o'ituvchisi, musiqa ta'limi, ma'naviyat, ma'rifat, an'ana, ustoz-shogird, urf-odat.

Аннотация. В середине первого тысячелетия до нашей эры, то есть в период первобытнообщинного строя, люди, используя многочисленные повествования, передавали из поколения в поколение свои представления о человеческом совершенстве путем наставничества и ученичества, в этих повествованиях основное место занимали вопросы воспитания людей, нравственного совершенства и духовного совершенства человека.

Ключевые слова: история, педагог, музыкальный руководитель, музыкальный педагог, музыкальное образование, духовность, просвещение, традиция, учитель-ученик, обычаи.

Annotation. In the middle of the first millennium before our era, that is, during the period of the primitive communal system, people, using numerous narratives, transmitted from generation to generation their ideas about human perfection through mentoring and discipleship, in these narratives the main place was occupied by the issues of human education, moral perfection and spiritual perfection of man.

Keywords: history, teacher, music director, music teacher, music education, spirituality, enlightenment, tradition, teacher-student, customs.

Taniqli venetsiyalik sayyoh Marko Polo uzoq vaqt hozirgi Markaziy Osiyo mintaqasi hududida yashagan xalqlarning an'analari, udumlari, urf-odatlarini o'rgandi. U o'z esdaliklarida yosh avlodni hayotga tayyorlashda, ko'p asrlar davomida qo'llanilgan usul va vositalarga tayangan holda "Nur Sharqdan tarqaladi" degan edi. Mustaqillik davri milliy istiqlol ma'naviyatini tiklash va rivojlanirish, milliy til va madaniyatni taraqqiy ettirish, milliy o'zlikni anglash, milliy histuyg'ularni, g'ururni, vatanparvarlikni o'stirish va mustahkamlash davridir. Mustaqil O'zbekistonning taraqqiyoti jamiyat a'zolarining, har bir shaxs va ayniqsa, yoshlarning ma'naviy kamoloti, istiqlol g'oyalarining kishilar ongiga, kundalik hayotiga chuqurroq singishiga bog'liqdir. Mustaqil taraqqiyot yo'lida milliy ong va milliy o'z-o'zini anglash ma'naviy kamolotning asosiy negizidir. Bu jarayon ayniqsa biz fan o'qituvchilari zimmasiga g'oyat mahsuliyatli yangi-yangi vazifalar yuklamoqda.

Eng qadimgi turkiy tilda yaratilgan va turk-runiy yozuvida bitilgan Urxun-Enisey bitiklari ham VI-VIII asrlarda yozib qoldirilgan bo'lib, ular ta'lim-tarbiyaga oid qimmatli ma'lumotlar beradi. Garchi Urxun-Enisey yozma yodgorliklari bevosita ta'lim-tarbiya masalalariga bag'ishlanmagan bo'lsa ham, ulardan o'sha davr axloqiy talablar yuzasidan o'ziga hos bir ma'lumot olish mumkin. Hususan, xoqonlar va alplarning jangovor faoliyati, turmush tarzi, vatanparvarlik, birdamlik, ittifoq bo'lib yashashga intilishi, mardlik, jasorat, samimiylilik, insonparvarlik, ezgulik kabi insoniy xislatlari jamiyatning har bir a'zosi axloqiy qiyofasini belgilovchi muxim fazilatlar sifatida ma'rifiy qadriyatlarimiz tarixida o'z ahamiyatiga ega. Bu xislatlar o'z-o'zidan shakllanmagan. Albatta bunday faktorlarni

tarbiyalashda musiqaning o‘rni beqiyos. Tabiat va jamiyatdagi o‘zgarishlar, ibtidoiy urug‘chilik qabilachilik turmush tarzi buni taqozo etgan.

Eramizdan avvalgi birinchi ming yillik o‘rtalarida, ya’ni ibtidoiy jamoa tuzumi davrida odamlar insonning kamoloti to‘g‘risidagi g‘oyalarini juda ko‘p rivoyatlardan foydalanib ustoz-shogirdlik yo‘li orqali avloddan-avlodlarga yetkazganlar, mazkur rivoyatlarda, kishilarni tarbiyalash, axloqiy barkamollik shaxsning ma’naviy yuksakligi masalalari asosiy o‘rin egallagan.

Shuningdek, ibtidoiy davrda insonlar tarbiyaning tafsir kuchi orqali to‘g‘ri hayot kechirganligi, madaniyat va san’at sohasida ham misli ko‘rilmagan kashfiyotlar yuzaga kelgani ma’lum. Yunon tarixchisi Gerodot (er. av. V asr) “Tarix” kitobida yozishicha: Markaziy Osiyoning ibtidoiy jamoa tuzumi sharoitida xalqlar asosan chorvachilik va dexqonchilik bilan shug‘ullangan. Asta-sekin odamlarning ijtimoiy ong faoliyatining takomillashuvi, hususiy mulkning dastlabki kurtaklarining paydo bo‘lishi yakka tartibdagi oilalarni vujudga keltirgan. Ularning bir-biriga, atrof-muxitga, kasb-koriga munosabat borasidagi ilk fikr va tasavvurlar, mifologik asarlar timsoli bo‘lmish – “Avesto”da ifodalangan Mitra, Anaxita, Adivissura, Varaxrana, Iima singari ma’buda va ma’budlar siymosi orqali ajdodlarimiz insonlarga yaxshilik qilish, yerlarni obod va serxosil qilish, ekin ekish, daraxtlarni o‘sirish uchun jamoa harakati hususidagi muloxazalarini mujassamlashtirganlar. Buni ular davridagi Gat – madhiyalaridan ham anglasak bo‘ladi. Shuni tahkidlash lozimki, Markaziy Osiyoning ibtidoiy jamoa tuzumi davrida vujudga kelgan madaniy-ma’rifiy fikr va g‘oyalarni, tarbiya masalalari bo‘yicha xalq yaratgan juda ko‘p manbaalarni o‘rganish nihoyasiga yetkazilmagan. Hozir ularni mufassal o‘rganish uchun mustaqil Respublikamizda keng imkoniyat yaratildi. Bir qancha sharqshunos olimlarimiz Xindiston, Xitoy, Angliya, Farangiston va Arab mamlakatlaridagi talaygina qo‘lyozmalarni o‘rganishga muyassar bo‘ldilar va xozir ham davom ettirmoqdalar. Jumladan, T.N.Qori-Niyoziy, X.Sulaymon B.O.Axmedov, S.G‘anieva, O.Usmonov, N.Mallaev, F.Sulaymonova, M.Xayrullaev, I.Mo‘minov va boshqalarning bu sohadagi xizmatlari juda kattadir. Markaziy Osiyo xalqlarining, shu jumladan, o‘zbek xalqining madaniyati, ma’rifati, milliy qadriyati osori-atiqalarini o‘rganib, shular xaqida o‘lmas asarlar yaratgan tarixshunos, sharqshunos olimlar - Gerodot, Xerman Vamber, A.Yu.Yakubovskiy, S.P.Tolstov, Ye.E.Bertels, V.V.Bartold, Ye.Berezikov va boshqalarning mashaqqatli mehnatlarini alohida ehtirop etish lozim. Ularning hammalari ham ibtidoiy jamoa davridagi ma’rifiy tafakkurning dastlabki kurtaklari folklyorda o‘z aksini topgan, degan xulosaga kelishgan. Eramizdan oldingi minginchi yillarning o‘rtalarida eng qadimgi ajdodlarimiz tomonidan qaxramonlik mazmunidagi juda ko‘p afsonalar rivoyatlar aytilgan bo‘lib, ular zardushtiylik dinining muqaddas kitobi “Avesto”ga kiritilgan. “Avesto”da insonning barkamol bo‘lib yetishishida

uning so‘zi, fikri, ishi, birligiga katta e’tibor berilgan. Bu axloqiy uchlik eng qadimgi davrlardan boshlab undan keyin yaratilgan barcha ma’rifiy asarlarga asos bo‘lgan desak hato qilmagan bo‘lamiz.

“Avesto”da insonning barkamol bo‘lib yetishishi uchun uning so‘zi, fikri, ishi birligiga katta e’tibor beriladi. Bu axloqiy uchlik eng qadimgi davrlardan boshlab undan keyin yaratilgan barcha ma’rifiy asarlarga asos bo‘lgan desak hato qilmagan bo‘lamiz. Zero, unda insonning inson sifatida ma’naviy va moddiy kamol topishi uchun zarur bo‘lgan muayyan talablar o‘z ifodasini topib, hayot kodeksi sifatida faqat Sharq xalqlarining emas, G‘arbning ham muqaddas mehrosi bo‘lib qoldi. P.Klark va A.Xakimovalarning “Zoroastrizm” nomli risolasida o‘n yettita “Gat” borligi, ularning cho‘zimli-unli, qisqa-undosh xarflarini ohang bilan uyg‘unlikda o‘rganish orqali dastlabki musiqiy tafakkur shakllanish boshlanishi, undagi ohanglarning tuzilishi, ladlari, sonorikasi ya’ni harflarning jarangliligi aynan bizgacha yetib kelgan Maqom asarlarimiz bilan bog‘liqligi keltirib o‘tilgan. Shuningdek dissertattsiyada aynan bo‘lajak musiqa o‘qituvchilarini va musiqa rahbarlarining musiqiy asarlarni ijrosi oldidan shu asarga mos ovoz sozlash mashqlari jarayonida talaffuz, artikulyatsiya ustida ishslash uchun mashqlar ishlab kelishi, ularga avvalo bo‘lajak musiqa o‘qituvchisi va musiqa rahbarlari mustahkam tayyorgarlik ko‘rib kelishi shartligi belgilab berilgan.

Dastlabki ta’li-tarbiya maskanlari qadimgi Sharqda (Vavilon, Misr, Hindistonda paydo bo‘lib, ularda Bo‘lajak musiqa o‘qituvchilarilari va musiqa rahbarlariga mahmuriy - xo‘jalik boshqaruvi asoslari o‘rgatilgan. Antik davrda maktablar Sparta, Afina va Rim tarbiya tizimining muhim tarkibiy qismi sifatida faoliyat olib borganlar. Qadimgi Yunonistonda bunday joylar akademiya deb nomlangan. “Akademiya” so‘zi afsonaviy qahramon Akadema nomidan kelib chiqqan. Eramizdan avvalgi IV asrda Afina yaqinidagi Akadema nomi bilan nomlanuvchi joyda Platon o‘z shogirdlariga ma’ruzalar o‘qigan bo‘lib, keyinchalik ta’lim tashkil etiluvchi maskan ham shunday nom bilan atala boshlagan. Qadimgi Rim va Yunonistonda bo‘lajak musiqa o‘qituvchilarini va musiqa rahbarlariga bilim berish faylasuflar zimmasiga yuklatilgan. Jamiyatning tabaqlananishi natijasida quldorlik tuzumida bo‘lajak musiqa o‘qituvchilarini va musiqa rahbarlarini ta’lim maskanlariga olib borish va olib kelish vazifasini qullar bajarishgan va ular “pedagog” deb nomlanganlar. Ushbu tushunchaning mahnosи “bolalarni yetaklovchi” demakdir.

IV-VII asrlarda Xusravshohlar xoqonligi davrida Turon va Eron musiqasi, qo‘shig‘i ijrochiligida benazir buyuk xofiz sifatida tanilgan Borbad (585/589-623/638) Mavrigilar, Dastonlarning paydo bo‘lishiga, ularning shakllanishi va rivojlanishiga o‘zining katta hissasini qo‘shgan.

Shuni tahkidlash lozimki, eng qadimgi tarbiya xaqidagi yodgorliklar bizgacha bevosita yetib kelmagan. Turkiy va forsiyzabon xalqlarning “hayot kechirish san’ati, donolik majmuasi sifatida yuzaga kelib, borliqqa amaliy munosabatda bo‘lish namunasi” ifodalangan ma’naviy madaniyat yodgorliklari: Markaziy Osiyo xalqlarining eng qadimgi marosimlari, urf-odatlari, ijtimoiy-falsafiy, madaniy, adabiy-tarixiy voqealarini ifoda etuvchi qomusiy yodgorlik namunasi bo‘lmish “Avesto”; afsonaviy qaxramonlar tasvirlangan dostonlar ya’ni, “Alpomish”, “Manas”, “Shiroq”, “To’maris”, “Go’ro‘g’li”, “Murodxon”, “Ravshan”, shuningdek qadimgi yunon tarixchisi Gerodotning “Tarix”, Strabonning “Geografiya” asarlari, Maxmud Qoshg‘ariyning “Devonu lug‘atit turk”, Urxun-Enisey bitiklari va boshqa shu kabi adabiy-tarixiy manbaalarda saqlangan va shular orqali bizgacha yetib kelgan. Bu yodgorliklar insonning shakllanishida moddiy va ma’naviy madaniyat qay darajada katta rol o‘ynaganligidan dalolat beradi. Xususan, tarbiya insonning aqliy va axloqiy jixatdan tarkib topa borishiga ta’sir etgan bo‘lsa, insonning shakllana borishi ham, o‘z navbatida, insoniyat jamiyatining tarkib topa borishiga yordam bergen. Xullas, insonning o‘z-o‘zini anglashi va jamiyat taraqqiyoti bir-biri bilan uzviy aloqada bo‘lgan. Bu tarixiy jarayonni bilish, inson tafakkurining qadimgi davrlardan boshlab bosqichma-bosqich rivojlanishi va shu bilan birga insonning ham tobora shakllana borganligi xaqida to‘la tasavvur xosil qilishga imkon beradi.

Tarixiy taraqqiyotning keyingi bosqichlarida bo‘lajak musiqa o‘qituvchilariga tizimli bilimlarni berish bilan doimiy shug‘ullanuvchi kishilar aynan shu nom bilan atala boshlaganlar. Feodalizm davrida aksariyat maktablar masjid (musulmon mamlakatlarida) yoki ibodatxonalar (Hindiston) qoshida tashkil etilgan. Bunday maktablarda yoshlarga diniy bilimlar bilan birga dunyoviy bilimlar ham o‘rgatilgan. O‘rta asrlar davrida Sharqda akademiya ko‘rinishidagi ta’lim muassasalari ham faoliyat yuritgan bo‘lib, ular “Donishmandlar uyi” (IX asr, Bag‘dod), “Mahmun akademiyasi” (XI asr boshlari, Xorazm), observatoriylar qoshidagi jamiyatlar (XV asr, Samarqand) tarzida nomlangan. Akademiyalarga turli fan yo‘nalishlari bo‘yicha kuchli bilimga ega bo‘lgan qomusiy olimlar jalb etilgan bo‘lib, ular tomonidan matematika, geodeziya, mineralogiya, meditsina, astronomiya kabi yo‘nalishlarda keng ko‘lamli tadqiqotlar olib borilgan. Ushbu oliygohlarda o‘z mutaxasisligi bo‘yicha juda kuchli olimlar yetishib chiqqan. Bir jixatga ehtibor beraylik ushbu dunyo tanigan va xozirda ham ilmiy risolalari dunyoning eng yetuk kutubxonalarida saqlanayotgan olimlarimiz avvalo o‘z mutaxassisliklarini puxta egalaganliklari barobarida boshqa sohalar bo‘yicha ham ilmiy tadqiq qilganlar. Bo‘lajak musiqa o‘qituvchisi o‘z mutaxassisligi musiqiy bilimlarini ya’ni musiqa savodi, musiqiy asboblardagi ijrochilik qobiliyati, musiqiy asarlarni kuylash qobiliyatiga puxta ega bo‘lishi va shu bilan birga boshqa sohalarni egallashi kerak. O‘z mutahassislik

fanlarini egallashi uchun esa ustoz nazorati bo‘lishi shart. Bu esa individual-yakka darslarni ko‘paytirish zarur.

Hadisi sharif Sunan at-Termiziy 2682 hadis, Sunan Abu Dovud 3641 hadislarida “Olimlar payg‘ambarlar vorisidir”, deyiladi. Xalqimizda “Olim bo‘lsang, olam seniki”, degan naql bor. Bu gap bugun paydo bo‘lgan emas. Dunyoga yuzlab ilm-fan dohiylarini hadya etgan bu millat olimlikning shuhrati bilan birga, igna bilan quduq qazimoqdek zahmatini ham juda yaxshi bilgan. Ilm o‘rgatmoqning sharaf va mahsuliyatini esa yanada balandroq tutgan. Ustoz otangdan ulug‘dir, degan naqlni har birimiz juda ko‘p marotaba eshitganmiz. Bu gap bejizga aytilmagan, chunki ota farzandni osmondan yerga tushiradi, ustoz esa shogirdni yerdan osmonga ko‘taradi. Shu o‘rinda bir ibratlari hikoyatga ehtiborimizni qaratsak: “Aleksandr Makedonskiyning Arastu (Aristotel) ismli ustozি bor edi. U bilan bemaslahat ish qilmasdi. Ustoz saroyga kirib kelsa, o‘rnidan turib, izzat bilan kutib olardi. Hatto uni o‘z otasidan ham ortiqroq ko‘rardi. Bir kuni Aleksandrdan: “Nechun Arastuni otangizdan ortiq izzat qilasiz?” deb so‘radilar. Ul dediki: “Otam go‘yoki meni osmondan yerga tushirdi. Ammo ustozim Arastu meni yerdan osmonga ko‘tardi” (Ya’ni, otam meni dunyoga kelmog‘imga sabab bo‘ldi. Ustozim ilm va odob o‘rgatib, martaba va izzatimning ortmog‘iga sabab bo‘ldi.)”. Shu hikoyat bahonasida ikki mazmun anglatuvchi bir maqolga izoh berib o‘tsak. Ustozlarning mavqeyi haqida gap ketganda ayrimlar bu maqolni “Ustoz otangdan ulug‘” tarzida, boshqalar esa “Ustoz otangdek ulug‘” shaklida bayon qiladilar. Qaysi biri to‘g‘ri? Farzand uchun odamlar orasida otaning mavqeyidan baland zot yo‘q. Lekin, ota o‘rnida ko‘rib hurmat qilinadiganlar bor. Demak, ustoz otadek ulug‘ ekan. Lekin maslaning boshqa tomoni ham bor: Ota farzandini boqishga, tarbiya qilishga majbur. Ammo ustoz, aynan shu farzandga ilm berishga majbur emas. Agar “Bu Bo‘lajak musiqa o‘qituvchilari va musiqa rahbarlarini o‘qitmayman” desa, aybli sanalmaydi. Shuning uchun ham, ustozning otaga nisbatan ulug‘ligi mavjud. Shu o‘rinda bir jixatga axamiyat beradigan bo‘lsak har bir bo‘lajak musiqa o‘qituvchisi va musiqa rahbarlari o‘zining dars va mashg‘ulotlarini berish metodikasiga yillar davomida misqollab yig‘gan tajribalari natijasida o‘z metodini shakllantiradi. Unga o‘qishga kelayotgan o‘quvchini o‘z faniga qiziqtira bilishi, o‘quvchi qo‘rqanidan emas balki shu fanga qiziqlishi kelajakda uni shu sohaga ham yetaklashi mumkin. O‘z faniga qiziqtira bilish esa faqatgina yaxshi, barcha kompetentsiyalari rivojlangan kuchli pedagoggina hosdir.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil 29-apreldagi “O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizmini 2030-yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasinitasdiqlash to‘g‘risida” PF-5712-sod farmoni

2. Е. С. Белова “Одарённые дети (дошкольное воспитание)” Москва-1991 (№4 С.69-75)
3. Э. Деломен “Новое воспитание” Москва-1990 (С. 179)
4. Б. Р. Джураева “Формирование педагогической культуры будущих учителей в процессе профессиональной подготовки при изучении педагогического цикла” (автореферат дисс.пед.наук) Ташкент-2002 (С.21)
5. А. К. Маркова, Т. А. Матис, А. Б. Орлов “Формирование мотивации учения” Москва-1990 (С.200)

МУСИҚА МАШГУЛОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Мирзахмедов У.У., МТБ ТСТИТЖЭШ методисти

Мусиқа машғулотлари—бу мактабгача таълим тизимидағи ажралмас, яхлит бир бўлак. Унда тарбиячи ва мусиқа раҳбари биргаликда белгиланган вақтда болалар гурӯҳи билан шуғулланади, ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда билим фаолиятини ташкил қиласди ва йўналтиради.

Бу тизим кўп йиллардан буён ўз самарасини бериб келаяпти. Мактабгача таълим ташкилотларидағи бошқа машғулот турлари қатори ривожланаяпти. Энг муҳими болаларнинг бадиий-эстетик дидини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилаётганлиги билан ажралиб турибди. Ҳозирги босқичда болаларга педагогик таъсир кўрсатиш шаклидаги таълимнинг ривожланиш ва тарбиявий таъсирини ўзида мужассам этган, болаларнинг фаол билим олиш ва улардан ижодий фойдаланиш қобилиятини шакллантирувчи, тарбиячи ва мусиқа раҳбарининг бевосита иштирокида шаклланганлиги каби қарашлар мавжуд. Бу эса қўшма фаолиятда кўпроқ натижага эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Машғулот жараёнининг мақсадларига кўра, уларда болаларнинг мотор қобилиятлари (турли хил ҳаракатлар), нутққобилияти (қўшиқайтиш, маҳсус атамаларни фаол луғатга киритиш), жамоада ишлаш қобилиятини ривожлантираётганини кўриш мумкин. Мусиқа раҳбарининг муваффақияти машғулотни ташкил этиш шаклларига боғлиқ: тинглаш даражаси ва ижро маданиятидир. Мусиқий тадқиқотлар мактабгача таълим ташкилотларида мусиқа машғулотларининг бир қанча турлари амалда эканлигини кўрсатмоқда.

Анъанавий машғулот тури. Бу мактабгача ёшдаги болалар фаолиятининг барча турлари иштирок этадиган классик ташкилий шакл: мусиқий ритмик машқлар, мусиқий композицияларни тинглаш, қўшиқ айтиш, оғзаки вокализация, қўшиқларни ўрганиш, ўйин ва ижодий вазифалар. Бу машғулот турида турли хил тадбирларни кетма-кетлиқда тақсимлаш мумкин деб

хисобланади. Машғулот бошида болалар кичик машқлар (элементар рақс ҳаракатларини, байрам маршлари)ни бажарадилар. Ушбу ҳаракатлар мактабгача таълим ташкилотида болаларнинг эътиборини тортади ва уларни тарбияланувчиларнинг эътиборини талаб қиласиган ишларга тайёрлайди. Машқлардан сўнг, болалар мусиқа тинглаш адива куйлашади. Қўшиқ куйлаш турли хил вокал машқлари, ижодий вазифаларни бажариш ва эшлиш қобилиятини ривожлантириш, 2-3 қўшиқни ўрганишни ўз ичига олади.

Машғулотнинг кейинги босқичи—бу ўйин, кулгили рақс, доира шаклидаги шаклида ритмик рақс фаолияти. Вазифалар сизга жисмоний фаолликни болаларга тенг равишда тақсимлашга имкон беради. Болалар боғчасидаги мусиқа машғулоти анчайин содда ва болаларнинг ёшига қараб мазмуни, моддий хусусиятлари ўзгариши керак. Аввало, машғулотларни ритмик ҳаракатлардан эмас, балки қўшиқ ёки мусиқа тинглашдан, шунингдек, янги қўшиқ ижро этишдан бошлашингиз мумкин.

Ўрта гуруҳдан бошлаб болалар ижодини ривожлантириш бўйича вазифалар юклатилади. Катта ёшдаги гуруҳда—ижод учун турли қўшиқлар тавсия этилади. Аммо машғулотларнинг муҳим таркибий қисми дидактик ўйинлардан иборатdir. Анъанавий машғулотни эскирган шакл сифатида эмас, балки болаларнинг муайян ривожланишига мос келадиган синовдан ўтган шакл сифатида тушуниш керак. Болалар боғчасидаги анъанавий мусиқа машғулотининг вазифаси— мусиқа ҳақида болаларда кўникма пайдо қилиш ва уларнинг эстетик дунёқарашини оширишдан иборат.

Тематик машғулот тури—бу ўз мазмунига кўра мусиқий фаолиятни бирлаштирадиган машғулот бўлиб, унинг давомида болалар боғчасидаги болалар учта асосий мавзуларда санъат асарларини тушунишни ўрганадилар: «Мусиқа инсонда қандайҳис-туйғуларни уйғотади?», «Мусиқа нимаҳақида сўзлайди?», «Мусиқа асари қандай ижро этилади?». Ушбу учта мавзу мусиқа асарининг моҳирлигини кетма-кетлигини белгилайди. Шу билан бирга, болалар боғчасидаги тематик машғулотлар таълимий, ҳиссий, ҳаётий мавзулар билан бойитилиши мумкин. Асосан кичик ва ўрта гуруҳларда бундай мавзулар тавсия этилади. Масалан: Ўйинчоқлар: «Ўйинчоқлар зиёфати», «Янги йил ўйинчоқлари байрами» Табиий ҳодисалар: «Қуёшга йўл», «Қуёш ва ёмғир». Фасллар: «Биз қушларни ўз ватанларигача қирамиз», «Кузги барглар». Катта ёшдаги мактабгача ёшдаги болалар учун ижтимоий мавзуларни таклиф қилиш тавсия этилади. Масалан: «Анвар Обиджон шеъриятидаги қўшиқлар», «Севимли бастакорнинг қўшиқлари», «Мусиқий товушларнинг жўшқин дунёси», «Биз чолғулар ҳақида нималарни биламиз», «Мусиқадаги рақс жанрлари» ва бошқалар.

Доминант машғулот тури. Бу болаларда мусиқий фаолиятнинг муайян турини ёки мусиқий маҳоратини ривожлантиришга қаратилган. Доминантнинг тузилиши одатдагидек сақланиб қолиши мумкин, аммо ҳар бир элемент асосий ривожланаётган вазифага бўйсунади.

Болалар боғчасида доминант машғулот турининг яна бир вазифаси муайян машғулот учун керакли атмосферани яратиш. Болаларнинг маълум бир санъат турининг хусусиятлари ҳақида тасаввурларини бойитиш. Синов кўнилмаларини яратиш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш. Дамолиш ва ўйин-кулги учун репертуарни танлаш. Болалар боғчасида машғулот пайтида қуйидагилар тавсия қилинади: болаларнинг сезигрлигини ошириш ва синаб кўриш; жамоавий ва якка ҳолда қўшиқ ёки ҳаракатларини ижодий ижро этиш билан шуғуланиш, болалар ва катталарнинг муқобил чиқишлирини амалга ошириш.

Комплекс машғулот тури. Ушбу турдаги мусиқа машғулотига «Нутқни ривожлантириш», «Бадиий фаолият: тасвирий санъат, моделлаштириш», «Тажриба», «Меҳнат фаолияти» ва ҳоказоларнинг ўкув қисмларидан иборат элемент киради. Бу машғулот мусиқа раҳбари ва тарбиячи томонидан биргаликда олиб борилади.

Бирлаштирилган машғулот тури. Ушбу машғулотнинг мақсади мавзуни бир нечта тадбирларда очиб беришdir: мусиқа ва нутқ, мусиқа ва когнитив тадқиқотлар ва бошқалар. Бирлаштирилган машғулотларни ўтказиш учун кўпинча ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилади: тақдимотларни кўриш, интерфаол доскадан фойдаланиш, компьютер жиҳозлари. У бир нечта фаолият турларини (асосан бадиий) бирлаштиради: қўшиқ (ёкирақс), бадиийижод ванутқ. Бадиий фаолиятнинг ушбу турлари орқали маълумбир мавзуу очилади. Болалар боғчаси дакенг қамровли мусиқа машғулотини ташкил қилиш мавзулари қуйидагилар бўлиши мумкин: фасллар натижаси, фолклор, халқ ижодиёти, халқ фестиваллари, мумтоз мусиқа ва бошқалар. Тингланган мусиқа таъсири остида болалардан бири сўзларни яратиш қобилиятини намойиш этади. Кейин расм чизади, ҳайкалтарошлиқ даёкирақс тушишда ўзини синаб кўради. Ушбу машғулотни ўтказишда тарбиячи ва мусиқа раҳбарларидан жиддий тайёргарлик талаб қилинади. Болалар боғчасида кенг қамровли машғулотлар болалар расм чизиш, мусиқа, бадиий адабиёт (нутқни ривожлантириш) дарсларида бир қатор дастурий билимларни ўргангандаридан кейин ўтказилади.

Бу машғулотларнинг вазифаси мактабгача ёшдаги болаларда мусиқа ёрдамида турли хил ижодий қобилиятларни ривожлантиришdir. Болалар боғчасида мусиқа машғулотлари учун бирнечта дастурий мавзулар тақдим этилади. Биринчи вариант анъанавий машғулотларни ўтказишни ўз ичига

олади. Бу машғулот икки ҳафтада бир марта ўтказилади. Шуни таъкидлаш керакки, болалар боғчаси тарбияланувчилари учун «Қўшиқ айтиш» мусиқий фаолиятга устунлик берилади. «Ҳаракатлар» эса аксинча динамик тадбирлар—ритмик машқлар, рақслар, ўйинларга устунлик беради.

Мусиқа раҳбари болалар боғчасида ўқув йилига тематик машғулотларни кейинчалик тузатиш билан режалаштириши керак. Мусиқа машғулотларини режалаштиришнинг таклифқилинадиган варианatlари индикатив бўлиб, улар ҳар бир мусиқа раҳбарининг ижодий фикрини уйғотишга қаратилган. Ҳар хил турдаги машғулотларни ташкил қилиш бўйича қўрсатмалар мавжуд. Болалар боғчасида болалар мусиқани идрок қилишга ўргатилиб борилади, уларга ўз фикрларини ҳотиржам билдириш учун имконият бериш керак. Буларнинг барчаси вақтни, мусиқа раҳбарининг баъзи тайёргарлигини ва бу ишни болалар билан ўтказиш учун шароитларни талаб қиласи. Тинглаш учун репертуарни танлашда асосий эътибор классик мусиқага қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Ижодиймашғулот тури. Мусиқа машғулотини ноанъянавий шаклда ўтказиш: саёҳат, квест, импровизация ижроси буларга мисол бўла олади. Бу машғулот турини ташкил этганда мусиқа раҳбари ҳар доимги усуллардан воз кечади. Бир мунча ижодий ёндошган ҳолда, машғулотни қизиқарлироқ ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Илк қадам” Мактабгача таълим Давлат дастури
2. Мирзаҳмедов У. «Келинг, бирга куйлаймиз». – Т.:Тафаккур қаноти, 2017.
3. Мирзаҳмедов У. «Етти нота қатори ». – Т.:, Илм-зиё заковат, 2019.
4. Мирзаҳмедов У. «Ўйнаймиз ва қувнаймиз ». – Т Адабиёт учқунлари 2018.
- 5.Режаметова Н. «Ўзбек халқ чолғу асбобларини чалишни ўргатиш методикаси» Т. 2015
- 6.Гулнора Шарипова, «Мусиқа ва уни ўқитиш методикаси», «Турон – Иқбол», Тошкент 2011.
7. Александр Берлин, «Қувноқ давра», Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашириёти, Тошкент 1983.
8. «Мактабгача таълим» журнали Т 2012, 2013, 2014, 2015, 2016.

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АНДРАГОГИК АСОСЛАРИ

*Мирсолиева М., Низомий номидаги ТДПУ, п.ф.д (DSc),
Туляганова Н., МТТДҚТМОИ стажёр-тадқиқотчиси*

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларининг мақсади - кадрларнинг шахсий ва касбий ривожлантириш мотивларини рағбатлантириш, шунингдек ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий-услубий даражада таъминлаш, малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурлари асосида касбий маҳоратни доимий равища ривожлантиришга қўмаклашиш учун зарур бўлган касбий билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни мунтазам равища янгилаб боришдан иборат.

Ривожланган давлатларнинг, хусусан, Жанубий Корея, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой тажрибасини ўрганиш, шунингдек таълимдаги инновацион жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, кадрлар малакасини оширишда тизимлилликни таъминлаш, замонавий таълим технологиялари ва инновацион ёндашувларни ўзлаштириш асосида мустақил равища доимий касбий ўз-ўзини ривожлантиришнинг вариатив тизими амалиётга жорий этишни тақазо этмоқда.

Бундан ташқари малака ошириш турли даражадаги раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий эҳтиёжларига нисбатан амалий йўналтирилган бўлиб, мустақил малака оширишнинг турли шаклларида фаол иштирок этиш (илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш, семинарлар, халқаро илмий-тадқиқот лойиҳалари, тадқиқотчилик фаоллиги ва бошқ.) натижаларини ҳисобга олиш ва баҳолашнинг амалий механизмларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Шу нуқтаи назаридан, бугунги кун талаблари қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг ташкилий-бошқарув механизмларини андрагогик таълим тамойиллари билан уйғунлаштириш асосида такомиллаштириш чораларни кўришни тақозо қиласди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари ўз моҳиятига кўра катта ёшли таълим субъектидаги касбий компетентлик ва маҳорат даражасини таъминловчи қуидаги вазифаларни амалга оширади (1-жадвал).

1-жадвал.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнининг вазифалари

ҚТ ва МО жараёнининг вазифалари	Жараён мазмуни
Диагностик	Тингловчиларнинг мавжуд билим, кўнирма ва малакалари ҳамда касбий фаолият натижаларининг SWOT таҳлили ҳамда мониторингини олиб бориш
Адаптация	Катта ёшли таълим субъектларининг таълим тизимидағи ўзгаришлар, инновациялар, замонавий педагогик ёндашувларга мослаштириш, касбий ўзини ўзи ривожлантириш мотивациясини қарор топтириш
Коррекция	Касбий-педагогик ва бошқарув вазифаларини самарали ҳал этишга хизмат қилувчи илғор хорижий тажрибалар, инновацион-интерактив технологиялар ва соҳадаги замонавий тенденциялар билан боғлиқ янги билим ва компетенцияларни ривожлантириш
Ривожлантириш	Бошқарув ва касбий фаолият соҳасини ташкил этиш бўйича тажрибаси. маҳорати ва касбий маданиятини ривожлантириш.

Тадқиқотчи Б.Ходжаев ўзининг илмий изланишларида, катталар таълими муаммоларига доир педагогик-психологик тадқиқотлар ва таълим амалиёти шуни кўрсатадики, мазкур турдаги таълимда таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти субъекти сифатида шаклланишидаги муаммоларни куйидагича ёритади.

Маълумки, ўқув жараёнининг бошланишида инсоннинг ижтимоий ролида маълум ўзгаришлар содир бўлади. Яъни “фаолиятнинг маълум бир соҳаси бўйича мутахассис” роли қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида “tinglovchi, таълим олувчи” роли билан алмашинади. Мазкур ҳолат кўпинча психологик нуқтаи назардан англашмаган тарзда ўзининг барча стереотиплари, установкалари ва муносабатлари (материални пассив идрок этиш, харакатларнинг стандарт тизимларини бажариш ва ҳ.к.) мактаб ва олий таълим даврида ўзлаштирилган ўқувчи, талаба позициясига қайтиш тарзида идрок этилади.

Катта ёшдаги таълим олувчиларнинг ўқув жараёнида тез-тез юзага келадиган қийинчиликлардан яна бири уларнинг жараёнга “прагматик” тарзда

ёндашувидир. Ўз касбий фаолиятида яхши тажрибага эга бўлган катта ёшдаги таълим олувчилар амалий аҳамиятга эга бўлмаган илмий билимларни узатишга йўналтирилган анъанавий таълимга қўпинча салбий муносабатда бўлишади.

Юқорида келтирилган фикрлар андрагогик таълим мазмуни ва механизмларини такомиллаштиришда қуидаги тамойилларга алоҳида эътибор қаратишна талаб этади:

1. Мустақил таълим олиш тамойили – бунда катта ёшлиларни ўқитишининг масофали таълим лойиҳалари етакчи ўринда туради.

2. Ҳамкорлик тамойили - таълим олувчининг таълим жараёнида таълим субъектлари билан интерактив муносабатлари, ҳамкорлиги.

3. Орттирилган ҳаётӣ тажрибалардан фойдаланиш тамойили - таълим олувчининг ҳаёти давомида орттирган ижобий ҳаётӣ тажрибаси, амалий билимлари, қўникма ва малакаларини таълим олиш ва янги билимларни ўзлаштиришида асос бўлиб хизмат қилиши.

4. Эскисидан қутулиш тамойили - янги билим, қўникма, малакаларни ҳамда компетенцияларни эгаллашга тўсқинлик қилувчи эски қарашлардан воз кечиш.

5. Индивидуаллик тамойили - ўқитища таълим олувчининг эҳтиёжлари, унинг ижтимоий-психологик ўзига хослигини, унинг касбий статуси ва фаолиятини инобатга олган ҳолда индивидуал ёндашиш.

6. Эркинлик тамойили - таълим олувчига мақсадни танлаш, таълим шакли, методи, манбалари, муддати, вақти, таълим олиш жойи ва ўқитишининг натижаларини аниқлашда эркинлик беришни назарда тутади.

7. Онглилик тамойили - ушбу тамойил таълим олувчининг таълим олишга онгли ёндашувини шакллантириш асосида жараёнга нисбатан фаол-позитив мотивациянинг ривожланишига асос бўлади.

8. Амалий натижа тамойили - таълим олиш жараёнида таълим олувчи олаётган билим, қўникма, компетенцияларни касбий фаолиятида қўллай олиш.

9. Тизимли ўқитиши тамойили- бу тамойил таълимнинг мақсадига қараб таълимнинг мазмуни, шакли, методлари, ўқитиши воситаларини ва натижани тизимли ташкил қилишни назарда тутади.

10. Долзарблик тамойили- бу тамойил ўзидан олдинги тамойилларни тўлдириб, эгалланган янги билим, қўникма ва компетенциялар мутахассиснинг касбий-шахсий ахборот майдонининг лойиҳалашда муҳим омил эканлигини назарда тутади.

11. Ривожлантириш тамойили - таълим олиш шахсни камолотга етказишга, яширин иқтидорини юзага чиқариш, муентазам ўз устида ишлашга,

амалий фаолият жараёнида янгиликларни ўзлаштиришга, бир сўз билан айтганда мутахассиснинг инновацион компетентлигини шакллантиришга қаратилади.

Шу билан биргаликда, кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда етуклик давридаги мутахассислар билан ишлашнинг зарурый педагогик-психологик шарт-ароитлари сифатида қуидаги жиҳатларни ҳам ўз ичига олади:

- “аудиториянинг ижтимоий портрети”ни олдиндан тўғри прогноз қилиш, педагогларнинг қизиқишилари, мавжуд тажрибаси, интеллектуал салоҳиятини тўғри баҳолай олиш асосида шакллантириш;

- эҳтиёжларга асосланган ҳолда фан, соҳа ва мавзуга оид ахборот-маълумотнома базасини яратса олиш;

- педагог-андрагог (андрагогик таълим билан шуғулланувчи шахс) етуклик давридаги мутахассислар билан ишлаш жараёнида “фасилитатор” (ёрдамчи) ролида ҳаракат қилиши ва асосий эътиборни улардаги мавжуд касбий компетентлик даражасини уларнинг меҳнат тажрибаси, ўқув-билиш мотивацияси ҳамда билим, кўникма ва малакалар тизимидан келиб чиқиб ривожлантириш мақсадига йўналтириш;

- ўқув жараёнининг таркибий тузилишини тўғри белгилаш, хусусан, педагог кадрларнинг меҳнат тажрибаси, ижтимоий ва касбий компетенлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқитишнинг инновацион шакл, метод ва воситаларини танлаш ҳамда ҳамкорликдаги эркин-ижодий таълим муҳитини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Базаров Т.Ю., Ермина Б.Е. Управление персоналом: Учебник для вузов /Под ред. Т.Ю. Базарова, Б.Л. Еремина. — 2-е изд., перераб. и доп. — М: ЮНИТИ, 2002. - 560 с.

2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

3. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. – Т.: “Турон-Иқбол”, 2006.-592 б.

4. Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент, «Фан ва технологиялар», 2019. – 120 б.

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ РАҲБАРИНИНГ КВАЛИТОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мирюсупова Н.Ш., МТТДМҚТМОИ таянч докторанти

Неъматов Ш.Э., МТТДМҚТМОИ ИПФММИТЖЭ бўлими бошлиги

Бугунги кунда мамлакатимизда мактабгача таълим тизимиға катта эътибор қаратилмоқда. Буни биз тизимни ривожлантиришга қаратилган бир қанча қонунлар ва қарорларни қабул қилинишида кўришимиз мумкин.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришдаги асосий масала бу - таълим сифатини оширишдир. Таълим сифатини ошириш жараёнида асосий иштирокчилар – мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, педагог кадрлар ва бошқалар.

Таълим сифатини оширишда мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг қандай ўрни бор? Таълим сифатини ошириш учун МТТ раҳбари қандай компетентликка эга бўлиши керак деган бир қатор саволлар туғилади. Биз олиб бораётган тадқиқотларимизда айнан МТТ раҳбарининг таълим сифатини оширишга қаратилган, яъни квалитологик компетентлигини шакллантириш тамойилларини кўриб чиқамиз.

МТТ раҳбарининг квалитологик компетентлигини шакллантириш олий таълимдан кейинги таълим, яъни малака ошириш жараёнида амалга оширилади.

Малака ошириш жараёнида МТТ раҳбарининг квалитологик компетентлигини шакллантиришнинг назарий-методологик асосларини компетентлик, шахсий фаоллик ва тизимлилик ёндашувларининг бирлашмаси сифатида кўриб чиқамиз.

Компетентлик ёндашуви нуқтаи назаридан олиб қараганда МТТ раҳбарларини малака ошириш жараёнида тизимли ўқитишнинг ўзи бу раҳбарнинг квалитологик компетентлигини шакллантиришга хизмат қиласди. Бошқарувнинг мотивцион-қадриятли муносабатлари тизими мураккаб тузилишга эга бўлиб, тизимли ўқитишнинг асосини ташкил этади. Бу тизим квалитологик билим ва қўникмаларни ҳамда раҳбар шахсига хос бўлган муҳим касбий сифатларни қамраб олади. Квалитологик компетентликни ташкил этувчи компонентларнинг шаклланганлиги МТТ раҳбарининг таълим сифатини бошқаришга тайёрлагини таъминлайди.

Шахсий фаоллик ёндашуви нуқтаи назаридан олиб қарасак, шахс ва фаолият ўртасида ажралмас боғлиқлик мавжудлигини кўрамиз. Бу жараёнда энди тингловчи, яъни шахсий ривожланаётган МТТ раҳбари фаолиятнинг субъектига айланади. Шахсий фаоллик ёндашувига кўра, малака ошириш жараёнида МТТ раҳбарларининг квалитологик компетентлигини

шакллантириш учун ўқитиши жараёнинг раҳбарнинг шахсан жалб этилишини назарда тутади. А.А.Вербицкий фикрича, малака ошириш жараёнида контекстли ўқитишдан фойдаланиш раҳбарларни касбий ва шахсий фаоллигини оширишга хизмат қилади, бунда “билим, кўникма ва малака”лар тингловчи учун мақсад эмас, балки унинг ҳам касбий, ҳам шахсий ривожланиши учун энг муҳим восита ва шартлардан ҳисобланади. Контекстли ўқитиши самарадорлигига мутахассиснинг касбий фаолиятини моделлаштириш орқали эришиш мумкин. Биз эса МТТ раҳбарининг таълим сифатини бошқариш бўйича фаолиятига ўхшаш вазиятларни сунъий яратиш орқали эришишга ҳаракат қиласиз.

Таълим жараёнида шахснинг ривожланиши унинг ўз тажрибалари ва фаолиятга доир фикрларини бойитиши ва сифат жиҳатдан ўзгартириш орқали амалга ошади.

Раҳбарнинг квалитологик компетентлигини ошириш жараёнида тингловчининг шахсий ва касбий тажрибасини жараёнга киритишини англаши жуда муҳимдир. Шу сабабли квалитологик компетентликни шакллантиришда муҳим бўлган омилларни, яъни тингловчиларни бошқарув муаммоларини ҳал этиш жараёнига, шунингдек, таълим олаётган раҳбарларнинг фаоллигини оширишга қаратилган ижобий ҳиссий фонни яратишни ўз ичига олган машғулотларни олиб боришнинг аҳамияти каттадир. Шахсий фаоллик нуқтаи назаридан олиб қараганда таълим раҳбар учун интеллектуал, шахсий ва ташкилий рефлексия тарзида ташкил этилиши керак.

Интеллектуал рефлексия тингловчининг бошқарув муаммоларини ҳал этишда ўз хатти-ҳаракатларни тушунишига боғлиқдир.

Шахсий рефлексия тингловчининг таълим сифатини бошқариш соҳасидаги имкониятларини баҳолаш, уларни такомиллаштириш йўналишларини белгилашни ўз ичига олади.

Ташкилий (бошқарув) рефлексия эса бошқариладиган обьектни ҳолатини таҳлили қилишни, раҳбарнинг бу ҳолатни ўзгартириш ва кейинги истиқболларини белгилашини англашини ўз ичига олади. Бунда мактабгача таълим ташкилоти айнан таълим сифатини шакллантириш муҳити бўлиб хизмат қиласиз.

МТТ раҳбарларининг квалитологик компетенлигини ошириш бўйича малака ошириш жараёнида ўқитишининг рефлексив асоси шундаки, ўқитишини фаоллаштирувчи шакл ва усуллардан фойдаланиш билан таъминланади.

Булар турли муаммоли маъruzalар, баҳс-мунозарали семинарлар, муайян бошқарув вазиятларини таҳлил қилиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш, МТТда таълим сифатини бошқаришда юзага келувчи чалкаш вазиятларни ечиш орқали амалга оширилади.

Тизимлилик ёндашувга кўра малака ошириш жараёнида раҳбарларнинг квалитологик компетентлигини шакллантиришни таъминловчи - таркибий қисмларнинг ўзаро муносабатларига асосланган дидактик тизим бўлиши керак. Ушбу таркибий қисмлар мақсад, мазмун, педагогик мулоқот ва натижаларни ўз ичига олади.

Раҳбарнинг квалитологик компетентлигини шакллантириш тизими илмий характерга, блок-модулли тузилишга, назария ва амалиётни ўзаро боғлиқлиги тамойилларига асосланади. Келтирилган тамойилларни қисқача кўриб чиқамиз.

Илмийлик тамойили ўқитиш мазмунининг илм-фаннинг сўнгги ютуклари билан мос келишини, таълим сифатини бошқаришдаги раҳбар фаолиятининг асосларини ва ривожланишнинг замонавий тенденцияларни таъминлашни назарда тутади. Ушбу тамойил таълим жараёнини “Мактабгача таълимни бошқариш”, “Таълим сифати”, “Бошқарув психологияси” каби фан йўналишларига қўшимча билимлар асоси бўлиб хизмат қиласди. Бундан ташқари юқорида келтирилган “Мактабгача таълимни бошқариш” фани “Мактабгача ёшдаги болалар психологияси” ва “Мактабгача педагогика” фанлари билан ўзаро боғлиқдир. Келтириб ўтилган фанлардан билимларни ошириш, уларни раҳбарнинг квалитологик компетентлигини ошириш жараёнига “киритиш” тингловчилар томонидан илмий билимлар тизимини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Раҳбарнинг квалитологик компетентлигини шакллантиришнинг *блок-модулли тузилма* тамойилига кўра, дастурнинг таркиби бир нечта блокларга бўлинади.

“Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини бошқариш” модули куйидаги 3 та блокдан иборат бўлади:

1. Мактабгача таълим сифати ижтимоий, педагогик ва бошқарув муаммоси сифатида;
2. Мактабгача таълим сифатини бошқаришнинг назарий-методологик асослари;
3. Мактабгача таълим ташкилотида сифатни бошқариш технологияси.

Ҳар бир блок унинг мазмунини очиб берувчи мавзулардан иборат.

Назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги тамойили ўқитишнинг турли шаклларини, яъни маъruzalар, семинарлар ва амалий машғулотларнинг ўзаро боғлиқлигини қамраб олади.

Маъruzalар ўқув материалларини кейинги босқичларини ўзлаштириш учун асос бўлади. Маъruzalар мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини бошқаришнинг илмий асосларини очиб беради. Улар мавжуд ва янги олинган билимларни тизимлаштиради, мавжуд муаммоларга исбатан

мотивацион-қадриятли муносабатларни шакллантиради, кейинги семинарлар ва амалий машғулотларнинг мавзуси ҳамда мазмунини белгилаб беради.

Семинар машғулотлари эса тингловчиларнинг мустақил ишларни бажаришлари орқали назарий берилган билимларини чуқурлаштиришга қаратилган. Ушбу машғулотларда мактабгача таълим ташкилотини бошқаришнинг муҳим масалалари кўриб чиқилади, турли қарашлар тингланади ва баҳс-мунозаралар олиб борилади. Мазкур ўқитиш самарадорлигини ошириш учун педагог тингловчиларни психологик-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, турли мунозарали масалаларда уларга нисбатан бағрикенлик билан ёндашиши керак.

Амалий машғулотлар мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларнинг квалитологик қўнималарини шакллантиришга қаратилган. Ушбу машғулотларда МТТда таълим сифатини бошқариш, бошқарув муаммоларини ҳал этиш ва лойиҳалар ишлаб чиқиша раҳбарнинг фаолиятини таҳлил қилишга қаратиласган вазиятларни яратиб, уларга бу муаммоларни ечишга кўмаклашиш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай машғулотларнинг мазмунида раҳбарнинг таълим сифатини бошқаришда бажарадиган лойиҳалаш, ташкиллаштириш, мотивацион ва мониторинг ўтказиш функциялари мавжуд бўлиши керак. Шунингдек, ушбу машғулотлар бошқарувни амалга ошириш, уни таҳлил қилиш, баҳолаш ва тузатиш бўйича раҳбарнинг тавсиялари ва тажрибасини ўқитиш жараёнига “киритиш”ни ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кўриб чиқсан тамойилларимиз ва юқорида кўрсатилган услубий ёндашувлар МТТ раҳбарининг квалитологик компетентлигини шакллантириш билан бир қаторда, МТТ раҳбарларини ўқитишнинг мазмуни ва технологиясини яратиш бўйича назарий ҳамда услубий кўрсатмаларни ташкил этади. МТТ раҳбарининг ўқиш жараёнига психологик жиҳатдан тайёрлиги, фаоллиги, янги билимларни ўзлаштиришга бўлган иштиёқи ҳамда педагогнинг ўз касбини яхши кўриши, педагогик маҳоратининг юқори даражадалиги машғулотларнинг қизиқарли ва тушунарли бўлишини, МТТ раҳбарининг квалитологик компетентлигини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.А.Вербицкий Активное обучение в высшей школе: контекстный подход: метод, пособие / А.А. Вербицкий. - М.: Высш. шк., 1996.
2. Сафонова, О.А. Технология управления качеством образования в дошкольном учреждении / О.А. Сафонова. — Киров: Изд -во КИПК и ПРО, 2004.
3. Сафонова, О.А. Управление качеством образования в дошкольном учреждении: монография / О.А. Сафонова. - Н. Новгород: Гуманитарный центр, 2004.

BILINGVIZMNING MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARING BILISH (KOGNITIV) KOMPETENSIYASI RIVOJIGA TA'SIRI

Mirkasimova Z.A., MTTDMQTMOI stajor tadqiqotchisi

Annotasiya: Mazkur maqolada bilingvizmning maktabgacha yoshdagi bolalarning bilish kompetensiyasi rivojiga qo'shgan hissasi hamda bilingvizmning rivojlanish bosqichlari, olib borilgan tadqiqotlar va ularning natijalari keltirilgan. Bilingvizmning maktabgacha yoshdagi bolalarning metalingvistik (tilning fikrlashga bo'lgan ta'siri) qobiliyatining rivojiga ham ijobjiy ta'siri haqida bayon etilgan.

Kalit so'zlar: Bilingvism va uning bosqichlari, maktabgacha yoshdagi bolalar, bilingvallik, kognitiv rivojlanish, metalingvistik qobiliyatni rivojlantirish.

Annotation: This article presents the contribution of bilingualism to the development of cognitive competence of preschool children and the stages of development of bilingualism, the research and their results are given. The positive impact of bilingualism on the development of metalinguistic abilities of preschool children has also been reported.

Key words: Bilingualism and its stages, preschool children, bilingualism, cognitive development, development of metalinguistic abilities.

So`nggi yillarda olib borilgan tadqiqotlar bilingvizmning maktabgacha yoshdagi bolalarning bilish kompetensiyasini rivoji uchun naqadar foydali ekanini ko'rsatmoqda. Bilingvism atamasi lotin tilidan olingan bo`lib, «bi-kki va lingua-til» ya'ni ikki tilda gapirish va tushunish qobiliyati nazarda tutiladi. Shu kunga qadar olib borilgan tadqiqotlarda bilingvismning bolaning bilish kompetensiyasi rivojiga bo'lgan ta'sirini turlicha talqin qilingan. Quyida bilingvizmning kichik yoshdagi bolalarning bilish kompetensiyasiga bo'lgan ta'sirini tahlil qilamiz:

Bilingvism, bilingvallik bo'yicha olib borilgan tadqiqotlar tarixiga nazar solsak, jumladan 1920-1930 yillarda olib borilgan tadqiqotlar bilingv(ikki tilli) bolalarning aqliy hamda nutqiy rivojlanishi monolingv (yakka tilli) bolalarnikiga qaraganda ancha orqada degan fikrlar ilgari surilgan. Tadqiqotlar bilingvism kichik yoshdagi bolalarning aqliy rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi va ularni tillar muloqotida chalkashtiradi degan hulosani bergen.

1940 yilga kelib bir qator olimlar bilingv bolalarning aqliy rivojlanishi hamda bilish darajasi monolingv bolalarniki bilan teng ekanini tasdiqladilar.

Bilingvizmning maktabgacha yoshdagi bolalarning rivojlanishiga ijobjiy ta'siri katta ekanligini ilk marotaba 1962 yilda o'tkazilgan tadqiqotlar isbotladi. Bu haqda Kanadaning York universiteti professori, psixolog Ellen Bialystok o'z maqolasida bayon qilgan: Elizabet Pill va Uolles Lambert Monrealda ingliz va fransuz tillarida so`zlashuvchi bilingv bolalar hamda faqatgina fransuz tilida so`zlashuvchi monolingv bolalarni taqqoslagan holda tadqiqot o'tkazadi. Ular bilingv bolalarning

bilish darajasi monolingvlarnikiga qaraganda orqada deb o`ylashgan. Lekin tadqiqot natijasi buning aksini ko`rsatdi.

1990-2000 yillarda o`tkazilgan Pill hamda Lambertlarning tadqiqoti ko`pchilik olimlarni bilingvismni tadqiq qilishga undadi. Bialystok bilingvismni bolaning kognitiv rivojlanishiga bo`lgan ta'sirini o`rgandi. Kognitiv testlar natijasi bilingv bolalarning kognitiv rivojlanish darajasi monolingv bolalarnikiga qaraganda bir munkha yuqori ekanini ko`rsatdi.

Balkan, Cummins, Pinto Taeschner, Titone fikricha bilingvism asosan bolaning metakognitiv hamda metalingvistik qobiliyatlarini rivojlantiradi. E. Bialystok ikki tilni yaxshi biladigan bolalar bilan ishslash jarayonida shuni aniqladiki, bilingvlar lingvistik jarayonlarni yuqori darajada nazorat qila olishadi. Bu narsa ularning kognitiv hamda kommunikativ komponentlarni tahlil qila olishlarida namoyon bo`ladi.

Petitto ta'kidicha Metalingvistik qobiliyatları tufayli ko`pgina bilingvlar monolinglarga qaraganda o`qishni erta boshlashadi. Baynalminal oilada katta bo`lgan va bolaligidanoq ikki tilda gapirishni boshlagan bolalarning miya faoliyati anchayin egiluvchan va tez bo`lib, katta kognitiv qobiliyatlarga ega bo`ladi. Bu J. Meyler va A.M.Kovachning “Science” jurnalida nashr etilgan tadqiqotlari tomonidan tasdiqlangan.

Bolalar tillarni oson o`zlashtiradilar, ular tilni o`zlashtirish jarayonida xato qilishdan qo`rqishmaydi, tillarni o`zlashtirishni ham huddi o`yindek qabul qilishadi. Shuning uchun ham ularni ikki va undan ortiq tillarni o`zlastirishi kattalarga nisbatan oson kechadi. Bilingv bolalar monoling bolalarga nisbatan tez qaror qabul qilishadi, bunga sabab ularning miya faoliyati birinchi tildan ikkinchi tilga tezda o`ta olishidadir. Bunda bolalar bir tilni faollashtirishsa ikkinchi tilni miyada saqlab turishlariga to`g`ri keladi. Bu esa o`z navbatida miya uchun rivojlantiruvchi mashqlardan biri bo`lib xizmat qiladi.

Ikki tilni bir vaqtida o`zlashtirib kata bo`layotgan bolalarda bu jarayon tabiiy ravishda kechadi. Bunday bolalarda tug`ilishi bilanoq tilni o`zlashtirishning eng egiluvchan strategiyalari rivojlanadi. Bilingv bolaning miyasi beixtiyor ko`proq mashqlantirilgani bois ancha egiluvchanligi bilan tavsiflanadi. Ikki tilli bola o`zining bir tilli tengdoshidan ikki barobar ko`p so`zlarni o`zlashtirishi kerak bo`lsa ham, uning lingvistik qobiliyatlarida hech qanday ortda qolishlik kuzatilmaydi.

Maktabgacha ta`lim tashkilotlarida o`zbek guruhi tarbiyalanuvchilari uchun ikkinchi til hamda rus guruhlaridagi o`zbek bolalari uchun uchunchi til bo`lib xizmat qilayotgan ingliz tili pedadogi sifatida, ko`p yillik tajribamga tayangan holda, maktabgacha yoshdagি bolalarning ikki yoki undan ortiq tillarni o`zlashtirish ko`rsatkichi tarbiyachining bola bilan shug`ullanganlik darajasiga ham bogliq. Ya`ni bola bilan muayyan mahsug`ulotlar olib boriluvchi hamda mahsug`ulotlar o`z vaqtida

olib borilmaydigan guruh bolalarining bilish darajalari farqlandi. Bu esa o'z navbatida bolaning tilni o'zlashtirish darajasiga ham ta'sir etmay qolmaydi. Yuqoridagi xar ikkala holatda ham bola tilni o'zlahstiradi. Faqatgina muayyan mashg'ulotlar olib borilgan guruh bolalarining tillarni o'zlashtirishi tez va oson kechadi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, bilingv bolalar, ya'ni ilk yoshdanoq ikki tilli oilada dunyoga kelgan bolalarning kommunikativ hamda bilish kompetensiyalari bir tilli bolalarnikidan biroz yuqoriroq bo'ladi. Muayyan mashg'ulotlar olib borilgan guruh bolalarining ikki yoki undan ortiq tillarni o'zlashtirishi esa bir mucha oson kechadi. Bundan ko'rinish turibdiki, bilish hamda kommunikativ kompetensiyalar o'rtasida bilingvizm uzviylikni ta'minlab beradi. Shunday ekan maktabgacha ta'lim tashkiloti pedagoglarining faoliyati ham bir-biriga chambarchas bog'liqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. Saer D. J. The Effects of Bilingualism on Intelligence [Text] / D.J. Saer// British Journal of Psychology. -1923.-No.14.- P. 25-38.
2. Pinter, R. The relation of bilingualism to verbal intelligence and school adjustment [Text] / R. Pinter, S. Arsenian // Journal of Education Research. -1937. – No.31. - P. 255-260.
3. Baganova T.V. Bilingvizmning rivojlanish tarixi: maqola, jurnal poznanie-Chelyabinsk,2017
4. Bialystok, E. Bilingualism in Development: Language, Literacy and Cognition [Text] / E. Bialystok.- Cambridge: Cambridge University Press, 2001.
5. Muxiddinova U. A. Bilingvizmning bola kognitiv rivojlanishiga ta'sirini o'rganishga doir tadqiqotlar tahlili: Scientific Journal "Science and Education" / Volume 1 Special Issue 4, December 2020.-P. 235

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ПСИХОДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Мўминов Ш.К., МТДДМҚТМОИ

Бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири фарзанд тарбияси хисобланади. Демоқчиманки, фарзанд тарбияси, яъни фарзандни эътиборли тарбия қилиш ўтмишда ҳам долзарб мавзу бўлган, бугунги кунда ҳам долзарбдир. Буни биз ўтмишда яшаб ижод қилган буюк алломаларимизнинг асарларини ўқиб, билишимиз мумкин. Бугунги ёш авлод тарбиясига эътиборли бўлиш, унинг келажагига, жамият ва Ватан келажагига эътиборли бўлиш демакдир. Чунки, бугунги ёшлар келажакнинг эгаларидир.

Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг руҳий ва жисмоний жиҳатдан соғлом ва етук қилиб вояга етказиш жамиятимиз олдида турган асосий масала ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларни ҳар томонлама соғлом вояга етказишда, ушбу тизимда фаолият олиб бораётган психологларнинг билим савияси ва уларнинг тажрибаси ҳам муҳим ўрин тутади.

Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган психолог, ўз фаолиятида яхши самарадорликка эришишни истаса, бола билан психологик ишлаш усулларини пухта эгаллаши керак. Жумладан, бола билан психологик ишлашда энг аввало психолог сифатида болаларни психодиагностика қилиш усулларини пухта эгаллаши лозим. Болани психодиагностика, яъни психологик ташхис қилишни билмаган психолог самарали ва натижали иш олиб бора олмайди. Бола билан психологик ишлашнинг бошланғич жараёни болани психодиагностикадан ўтказишdir. Болага психодиагностика орқали тўғри ташхис қўйилса, муаммоли вазиятнинг ечими топилди дегани.

Психодиагностиканинг энг самарали замонавий усулларидан бири коинотнинг “АҚС ЭТИШ” қонунини англаш, ҳис қилиш, тушуниш ҳамда таҳлил қилишни билишdir. Психологияда шундай ибора ишлатилади: - “Фарзанд ота – онанинг аксидир”. Яна тушуниш лозимки, мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болалар ўз тарбиячиси ва айнан ўша муҳитда фаолият олиб бораётган барча мутахассисларнинг ҳам акси ҳисобланади. Шундай экан мактабгача таълим тизимида фаолият олиб бораётган психолог нафақат ота – она, балки барча ходимлар билан психологик усуллар орқали гурухли ишлаши лозим.

Мисол учун мактабгача таълим тизими тарбияланувчиларида психодиагностика ўтказишнинг энг осон ва самарали замонавий усулларидан бири “КУЗАТИШ” усулидир. Кузатиш усули психодиагностиканинг жуда кенг қамровли усулларидан биридир.

Агар гурухда тарбияланаётган маълум бир болаларда инжиқлик, қайсарлик, агрессия ҳолатлари кузатилаётган бўлса, коинотнинг акс этиш қонуни бўйича биринчи акс ўша болалар ўз ота – оналарининг, иккинчи акс сифатида тарбиячининг, учинчи акс сифатида ташкилот ходимларининг барчасини, ички ҳолатини, ички муҳитни аксини кўрсатаётган бўлади. Яъни ота – она, тарбиячи ва ходимларнинг ички ҳолатида ҳам худди шундай ҳолатлар мавжуд бўлиб, улар болага меҳрга ёпиқлигини, болага уйда, мактабгача таълим ташкилотида меҳр ва муҳаббат, эътибор этишмаётганлигини кўрсатаётган бўлади.

Ушбу кузатув психодиагностикаси орқали мактабгача таълим ташкилоти психологи ота – оналарга, тарбиячиларга психологик тренинглар ташкил этиб, керакли маълумотларни уларга етказиб, тушунтириб, юқоридаги муаммоли вазиятларни бартараф этиши мумкин.

Яна бир психодиагностика “Дарахт” психодиагностика усулидир.

Ушбу психодиагностика усулини мактабгача таълим ташкилотида тарбияланётган катта гуруҳ ва мактабга тайёрлов гурухи тарбияланувчилариға қўллаш мумкин.

Ушбу психодиагностика қўйидагича тартибда ўтказилади. Маълум бир гуруҳнинг тарбияланувчилари олдига оқ қоғоз ва турли хилдаги рангли қаламлар қўйилади. Сўнгра уларга ўзлари ҳохлагандай дарахт расмини чизиш вазифаси берилади. Чизилган расмлар психолог томонидан таҳлил қилинади.

Қисқа таҳлил шуни кўрсатадики, расм чизган бола қора, ўткир жигар рангли, кул рангли қаламлардан кўп фойдаланган бўлса, ҳамда чизмаларда тартибсизлик кучли бўлса, ўша боланинг руҳиятида ўзгариш бўлади. Айнан ана шундай чизмалар чизган болалар билан мактабгача таълим ташкилоти психологи якка ва гурухли тартибда ишлаши жуда муҳим ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги ривожланётган жамиятда мактабгача таълим ташкилотлари психологлари ўз устида ишлаб, кўплаб психодиагностика усулларини ўрганиши ва амалиётда қўллаб, самарали натижаларга эришиши лозим.

ИННОВАЦИЯЛARНИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРЁНИГА ТАДБИҚ ЭТИЛИШИ

Мўминова Н.С., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Инновацион педагогик муаммоларини ечилишини излаш таълим соҳасида инновацион жараёнлар бориши хусусиятлари, мазмуни, таркиби ва классификациясини текшириш натижаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ.

«Инновация» тушунчаси биринчи марта XIX асрда маданиятшуносларнинг ўрганишларида пайдо бўлди ва бир маданият элементларини бошқасига жорий қилиш маъносини билдирган.

XX аср бошларида янги билим соҳаси-янгиликларни киритиш, қўллаш юзага келди. У маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида техник янгиликларни киритиш қонуниятларини ўргана бошлади. Янгиликларни киритиш хақидаги фан - инноватика - фирмаларнинг янги режа, хизматларни ишлаб чиқиши ва татбиқ этиш фаолиятига талабларни кескин ошиб бориши акс эттирилган холда пайдо бўлди.

Фирма янгиликларни киритиш ташаббускори ва яратувчиси сифатида бўлиб, унинг янгиликларни киритишга «сезувчанлигини», «таъсирчанлигини»

ва бу таъсирчанлик боғлиқлиги бошқаришнинг тузилиши ва услублари билан боғлиқдир.

Текширишлар дастури сифатида «қарор қабул қилиш жараёни» концепцияси хисобланиб, бунда альтернативларни танлаш ва таҳлил қилиш қабул қилинган қарорларни кетма-кет босқичлар билан амалга оширишга ўтилади.

Маркетинг ёки фирманинг бозорга янгилик киритишга, таваккалчилик омиллари, киритилаётган янгиликлар муваффақиятини олдиндан билиш методлари, алоҳида босқичлар самарадорлиги иқтисодий қўрсаткичлари ва янгилик киритиш умумийлигига: устун турувчи текширишлар парадигмаси бўлиб, очик тизим ва уйин сифат ёндашуви назарияси ҳисобланади, унда фирмалар бозор билан ўз мұхитлари сифатида ўзаро муносабатда бўлиб ва у ерда инновацион жараён бўлиб қолади, бу субъектларнинг хар бири ўз манфаатига қараб иш олиб боради ва ўз шериклари ҳаракатларини эҳтимолини ҳисобга олади.

Бу икки соҳада янгиликларни киритишни амалий текширишлар бир қатор фанлар назарий янгиликларидан фойдаланадилар. Улар турмуш ва меҳнат техник воситалари ривожланиши қонуниятларига мурожаат этиб, ўрганилаётган техника тарихи, техник ва ижтимоий ўзгаришлар ўзаро боғлиқлигии ўрганадилар: янгиликларни киритишни бошқариш амалиётига янги рафбатлантирувчи омиллар ва услублар ҳақидаги социолог ва ижтимоий психологлар хulosаларини, инновацион янгилик киритувчилар ва бошқа иштирокчилар хислатлари ҳақидаги мулохазаларини фаол татбиқ этадилар.

Олимлар янгиликлар киртишни текширишни уч босқичга ажратадилар.:

-Биринчи босқич янгиликлар муваффақиятига ёрдам берувчи ёки тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганиш ва турли хил янгиликлар кўпгина эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш билан боғлиқ.

-Иккинчи босқич янгилик киритиш жараёнининг ўзини, уларни бир соҳа мұхитида иккинчи соҳага олиб ўтиш механизмини ҳисобга олиш билан биргаликда ўрганиш деб қарайдилар.

-Учинчи босқичда тадқиқотчи дикқати турли хил инновацион вазиятларни таҳлил қилиш, таваккалчиликни баҳолаш методларини ишлаб чиқиши, янгиликларни киритиш соҳасида тавсияномалар юзага келтиришга қаратилади. Бу босқичда инновацион сиёsat давлат фаолияти бўлиб қолади.

Педагогик инновацион жараёнларни Фарбда XX асрнинг 50 йиллар охирларидан бошлаб бизнинг мамлакатимизда кейинги XXI асрнинг бошларидан бошлаб олимлар махсус ўргана бошладилар.

Жаҳон педагогик жамоатчилигининг қизиқиши махсус инновацион хизмат, нашриёт, журналлар инновацион мақолалар қўринишида бўляпти.

Хусусан ЮНЕСКО қошида таълимни ривожлантириш Осиё педагогик инновациялар маркази мавжуд бўлиб, дунёдаги турли мамлакатлардаги педагогик янгиликларни умумлаштириб, таълим масалалари буйича халқаро бюро билан биргаликда педагогик жамоатчиликка маҳсус нашрларда улар хақида маълумотлар тарқатади.

Бизнинг мамлакатимизда педагогик инновациянинг ривожланиши кенг жамоатчи-педагоглар ҳаракати мактабининг тез ривожланишига бўлган талаб ва уни педагоглар амалга ошира билмасликлари ўртасидаги юзага келган қарама-қаршиликлар билан боғлик. Янгиликларни қўллаш умумийлиги кенгайди. Шу сабабли янги билимларга бўлган талаб, янги «янгилик», «янги инновация», «инновацион жараён» тушунчаларини англаш талаби кескинлашди.

Инновацион жараённинг микроструктурасини ўрганиб олиш янгилик киритишнинг «ҳаётый цикли, (даври)» концепциясини алоҳида қўрсатдилар, у янгилик киритиш вақт давомида ўтиб борадиган жараён деган фикрдан келиб чиқади. Бу жараёнда янгиликни яратилиши ва ижро этилишини таъминловчи фаолиятларни турларга ажратувчи босқичларга бўлинади. Шу даврга келиб илмий адабиётларда қўйидаги инновацион жараённи босқичларга ажратиш схемаси мавжуд:

1. Янги ғоя пайдо бўлиши ёки янгилик концепциясини юзага келиш босқичи; уни шартли равишда фундаментал ва амалий илмий текширишлар

(ёки бирдан пайдо бўладиган) натижаларидан келиб чиқадиган янгилик босқичи деб атайдилар.

2. Кашф этиш вақти, яъни амалга ошган обьект, моддий ёки маънавий маҳсулот намуна кўринишидаги янгилик яратиш.

3. Яратилган янгиликка амалий қўпайиш топилиб уни қўшимча ишлаб мукаммалаштириш амалга оширилади; бу босқич янгилик киритишдан мустаҳкам самарадорликка эришиш билан якунланади. Шундан сўнг янгиликнинг мустақил мавжудлиги бошланиб, янгилик киритиш жараёни кейинги босқичга ўтади, бу босқич фақатгина янгиликни қабул қилиш шартидагина амалга ошади. Янгиликдан фойдаланиш даврида кейинги босқичлар кўринади.

4. Янгиликнинг тарқалиши унинг янги соҳаларга диффузияланиб (қўшилиб) кенг татбиқ этилишидан иборат.

5. Янгиликнинг бирор соҳада хукмон бўлиши, бунда хусусан янгилик ўз янгилигини йўқотиб, янгилик сифатида мавжуд бўлмай қолади.

Инновацияларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш ва улардан унимли фойдаланиш учун педагоглар ва тарбиячилар инновация ва уни тадбиқ этиш шакллари ҳақида билимларга эга бўлмоқлари зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство.- Т.:2005й
2. СаидахмедовН.С. Янги педагогик технологиялар.-Т.: Молия нашр., 2003.
3. Фаберман Б.И. Передовые педагогические технологии.- Тошкент, 2000й

МАКТАБГАЧА ТА`ЛИМ ТАШКИЛОТИ ВА ОИЛА ХАМКОРЛИГИНИ РИВОЈЛАНТИРИШ.

*Muxammadiyev Q.S., Toshkent viloyati 13-son D.M.T.T arbiyachisi
Sodiqova D.A., MTTDMQTMOI kata o'qituvchisi*

Anotasiya: Maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarning faoliyatidan biri ko`rib chiqiladi . Maktabgacha ta`lim tashkiloti va oilaning o`zaro tasiri . Maktabgacha ta`lim tashkiloti va oilaning ozaro ta`siri faoliyatning asosiy yonalishlaridan biri hisoblanadi.Maktabgacha ta`lim tashkiloti va oilaning o`zaro hamkorligi taqdim etilgan.Maktabgacha ta`lim tashkilotining va oilaning o`zaro ta`sirining turli muamoli shakillari . Ta`lim yaratish shaxsiy rivojlanish muhiti sifatida oilani jalgan qilgan holda maktabgacha ta`lim tashkilotidagi joylar maktabgacha yoshdagi bola rivojlanishing istiqboli yonalishlaridan biridir , maktabgacha ta`lim tizimi , hal qiluvchi ijtimoiy omil. Oilaning shakillanishiga ta`sir qiladi.Rivojlanishning asosiy sharti " Tarbiyachi, ota-onा" tizimida oila bilan mulokot qilish. Ota-onalarning ishtiroki o`z farzandlarining hayotida bolalar dunyosini kattalar dunyosidan ajiratishga yordam beradi; unga teng ravishda , bolaning harakatlariga qiziqish ko`rsatish va hissiy qo`llab-quvvatlashga tayor bo`lish.

Аннотация. В статье рассматривается одно из направлений деятельности дошкольной образовательной организации взаимодействия детского сада и семьи. В, взаимодействие детского сада и школы-одно из главных направлений деятельности дошкольной образовательной организации. Раскрываются обстоятельства проблем взаимодействие дошкольной образовательной организации и школы. Представления разнообразие форм и методов взаимодействия детского сада и семьи. Создание пространство в дошкольной организации с привлечением детей как среда развития личности ребенок дошкольного возраста влюбляется в одно из перспективных направлений развития система дошкольного образования. Определяющим социальным фактором, оказавшись под влиянием на становление личности, влюбляется в семью. Главное условие развития взаимодействие с семьями осуществляется в системе»педагог-родитель". Участники в жизни своих детей

помогает им отличать мир детей от мира взрослых; относится к нему, как к равному себе, проявляет искреннюю заинтересованность в действиях ребенка и мы готовы к эмоциональной поддержке.

Annotation. in the lives of their children help them distinguish the world of children from the world of adults; treats him as an equal, shows a sincere interest in the The article considers one of the activities of preschool educational organization of interaction between kindergarten and family. In particular, the interaction of kindergarten and school is one of the main activities of a preschool educational organization. The author reveals the circumstances of the problem of interaction between the preschool educational organization and the school. Presents a variety of forms and methods of interaction between kindergarten and family. Creating a space in a preschool organization with the involvement of children as an environment for personal development a preschool child falls in love with one of the promising areas of development of the preschool education system. The determining social factor, being influenced by the formation of the individual, falls in love with the family. The main condition for the development of interaction with families is carried out in the "teacher-parent" system. Participants actions of the child and we are ready for emotional support.

Kalit so`zi: Oila ota-onalar o`zaro tarbiyachi bola bilan ishlash shakillari oila.

Maktabgacha ta`lim tizimi uzlusiz ta`limning birlamchi , eng asosiy bo`g`inidir . Mutaxasislarning ilmiy xulosalariga ko`ra , umri davomida qabul qiladigan barcha axborot va ma`lumotning 70 foizini 5 yoshgacha bo`lgan davirda oladi . Shu bois bolalarning sog`lom bilimli bo`lib voyaga etishida maktabgacha ta`lim- tarbiya aloxida axamiyatga ega.Maktabgacha ta`limni davr talablari asosida takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko`tarish O `zbekiston Respublikasi davlat siyosatida ustuvor o`rin egallamoqda. Maktabgacha ta`limning asosiy maqsadi bolalami intellektual, jismoniy, ma`naviy rivojlantirish, ulami mакtab ta`limiga samarali tayyorlashdan iborat. Shuning uchun ham O`zbekiston Respublikasi hukumati, ayniqsa, 0 `zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan 2016 yil 29 dekabrda qabul qilingan “2017-2021 yillarda maktabgacha ta`lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-2707 sonli qaror maktabgacha ta`lim tizimini yanada takomillashtirish, moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, maktabgacha ta`lim tashkilotlari tarmog‘ini kengaytirish, malakali pedagog kadrlar bilan ta’minlash, bolalami maktab ta`limiga tayyorlash darajasini tubdan yaxshilash, ta`lim-tarbiya jarayoniga zamonaviy ta`lim dasturlari va texnologiyalarini tatbiq etish, bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratishga qaratilganligi bejiz emas. Bugungi bosqichda biz bir katta

muammo ijtimoiy-axloqiy tarbiya muammosini ajratib olishimiz mumkin, bu zamonaviy dunyoda inson hayoti va rivojlanishi bilan bog'liq bo'lib, unga kuchli ta'sirning turli xil manbalari bilan o'rabi olingan, har kuni ijobiy va salbiy xarakterga ega bo'lib, bolaning aql-zakovati va hissiyotlari. Ma'lumki, jamiyatda yashash va jamiyatdan ozod bo'lish mumkin emas. Maktabgacha ta'lim tashkilotiga qanday yuqori talablar qo'yilsa, ijtimoiy-axloqiy tarbiya muammolari faqat maktabgacha ta'lim doirasida hal etilishi mumkin emas.

Ota-onalar bilan hamkorlik:

Bolaning har tomonlama rivojlanishini ta`minlash uchun maktabgacha ta`lim tashkiloti ota-onalar bilan o`zaro hamkorlikni quyidagi shakillarini tashkil qilish mumkun:

- ota-onalarning maktabgacha ta`lim tashkiloti borasida fikirlarini hisobga olish
- ilk rivojlanish masalalarida ota-onalarga bilim berish
- ota-onalarni o`quv-tarbiyaviy jarayonda faol qatnashishga jalb etish
- ota-onalarning tashkilot hayyotida ishtirok etish borasidagi tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash

Ota-onalar bilan ishlashning jamoaviy shakllari

- Ma`muriyatning onalar qo`mitalari bilan uchirashuvi
- Davra suxbati
- Ota-onalar uchirashuvlari
- Bayramlar
- Ota-onalar haftaligi
- Ota-onalar halqasi
- Ota-onala universiteti
- Kuzatuv kengashi yigilishlari
- Konferensiylar
- Ochiq eshiklar kuni
- Avlodlar uchirashuvi
- Savol-javoblar oqshomi
- Ota-onalar klub

Tarbiyachini qo'llab-quvvatlashi, bolalar dunyosiga rahbarlik qilish uchun ota-onalar bo'lishi kerak. Hech shubha yo'qki, "bolalar bilan ishlashda eng qiyin narsa kattalar bilan ishlashdir". Oila farzand uchun zarur bo'lgan shaxsiy munosabatlarni,

xavfsizlik tuyg'usini shakllantirishni, yaqin va yaqinlarga bo'lgan muhabbatni, dunyoga ishonch va ochiqlikni ta'minlaydi. Lekin, afsuski, barcha oilalar bunga hissa qo'sha olmaydi. Oilaviy mojarolar, ajralishlar soni ortib bormoqda, ijtimoiy xavf oilalari, yolg'iz onalar va ishsiz ayollar soni ortdi. Ko'pgina ota-onalar farzandini tarbiyalash uchun "mas'uliyat" kabi narsalarga ega emaslar. Haqiqatan ham, bugungi kunda har bir oilada kompyuter, noutbuk, planshet, smartfon va boshqa turdag'i gadjetlar mavjud.

Shuning uchun birinchi raqamli muammo: ota-onalar bilan bolalar bilan muloqot qilish vaqtini qisqartirishi. Agar gadjetlar bolaning barcha ongini egallasa, unda biz rivojlanayotgan qaramlik haqida gapirishimiz mumkin. Bolaning ota-onasi bilan yaqin aloqasi fonga o'tadi, bola planshet yoki kompyuter bilan vaqt o'tkazishni afzal ko'radi. Bolaning bo'sh vaqtida nima qilish kerakligini bilmaydi, o'yinchoqlar, kitoblar unga qiziqmaydi, tengdoshlari bilan muloqot qilish istagi yo'q. Har bir ota-onasi planshetda o'tirganda, bola gapirishni, muzokara qilishni va hamkorlik qilishni o'rganmasligini yodda tutishi kerak. Yuqorida aytib o'tilganidek, ota-onasi farzandiga kichik yoshdada har bir narsaga e'tibor berish kerak, farovon ta'lim vaqtini o'tkazib yubormaslikka harakat qilishi kerak.

Bolani tarbiyalash va to'g'ri tarbiyalash, hozirgi vaqtda tez o'zgaruvchan vaqt, jarayon qiyin va juda ko'p vaqt talab qiladi.

Axborot texnologiyalari jadal rivojlanib borayotgan davir bolasi bugun maktbga borgunga qadar oilada axborot – kommunikatsiya texnologiya vositalari bilan tanishib, ulardan qanday foydalana olish mumkunligini bilib olmaqda. Ular haqiqatdan ham axborot asrida tug`ulib, hali atrof-olamni anglamasdan zamonaviy aloqa qurilmalari, kompyuter va boshqa gadjetlarning funksiyalari bilan tanish bo`lgan holda ulga`moqda. Bu esa o`z o`rnida salbiy ta`sirini korsatib qolmoqda. To`g`ri, bu vositalar keng qulayliklar yaratmoqda, lekin endigina ulg`ayayotgan avlod uchun bular har doim hamm foydali emas! Undan notog`ri foydalanish oqibatida esa bolada har xil salbiy jarayonlar yuzaga kelmoqda.

Shu qabi bola ta`lim – tarbiyasiga o`z tasirini ko`rsatayodgan dolzarb va salbiy masalalar o`z echimini kutib qolmoqda.

Foydalangan adabiyotlar ro`yxati:

1. "Maktabgacha ta`lim" 2017-yil, 11-soni.
2. "Sog`lom avlod uchun" 2018-yil, 3-soni.
3. X.AUmarova,X.M.Tojiboeva,B.R.Djuraeva,G.M.Nazirova "Maktabgacha ta`lim tashkilotlari ta`lim jarayoni sifati va samaradorligini takomillashtirishning pedagogic tizimi" 2017.y.
4. "Oila va mahalliy jamoatchilik bilan hamkorlik" Metodik qo`llanma.2020.y.

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA JISMONIY MASHQLARNI ME'YORLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Muxitdinova N.M., BDU o'qituvchisi

Annotatsiya: Maqolada maktabgacha yoshdag'i bolalarni harakat faoliyatini tashkil etish shakllari, tuzilishi, maqsadi, vazifalari shuningdek jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida texnika xavfsizlik qoidalari, jismoniy mashqlarni me'yorlash va bolalar uchun bajarilishi ta'qiqlangan jismoniy mashqlar to'g'risidagi ma'lumotlar ochib berilgan.

Tayanch so'zlar: maktabgacha ta'lism, mashg'ulot, jismoniy mashq, ertalabki badanttarbiya, jismoniy tarbiya, sog'lomlashtirish tadbirlari, jismoniy tarbiya mashg'ulotlari

Davlatimiz rahbari Sh.M.Mirziyoyev boshchiligidagi maktabgacha ta'lism tizimini tubdan yangilash va yangi mexanizmi ishlab chiqilib amaliyatda tadbiq etilib kelinmoqda. Jumladan maktabgacha ta'lism tizimini yanada takomillashtirish, moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, maktabgacha ta'lism tashkilotlari tarmog'ini kengaytirish, malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash, bolalarni maktab ta'limga tayyorlash darajasini tubdan yaxshilash, ta'lism-tarbiya jarayoniga zamonaviy ta'lism dasturlari va texnologiyalarini tadbiq etish, bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish maqsadida "2017-2021 yillarda maktabgacha ta'lism tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2707- sonli qarori (29.12.2016 y.) [1]. "Maktabgacha ta'lism tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3261 - sonli qarori (09.09.2017 y) [2] "O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lism vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi PQ-3305-sonli qarori (30.09.2017 y.) [3] "Maktabgacha ta'lism tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5198-sonli Farmoni (30.09.2017-yil) [4]. Qabul qilingan me'yoriy hujjatlar maktabgacha ta'lism tashkilotlarida tarbiyachi yoki yo'riqchi lavozimida faoliyat olib boruvchi mutaxassislar uchun bolalarga jismoniy tarbiya berishni maqsadga muvofiq amalga oshirishda nazariy va metodik bilimlarni egallashi g'oyat muhimdir.

Maktabgacha ta'lism tashkilotlarida jismoniy tarbiya shakllaridan biri bu - jismoniy tarbiya mashg'ulotlaridir. Dastlab mashg'ulot o'tiladigan nazariy mashg'ulotlar dars formasida olib borilib yo'riqchi "Ilk qadam" davlat o'quv dasturida ko'rsatilgan asosiy mavzularni bayon qiladi, bolalarni mustaqil ishlari uchun ko'rsatmalar beradi. Bolalarni bayon qilayotgan mavzuni to'la idrok qilishlari maqsadida uni tushuntirish bilan birga mashqlarni qilib ko'rsatish, ko'rsatma qurollarni (jadval, chizma, rasm, taqdimotlar) shuningdek o'qitishning zamonaviy usullari multimedia va animatsion texnik vositalaridan foydalanishni tavsiya etamiz. Chunki bugungi davr bolalari ko'proq ma'lumotlarga ega bo'lishga,

axborotlarni tez qabul qilishga va harakatlarni ko'rishi bilan bajarishga bo'lgan layoqati kuchli. Anнимatsion va o'qitishning boshqa zamonaviy usullaridan foydalanish mashg'ulotlar jarayonini yanada sifatli va samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Amaliy mashg'ulotlarda bolalar maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarni jismoniy mashqlarga o'rgatish metodikasini o'rganadilar. Bolalar bog'chasida jismoniy tarbiya vazifalarini amalga oshirish uchun zarur bo'lgan bilim va amaliy ko'nikmalar hosil qiladilar. Amaliy mashg'ulotlar o'quv uslubiy xarakterdagi mashg'ulotlar, namunali mashg'ulotlar va o'quv guruhlardagi o'quv amaliyoti tarzida o'tkaziladi. Shu bilan birga amaliy mashg'ulotlarni tashkil etishda frontal, aylanma va guruhlarga bo'lib o'tkazish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlari ko'p qirralidir. Bu jarayonda bolaning aqliy, ruhiy, estetik, axloqiy hamda jismoniy sifatlarining rivojlanib borishi ta'minlanadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar yosh xususiyatiga ko'ra jismoniy va fiziologik jihatdan o'suvchan hisoblanadi. Shunga muvofiq mashg'ulotlarda beriladigan jismoniy yuklamalar me'yorida berilishi lozim. Aks holda bola organizmi uchun tartibsiz berilgan mashqlar salbiy ta'sir ko'rsatib me'yorda rivojlanishi uchun to'sqinlik qiladi. Qolaversa shunday mashqlar ham borki bu mashqlarni bajarish bola organizmi uchun xavflilik darajasi yuqori va bunday mashqlarni bajartirish qat'iyan ta'qiqlanganadi. Quyidagi jadvalga e'tibor bering! [5,6,7,8]

I jadval

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida ta'qiqlangan va cheklangan mashqlar

Nº	Mashq	Almashtirilishi tavsiya etiladigan mashqlar	Cheklov sabablari
1	Boshni aylantirish	Boshni oldinga egish, chap va o'ng tomonga burilish	Suyaklarning mo'rtligi sababli orqa miyaning bo'yin umurtqa pog'onasida joylashganligi, bo'yin mushaklarining yaxshi rivojlanmaganligi
2	Boshni orqaga egish	O'rniga tavsiya etiladigan mashq yo'q	
3	Boshda tik turish	O'rniga tavsiya etiladigan mashq yo'q	
4	Bo'yinni haddan tashqari cho'zishilishi	Yelkani yuqoriga va pastga tushirish va chiqarish mashqlarini bajarish	
5	Oyoqlarni keng ochib (shpagatga) o'tirish va tushish	Oyoqlarni kapalak usulida harakatlantirish	Suyaklarning mo'rtligi sababli chanoq suyaklarini joydan siljishi

6	Ko'priq hosil qilish mashqi	Qo'llarni yuqorida gimnastika koptogiga (katta puflab, dam berish shishiriladigan koptok) chalqancha yotgan holda harakatlanish	Orqa miya bilan yerga zarb bilan tushish natijasida bosh miya chayqalishiga olib keladi
7	Qorin bo'shlig'i muskullarini mashq qilish, oyoqlar juft holatda yuqoriga ko'tarish	Oyoqlarni navbat bilan ko'tarish va tushirish	Mushaklarni tarangligi vaqtida bo'yin va bosh tomirlariga ta'sir qiladi, ehtimol nerv tomirlarini qisilishiga olib keladi
8	Oldinga umbaloq oshirish	O'rniqa tavsiya etiladigan mashq yo'q	Bo'yin qismi umurtqa pog'onasi mushaklarining yaxshi rivojlanmaganligi
9	Chalqancha yotgan holda qo'l bosh orqasida gavdani ko'tarish va tushirish	Qo'llar oldinga uzatilgan holatda	Bo'yin mushaklarining haddan tashqari zo'riqishi, qo'llar bilan umurtqa pog'onasini haddan tashqari ezilishi
10	Polga qo'llarni tayangan holda gavdani ko'tarib tushirish	Mashqlar faqat pedagog nazorati ostida (himoyada) bajariladi	Polga tushgan vaqtda iyakni polga zarb bilan tegishi
11	Polga qo'llarga tayangan holda belni ko'tarish	Mashqni polga qo'llarni bukib tirsak bilan tayangan holda bajarish	Bel qismi diskining qisilishi natajasida bel sohasidagi kasalligini keltirib chiqishi mumkin
12	Tovonda o'tirish	Chordana qilib o'tirish	Tizza bo'g'imi va paylarning shikastlanishiga olib kelishi mumkin
13	5 soniyadan ortiq osilib turish mashqlari	O'rniqa tavsiya etiladigan mashq yo'q	Mushak paylarining shikastlanishi va zaiflanishiga olib keladi

14	Bir vaqtida qo'llarni yuqoriga ko'targanda nafasni rostlovchi mashqlarni bajarish	Qo'llar holatini o'zgartirish qo'llarni belda yoki yonda	Yuqori yelka kamari mushaklari qisqarishi natijasida nafas (kislород) olish qiyinlashadi
15	Sakrash mashqlarini qattiq qoplamlali (parket, beton, pol, asfalt va boshq) joylarda yalang oyoqda sakrash	Sakrash mashqlarini faqat gimnastika to'shaklarda (mata) bajarish	Tovon mushak paylarining zaiflashishi, oyoqning kafti suyaklarini (tovon bilan barmoqlar o'rtaida) to'g'ri shakllanmasligiga olib keladi
16	Oyoq tayangan holda yalang oyoq yugurish	Sport poyabzalida (cheshka, keta va boshq) yugurish	Oyoq kafti suyaklarini (barmoqlari) to'g'ri shakllanmasligiga olib keladi
17	Katta guruhga o'tgunga qadar oyoq kaftining ichki va tashqi tomonida yurish	Oyoq uchi va tovonda yurish	Tovon mushak paylarining zaifligi

Xulosa qilib aytganda 3 yoshdan 6 yoshgacha – maktabgacha bo'lgan davr rivojlanishiga ontogenetik imkoniyatlarning to'xtovsizligi orqali amalga oshiriladigan umumiy sensitivlik nuqtai nazaridan ilk go'daklik davrining to'g'ridan – to'g'ri davomi hisoblanadi. Bu davrda bolada barcha harakat ko'nikmalari rivojlanib, takomillashishni davom etadi, biroq uning tevaragini o'rab turgan olam bilan muloqoti hozircha cheklangan. Asta-sekin bolalar mustaqil bo'lib boradilar, ularning organizmi mustahkamlanadi, harakatlari ancha aniq, ishonchli, tezkor bo'ladi. Shuning uchun maktabgacha ta'lim tashkilotlarida jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini tashkil etuvchi va rahbarlik qiluvchi (yo'riqchi va tarbiyachi) beriladigan mashqlar hajmi va intensivligini aniq va maqsadli belgilashlari va texnika xavfsizligiga qat'iyan rioya qilishlari talab etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. 2017-2021 yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2707- sonli qarori (29.12.2016 y.)
2. "Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3261 - sonli qarori (09.09.2017 y)
3. "O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi PQ-3305-sonli qarori (30.09.2017 y.)

4. "Maktabgacha ta'lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5198-sonli Farmoni (30.09.2017-yil)

5. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligining 155 - sonli "Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari pedagoglarining ish hujjatlarini tasdiqlash" to'g'risidagi buyrug'i (30.08.2019 y).

6. A.V.Keneman, D.V. Xuxlayeva "Maktabgacha tarbiya yoshdagi bolalarni jismoniy tarbiyalash nazariyasi va metodikasi" T.,1988

7. A. Abdullayev, Sh. Xonkeldiyev "Jismoniy tarbiya nazariyasi va usuliyoti" Toshkent 2005

8. M.X. Tadjiyeva, S.I.Xusanxodjayeva "Maktabgacha yoshdagi bolalar jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi" Toshkent "Iqtisod-Moliya" 2017


МАКТАБГАЧА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Нигматов А.Н., Нигматова Г.Н.,

МТТДМҚТМОИ профессор-ўқитувчилари

Хозирги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим масалалардан бири – турли миқёсда инсон хавфсизлиги, хусусан унинг бир элементи бўлмиш экологик хавфсизликни таъминлашdir. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.4-бандида "Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш...", 5.1-бандида эса "атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммолар...олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш" масаласи қўйилган. Мазкур масала бўйича кейинги бир йил ичida Ўзбекистонда 25 тадан ортиқ норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва уларнинг амалий тадбиқига доир талаблар киритилди.

Экологик муаммо – экотизимлар, жумладан макtabgacha таълим ташкилотлари(MTT)да организмлар ўзаро ва уларнинг яшаш муҳити ўртасидаги муносабатларда юзага келаётган ва ечимини кутаётган масала.



Глобал миқёсдаги экологик муаммоларни ечиш, яъни кишилик жамиятининг Ер планетаси экотизимларига бўлган босими – "Антропоген из"ни камайтириш учун: кишилик жамиятининг экологик онг ва маданиятини шакллантириш; иқлим ўзгариши ва унга таъсир этаётган салбий таъсирларни камайтириш; чиқиндиларни қайта ишлаш, хавфсиз жойлаштириш ва утиллаштириш; биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва х.к.

Кишилил жамиятиниң экологик онғ ва маданиятини ошириши масаласи айнан таълим ва тарбияга тегишлидир. Шунинг учун ҳам:

- ✓ экологик таълим-тарбия қонунчилигини замон талабларига мос равишда такомиллаштириши;
- ✓ таълимнинг барча турлари, жумладан мактабгача таълимга экологик таълим ва тарбияни жорий қилиши;
- ✓ экологик таълим-тарбияда фан ва амалиёт бирлигини таъминлашга доир давлат концепциялари, дастурлари, режсалари ва йўл хариталарини ишилаб чиқши ҳамда амалиётга жорий қилишини ташкил этиши.
- ✓ тегишли кадрлар тайёрлаши ва уларнинг малакасини ошириши каби долзарб муаммоларни глобал, жумладан Ўзбекистонда ҳам ҳал этишга тӯғри келади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси шу кунда Жаҳон мамлакатлари “экологик тоза” давлатлар рейтингида 63,7 индекс билан 118 ўринда турибди (1-жадвал). Мазкур рейтингни ҳолатини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тӯғрисида”ги

1-жадвал

“Экологик тоза” давлатлар рейтингида Ўзбекистоннинг тутган ўрни
(<https://www.education-medelle.com> сайти маълумотларига кўра)

<i>Тр</i>	<i>Давлат номи</i>	<i>Индекси</i>	<i>Тр</i>	<i>Давлат номи</i>	<i>Индекси</i>
1	Финляндия	90.68	118	Ўзбекистон	63.67
2	Исландия	90.51	119	Ливия	63.29
3	Швеция	90.43	120	Гренада	63.28
4	Дания	89.21	121	Босния и Герцеговина	63.28
5	Словения	88.98	122	Антигуа и Барбуда	62.55
6	Испания	88.91	123	Кения	62.49
7	Португалия	88.63	124	Свазиленд	60.63
8	Эстония	88.59	125	Кирибати	60.48
9	Мальта	88.48	126	Оман	60.13
10	Франция	88.20	127	Кот-д’Ивуар	59.89

434-сонли қарори эълон қилинди. Унинг 3-бобига, айнан, мактабгача таълим тизимида экологик таълим-тарбияни ташкил этиш вазифаси киритилган. Лекин, ҳанузгача, 2018 йил сентябрь ойидан мактабгача таълим тизими учун жорий қилинган “Илк қадам” давлат ўқув дастурида мазкур масала, Собиқ Иттифоқ даврида бўлгани каби, тарбияланувчиларни

(тўғрироғи, таълим олувчиларни болажонларни) “Табиат билан танишиш” орқали олиб борилмоқда (2-жадвал).

Мактабгача таълимда “Табиат билан танишиш” билан “Экологик таълим-тарбия”нинг умумий ва хусусий томонлари мавжуд, албатта. Агарда “Табиат билан танишиш” орқали болажонларни жонли ва жонсиз табиат ҳақидаги илк билим ва кўникумаларини ҳосил қилиш орқали, уларда “она табиат”га бўлган меҳр-муҳаббатни уйғотиш бўлса. “Экологик таълим-тарбия”да эса болажонларни табиат билан танишириш орқали уларда экотизимларни (тирик мавжудот, жумладан кишиларнинг яшаш маконини) муҳофаза қилиш, уларнинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бузилганларини қайта тиклашга доир тизимлашган, тегишли, расмий, муддатли билим ва кўникумаларни ҳосил қилиш орқали уларнинг экологик онг ва маданиятини шакллантиришдир (3-жадвал).

“Экологик тоза” ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг экологик онг ва маданиятини шакллантириш мактабгача таълимдан бошланар экан (1-расм). 2019 йил 6 августдаги Мактабгча таълим вазири ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА «ФАРГОНА ВОДИЙСИГА АГРОТУРИСТИК САЁХАТ» СТЕНДИ ОРҚАЛИ БОЛАЖОНЛАРНИ ВАТАНПАРVARЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШ


Нигматов А.Н., МТТДМҚТМОИ профессори

Тобиров О.Қ., ГулДУ таянч докторанти

Жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири туризм индустрисидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тугрисида”ги 2018 йил 7 февралдаги 3541-сонли қарори [1] да белгиланган вазифалардан бири ички туризм, жумладан агротуризм орқали ёшларнинг ўз Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатини шакллантириш. Зеро, мамлакатимиз кўп асрлик бой меросга эга бўлган бетакрор қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ турмуш тарзига эга. Ўзбекистон, айниқса Фарғона водийси дехқончиликнинг энг қадимий ўчоқларидан бири бўлиб, унинг ҳозирги ҳудудида ғўза милоддан аввалги VII-VI асрлардан бўён, 3 минг йил аввал эса ғалла, шоли, кунжут, қовун, ток каби ўсимликлар ўстирилган [2]. Юртимизнинг узоқ ўтмиш мероси, ҳозирги замон аграр маданияти мамлакатимизда ўзига ҳос қишлоқ хўжалик турлари, анъана, урф-одат ва байрамларини шакллантириди. МТТда болажонларни йил давомида, жуда бўлмагандан, ўзи яшаб турган жойдаги мавжуд аграр соҳа имкониятларини танишиш орқали ўзларининг кичик ватанларига бўлган меҳр-муҳаббатини шакллантириш мумкин.

Агротуризм – шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига қишилоқ ҳаёти билан танишиши мақсадида сайёхларга пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиши, олиб бориши ва ҳисобини юритиши санъати [3]. Агротуризм қатнашчилари тоифасига МТТни юридик шахс мақомида киритиш жисмоний шахслардан фарқли ўлароқ, ўзининг ҳуқуқий мақомига кўра уюшган, маҳсус рухсатномага эга бўлган, баланс ва сметасида тегишли агротуризмга оид ҳаражатларни кўзда тутган, салбий оқибатларга ўзининг мол-мулки билан жавобгарлиги борлиги билан ажралиб туради.

Замонавий информацион педагогик технологиялар асосида тайёрланган “Фарғона водийсига болажонларнинг агротуристик саёҳати” кўргазмали стендини (1-расм) МТТда қўллаш орқали болажонларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг ўз кичик ватанлари бўйича тегишли билим ва кўнилмаларини шакллантириш мумкин. Стендда Фарғона водийси ўзига хос 5 та агротуристик районларга ажратилган бўлиб, унда ҳар бир районнинг болажонларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган туристик обьектлари, маросимлари ва агротурлар акс эттирилган. Унинг энг оптималь катталиги 1x2 метр форматда, рангли тасвирида ва туристик обьектлар 3 хил рангдаги чироқларда акс эттирилади.



1-расм. “Фарғона водийсига агротуристик саёҳат” деворий кўргазма
стенди

МТТ тарбияланувчиларни ходимлар қуидаги агротурларни олиб бориши орқали локал саёҳатларни уюштирадилар:

✓ табиатнинг мавсумий байрамларига бағишиланган агротурларда болажонларни маҳаллий аҳолининг анъаналари бўйича ўтказиладиган мавсумий байрам тантаналари билан таништирадилар. Масалан, табиатнинг

уйғониши, экин-тикин агротехник чора-тадбирларнинг бошланиши ёки тугаши билан боғлиқ бўлган баҳор мавсумидаги (“Наврӯз”, “Сумалак сайли”), баҳор-ёз (“Сув сайли”, “Тут сайли”), йиғим-теримга бағишлиланган куз (“Пахта байрами”, “Мехрён” ва “Ҳосил”) байрамлари, “Қовун сайли”, “Узум сайли”, “Анжир сайли”, “Анор сайли” ва ҳ.к.) сайллар ва тадбирлар [4].

✓ қишлоқ урф-одатлари ва маросимларида ўтказиладиган агротурларда ёғин-сочинларга бағишлиланган Шоҳимардонда “Кўли Қуббон”, Намангандаги “Пешқирон” каби маросимлар мисол бўла олади.

Шуни методистлар ва тарбиялачиларга алоҳида таъкидлаш зарурки, агротуризм обьектлари ҳар бир мавсумда ўзига хос томошабоплик хусусиятига эга. Агротурларга қилинадиган саёҳатлар йил бўйи давом этади. *Мавсумий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда агротурларнинг қуидаги турларини МТТда қўллаш тавсия этилади:*

Баҳор мавсумида ўтказиладиган агротурларда экин экиш жараёнлари, “Шоҳмойлар”, “Таганак” каби маросимлар.

Ёз мавсимида ўтказиладиган агротурлар агроландшафтларнинг ёз мавсумидаги эстетик кўриниши ва экинларнинг пишиқчилик даврига хос таълим ва тарбия.

Куз мавсумидаги ўтказиладиган агротурларда экинларни йиғиб олиш билан боғлиқ жараёнлар ва байрам, сайллар.

Қиши мавсумидаги ўтказиладиган агротурлар худудларда ўзига хос тарзда амалга оширилиши билан ажralиб туради [5].

Фарзандларимизни маънавий ва жисмоний жихатдан етук хамда баркамол этиб тарбиялашда агротуристик таълим ва тарбиянинг ўзига хос ўрни бор, албатта. Зоро, таълим ўзаро узвий боғланган маърифий, иқтисодий, психологик, технологик тараққиёт таъсирига буйсунади. Бу жараён дунёқарashi кенг, иктидорли, эркин ва соғлом фикрловчи болажонларни вояга етказишнинг бош омилидир. Айнан соғлом бола Ватан истиқболи учун жонкуяр бўлади. Туғилиб ўсаётган заминининг табиати, ота-боболарининг азалий мероси ва маданиятини кўз қорачигидек асраб-авайлашга интилади. Мактабгача ёшдаги бола онгida қадрият куртакларини шакллантириш, эгаллаган билимларни мустаҳкамлаш, дунёқарашини бойитиш тарбиячилардан катта маҳорат талаб этади. Агротуристик таълимнинг илк қадамларни кўйишда болажонлар фаолиятининг оддий ва содда кўринишдаги, расмларга бой, рангли дидактик воситалар билан таъминлаш орқали қўйилган мақсадга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3514-сонли қарори (2018 йил 7 февраль).
2. Нигматов А. Агротуризм: фан, таълим ва амалиёт бирлиги / “M’frifat”, 131-сон. 20.12.2013
3. Нигматов А. Агротуризм ва унинг географик жиҳатлари. Монография.– “Нарўз”, 2018 – 148 б.
4. Нигматов А.Н. Агротуризм: янги имкониятлар сари. Ж. Жамият. 42-сон, 19.10. 007
5. Нигматов А., Якубжонова Ш., Бекназарова Г. Ўзбекистоннинг агротуристик картасини яратиш тажрибаси / Ўзбекистон Миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари // Рес. илмий-амал. конф. материал.– Т., ЎзМУ, 2009. 152–153-б.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИ ВА УНИ ШАКЛАНТИРИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

Нигматова Г.Н., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Республикамизда андрагогик педагогиканинг устувор йўналишлари ва фоялари асосида мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш мазмунини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, эса ўз навбатида, малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш мазмунини такомиллаштириш, таълимнинг самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиши, замонавий малака оширишнинг моделлари ва технологияларини яратиш зарурятини юзага келтиради. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш” вазифаси белгиланиб, бу борада раҳбар кадрларнинг касбий компетентлигини ошириш, таълим мазмунини такомиллаштириб боришда қулай шароитлар яратиш, малака ошириш турлари ва шаклларини кенгайтириш ҳамда ўзаро алоқадорлигини таъминлаш орқали кутилган натижаларга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-595-сон “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сон “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласиди.

Ўзбекистон Республикаиз XXI асрга илдам кадам кўяр экан, асосий вазифаларидан муҳими мустақиллигимизни мустаҳкамлашдир. Бу эса мамлакатимиз мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари олдига кагтадан-кatta масъулият юклайди. Хозирги кунга келиб, мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг ватанпарварлик туйгусини кучайтириш, уларнинг сиёсий билимларини ошириш ҳамда жамият ҳаётида фаол булшпи учун талай ишлар амалга оширилиши лозим. Аввалом бор эртанги истиқболини ўз қуллари ва акл-идроклари билан яратишлари керак. Компетенция - ходимнинг ташкилотда кутаётган даражада ва белгиланган таркибда ишлаб чикариш хулқини мунтазам равишда намойиш килишга тайёрлик кобилияти. Компетенциялар тизимини яратишда ташкилот ходимларнинг фаолиятига тааллуқли мухим мезонлар мажмуасини стандарт талабларга асосан тузилади.

XX асрнинг 90-йилларида мутахассисларга малакавий талабларни кўювчи “Халқаро меҳнат ташкилоти” малака ошириш ҳамда бошкарув ходимларни касбий қайта тайёрлашда “таяич компетенция”лар деган тушунчани фанга киритди. Таянч компетенциялари турли хил касбий бирлашмаларда мутахассисларнинг ижтимоий- профессионал жиҳатдан таъминланиши ҳамда фаолиятга мослашишида ходимларнинг хизмат вазифаларидан келиб чиқиб ўзига хос характер касб этади.

Компетенция - ташкилот миқёсида қабул қилинган стандарт хулқ-атвор; 2) менежернинг ташкилот миқёсида қабул қилинган стандартларга мувофиқ иш кура олиш қобилияти.

Компетентлик (билимдонлик) - 1) у ёки бу саволнинг жавобидан хабардорлик; 2) ишда керакли натижаларни қўлга киритиш юзасидан зарур қарорларни қабул қила олши қобилияти.

Инглизча “compitence” тушунчасининг луғавий маъноси айнан “қобилият” маъносини ифодаласа-да, бирок, мазмунан фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдалана олиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиши мазмунини ёритишга хизмат қилади

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологларнинг илмий изланишлари натижасида кириб келган бўлиб, у ноанъянавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутишини, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга дуч келши маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаликни ёритади.

Компетентлик - мутахассиснинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолвятни амалга оширилиши учун зарур булган билим, куникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олшипи билан ифодаланади.

Касбий компетентлик — мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур булган билим, куникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши.

Касбий компетентлик қўйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- ✓ мураккаб жараёнларда;
- ✓ ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- ✓ бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- ✓ кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда

Иқтисодий компетенцияга эга:

- ✓ ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- ✓ янги ахборотларни ўзлаштиради;
- ✓ давр талабларини чуқур англайди;
- ✓ янги билимларни излаб топади;
- ✓ уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди

Касбий компетентлик негизида қўйидаги сифатлар акс этади:

Шахсий компетентлик - шахснинг ижтимоий дунёқарashi, илмий ва интелектуал салоҳияти, креативлиги, шахсларароро мулоқот-

муносабатларига фаол кирава олиши, конфхиктларни ҳал этишга тактшс ёндашуви, касбий фаолият тглабларига мувофиқ шахсий ва касбий сифатларининг шаклланганлик даражаси, фаол хаётий ва фуқаролик позициясининг қарор топганлиги каби мезонлар билан белгиланади. Демак, шахсий компетентлик - доимий равишда касбий усишга эришиш ва касбий малакани ошириб борши, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини рўёбга чиқара олишидир.

Максус компетентлик - мустақил равишда касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, одатий касбгаш-педагогиц вазифаларни, тўғри ҳал кипит ва ўз меҳдатининг натижаларини реал баҳолаш малакасига ҳамда мутахассислиги бўйича янш билим, қўникмаларни мустақил равишда изчил ўзлаштириб (юриш қобилиятига эгалюсдир.

Технологик компетентлик - касбий-педагогик билим, қўншсма ва малакаларни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш қобилиятига, замонавий дидактик воситалар (техник воситалар ва ўқув қуроллари)дан фойдаланиш малакасига эгалик.

Тезкор ҳаракатлана олиши компетентлиги-фавқулодда ҳолатларда (табиий оғатлар содир бўлганда, технологик жараён ишдан чиққанда) ва муаммоли вазиятларда (педагогик зиддиятлар юзага келганда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик кабилар)ни самарали ўзлаштира олишига ёрдам бер»ади.

Методик компетентлик - ўқув-тарбияда бошқарув жараёнларини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини билиш, ўзлаштириш, амалда қўллаш, касбий фаолият натижаларини квалиметрик таҳлил эта олиш, илғор педагогиц ва халқаро тажрибаларни ўрганиш, ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш, муваффакъятли амалга ошириш қўникмалари билан тавсифланади.

Креатив компетентлик - янгилик яратиш, ижодкорлик, ташкилотчилик каби қўникмаларга эга бўлишдир. Креатив компетентлик фақат янги ғояларни яратиш учунгина эмас, балки шахснинг ҳаёт тарзи еки ички дунёсининг ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутади.

Информацион компетентлик – замонавий ахборот-коммуникация технологи ялари воситасида шахсий ва касбий фаолияти билан боғлиқ маълумот, ахборотларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, танлаш, қайта ишлаш в а зарурий ахборотларни узатиш қўникмаларларнинг шаклланганлик даражасидир.

Инновацион компетентлик-таълимдаги инновацион жараёнлар моҳиятидан хабардорлшс, касбий фаолият соҳаси ва тегишли таълим йўналишидаги инновациялар ни ўзлаштириш, амалиётга фаол татбиқ этшп,


замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги саводхонлик, чет тилларни ўзлаштириш, новатор лик фаолиятида кўринади.

Касбий (шу жумладан, педагогик) компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш в а ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади.

Ўз устида ишилаш - қуийидагиларда кўринади:

- ✓ фоалиятга танқидий ва ижодий ёндашиш;
- ✓ касбий ва ижодий қамкорликка эришиш;
- ✓ ишчанлик қобилиятини ривожлантириш;
- ✓ салбий одатларни бартараф этиб бориш;
- ✓ ижобий сифатларни ўзлангтириш.

Жамият тараққиётининг ҳар бир ижтимоий-иқтисодий ва маданий босқичига муштарак таълим-тарбия назарияси яратилиб, амалга жорий этилади. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижаларини назорат қилиб баҳолаш босқичларини ўзига қамраб олувчи яхлит тизимда маълум концепция (ёндашув)у с ту вор бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам педагогика тарихида жуда кўп сондаги тэълим технологиялари эътироф этилган. Уларнинг ҳар бирида ўзидан аввалгиларининг маълум элементлари сақлаб қолиб, кейингиларига ишора этади. Бир сўз билан айтганда улар бир- биридан мақсад(лар)и, мазмуни, ташкил этиш шавллари, амалга ошириш методлари, воситалари, вақги. ўтказиладиган шарт-шароити, иштирокчиларининг таркиби, тайёргарлик даражаси каби жиҳатлари билан фарқланади. Масалан, ҳозирги пайтда таълим олувчиларнинг онглилиги, фооллиги, мустақиллгни, ишбилармонлиги, ижодкорлилиги компетентлик элементларини шакллантиришни кўзда тутувчи интерфаол таълим технологияларини амалга жорий этиш, ҳозирги вақѓда нафақат педагогик, балки ижтимоий- сиёсий вазифадир. Узлуксиз таълим тизими фан-техника тараққиёти, глобаллашув ва бозор иқтисодиёти шароитини ҳисобга олган қолда бу давлат даражасидаги устувор вазифанинг мақбул ечимини топиши зарур. Шунга қарамасдан таълим-тарбия ишида маълум камчиликлар мавжуд бўлганлиги боис тўлақонли кўзланган натижаларга зга бўла олмаяпмиз. Масалан, мактабгача таълим ташкилотларида тажрибага кўникма малакага эга бўлмаган директорларининг фоалият қўрсатишлари ва уларнинг касбий-педагогик компетенцияларини етарли даражада эмаслиги, иқтисодий компетенциянинг (1-расм) ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини тўлақонли билмаслик, амал қилмаслик кабиларда келиб чиқадиган муаммолардир.



1-расм. Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлилиги тузилмавий мазмуни

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлилиги – бу шахснинг интеграл сифати бўлиб, у шахса устун бўлган қадриятлар ва мотивлар билан тартиба солинадиган, таълим ташкилотининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш учун узлуксиз шахсий такомиллашиш жараёнида фаолият обьектларини, иқтисодий мазмун-моҳиятни яратабилишга, раҳбарнинг олинган иқтисодий билимлар, маҳорат, тажриба, фаолиятнинг маълум усусларидан фойдаланишга қобиллигини акс эттирадиган маҳсус (маркетинг, тадбиркорлик, хўжалик-хуқуқий) компетенцияларнинг жамланмаси билан тавсифланади.

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлилиги унинг касбий фаолияти хусусиятлари билан белгиланади ва ўзида назарий (иктисодий билимлар), амалий (хўжалик фаолияти тажрибалари), мотивацион тайёрликни ва мазкур фаолиятни амалга ошира олиш қобилиятини намоён этиб, бу моддий, ижтимоий-иктисодий ва шахсий аҳамиятли бўлган маҳсулотда – таълим ташкилотининг барқарор фаолият юритишида ўз аксини топади ҳамда биз уни раҳбарнинг касбий компетентлилиги элементларидан бири сифатида олиб қараймиз, бу элемент турли хил мураккабликлардаги иқтисодий масалаларни самарали ҳал қилишга имкон беради, иқтисодий компетентлик раҳбарнинг мураккаб иқтисодий шарт-шароитларда йўналиш топа олишини, иқтисодий қарорларни мустақил ва маъсулият билан қабул қилишини ҳамда бунинг натижасида самарали бошқарувга қобиллик намоён бўлишини таъминлаб, бу билан таълим ташкилотининг рақобатбардош бўлиб қолишига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллашириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2017 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2017 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2017 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2017 й.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ

Нуруллаев А.С., МТТДМҚТМОИ и.ф.н., доценти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155 Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшлиарни қўллаб-қувватлар ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини мактабгача таълим тизимида таъминлаш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Замонавий таълим тизими мактабгача таълим ташкилоти директорига тобора кўпроқ талабларни қўймоқда, лекин бошқарувдек муҳим соҳада директорнинг маҳорати энг кучли талаб ҳисобланади. Таълим даражасини ошириш асосан таълим ташкилоти директорининг таълим сифатини ривожлантиришдан манфаатдорлиги, вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳис этиши ва керакли вақтда бошқарув фаолиятига ўзгартириш киритиши билан боғлик.

Таълим ташкилотининг юқори самарадорлик кўрсаткичларига йўналтирилганлиги бошқарувнинг тегишли даражасига қўйилувчи бир қатор талабларни ифодалайди. Мактабгача таълим тизимини бошқаришда янги ёндашувларга асосланиб, замонавий директор лаёқатли мутахассис

фазилатларига эга бўлиши билан бирга, юқори профессионал мулоқот маданияти ва ахлоқий-этик меъёрларга эга бўлиши керак.

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимида турли хил мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд, такомиллаштирилган педагогик технологиялар ва усуллар юзага келиб, амалда қўлланилмоқда, инновацион фаолият оммалашмоқда. Асосан мактабгача таълимнинг йўналиш ва талаблари ўзгартирилмоқда. Айнан шунинг учун таълим муаммоларини замонавий даражада ҳал эта оловчи янги авлод директори зарур.

Давлатимиз аҳолисининг ўсиб бориши жараёнини эътиборга олганда болаларнинг мактабгача таълимга зарур даражада қамраб олинишини таъминлаш мақсадида ижобий амалий ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорак якунига қўра жами мактабгача таълим ташкилотларининг сони 18254 (788 та хусусий, 10244 та оилавий ва 1025 та давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари) тага ҳамда республиқада мавжуд 2,7 млн. мактабгача ёшдаги болаларнинг 1699566 нафари (60,9%) мактабгача таълим билан қамраб олинган.

Шунингдек, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишнинг муқобил шаклларини жорий этиш юзасидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, “Ақлвой” лойиҳаси доирасида республикадаги мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган ҳамда қамров кўрсаткичлари паст бўлган ҳудудларда 4,7 мингдан ортиқ болаларни қамраб олишга мулжалланган 49 та Исузу автобуслари сотиб олинган.

Шу жиҳатдан янги турдаги директор жамоа билан ишлашда табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириши, уларнинг қобилиятлари, шунингдек эҳтиёжлари ва касбий талабларини ҳисобга олиши керак. Директор учун ходимларнинг ташаббусини маъқуллаш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга ҳисса қўшиш, шунингдек, ҳар бир ходимини ҳаракатга ундей олиши мухимдир. Бугунги кунда замонавий педагогик таъсир кўрсатиш услубларига эга, бундан ташқари бошқарув маҳоратини билувчи мутахассис зарур.

Мактабгача таълим ташкилотининг замонавий директори иш жараёнида бажарувчи жуда кўп вазифалар рўйхати мавжуд. Бошқарув вазифалари рўйхати қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Педагог кадрлар таркибининг сифатини бошқариш. Бу вазифа педагог кадрлар сони ва уларнинг таркибини белгилаш сифатида тушунилади, шу билан бирга мазкур вазифа малака ошириш тизими, жамоавий ишни ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ўз ичига олади.

2. Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим ва тарбия сифатини бошқариш.

3. Таълим технологияси сифатини бошқариш. Замонавий таълим тизимида турли хил таълим технологияларини лойиҳалаштириш муҳим ўрин тутади.

4. Моддий-техник бошқарув сифатини бошқариш, жиҳозлардан фойдаланиш ва ўқув хоналарини тақсимлашни ўз ичига олади.

5. Таълим инфратузилмаси сифатини бошқариш.

6. Ахборот-услубий таъминотни бошқариш қидирув жараёнларини тартибга солиш ва муҳим маълумотларни таҳлил қилиш, билим олиш учун энг самарали услубий схемалардан фойдаланишни ўз ичига олади.

7. Таълим дастури сифатини бошқариш, ўқув режаси, тадбирларни ташкил этиш ва малака талабларини қамраб олади.

8. Хуқуқшунослик вазифаси директор ўз ишида қонунларни билиши ва кўллай олиши, бутун жамоанинг хуқуқ ва бурчларга риоя этишини ташкил қилишни англатади.

9. Психолог-воситачининг вазифаси шундан иборатки, директор нафақат жамоада, балки ота-оналар ва болалар ўртасида ҳам ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини яратиши керак. Жамоадаги низоларни бартараф этиш қобилияти мактабгача таълим ташкилоти директорининг жуда муҳим вазифасидир.

10. Ташкилий вазифа маълум бир тузилмани, ички тартибни яратишни ўз ичига олади. Ташкилий қобилияtlар қуйидаги фазилатлардан иборат: касбий компетенция, жамоатчилик, жамоада ишлаш туйғуси, талабчанлик, фаоллик ва мақсадга мувофиқлик.

11. Назорат ва фаолиятни мувофиқлаштириш, заруратга кўра, назорат пайтида камчиликлар аниқланган тақдирда, ишда ўзгаришлар киритилишини ўз ичига олади. Мазкур вазифа директор талабчан, фаол ва тезкор бўлиши кераклигини назарда тутади. Бу ташкилий кўниkmаларни намойиш этиш директорга жамоа фаолиятидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш ёндашувларини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Бутун таълим тизимини модернизация қилиш жараёнини муваффақиятли амалга ошириш учун педагог кадрлар жамоаларини бошқаришнинг замонавий усуллари, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни яхши билувчи, инновациялар бозорида самарали ишлашга қодир мутахассислар керак. Инновация ҳар бир ташкилот учун мураккаб ва оғриқли жараёндир. Аммо инновацияларсиз ташкилотлар, ташкилотлар ва фирмалар ўртасидаги рақобат характерига эга замонавий жамиятда ишлаш ва ривожланиш мумкин эмас.

Замонавий инновацион жараёнлар жуда мураккаб ва муқаррардир. Улар бошқарувнинг исталган соҳасида режалаштиришни такомиллаштириш,

бошқарув органларининг тузилиши ва функциялари, кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш мухимdir.

Инновацион менежмент инновацион жараёнлар, инновацион фаолият, мазкур фаолият билан шуғулланувчи ташкилий тузилмалар ва уларнинг ходимларини бошқариш тамойил, усул ва шакллари тўпламиди. Бошқарувнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, у ҳам мақсадларни белгилаш ва стратегияни танлаш; режалаштириш, шартларни белгилаш ва ташкил этиш, ижро этиш, директорлик билан тавсифланади.

Мактабгача таълим ташкилотида болаларнинг индивидуал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ўкув жараёни, уни режалаштириш ҳамда болалар боғчаси фаолиятини дастурий ва услубий таъминотга, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ишини ташкил этишга турли ёндашувларни талаб этади. Ўзбекистонда мактабгача таълим сифатига ўзгарувчан талаблари мактабгача таълим ташкилотини замонавий таълим комплекс дастурлари, технологиялари, усулларидан фойдаланишга ундаши керак.

Хозирги замонда «инновация» тушунчаси бирон бир турдаги фаолиятни таркибий жиҳатдан янгиланишини, тубдан ўзгартирилишини ифода этади.

Мавжуд нарсанинг янги ҳолатга ўтиши ёки янгича сифат касб этиши билан боғлиқ жараён инновация сифатида эътироф этилади. Бу жараённи баъзида янгиликнинг амалиётга жорий этилиши деб ҳам аташади. Инновациялар даставвал инсонлар онгода мавжуд реаллик билан унинг идеал ҳолати ўртасидаги тафовут сифатида шаклланади. Аксарият холларда инновацион ғоялар тез ўсиб бораётган эҳтиёжлар билан нисбатан суст ривожланаётган ишлаб чиқариш тизиминиг потенциал имкониятлари ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф этишга интилиш асосида шаклланиб боради.

Инновацион соҳага тааллуқли муаммоларни илмий жиҳатдан таҳлил қилишга уринган турли хил олимларнинг илмий ишларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, маълум бир инновациянинг муваффакияти ва характеристи оқибат натижада конкрет тармоқнинг, регионнинг, мамлакатнинг, қолаверса корхона ва ташкилотларнинг инновацион потенциали қандайлигига боғлиқ бўлади.

Илмий-техника рақобатининг глобаллашуви шароитида, инновацион менежментнинг аҳамияти кучайиб боради. Уни ташкилотни ривожлантиришни таъминловчи фаолият сифатида баҳолаш керак.

Инновациялар ва инновацион бошқарувга нисбатан оширилган эътибор хозирги жамиятнинг ҳаётининг ўзи томонидан талаб қилинади, ахир

инновацион жараёнларни янги маҳсулотлар ва янги техникада рўёбга чиқиши унинг социал – иқтисодий ривожланишининг асоси бўлади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Оманова Г., Мирзо Улугбек туманидаги

324-сонли ДМТТ директори

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш мақсадида ўтказилган тажриба-синов ишлари жараёнида белгиланган таълим сифатини баҳолаш усуллари, мезонлари ва сифатни бошқариш модели самарадорлигини аниқлаш учун раҳбар, педагог, тиббиёт ходимлари ва ота-оналар билан сұхбатлар ташкил этилди, улар ўртасида анкета сўровлари ўтказилди. Тарбияланувчилар учун мақсадга мувофиқ ривожлантирувчи мухит яратиб берилди.

Шунингдек, тажриба-синов майдончалари сифатида белгиланган мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари, тиббиёт ходимлари ва тажриба гурухлари педагог ходимлари учун 12 соатлик (4 соат маъruzza, 8 соат амалий) маҳсус курс режаси ишлаб чиқилди ва ўкув тренинг шаклида ўтказилди.

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш бўйича ўкув тренингининг ўкув режаси

	Мавзулар	Машғулот лар (соатлар)	Соатлар тавсифи	
			Назарий	Амалий
.	Таълим сифати, мактабгача таълим сифати тушунчалари. Мактабгача таълим сифатини баҳолашнинг бугунги кундаги ҳолати.	2	2	
.	Мактабгача таълим сифатини бошқаришга замонавий ёндашувлар	2	2	
.	Мактабгача таълим сифатини баҳолаш ва бошқариш бўйича хорижий тажрибалар	2		2
.	Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини баҳолаш усуллари	2		2
.	Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини баҳолаш мезонлари	2		2

	Мактабгача ташкилотларида таълим сифатини бошқариш механизмлари	таълим сифатини бошқариш механизмлари	2		2
	Жами		12	4	8

Ушбу ўкув режада келтирилган мавзуларда мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини бошқариш масалаларини имкони борича тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилинди.

1-мавзу: Таълим сифати, мактабгача таълим сифати тушунчалари. Мактабгача таълим сифатини баҳолашнинг бугунги кундаги ҳолати. Сифат, таълим сифати, мактабгача таълим сифати тушунчаларининг мазмун моҳияти. Мактабгача таълим сифатини баҳолашнинг меъёрий-хукукий асослари.

Мактабгача таълим сифатини баҳолашнинг мавжуд ҳолати. Аттестация ва аккредитация масалалари. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ички ва ташқи баҳолаш. Мактабгача таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказишнинг мавжуд мезонлари.

Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари фаолиятини баҳолашнинг намунавий рейтинг тизими. Мактабгача таълим ташкилоти фаолияти юзасидан йиллик ички баҳолашнинг ўтказиб борилиши.

2-мавзу: Мактабгача таълим сифатини бошқаришига замонавий ёндашувлар. Мактабгача таълим сифатини бошқариш бўйича тадқиқотчиларнинг фикрлари, мактабгача таълим сифатини бошқаришнинг жараёнли ва натижавий хусусиятлари, мактабгача таълим сифатини таъминловчи омиллар, мактабгача таълим сифатининг таркибий қисмлари.

Сифатнинг Умумий Назорати (Total Quality Control) тушунчаси, Сифатнинг ялпи бошқаруви (Total Quality Management – TQM) концепцияси, TQMнинг тамойиллари, таълим сифатини бошқариш механизмлари, таълим муассасаси фаолияти сифатини бошқаришнинг баҳолашга асосланган ёндашуви (SWOT-таҳлил), сифатнинг ялпи менежменти (TQM) тамойилларига асосланган концепция, ISO 9000:2000 халқаро сифат стандартлари талабларига асосланган ёндашувлар.

Мактабгача таълим ташкилотида сифат менежменти тизимини жорий этиш тамойиллари, мактабгача таълим сифатига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар.

3-мавзу: Мактабгача таълим сифатини баҳолаши ва бошқариши бўйича хорижий тажрибалар. Мактабгача ёшдаги болалар учун таълим хизматларига бўлган талабларнинг ўзгариш тенденциялари, мактабгача таълим хизматлари билан боғлиқ таклифнинг кўпайиши ва таълим сифати ўртасидаги боғлиқлик, таълим сифатини баҳолашга қўйиладиган шартлар.

Америка Қўшма Штатларида мактабгача таълим сифатини баҳолаш: NAEYC стандартлари ва Пенсильвания тажрибаси. Мактабгача таълим ташкилотларини ECERS-R шкаласи асосида баҳолаш, баҳолаш йўналишлари ва кўрсаткичлари. ECERS-R ва ECERS-E баҳолаш шкалаларининг ўзига хос хусусиятлари. STARS дастури ва баҳолашнинг турли даражалари ўртасидаги фарқлар.

Сингапурда мактабгача таълим сифатини баҳолаш: SPARK болалар боғчаларини қўллаб-куватлаш ва мустақил аккредитация дастури. Дастурнинг асосий мақсади, тузилиши. SPARK дастури бўйича мактабгача таълим сифатини баҳолашнинг бешта асосий йўналишлари.

4-мавзу: Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини баҳолаш усуллари. Педагогикада “усул” тушунчаси, унинг мазмун моҳияти. Педагогик ташхислаш. Кузатиш, илмий қузатиш, анкета, турли синов усуллари ва уларнинг моҳияти. Эксперт, эксперт баҳолаш, эксперт хulosаси.

Мониторинг, таълим сифатини мониторинг қилиш. Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифати мониторингини ташкил қилиш босқичлари. Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини мониторинг қилиш тамойиллари. Мактабгача таълим сифатини мониторинг қилиш функциялари.

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини назорат қилишнинг асосий усуллари: болалар фаолияти натижаларини ўрганиш; ўйин тест топшириқлари; назорат ва баҳолаш машғулотларини ўтказиш; педагоглар, ота-оналар ва болалар билан сухбат; сўровнома ўтказиш; хужжатларни таҳлил қилиш.

Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини мониторинг қилиш хизмати, унинг ташкилий тузилмаси, вазифалари.

5-мавзу: Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини баҳолаш мезонлари. Баҳолаш мезонлари, баҳолаш мезонларини танлаш бўйича ёндашувлар. Таълим сифатини баҳолашнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари. Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари.

Мактабгача таълим сифатини баҳолаш мезонларини замонавий тенденциялар асосида такомиллаштириш. МТТ хизматларининг мижозга йўналтирилганлиги, мактабгача таълим ташкилотининг жамиятдаги нуфузи, мактабгача таълим ташкилотининг ижтимоий ҳамкорлиги, илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик, тарбияланувчиларнинг саломатлик кўрсаткичлари, ўқув жараёнининг болага салбий таъсири, педагогларнинг илмий тадқиқот ишларидаги иштироки, мактабгача таълим ташкилотига раҳбарлик қилиш.

6-мавзу: Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини бошқарши механизмлари. Таълим сифатини бошқариш босқичлари, таълим сифатини бошқариш модели.

Таълим хизматлари мижозларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, шакллантирилган ижтимоий буюртма асосида МТТ фаолиятининг асосий мақсади, вазифалари ва йўналишларини белгилаш, мактабгача таълим ташкилотининг асосий мақсади ва вазифаларига мувофиқ ўкув дастурлари ва технологияларини танлаш, таълим жараёнини моддий, молиявий, техник, услугбий таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, малака оширишни ташкил этиш, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишининг бошланғич даражасини аниқлаш учун уларни дастлабки ташхислаш, таълим жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнини назорат қилиш, ўкув йили якунида тарбияланувчиларни якуний ташхислаш, мактабгача таълим ташкилоти битирувчиларининг ҳаётини кузатиш.

Тажриба-синов ишлари жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг ишга бўлган мотивларини ошириш мақсадида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобидан рағбатлантириб борилди.

Педагог ходимларни ишдан бошқа фаолиятга чалғитмаслик, уларнинг иш унумдорлигини ошириш мақадида техник ходимларга аниқ вазифалар белгилаб берилди ҳамда ижроси назорат қилинди.

Шунингдек, тарбияланувчиларнинг саломатликларини назорат қилиш, физиологик ривожланишларини таҳлил қилиш мақсадида ташкилот маҳсус ҳисоб рақамидаги маблағлар ҳисобидан ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари тиббиёт ходимлари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил этилди.

Ўтказилган педагогик тажриба-синов натижалари мактабгача таълим ташкилотида таълим сифати менежментини такомиллаштириш учун танланган таълим сифатини баҳолашнинг замонавий усуллари, сифатни баҳолаш мезонлари ва таълим сифатини бошқариш модели, таълим сифатини таъминлашга қаратилган ташкилий шакллар ва воситалар мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқлади. Тажриба-синов натижалари тажриба гурухи тарбияланувчиларининг назорат гурухи тарбияланувчиларига нисбатан давлат талабларига мувофиқ ривожланиш, таълимнинг кейинги босқичига тайёргарлик, саломатлик ҳамда жисмоний (физиологик) ривожланиш нуқтаи назаридан анча юқори эканлигидан далолат беради.

Юқоридагиларга кўра мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини бошқариш учун ишлаб чиқилган моделдан фойдаланиш

тарбияланувчиларнинг шахсий, жисмоний ривожланишлари ва мактабга тайёрлик даражасини ошириш имконини берди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг шахсий ривожланиши нуқтаи назаридан энг сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Бу шуни англатадики, мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини бошқаришнинг илмий асосланган моделидан фойдаланиш таълим сифатини оширишга ва айниқса, болаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга ёрдам беради, уларнинг соғлиғи ва мактабга тайёргарлик даражасини оширади. Бундан ташқари, ишлаб чиқилган модел ва амалга оширилган чоратадбирларнинг самарадорлиги ота-оналарнинг таълим хизматларидан қоникиши даражаси кўрсаткичи ошганлиги билан ҳам изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3955-сон Қарори.
2. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. – Тошкент, 2018.
3. «Илк қадам» мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастури. – Тошкент, 2018.
4. Сафонова О.А. Управление качеством образования в дошкольном образовательном учреждении. – Москва: Академия, 2011. – 160 б.
5. Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш: п.ф.д.дисс. – Т.: ЎзПФИТИ, 2016. – 309 б.
6. <https://www.ecda.gov.sg/>

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Оманова Г.А., ХТМЎИБИТИ мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим қаратилаётган муҳим эътибор натижасида 2018 йилда “Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” ҳамда “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури ишлаб чиқилиб, мактабгача таълим мазмунига янгича рух ва ёндашувлар олиб кирилди.

Энг муҳими, “мактабгача таълим сифати – тарбияланувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлик даражаси”, яъни бола томонидан академик билимларнинг ўзлаштирилиш даражаси қабилидаги ёндашувдан воз кечилди. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув

дастурида болани баҳолаш эмас, бола ривожланишини кузатиб бориш муҳим аҳамият касб этиши белгилаб қўйилди.

Мактабгача таълим сифатини бошқариш йўналишида олиб борилган илмий тадқиқот ишларимиз жараённида мазкур соҳада хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганилди.

Жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Германия, Бюк Британия, Швеция, Дания ҳамда кўплаб Европа ва Осиё мамлакатларида мактабгача таълим сифатини баҳолаш баҳолаш воситаси сифатида қўлланиладиган ECERS-R (Early Childhood Environment Rating Scale, Revised) шкаласи, кейинчалик, Буюк Британиялик мутахассислар ёрдамида болалардаги таълим кўнималарини аниқлашга қаратилган ECERS-E шкалалари ўрганилди.

ECERS-R баҳолаш шкаласи болани ижтимоийлаштириш учун яратилган шароитлар нуқтаи назаридан баҳолашга имкон берса, ECERS-E боланинг таълимдаги муваффақиятга эришишини баҳолаш ва башоратлашга имкон беради.

ECERS-R шкаласи мамлакатларнинг хусусиятларига боғлиқ эмаслиги билан ижобий тарифланади. Ушбу шкала биринчи навбатда болаларнинг ривожланиш қонуниятларига асосланганлиги ва баҳолаш мезонлари тарбияланувчиларнинг натижаларига эмас, балки таълим муҳитини баҳолашга қаратилганлиги билан ҳам муҳимдир. Шу нуқтаи назардан ушбу таълим сифатини баҳолаш методологияси Ўзбекистон Республикасида Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига жавоб беради.

ECERS-R шкаласи – бу мактабгача таълим муассасасининг битта аниқ таълим гуруҳини баҳолашга имкон берадиган кузатиш шкаласи. Баҳолаш давомида эксперт гуруҳнинг ишини кузатиб боради, натижаларни маълум мезонлар (кўрсаткичлар) бўйича белгилайди, қўйилган баллар бўйича изоҳ беради [2].

Шкала еттида йўналиш бўйича баҳолаш олиб боради (яратилган шароит, назорат ва парвариш, нутқ ва фикрлаш, фаолият турлари, ўзаро алоқалар, дастурнинг тузилиши, ота-оналар ва ходимлар). Ҳар бир йўналиш ўз навбатида индикаторларга бўлинган ва улар жами 43 тани ташкил этади.

Ҳар бир индикатор 1 баллдан 7 баллгача баҳоланади ва уларнинг максимал йиғиндиси 301 баллни ташкил этади.

ECERS-E шкаласи эса тўртта: саводхонлик, математика, табиат, хилм-хиллик йўналишларида таълим сифатини баҳолайди.

ECERS-R шкаласи замонавий юқори сифатли баҳолаш тизимининг асосий талабига жавоб беради: у ушбу методологияни анъанавий усуллардан ажратиб турадиган жиҳат боланинг кўнималарига эмас, балки мактабгача

таълим ташкилотининг ўқув муҳитининг ҳолатига баҳо беради. Бундан ташқари, мазкур шкала билан ишлайдиган эксперт бевосита болалар билан муносабатларга киришмайди.

Ўрганишлар асосида, ривожланган мактабгача таълим тизимиға эга бўлган давлатларда таълим сифатини баҳолаш тенденциялари қуидаги йўналишлар бўйича ривожланаётганлигини кўриш мумкин:

1. Хорижий мамлакатларда мактабгача таълим сифатини баҳолаш давлат ташкилотлари ёки ота-оналар томонидан эмас, балки мустақил ташкилотлар, уларнинг вакили бўлган мактабгача таълим соҳасидаги малакали етук мутахассислар томонидан амалга оширилади ва бу сифатни ва унинг натижаларини мустақил баҳолаш тартибининг ривожланиш хусусиятини, мактабгача ёшдаги болаларнинг уйғун ривожланиши учун эҳтиёжларни қондириш бўйича таълим хизматларини такомиллаштириш йўналишларини белгилайди.

2. Мактабгача таълим сифатини ташқи баҳолашнинг муҳим хусусияти бу уларнинг ихтиёрийлигидадир: мактабгача таълим ташкилотлари ташқи баҳолаш жараёнида иштирок этиш учун ариза топшириш ва таклиф қилинган мутахассисларнинг хизматига қачон мурожаат қилишни ўзи ҳал қиласди. Бу шуни англатадики, сертификатлашга тайёргарлик жараёнининг ўзи ташкилотнинг ривожланишига кучли туртки беради.

3. Кўп ҳолларда болаларнинг ўқув ёки академик ютуқлари мактабгача таълимнинг сифати тўғрисида хулоса чиқариш учун асос ҳисобланмайди. Болаларнинг натижаларини таҳлил қилиш фақат АҚШда (таҳлил қилинган мамлакатлардан) қисман баҳолаш тизимларига киритилган. Мониторингнинг марказий обьекти “муҳит кўрсаткичлари”дир – таълим-тарбия муҳитини ташкил этиш, ижтимоий алоқалар, жиҳозлар, хавфсизлик ва ходимларнинг малакаси.

4. Мактабгача таълим сифатини оширишда “Раҳбарлик” кўрсаткичи диққатга сазовордир. Айниқса унга Сингапурда катта эътибор қаратилади: мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари ўзининг касбий фаолияти давомида ташкилотни ривожлантириш стратегиясига эгами ёки йўқми, уни жамоа қандай қабул қиласди, ушбу стратегия қандай ташкилий ва молиявий таъминланади. Раҳбарнинг ташаббускорлиги, жамоа ва тарбиячилар учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш – бу ташкилот томонидан тақдим этилаётган таълим сифатини оширишнинг асосий шартидир.

5. Мактабгача таълим ташкилотининг жамият, ташкилотлар ва ота-оналар билан дўстона алоқалари, уларнинг болалар жамоаси ҳаётида иштирок этиш даражаси таълим сифатининг муҳим кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Веракса Н.Е., Веракса А.Н. Оценка качества дошкольного образования: зарубежный опыт // Современное дошкольное образование. Теория и практика. - 2011. - №3.
2. Леван Т.Н. Развивающая оценка качества дошкольного образования с использованием международных шкал комплексной оценки ECERS: проблемы и перспективы // Детский сад: теория и практика. 2016. № 10 (70). С. 50-65.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ДЎСТОНА ЎРГАНИШ

Омарова З.К., МТДМҚТМОИ

Хозирги кунда давлатимиз томонидан узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган қонун ва қарорларни амалга тадбиқ қилиш жараёнида маҳсус таълим соҳасида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда Алоҳида ёрдамга муҳтоҷ болаларга соғлом болалар каби тенг хукуқли имкониятлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга мавжуд таълим методлари ва воситалари қайта кўриб чиқилмоқда, давлат стандарти талаблари асосида маҳсус таълим жараёнига янги педагогик технологиялар жорий этилмоқда. Алоҳида эҳтиёжи бўлган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш, яъни уларни интеграция усулида оммавий мактабгача таълим ташкилотларида ва қўшма типдаги ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида таълим –тарбия бериш амалга оширилмоқда.

Бу вазифани амалга оширишда юзага келган муаммоларни бартараф этиш, алоҳида ёрдамга эҳтиёжи бўлган болалар учун шарт-шароитлар яратиш чора- тадбирлар кўрилмоқда. “Таълим ҳамма учун” миллий харакат дастури асосида барча болаларнинг тенг шароитларида таълим олишларини таъминлаш каби ишлар амалга оширилмоқда. Алоҳида эҳтиёжи бўлган болалар билан олиб бориладиган таълим- тарбия ишлар уларнинг фикирлаш қобилиятини шакиллантиришга йўналтирилиши лозим хозирги куннинг давр талаби шундан иборат. Кўп йиллардан буён “инклюзив” ибораси , ногирон болаларни соғлом болалар учун мўлжалланган “ҳар доимги” гуруҳларга “киритишини” билдириб келган. “ Инклюзив” ҳақиқатдан ҳам ногирон болаларни, кўриш ёки эшитишида қийинчиликларга эга бўлган, ёки юра олмайдиган ёки ривожланишида орқада қолиш, ривожланиши секин бўлган болаларни ўз ичига олади. Шу билан бирга мактабгача таълимга жалб қилинмасдан четда қолган , мактабгача таълим ташкилотларидан четлаштирилган барча болаларни ҳам билдиради. Бу болалар мактабгача таълим тилида сўзлай олмасликлари мумкин; касал, машғулотларни яхши ўзлаштира олмасликлари уз тенгдошларидан орқада бўлиши берилган

топшириқларни бажармасликлари, ёки мустақил бажара олмасликлари учун ташкилотга қабул бўлмасликлари, келгуси таълим учун йўлланма олмасликлари бўлиши мумкин.Хозирги куннинг талабидан келиб чиқиб “Инклузив” деганда, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси сифатида биз барча болаларни топиш ва уларга таълим- тарбия бериш ва мавжуд бўлган барча ёрдамларни (ташкилот директоридан, жамоадан, оиласардан, болалардан, таълим ташкилотларидан, соғлиқни сақлаш хизматларидан, жамоа раҳбарларидан ва мактабгача таълим ташкилотидаги барча педагоголардан) айнан шу болаларнинг таълим- тарбия олишларига масъулиятли эканлигимизни билдиради. Бундан ташқари, айрим ташкилотларда , жамоаларда барча болаларнинг мактабга чиқиши мумкин, бироқ, айрим мактабгача ёшдаги болаларни ташкилотга киришлари қатнашишлари , ўрганишларини чеклаб қўйилиши ҳанузгача юз бериши мумкин;

-таълим ташкилотида бола машғулотни ўзлаштирмаслиги, бола тилида бўлмаслиги;

-боланинг ўзининг қизиқиши бўлмаслиги, боладан сўрарлмаслиги, ўргатмаслиги;

-Боланинг машғулотда иштирок этишларига таклифнинг йўқлиги;

-Мактаб таълимида доскани кўра олмаслиги, тарбиячининг , ўқитувчининг саволларини яхши тўшинмаслиги;

-машғулотни , топшириқни ўзлаштира олмасликлари, ёки уларга ёрдам бериш учун

харакатнинг йўқлиги;

Алоҳида эҳтиёжли болалар гурухларда этибордан ортда қолиши, орқароқда ўтириши яхши ўзлаштирадиган бола билан ўтирмаслиг ўзини четга олишлари натижасида оҳир- оқибатда ташкилотни ёки мактабни ташлаб кетишлари мумкин. Биз барча тарбиячилар , ўқитувчилар болаларнинг машғулот жараёнини, дарс жараёнини ўрганиш мухитини яратиш учун, барча болаларнинг ўрганишни хоҳишлари учун ва барча болаларнинг гурухларда ва мактабларимизда ўзларини эркин ҳис этишлари учун жавобгар шахс деб хисоблаймиз бу давр талаби эканлигини эсдан чиқаришимиз керак эмас.

Кўпгина мактабгача таълим ташкилотларида инклузив таълимни “дўстона ўрганишни” шакиллантириш, яъни болаларнинг тўла имкониятлари билан танишиш улар билан ўртоқлашиш уларга шарт- шароитларни яратиш, тушинтириш , имкон қадар алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ота- оналарига ҳам тушинтириш ишларини олиб бориш келгусида мактаб таълимида ўқишлари учун имкон яратиш.Болалар мактабгача таълим ташкилотига кўникма, ўрганиш , билиш учун ва келгусида мактаб таълимида билим,

малака, олиш учун келади шунинг учун хозирги тарбиячилар, ўқитувчилар алоҳида эҳтиёжли болаларни тўғри тушинишлари ва уларга таълим- тарбияни олиш учун қўлай шароитларни яратиб ва уларни қўллаб қувватлаб таълими-тарбиявий ишларни ота- оналар билан хамкорликда олиб боришлари керак. Болаларни “дўстона ўрганиш”-муҳити- “бала билан дўстона” ва “тарбиячи билан дўстона муносабатда бўлишдир”. У ўрганувчи жамоа сифатида тарбияланувчилар ва тарбиячиларнинг биргаликда ўрганишлари муҳим эканлигига урғу беради. “Дўстона ўрганиш” муҳити , болаларни ўрганиш марказида жойлаштириб, ўрганишда уларнинг фаол иштирок этишларини қўллаб- қувватлайди. “Дўстона ўрганиш” муҳити биз тарбиячиларнинг эҳтиёж ва манфатларимизни ҳам бажарган холда, болаларга мумкин қадар энг зўр таълимни беришимизга хоҳишимизни ва қодир эканимизни таъминлайди

Боланинг ижтимоий келиб чиқиши ва қобилиятлари турлича бўлган болаларни ўргатиш, ўқитиш қийин масала бўлгани туфайли биз бундай алоҳида эҳтиёжли болаларни қандай қилиб ўргатиш, ўқитишни билишимиз зарур. Биз буни амалга ошириш учун тажрибали тарбиячиларни кузатиш, улар билан суҳбатлашиш, семинарларга бориш, ўз устимизда ишлашимиз бошқа давлат тажрибаларини ўрганишимиз китобларни ўқиш ва қўлланмалар тўпламидаги ресурсларни тадқиқот қилишимиз лозим. Шундан сўнг, биз ўргангандаримизни амалиётда қўллашимиз керак. Шунинг учун инклузив таълимни дўстона ўрганишимиз нафақат барча алоҳида эҳтиёжли болаларимизнинг ривожланишида, балки биз тарбиячиларнинг касбий ривожланишимизда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Инклузив таълимни дўстона ўрганишда алоҳида эҳтиёжли болаларимизнинг қай таризда бирга ишлаш ва ўйнаши бўйича умумий тасаввурни ҳар бир киши ўрганиши лозим. Инклузив таълимни “дўстона ўрганиш” муҳити мактабгача таълим ташкилоти директор ва педагог , тарбиячиларнинг эҳтиёжларини, манфатларини ва истакларимизни ҳам эътиборга олади. Инклузив таълимни “дўстона ўрганиш” муҳити бизга қандай қилиб алоҳида эҳтиёжли болаларни қандай қилиб , ўқитишни ўрганишга шароитларни ўргатиб беради, ўқитиш таълим –тарбия бериш учун энг яхши ресурслар билан таъминлайди ва муносиб мукофотлар ва эътроф этиш орқали ютиқларимизни нишонлайди . Хозирги кунда инклузив таълимни “дўстона ўрганиш” михитида болалар ўзларига ишонадиган бўладилар ва кўпроқ шахсий қадр- қимматини ривожлантирадилар Алоҳида эҳтиёжга муҳтож бўлган болалар ўзларидан ва эришган ютуқларидан мағрурланадилар. Шу билан бирга болалар кўпроқ ижодкор бўлиб борадилар ва шу нарса уларнинг қай таризда ўрганишларини такомиллаштириб боради. Шу билан бирга улар ўз оан тилларини, маданий

анъаналарни қадирлаш ва уларни бошқалардан фарқ қилишини, яъни “алоҳида” деб эътибор беришга ўрганиш мухитида алоҳида эҳтиёжли болалар ўзларининг мулоқот маҳоротларини такомиллаштирадилар ва ҳаётга яхшироқ тайёрланиб борадилар. ўзларини ҳурмат қилишни ўрганаар эканлар. Мактабгача таълим ташкилотида ги педагоглар алоҳида эҳтиёжи бўлган болаларни таълим ташкилотига ва мактаб таълимига ўргатишда, ўқитишда уларга янгича ёндошиш улар билан ишлаш усулларини ўзи учун янги методлардан фоайдаланиш болалар қай даражада тез қабул қилиш имконларини ўрганидилар. Шу билан бирга алоҳида эҳтиёжи бўлган болалар билан ишлашда педагог, тарбиячилар томонидан турли хил қийинчиликларга дуч келиши ва бу қийинчиликларни енгиш учун чораларини қидириш ва улар билан ишлашда кўпроқ якка холда ишлаш натижа беришини. ўқитишда ўргатишда янгича усулларда ишлаш, янги усулларни ўрганиш ёндошишларни ривожлантириш имкониятларига эга бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. БМТ таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти 1- Рисола. Инклузив, дўстона ўрганиш мухитининг шаклланиши. ЮНЕСКО нинг Ўзбекитондаши ваколатхонаси, 2007 1-15 бет
2. “Алоҳида ёрдамга мухтож болаларни маънавий ва эстетик ривожлантириш” илмий- назарий конференция материаллари. Т. “Узинкомцентр” 2002.176-177 бет.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЧИҚИНДИЛАРГА ОИД ЭКОЛОГИ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Омонов Б.О., МТТДМҚТМОИ мустақил тадқиқотчиси

“Ўздавэкология” маълумотларига кўра ҳозирги кунда Ўзбекистонда бир йилда 12 турдаги чиқиндилардан фақатгина майшийсининг ўзи 7 млн. тоннадан зиёддир. Уларнинг бор йўғи 1,5 млн. тоннаси, яъни 21 фоизи қайта ишланмоқда, холос [1]. Қолганлари эса атроф табиий мухитни ифлослантирумоқда ва экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Аҳолининг истеъмол даражаси ўсиши ва маҳсулот турининг кўпайиши хисобига кейинги 10-15 йил ичida уларнинг миқдори 2 баробарга ошган ва ушбу салбий динамик ҳолат сақланиб қолмоқда.

Майший чиқиндилар – кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириши учун озиқ-овқат ва майший буюм ёки товарлардан фойдаланиши натижасида ҳосил бўлган, инсон ҳаётида тўғридан тўғри (бевосита) ишлатиш имкониятига эга бўлмаган ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсир қиласиган иккиламчи маҳсулот [2]. Улар нафақат кишилар истекомат қиласиган

жойларда, балки уйдан ташқарида (ишхона, ўқиши жойи, хизмат сафари, дам олиш ва сайёхлик масканлари, кўча каби жойларда ҳам) ҳосил бўлади. Таъкидлаш лозимки, бугун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган чиқиндилар муаммоси нафақат миграция ва аҳоли сонининг ўсиб бориши, истеъмол эволюцияси каби омиллар балки аҳолининг экологик саводсизлигининг ҳисобига ҳам янада чуқурлашмоқда.

Дархақиқат бунинг учун аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан мактабгача ёшдаги болалар ўртасида экологик маърифат ва маданиятни шакллантиришга тўғри келади. Экологик онг, маданият ва тарбияни мактабгача ёшдан бошлаш инсон ҳаётининг ўзига хос қимматли, яни шахсни шакллантириш босқичидир. Бу даврда табиат ва атрофдаги дунёга ижобий муносабат ўрнатилади. Унда боланинг онги шакллантириллади, Ер планетаси бизнинг умумий уйимиз ва инсон табиатнинг фақат бир бўлаги эканлиги англатилади. Дунёдаги “экологик тоза” давлатларда чиқиндиларга доир экологик таълим-тарбия ишлари қуйидагича олиб борилмоқда, масалан:

- Филландияда майший чиқиндиларга доир таълим-тарбия тизимли равища 5 ёшдан бошланади ва у маҳсус ташкил этилган маҳаллий “табиат марказлари”даги дидактик воситалар орқали олиб борилади;
- Швецияда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий агентлик ҳамкорлигига майший чиқиндилар бўйича маълумот бераборилади;
- Австрияда мактабгача талим педагоглари учун майший чиқиндилар бўйича доимий равища семинар-тренинглар ташкил этилган ҳамда уларни мазкур муаммо бўйича қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари узлуксиз равища фаолият олиб боради;
- Норвегияда МТМда фаолият юритмоқчи бўлган педагог албатта маҳсус гарбологик маданиятга эга бўлиши лозим;
- Германияда экологик таълимдаги майший чиқиндилар мавзуси болажонларни атроф табиатга таъсири ҳақидаги масулият хулқини шакллантиришга йўналтирилган;
- Япония юксак экологик маданиятили шахсни тайёрлаш атроф –муҳит соҳасидаги мактабгача талим дастурларида акс этган.
- АҚШда болажонларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона ва масулият билан муносабатда бўлишларини шакиллантириш жараённада кенг омма ва нодавлат жамоат ташкилотлари билан бирга олиб борилади.

➤ Россия 12-май “Экологик таълим куни” деб эълон қилинган ва унда мактабгача таълимда чиқиндилар бўйича ҳам байрам ўтказилади.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ҳам экологик таълим-тарбияни МТТдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун, биринчи навбатда, таълим жараёнининг бевосита иштироқчиси

бўлган педагог ҳодимларнинг ҳам билим, кўникма, малакаларини узлуксиз равишда ошириб бориш лозим.

2021йил 25 январда Мактабгача таълим вазирлигида мактабгача таълим соҳасида болажонларнинг экологик маданиятни шакллантириш мақсадида “Қизиқарли чиқинди” мавзудаги пилот лойиҳанинг тақдимотига бағишлиланган матбуот анжумани ташкил этилди [4]. *Лойиҳанинг мақсади* – болажонларни чиқиндиларга доир билим ва кўникмаларини шакллантириш орқали мактабгача таълим ташкилотларида экологик ва санитар-гигиеник хавфсизликни таъминлаш. Мазкур лойиҳа ижроси Тошкент шаҳридаги 13 та мактабгача таълим ташкилотларида тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Синов натижаларини умумлаштиргандан сўнг унинг оптималь вариантини 2Илк қадам” давлат ўкув дастурига киритиш орқали республиканинг барча маъмурий бирликларида мактабгача таълим тизимиға жорий қилиш кўзда тутилмоқда. Лойиҳада чиқиндиларнинг намунавий контейнерлар уч рангдаги турга – қофоз (кўк), пластик (сариқ) ва қайта ишланмайдиган чиқиндилар (кул ранг) саралаб ташлаш методикаси ишлаб чиқилмоқда. Кутилаётган натижа – мактабгача таълим ташкилотларида болажонларга чиқиндиларни бошқариш бўйича «илк қадам»ни шакллантириш орқали аҳолининг экологик онг ва маданиятини кўтариш. Зеро болажонларда ушбу кўнималарни ҳосил қилиш уларнинг оила аъзолари ва яқинларини ҳам экологик маданиятили қилишга олиб келиши мумкинлиги ҳақида бир қатор илмий тадқиқотларда ўз аксини топган [3]. Бу эса чиқиндиларни бошқаришда аҳолининг онг ва маданиятини ўстириш орқали бошқарув самардорлигига эришиш.

Бугунги кунда МТТда чиқиндилар менежментига диор таълим ва тарбия тизимининг тутган ўрнига етарлича эътибор берилмаганлигига [5]. Шунинг учун ҳам, юқорида кўрсатиб ўтилган қоида ва жаҳон тажрибасига амал қилган тарзда Ўзбекистонда майший чиқиндилар билан боғлиқ бўлган экологик муаммоларнинг ечимини топши учун миллий бошқарув тизимида:

1) аҳолининг экологик, жумладан чиқиндиларга тегишили онг ва мадниятини шакллантириши;

2) экологик таълим ва тарбияни таълим тизимининг энг қуийи бўғида, яъни мактабгача таълимдан бошлиши;

3) ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида ресурс тежсамкорлиги ҳисобига чиқиндиларни камайтишига эришиш;

4) чиқиндиларни ташлашдан аввал уларни қайта ишилаш нуқтаи назардан, жуда бўлмаганда 5 турда саралаши;

5) чиқинди полигонларини халқаро стандарт талаблари даражасига олиб чиқиши;

б) давлат, нодавлат ва фуқаролик институтларни чиқиндилаш; бойшариша фаол иштирокини таъминлаш;

7) стихияли, яъни “назоратсиз жисмоний шахсларни” чиқиндилаш тўплаш ва топшириши фаолиятига чек қўйши орқали ихтисослаштирилган юридик шахслар ва тадбиркорларни мотивациялаш;

8) чиқиндилаш бошшариша замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиши;

9) қайта ишланмаган чиқинди, яъни ахлатларни хавфсиз жойлаштириши ва утиллаштиришига доир илмий лойҳаларни қўллаб қуватлаш каби долзарб муаммоларнинг ечимини топишда Швейцария, Корея Республикаси, Япония каби далатларнинг бой тажрибасидан маҳаллий шароитга мослаштириш орқали кенг фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф - муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. www.eco.gov.uz

2. Нигматов А.Н, Омонов Б.О. Маиший чиқиндилаш ва уларнинг амалий таснифланиши “Ilm-fan va ta’limda innovatsion yondashuvlar, muammolar, taklif va yechimlar” mavzusidagi 11-sonli respublika ilmiy-onlayn konferensiyasi. 30-aprel, 2021-yil (112-119 b)

3. Нигматов А.Н. Мактабгача экологик таълим ва тарбия. Ўкув қўлланма. Тошкент: «Наврўз», 2020.–160 б.

4. “Yangi O’zbekiston” va “Pravda Vostoka” gazetalari tahririyati» DUK <https://yuz.uz>. 25 yanvar 2021.

5. Nigmatov A.N., Omonov B. O. Waste: The Experience of Creative Approach, Innovative Suggestion And Practical Classification. Published: March 31, 2021 | Pages: 56-63. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajas/> Volume 03I ssue 03-09.Impact Factor.2021: 5. 634.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

Омануллаева Д.А., научный сотрудник ИППКРСДОО

“Владеть еще одним языком – это как обладать второй душой.”

В последнее время все чаще поднимается проблема использования современных информационных технологий в обучении иностранных языков в средней школе. Возможность применения новых технологий в обучении существенно расширились, компьютеры перестали восприниматься в качестве "умной" печатной машинки, а Интернет - классы стали активно использоваться не только для преподавания информатики.

По мнению Е.С. Полат задача учителя состоит в том, чтобы создать

условия практического овладения языком для каждого учащегося, выбрать такие методы обучения, которые позволили бы каждому ученику проявить свою активность, свое творчество. Задача учителя - активизировать познавательную деятельность учащегося в процессе обучения иностранным языкам. Современные педагогические технологии такие, как обучение в сотрудничестве, проектная методика, использование новых информационных технологий, Интернет - ресурсов помогают реализовать личностно - ориентированный подход в обучении, обеспечивают индивидуализацию и дифференциацию обучения с учетом способностей детей, их уровня обученности, склонностей и т.д.

Персональный компьютер - универсальное обучающее средство, которое может быть с успехом использовано на самых различных по содержанию и организацию учебных и внеучебных занятиях. При этом он вписывается в рамки традиционного обучения с широким использованием всего арсенала средств в обучения. Компьютер может способствовать активному включению учащегося в учебный процесс, поддержать интерес, способствовать пониманию и запоминанию учебного материала.

Выполнение функции обучения - наиболее существенная характеристика применения компьютера в обучении.¹

Обучающий компьютер является инструментом, который организует самостоятельную работу обучаемых и управляет ею, особенно в процессе тренировочной работы с языковым и речевым материалом. Это и определяет характер используемых упражнений и методических приёмов. Наиболее часто применяются следующие:

1. Вопросно-ответный диалог. Суть работы обучаемого состоит в том, чтобы дать прямые ответы на вопросы компьютера, используя в качестве основы и схемы языковой материал, содержащейся в вопросе.

2. Диалог с выборочным ответом. Для ответа компьютеру обучаемый выбирает один из ряда предлагаемых вариантов.

3. Диалог со свободным конструируемым ответом. Такой диалог обеспечивается программой со всеми возможными вариантами ответов на каждый поставленный компьютером вопрос с тем, чтобы последний мог "узнать" и оценить правильность ответа.

4. Упражнения на заполнение пропусков. Компьютер предлагает обучаемому текст или набор предложений с пропусками. Необходимо заполнить пропуски, используя подсказку в виде русских слов, которые нужно перевести на иностранный язык и употребить в нужной форме. Можно также заполнить пропуски словами или словосочетаниями, выбирая их из предложенных компьютером.

5. Упражнения для самоконтроля владения словарём. Возможны варианты таких упражнений:

- а) Компьютер предлагает список слов для перевода.
- б) Компьютер предлагает соотнести два списка слов (русских и иностранных) и найти эквивалентные пары этих слов в обоих языках.
- в) Компьютер предлагает соотнести два списка слов иностранных слов и установить пары синонимов или антонимов.
- г) Компьютер предлагает список иностранных слов и перечень дефиниций этих слов. От обучаемого требуется соединить каждое слово с соответствующей ему дефиницией.

Главным качеством Интернет является наличие огромного количества текстовой информации на различных языках. Конечно, такая информация не предназначена непосредственно для применения в качестве учебного материала, однако, для многих возможность работы в Интернет служит важным мотивом поведения, поэтому учитель должен грамотно использовать эту мотивацию. Довольно подробно исследовано применение реальных электронных писем в преподавании гуманитарных предметов.

Зарубежный и отечественный опыт показывает, что гипермедиа следует использовать в учебном процессе не "в лоб" - только как источник информации, а как инструмент управления обучением.² Разрабатывая проекты, презентации с использованием средств гипермедиа и размещая их в сети Интернет, учащиеся приобретают знания и навыки, не сводящиеся к традиционным репродуктивным.

Интернет создает уникальную возможность для изучающих ИЯ пользоваться аутентичными текстами, слушать и общаться с носителями языка, т.е. он создает естественную языковую среду.

Основная цель - формирование коммуникативной компетенции, все остальные цели (образовательная, воспитательная, развивающая) реализуются в процессе осуществления этой главной цели. Коммуникативная компетенция в современном ее понимании предусматривает формирование способности к межкультурному взаимодействию.

Специфика предмета "иностранный язык" заключается в том, что ведущим компонентом содержания обучения ИЯ являются не основы наук, а способы деятельности - обучение различным видам деятельности: говорению, аудированию, чтению, письму. Обучать речевой деятельности можно лишь в общении, живом общении. А для этого нужен партнер. Компьютерная программа, CD-ROM диск, какими бы интерактивными при этом они ни были, могут обеспечить лишь квазиобщение (т.е. общение с компьютером, а не с живым человеком). Исключения составляют компьютерные

телекоммуникации, когда ученик вступает в живой диалог (письменный или устный) с реальным партнером - носителем языка.

Список литературы:

1. Акбашева Р.Ш. Проектний подход к личностно-ориентированному образованию. - Уфа, 1999
2. Вайсбург М.Л. Методи обучения. Вибор за нами // - ИЯШ. - 2000, - №2, с.17.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

*Парманов А.Э., МТДМҚТМОИ т.ф.н, доценти
Эсантурдиева Ш.А., ТИҚҲММИ З-курс талабаси*

Бугун давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қартилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсақ, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.

Ш.М.Мирзиёев

Мутақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда ўсиб бораётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини жорий этишга қаратилган мактабгача таълимнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Замонавий таълим тизимининг жамият ҳаётидаги ўрни тобора ортиб бормоқда, бу эса таълим тизими олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Бугунги кунда таълим тизими олдида турган асосий вазифалардан бири таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини имкон борича ривожлантириш ва комил шахсни шакллантиришdir. Бундай натижага эришиш учун таълим тизимини самарадорлигини ошириш талаб этилади. Таълим тизимини самарадорлигини ошириш албатта таълим тизимида инновацияларни жорий этиш асосида амалга оширилади. Демак, бугунги кунда таълим тизимида инновацион жараёнларни ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиш механизмларни назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш лозим. Агар илгари таълим тизимининг асосий мақсади таълим олувчиларда билим, малака ва қўнималарни шакллантириш, ижтимоий хусусиятларни тарбиялаш асосида шахсни ҳаётга тайёрлаш бўлган бўлса, бугунги кунда таълим тизимининг асосий мақсади шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни уйғунлигини таъминлаш даражасига эришиш ва шахсни ўз-

ўзини тарбиялаш, ўз шахсини мустақил такомиллаштириш, индивидуал қобилиятларини рўёбга чиқариш механизмларини ишга солиш асосида жамият тараққиётига хисса қўшишини таъминлашдир. Бундай натижага эришиш учун таълим тизимига инновацияларни жорий этиш лозим.

Инновация (инглиз тилидаги Innovation сўздан олинган бўлиб, янгилик, янгилик киритиш маъносини билдиради, «novation»-бирор ҳолатни янги ҳолат билан алмаштиришни билдирса, in-ички ресурслардан фойдаланиш маъносини билдиради) – яъни тизим ичидаги ўзгаришни билдиради.


Педагогик инновацияларнинг асосий қўринишлари:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;
- одатий бўлмаган ташаббуслар;
- илғор иш услублари ҳисобланади.

Педагогик тизимда инновациялар таълим-тарбия жараёнини самарадорлигини оширишга қаратилган. Таълимда инновациялар уч аспектда ўрганилади:

- 1.Ижтимоий –иктисодий.
2. Психологик –педагогик.
- 3.Ташкилий-бошқариш.

Педагогик инновациялар



Инновацион жараён икки хил йўл билан ташкил этилиши мумкин:

- **интенсив** - ички резервлар ҳисобига тараққиётни таъминлаш;
- **экстенсив** - ташқаридан янги технология, восита ва маблағларни жалб этиш йўли билан.

Ғарб давлатларида экстенсив ривожланиш устун туради. Таълим тизимини технологиялаштириш, дифференциаллаштириш, дарс шакллари ва турларини

Кўпайтириш йўли билан тараққиётни таъминлаш устун туради.

Бошқа систематик тушунча - инновацион фаолият - таълимнинг уёки бу даражасида инновацион жараённи ташкил қилиш борасидаги қўлланиладиган тадбирлар мажмуаси, шунингдек жараённинг ўзи.

Педагогик жараён компонентлари: мавзу, мақсад, таълим тузилиши, шакли, методи, технологиялар, ўқитиш воситалари, бошқариш системаси ва х.клар инновацион фаолиятнинг асосий функцияларига тааллуқли.



Шундай экан узлуксиз таълим тизимининг дастлабки босқичи бўлган ва унинг пойдеворини ташкил қилувчи мактабгача таълим тизимида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш асосий мақсад ҳисобланади. Шу сабабли мактабгача таълим ташкилотларида таълимий ўйин фаолиятларини педагогик инновацияларга таянган ҳолда замонавий талаблар асосида олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Педагогик инновациялар мактабгача таълим ташкилотларида қўлланилар экан, моҳиятига кўра мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва комил инсон сифатида камол топишига хизмат қилиши зарур. Бу жараён бола ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Боланинг қизиқиши, истак-хоҳиши, мойиллиги, унинг имкониятларини инобатга олган ҳолда болага билим берилади. Натижада боланинг билиш фаолияти, масъулияти, жавобгарлиги ошиб, билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланиб бориб, ўз билимини ўзи бойитишга ишонч пайдо бўлади ва боланинг ўз “Мен”ини англаши учун муҳит яратилади.

Болага берилаётган таълим самарадорлиги эришишда куйидаги факторлар таъсир кўрсатади, жумладан:

- таълим, тарбия ва бола шахсини ривожлантириш вазифаларини мужассамлиги;
- замонавий фан ва техника ютуқларини қўллалиши;
- таълим-тарбия жараёнида ранг-баранг метод ва воситаларни амалда қўллаш;
- қўлланлиётган инновацион технологиялар ғоявий жиҳатдан тарбияланувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларига мос келиши;
- ўкув материалларининг зарур ахборотлар билан тўлиқ таъминланганлиги, кўргазмалилиги ва барча учун очиқлиги;
- кўп функцияли таълим воситаларидан фойдаланиш ва уларни осон ўзлаштириш имкониятининг мавжудлиги;
- болаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этишларига кўмаклашиш даражасининг юқорилиги;
- таълим-тарбия жараёнига замонавий илғор ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилинганлиги;
- таълим-тарбиянинг мақсад, мазмун, метод ва технология, таълимни ташкил этишнинг уйғунлашганлиги;
- болаларнинг билиш жараёнини назорат қилишда баҳолаш тизими;
- тарбиявий ишлар тизимининг миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида режалаштирилганлиги;
- замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ва мультимедиаларнинг қўлланилганлиги.

Демак, мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия беришнинг янги инновацион технологиялар билан мустаҳкамланиб бориши, тизимли ёндашув асосида соҳанинг умумий самарасини яхшилашга хизмат қилиши лозим.

Юқоридагилардан хulosа қилиб айтадиган бўлсак, мактабгача таълим тизимида педагогик инновацияларни жорий этиш янги қонун-қоидаларни, қарашларни синчовлик билан кўриб чиқиш ва ўрганиб бориш ҳамда таълим-тарбия жараёнига тўлиқ татбиқ этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб ва муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сонли Қонуни (2019 йил 16 декабрь).
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.103.

3. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 1989 - 80 с.

4. А.Э.Парманов. Инновацион технологиялар ва узлуксиз таълим самарадорлиги (монография). МТМРКҶТМО Институти -Т. Апрель 2020 й.

Интернет манбалар:

5. “O’zbekiston”, 2018.
6. <http://www.pedagog.uz/>
7. <http://www.bilimdon.uz>
8. <http://www.edunet.uz>
9. <http://google.co.uz/>,
10. <http://www.lex.uz>,
11. <http://www.ziyonet.uz>.

ФИНЛЯНДИЯ ТАЪЛИМ ТАЖРИБАСИ

Парманов А.Э., МТТДМҶТМОИ т.ф.н, доценти

Парманов Ж.А., МТТДМҶТМОИ методисти

Эсантурдиева Ш.А., ТИҚХММИ 3-курс талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада берилган. Шунингдек, мақолада қайд этилган ҳамда Финляндия мактабгача таълим тизимининг асосий афзалликлари ва ютуқлари келтирилган.

Калит сўзлар: Финляндия таълим тизим, индивидуаллик, амалийлик, ишончлилик ва ўқитувчилар салоҳияти, ихтиёрийлик, мустақиллик, таълим тизими сифати, худудий муниципалитетлар, ҳокимлик, Фин тажрибаси, эксперт гурӯҳи .

Ўқитувчилик Финляндия жамиятида нуфузли касблардан бири саналади. Ёшларнинг жуда кўпчилиги ушбу касбни эгаллашга интилади. Таълим тикилган маблағлар мамлакатни нокулай иқлимига қарамасдан, ноchor давлатдан билимга асосланган иқтисодиётга эга, яшаш даражаси юқори бўлган мамлакатлардан бирига айлантириди. Ўзбекистонда ҳам ўсиб келаётган ёш авлод ижобий ўзгаришлар ва чексиз чексиз имкониятларни намойиш қилмоқда.

Финляндияда айни пайтда асосий эътибор таълим сифатига қаратилган. Таълим жараёни доимо мамлакат ишлаб чиқариш сектори эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ кечади. Яъни Финляндия таълим жараёнларига ёндашувни ўзгартириш ва ўқувчиларни имтиҳонга эмас, ҳаётга тайёрлаш эвазига ушбу кўрсаткичларга эришди.

Мактабларда ўқув йили Финляндияда август ойида бошланади. Синфларда фаол, аълочи ўқувчилар ва қолоқ ўқувчиларга ажратиш йўқ. Бошланғич синф ўқувчилари кун мобайнида 75 минут танаффус вақти

олишади. Америкада бу күрсаткыч -27 минутдир. Финляндияда таълим тизими 100% давлат томонидан молиялаштирилади. Мактаб даврининг дастлабки олти йилида ўқувчиларга баҳо қўйилмайди. 30% ўқувчилар дастлабки 9 йил давомида мактабдан қўшимча ёрдам маблағи олишади.

Илмий ишлар олиб бориладиган ўқув гурухлари амалий тажриба ва экспериментларни енгил бажаришлари учун энг кўпи билан 16 талабадан иборат бўлади. Таълим вазирлиги регламентида бу 1600 дан ортиқ бўлмаслиги кўрсатилган бўлсада, ҳар йили Финляндия университетларида 1800га яқин докторлик иши ҳимоя қилинади.

Мактаб ўқитувчилари бир кунда дарс беришга 4 соат сарфлашади ва уларга ҳафтада 2 соат шахсий касбий маҳоратни ошириш соати берилади.

Финляндияда барча ўқитувчилар магистр даражасини олган бўлишлари керак ва бу тўлиқ субсидиялаштирилади.

Фин ўқитувчисининг ўртача ойлик маоши йилига 29 000 долларни ташкил этади. (2008 йил).

Ўқитувчилар Финляндия жамиятида врачлар ва хуқуқшунослар мавқеси-статусидадирлар.

Финляндия таълим тизимининг 7 та асосий тамойили мавжуд: тенглик, бепул таълим, индивидуаллик, амалийлик, ишончлилик ва ўқитувчилар салоҳияти, ихтиёрийлик ҳамда мустакиллик.

Финляндиядаги барча мактаб ўқувчиларига бир хил шарт-шароит ва таълим тизими амал қиласди.

Бепул таълим Финляндия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларидан саналади. Чунки унда мактабгача ва ўрта умумий таълим олиш бепул.

Индивидуаллик — ўқитувчилар дарсларни қийин ўзлаштирадиган ўқувчилар, яхши ўзлаштирган ўқувчилар билан алоҳида шуғулланади. Қўшимча дарслар ўтилмайди.

Амалийлик — ўқувчиларни имтиҳонга эмас, ҳаётга тайёрлашдан иборат. Масалан, ўқувчилар дарсларда виза картадан қандай фойдаланиш, шартномалар тузиш, сайtlар яратиш, тикиш, овқат пишириш, маркетинг ва сотув каби амалий ишлар билан ҳам шуғулланади.

Ишончлилик ва ўқитувчилар салоҳияти тамойили барча мактабдаги ўқитувчиларнинг магистратура даражасига эга бўлиши шартлигини англаатади. Финляндияда ота-оналарнинг ўқитувчиларга ишончи юқори. Ўқитувчилар хурматли шахс саналади. Улар салоҳиятининг юқорилиги фин таълим тизими муваффакиятининг асосий омили ҳисобланади. Мактаб маъмурияти ва ота-оналар ўқитувчиларнинг ўз вазифасига сидқидилдан ва масъулият билан ёндашишига ишонади.

Ихтиёрийлик — ўқувчиларнинг дарсда иштирок этиш, этмаслиги ўзларининг ихтиёрида эканлигини англатади. Ўқитувчи агар ўқувчини қизиқтира олмаса, ўқувчи синфни тарк этиши ёки ўзи ёқтирган бошқа бир машғулот билан шуғулланиши мумкин.

Мустақиллик — ўқувчиларга билим ва қўникмаларни ўзлаштиришда имкон қадар эркинлик беришдан иборат. Олган билимларини ҳаётга татбиқ этиш кўникмаси амалий машғулотлар ёрдамида шакллантирилади. Ўқувчининг ҳар қандай фикри инобатга олинади ва қўллаб қувватланади.

Ўқувчига фақат ёдлаш ёхуд ўзимиз билган билим ва тажрибани ўргатиш билан чеклансан, у биз юрган йўлдан юриши ёки биз билган нарсанигина билиши мумкин. Биз агар ўқувчига мустақил фикрлашни ўргатсан, у ҳам узоққа боради, ҳам жамиятда ўз ўрнини топади.

Финлагдияда ёшлар ўртасида ўқитувчилик касби эгаллашга иштиёқ жуда юқори. Бу жуда муҳим. Чунки ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, таълим натижаларини баҳолаш ва соҳага оид қарорлар қабул қилишда ўқитувчи асосий ўрин тутади. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги юқори даражадаги ҳамкорлик таълим тизимининг узлуксиз ишлашига ёрдам беради.

Ўқитувчи бўш вақтининг кўп қисмини ўзлаштира олмаётган, эътибор талаб қиласидан ўқувчиларга сарфлайди. Бунга унинг асистенти ёрдам беради.

Ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини оширишга “Таълим тизими сифати ўқитувчи сифатидан юқори бўла олмайди” тамойили асосида ёндашиллади. Олий таълимнинг энг яхши битирувчилари ўқитувчиликка жалб қилинади.

Финляндия таълим тизими бу даражага етгунича соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилган. Таълим соҳасида қарорлар қабул қилишда кўп ваколатлар қуий бўғинга берилди. Соҳага кўпроқ худудий муниципалитетлар, яъни ҳокимликлар масъул этиб белгиланди. Шу боис бизда ҳам айни пайтда таълим соҳасида маҳаллий Кенгаш ва ҳокимликларнинг роли ҳамда масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2020 йилнинг 30 октябрь куни муҳтарам Президентимиз раислигига ўтказилган видеоселектор йиғилишида мактаб таълими бўйича илғор давлатлар тажрибасини ўрганиш, хусусан Финляндия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда муваффақиятларини ўрганиш, хусусан, таълим сифатини ошириш, мактабларда ўқув юклamasи ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақатгина ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласи айниқса долзарблик касб этиб, давлат сиёсатидаги устувор йўналишлардан

бирига айланганини таъкидлар экан, бу борада Финляндиядек илфор давлат билан яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан айнан Финляндия мисол қилиб кўрсатилгани бежизга эмас. Ушбу мамлакат таълим сифатини баҳолаш бўйича ўтказилган халқаро тадқиқотлардаги ўз муваффақиятлари билан ажралиб туради. Фин ўқувчилари таълим сифатини баҳолаш бўйича тадқиқотидаги барча йўналишларда саводхонлик кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижаларга эришиб келмоқда.

Маълумот ўрнида, Финляндиянинг асосий таълим тўғрисидаги қонунида (1998 йил) Финляндия таълим министри учта асосий мақсади белгилаб берилган: (1) ўқувчиларга ҳаётда зарур бўлган билим ва қўникмаларни бериш, (2) жамиятда ривожланиш ва тенгликни тарғиб қилиш ҳамда (3) бутун мамлакат бўйлаб таълим соҳасида тенгликни таъминлаш.

Мактабларда ҳафтасига 5 кунлик ўқиш жорий этилган. Барча мактаблар бир хил мавқега эга, болалар қобилиятига кўра турли синф ёки ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ажратиб ўқитилмайди.

Фин мактабларида бошланғич таълим 6 йил давом этади ва 3-синфгача болаларга баҳо қўйилмайди, ўқитувчилар томонидан уйга вазифа деярли берилмайди, 2017 йилдан аксарият мактаблар дарс вақтида «ручкадан воз кечишган» ва дарс жараёнида тўлиқ компьютер ва планшетлардан фойдаланилади.

Мазкур мамлакат таълим тизимидағи илфор жиҳатларни ўрганиш учун Таълим инспекцияси ва тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда «Йўл харитаси» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда фин таълим тажрибасини ўрганиш ва уларни мамлакатимизда самарали татбиқ қилишга қаратилган вазифалар, ҳамкорлик йўналишлари, чора-тадбирлар ўз аксини топган. Пандемия муносабати билан юзага келган шароитга қарамай, финляндиялик мутахассислар билан мунтазам равишда онлайн тарздаги учрашувлар ва семинарлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Финляндия миллий таълим агентлиги эксперtlари иштирокида таълим тизимини ўрганиш бўйича онлайн учрашув бўлиб ўтди. Шунингдек, 18-20 ноябрь кунлари Таълим инспекцияси томонидан Хельсинки университети педагогика факультети профессори, Таълим сифатини баҳолаш маркази директори жаноб Ристо Хотулайнен билан учрашув ўтказилган эди.

Учрашувда Ўзбекистон вакилларининг Финляндия таълим тизимини жойига борган ҳолда ўрганиш, бу борада яқиндан ҳамкорлик қилиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Хусусан, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Улугбек Ташкенбаев Финляндиянинг таълим соҳасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган йўл харитаси бўйича батафсил маълумот берди.

— Финляндия тажрибасини ўрганиш бўйича ўзбек томонининг идораларо ишчи гуруҳи шакллантирилади ва аниқ вазифалари белгиланди, — деди Таълим инспекцияси бошлиғи Улугбек Ташкенбаев. — Ишчи гуруҳ таркибига: Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари жалб қилинади.

Фин тажрибасини Ўзбекистонда жорий қилиш бўйича фин мутахассислари ва Финляндиядаги фаол ватандошларимиздан иборат эксперт гуруҳини ташкил этиш ва улар билан ҳамкорлик ўрнатиш 2020 йил декабрь – 2021 йил февраль ойларида амалга оширилади. Бунда Ўзбекистоннинг Латвиядаги элчихонаси қўмагида гурухга киритиш учун Финляндиядаги ватандошларимиз рўйхати шакллантирилади, эксперт гурухи аъзоларининг Ўзбекистон таълим тизими бошқарув органлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлиги йўлга қўйилади.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сонли Қонуни (2019 йил 16 декабрь).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б. 39.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.103.
4. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 1989 - 80 с.

Интернет манбалар:

5. “O’zbekiston”, 2018.
6. <http://www.pedagog.uz/>
7. <http://www.bilimdon.uz>
8. <http://www.edunet.uz>
9. <http://google.co.uz/>,
10. <http://www.lex.uz>,
11. <http://www.ziyonet.uz>.

MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARDA MILLIY G'URUR HISSINI SHAKLLANTIRISH

*Qodirova Sh.X., TerDu o'qituvchisi
Alisherova Sh., TerDu 1-kurs talabasi*

Bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biri-bu mustaqil davlat talablariga javob beradigan yosh avlodni voyaga yetkazish, kadrlar tayyorlash, uzlusiz ta'limgardiy tarbiya tizimini milliy qadriyatlar va urchodatlarimiz asosida yaratilishi. Mamlakatimiz ta'limgardiy muassasalarida oxirgi yillarda yoshlarning ma'naviy tarbiyasiga katta ahamiyat berilmoqda.

Mamlakatimiz mustaqillikning dastlabki kunlaridan boshlab yoshlarni tarbiyasiga alohida e'tiborini qaratdi. Ta'limgardiy sohasida milliy-ma'naviy qadriyatlarni shakllantirish va rivojlantirish asosiy o'rinni tutadigan bo'ldi. Yoshlarda milliy g'ururni shakllantirish va mustahkamlashga alohida ahamiyat berilayotganligi fikrlarimiz isbotidir. Istiqlol mafkurasi yetuk milliy ong, milliy birdamlik tuyg'usi zaminida shakllangan vatanparvarlikni ham o'z ichiga olar ekan, ona-Vatan o'tmishini, uning tarixiy taraqqiyot yo'li, olamga mashhur shaharu maskanlari, ma'naviyat yulduzlari va noyob obidalarni bilmagan, ular bilan haqli ravishda faxrlanmaydigan kishini haqiqiy vatanparvar deb bo'lmaydi. Tarixiy merosga hurmat, uning yaratuvchisi, haqiqiy egasi bo'lgan halq ommasiga, millatiga, uning o'tmishiga cheksiz ehtirom va mehr-oqibat bilan yondashish ma'naviy yuksalashga olib keladi. Boy tarixiy merosga tayanish, undan fahrlanish, o'tmish vatandoshlarimizning tarixiy me'roslarini ilmiy jihatdan o'rganish hozirgi yosh avlodni har tomonlama komil inson qilib tarbiyalashda muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

Erksevar xalqimiz mustaqillik tufayli o'z yeri, o'z tili, o'z diniga ega bo'ldi; milliy g'ururi, izzat-obro'si tiklanib, endilikda qadriyatlarmiz, ma'naviy merosimizdan bahramand bo'lmoqda. Mustaqillik va ma'naviyat bir-biriga g'oyat bog'liq tushunchalar. Ma'naviyati buyuk xalqni qul qilish, abadiy istibdod zulmi ostida saqdash mumkin emas. Bunday ma'naviyatning kamol topishi, qalblarga singishi uchun mustaqillikni mustahkamlash lozim. Kelajagi buyuk davlat, ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar qudratli ma'naviyat zamirida vujudga keladi. Har bir alohida shaxsning va butun millatning ma'naviy kamoloti orqali demokratik huquqiy davlat barpo etiladi. Davlatimiz rahbari shu bois ma'naviyat va ma'rifatga doimo katta e'tibor berib kelmoqda. Shu oqilona siyosat tufayli xalqimiz o'zligini tanib, o'z shajarasini idrok etmoqda, tarix oldidagi vazifasini anglab olmoqda.

Hozirgi davrda ma'naviyat masalasi mustaqillikni mustahkamlash, istiqlol sari ishonch bilan borishda shaxs ma'naviyatini shakllantirish masalasi asosiy yo'nalishlardan hisoblanadi. Yetuk madaniyatli insongina istiqlol mafkurasini egallab, kelajak tomon ahillik, birodarlik asosida boradi. Ma'naviyatimizni tiklash

va rivojlantirishda milliy til va milliy madaniyat, milliy ong, milliy o'z-o'zini anglash, milliy his-tuyg'u, milliy g'urur va g'ururni o'stirish muhim o'rinda turadi. Milliy g'ururning bir jihatni Vatanga, millatga, elu yurtga sadoqat bilan xizmat qilishdir. Vatanini sevmagan, millatining tarixi va taqdiriga loqayd qaraydigan insonning komilligi haqida so'z bo'lishi mumkin emas.

Hech bir avlod milliy ma'naviyatni yangitdan yaratmaydi, balki o'z ajdodlari tomonidan yaratilgan ma'naviy boyliklarni meros qilib oladi. Qaerda ma'naviy-madaniy, axloqiy kamolot yuksak bo'lib, ma'rifiy-tarbiyaviy tadbirlar oqilona yo'lga qo'yilgan bo'lsa, shu yerda jamiyatning ijtimoiy adolat mezonlari tez rivojlanganligi tarixdan ma'lum. O'tmish merosimizni o'rganishning yana bir muxim tomoni mavjud. Bu diniy qadriyatlargacha munosabatdir. Ota-bobolarimiz o'tmishini asossiz ravishda, o'ylamay-netmay qoralab bo'lmaydi. Shu boisdan ular o'tmishga bo'lgan munosabatda aql-idrokni ishlatib, "ming o'ylab bir kesish" naqliga amal qilib, bolalarini tarbiyalab kelganlar. Tarixiy merosga noto'g'ri munosabat, uni inkor qilish bolalarni otalariga, yosh avlodni keksa avlodga nisbatan ishonchszligini tug'diradi. Bu esa yomon oqibatlarga olib kelishi mumkin. O'tmish yillarini faqatgina sanash emas, saboqlardan iborat aqli kitobdek o'qimoq lozim.

Tariximiz, madaniyatimiz, milliy urf-odatlarimizga e'tibor kuchaydi. Milliy qadriyatlarimizni tiklash, urf-odat va an'analarimizni asrab-avaylash, xususan, yosh avlod qalbi va ongiga Ona yurtga muhabbat, istiqlolga sadoqat tuyg'ularini chuqr singdirish, milliy g'oya targ'ibotini hamda ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Barpo etilayotgan yangi muhitda yoshlarda ma'naviy ehtiyojlarning ortib borayotganligini ham sezish mumkin. Ma'naviy ehtiyojlarning shakllanishi, ularni qondirish moddiy ehtiyojlarga nisbatan ancha qiyin va murakkab kechadigan jarayondir. Bugungi kunda qobiliyatli, bilimli, ma'naviy, axloqiy jihatdan kamolotga yetgan, mustaqil fikrlay oladigan, xalqining ravnaqi uchun xizmat qilishga bel bog'lagan, fidoiy yoshlarimiz juda ko'pchilikni tashkil etadi. Ular Vataniga sadoqatli bo'lish, milliy davlatimizning mustaqilligini mustahkamlash, xalq madaniyati, ma'naviyati, ma'rifatini yanada rivojlantirish kabi muhim masalalarni hal qilishni o'z oldiga maqsad qilib qo'yganlar.

Barkamol avlod tarbiyasiga katta e'tibor berilayotgan bugungi kunda ulug' ajdodlarimiz merosini o'rganmog'imiz juda muhimdir. Bola hayotinig dastlabki yillaridan boshlab uni tarbiyalashning milliy an'analarimizga xos shakllarini qo'llash lozim. Bizning xalqimiz milliy tarbiya an'analariga boy halq. Shunday ekan sharqona odob, bashariyatning ezgu intilishlarini aks ettiruvchi tarbiya vositalaradan foydalanish zarur. Milliy istiqlol mafkurasining negizida yosh avlodni milliy mustaqillik ruhida tarbiyalash yotadi. Bu esa yoshlarni milliy g'urur, milliy ong va o'z-o'zini anglash, vatanpapvarlik tuyg'ularini shakllantirishni taqozo

etadi. Ta’lim-tarbiya milliy istiqlol g’oyasinig amal qilish tamoyillariga tayangan holda olib borilganida kutilgan natijalarga erishish mumkin.

Ota-bobolarimizdan xalqimizga meros qolgan saxiylik, mehmono’stlik, rostgo’ylik, tantilik, sadoqatlilik, poklik, jihatlari hisoblanadi. Ushbu hislatlarni yosh avlod ongida shakllantirish, ular ruhiyatini xalq durdonalari bilan boyitish, milliy qadriyatlardan oqilona foydalanishga e’tiborni qaratish lozim. Milliy-ma’naviy boyligimizni yoshlar egallashlari uchun, uning bebaho durdonalarini keng ko’lamda namoyish qilishimiz, bular to’g’risida yoshlar ongiga muayyan bilimlarni singdirishimiz, milliy o’zlikni anglash, tasavvurlarni shakllantirishimiz lozim. Bu shaxs ma’naviyati va ruhiyatiga, aql-zakovatiga tetiklik baxsh etiladi va uni yaxshilik, samimiylilik sari yetaklaydi. Bolalar qalbiga milliy-ma’naviy barkamollikni singdirishda ulug’ mutafakkirlar Abu Ali Ibn Sino, Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur, Alisher Navoiy, Mirzo Bobur, Abu Nasr Forobi, Abu Rayhon Beruniy kabi bobolarimizning ijodlarida ta’lim-tarbiyaning umumiyl metodologik masalalari, o’qituvchi va o’quvchining o’zaro munosabati, o’quvchiga ijtimoiy muhit orqali ta’sir ko’rsatish yo’llari, o’qitish usullari haqidagi qarashlari ayni paytda ham muhim ahamiyatga egadir. Barkamol avlodni milliy-ma’naviy qadriyatlar asosida tarbiyalash ularda ona-yurtiga muhabbat tuyg’ularini, uni himoya qilish, asrab-avaylashga qaratilgan intilishlarini kuchaytirishga yordam beradi. Milliy jihatdan o’zligini anglagan insongina davlati oldida turgan asosiy maqsadlari nimadan iboratligini tushunib, xalq oldidagi mas’uliyatini chuqur anglaydi. Yoshlarni milliy qadriyatlar asosida tarbiyalash ularning ijtimoiy faolligini oshirishga xizmat qilib, ma’naviy komillikka erishuvida asosiy va belgilovchi omil vazifasini o’taydi.

Milliy g’urur, milliy va ma’naviy qadriyat, birdamlik va hamjihatlik tuyg’usi zaminida shakllangan vatanparvarlikni ham o’z ichiga oladi. Yosh avlodlarda ona zaminga bo’lgan muhabbat, u bilan faxrlanish qanchalik kuchli bo’lsa, Vatanni sevish, yuksak darajada e’zozlash kuchaysa, har bir inson o’z vatani tarixi, milliy qadriyatları, o’zining ona tilisi, madaniyati, milliy urf-odatlari, an’analarini mukammal bilsa, millat taqdiri va istiqboli haqida chuqur tasavvurga ega bo’lsa, mustaqillik shunchalik mustahkam va barqaror bo’ladi.

Foydalilanigan adabiyotlar ro’yxati

1. Otamurodov S, “O’zbekiston ma’naviy-ruhiy tiklanish”. Toshkent, “Yangi asr avlodi” 2003 yil, 113-b
2. Maxmudov Y.F, “Milliy g’urur-ma’naviy komillik mezoni”. T., Dizayn-Press 2011. 327b
3. Tajiddinov S.X. “Oila tarbiyaning dastlabki muhiti” //Bola va Zamon. Toshkent, 2006-35-39b

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БОЛАЛАРГА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

Разоқов Б.Б., МТТДМҚТУМОИ таянч докторанти

Закиров А.А., МТТДМҚТУМОИ псих.ф.н., доц.

Ушбу мақолада болаларга хорижий тилларни уларнинг ёшлик давридан ўргатишнинг афзаликлари таҳлил қилинган ва хорижий тилларни ўқитишининг сифати ва самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи методик тавсиялар берилган.

Таянч сўз ва тушуунчалар: хорижий тиллар, ўқитиши, фойдаланиш, ривожлантириш, интерфаол ўйинлар, мантикий фикрлаш, имитация ўйинлари, таълимий ўйинлар, дидактик лойиҳалаштириш, электрон, электрон ресурс.

“Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиши вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукаммал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим”, –

III. Мирзиёев

Бугунги кунда мамлакатимизда барча таълим босқичларида хорижий тилларни ўргатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунга асос сифатида, президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигига жорий йилнинг 6 май куни ўтказилган “чет тилларини ўқитиши тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари” юзасидан видеоселектор йигилишидаги давлатимиз раҳбари – “Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиши вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукаммал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим”, – дея алоҳида такидлаб ўтдилар.

Демак таълим тизимининг дастлабки босқичи ҳисобланган мактабгача таълим ташкилотларида таълим тарбия жараёнида болаларни хорижий тилга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Айнан бу ёш даврида болалардаги психологик билиш жараёнларининг ривожланиши анча тезкор.

Шу нуқтаи назардан, мактабгача таълим ташкилотлари узлуксиз таълимнинг биринчи қадами бўлибгина қолмай, балки фаол, ижодкор ва маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантирувчи илк поғона ҳамдир. Шунинг

учун, мактабгача таълим такшилот(МТТ)ларида таълим ва тарбия жараёнини юқори савияда ташкил этиш, тарбияланувчи болаларга таълимнинг кейинги босқичларида қийналмасдан муваффақиятга эришишларида имконият яратади. Шу боис ҳам, сўнгги йилларда МТТларида хорижий тилни ўргатиш унинг мазмунида изчиллик ва узвийликни таъминлаш, таълим турларида хорижий тилини ўргатиштишнинг янги усул, метод ва технологияларини ишлаб чиқиши, машғулотларни дидактик лойиҳалаштиришда илғор замонавий педагогик технологиялар ҳамда ахборот коммуникацион технологияларини кўллаш каби муаммоларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларга хорижий тилга ўргатишида ўйин муҳим восита ҳисобланади. МТТларида хорижий тилларни ўргатишида ўйинлардан фойдаланиш бўйича асосланган услубий ишланмаларнинг камлиги, машғулотлар жараёнида ўтказиладиган ўйинлар ўрнининг мавҳумлиги, айнан хорижий тилларини ўргатишида уларга қўйиладиган талабларнинг ишлаб чиқилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Ваҳоланки, дидактик ўйинлар болаларда хорижий тилида сўзлай олиш мотивларини вужудга келтиради, уни ўрганишга бўлган қизиқишини ортиради, бу эса ўз навбатида бола шахсининг таълими, тарбияси ва камолоти самарадорлигини ошишига хизмат қиласи.

Ўйин орқали машғулот ташкил этишида болаларнинг хорижий тилидаги лугат бойликларини тўплаши, кўплаб шеърлар, қўшиклар орқали тил қўникмаларини ва нутқ қобилияtlарини ўзлаштириш учун қулай шароит яратилади. Ўйин фаолиятига ишониш қобилияти чет тилида нутқ учун табиий туртки беришга, ҳатто энг оддий ибораларни ҳам қизиқарли ва мазмунли қилишга имкон беради. Хорижий тилини ўрганишда ўйнаш таълим жараёнига билан бевосита боғлиқдир. Таълимий ўйинлар қўйидаги асосий шакларга бўлинади:

- вазиятли;
- ритмик-музиқий;
- бадиий

- Вазиятли — бу муайян вазиятда алоқа вазиятларини симуляция қиласидиган роль ўйнаш ўйинлари. Роль ўйнаш — бу болаларнинг муайян ролларни бажариши, турли хил ҳаётий вазиятлар ўйналадиган ўйин фаолияти, масалан: сотувчи-харидор, шифокор-бемор, актёр ва унинг мухлислари ва бошқалар. Тавсия этилаётган ўйин орқали болаларда стандарт диалогни кўпайтиришни, уни муайян вазиятга қўллай олишни ва ҳар хил моделлардан фойдаланиш ва ўзгартиришни импровизация қилиш қўникмаларини шакллантирилади.

Ритмик-музиқий ўйинлар — бу ҳар хил аńянавий ўйинлар, масалан, думалоқ рақслар, қўшиқлар ва шериклар танлови билан рақслар, бу мулоқот қобилиятларини эгаллашга эмас, балки нутқнинг фонетик ва ритмик-мелодик жиҳатларини яхшилашга ёрдам беради.

Бадиий ёки ижодий ўйинлар — драматизациялар (яъни чет тилида кичик саҳналарни саҳналаштириш), визуал ўйинлар, масалан, график диктант, расмни бўяш ва ҳк. Масалан, болага тайёр расмни кўрсатишингиз ва у тасвирни ўрганаётганда ўқитувчи расмда тасвирланган предметларни яъни янги сзларни чет тилида кўп марта такрорлайди, тафсилотларни номлайди. Шундай қилиб, бола ижодий фаолияти билан хамоҳанг равишда чет тилидаги янги сўзларни онгли равишда хотриасига сақлаб боришига эришамиз.

Ривожланган давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, бугунги кунда машғулотларни имитация ўйинлари, жумладан болалар ёшига мос мультимедиали ўйинларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зоро, машғулотларда замонавий компьютер технологиялари ва жиҳозларидан фойдаланган ҳолда болалар қизиқишини орттириш ҳамда унинг натижасида таълим самарадорлигига эришиш мумкинлиги аниқланган. Аммо хорижий тилини ўрганишнинг ноанъанавий шакллари ҳисобланган электрон дидактик ўйинлардан фойдаланиш тажрибаси республикамизда кенг оммалашмаган. Бунинг асосий сабаби ўзгарувчан педагогик технологиялар шароитида мактабгача ёшдаги болаларнинг ёшига мос бўлган дидактик электрон ўйинлар дастурий таъминотининг яратилишига етарча эътибор берилмаганлиги, дидактик электрон ўйинлардан фойдаланиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилмаганлиги ва ушбу дастурларнинг турлари ва афзалликлари етарлича тарғиб этилмаганлигидир.

Бу муаммонинг ечимини топиш вазифаси ва уни назарий асослаш ҳамда амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш ҳануз етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур илмий мавзуни атрофлича ёритишга туртки бўлди.

Мазкур муаммоларни ечимини топиш, ўз навбатида:

- мактабгача таълим ташкилотларида хорижий тилига ўргатишга оид адабиётлар танқидий ўрганиб чиқиб, улардан олиб борилаётган тадқиқотлар жараёнида таҳлилий фойдаланиш;
- мактабгача таълим муассасалари учун мўлжаланган мавжуд чет тилидаги дарслиқ, ўқув қўлланма ва дастурларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш;
- МТТда хорижий тилини ўргатиш мақсадларига аниқлик киритиш ва ўқув предмети олдида қўйилган дастурий вазифаларни замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиши тақозо этади.

Мактабгача таълим ташкилотларида чет тилини ўргатишда болаларнинг тил ўрганиш самарадорлиги ортади, қачонки:

- тилни ўргатиш пухта ишланган методик тавсиялар асосида ташкил этилса;
- пухта ишланган методик тавсиялар асосида пухта ишланган дидактик таълимий ўйинлардан фойдаланилса;
- чет тили машғулотларида болалар ёшига мос электрон ресурс ва мультмедиали иловалардан кенг фойдаланилса;
- таълим мазмунида мантиқий давомийлик таъминланса.

Юқорида таъкидланганидек, боланинг тил қобилияtlари тузилишини ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузиш ва ривожланишига йўналтирилган бўлиши керак. Чет тилида мулоқот мотивация ва йўналтирилган бўлиши керак. Болада чет тилидаги нутққа нисбатан ижобий психологик муносабатни яратиш керак ва бундай ижобий мотивацияни яратиш усули ўйинлардир.

Чет тилини ўргатишнинг яна энг машҳур воситаларидан бири бу — ўрганилаётган хорижий тилидаги бола ёшига мос бўлган мультфильмлардир. Болалар мультфильмларни яхши кўрадилар ва уларни кетма-кет томоша қилишдан завқланадилар. Шунинг учун чет тилидаги мультфильмлар бир вақтнинг ўзида болаларга чет тилини ўргатишнинг кўплаб муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради:

- болада "нега бу сўзларни ўрганиш керак" деган тушунча йўқолади;
- у мультфильм томоша қилишга қизиқади ва персонажларнинг ибораларини такрорлашдан зерикмайди;
- мультфильмлар болага нафақат янги сўзларни англаш ва ўрганиш, балки инглизча нутқ товушларини ўзлаштиришда ҳам ёрдам беради;
- такрорлаш — агар болага мультфильм ёқса, у худди шу мультфильмни ёддан ўрганмагунча қайта-қайта кўришдан зерикмайди.

Шундай қилиб, мактабгача ёшдаги болаларнинг хорижий тилидаги нафақат луғат бойлигини оширишда балки тилга бўлган қизиқишини ортиришда юқорида келтирилган усуллар орқали болларнинг кўнимкамларини мустаҳкамлаш ниҳоятда самарали бўлиб, боланинг гапириш ва тинглаб тушуниш қобилиятининг ривожланишида муҳим ўрин тутади, шунингдек, хорижий тилни эгаллашга нисбатан мотивацияни пайдо қилишга хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Обучение иностранному языку дошкольников/обзор теоретических позиций. Иностранные языки в школе. №1. 1990. С. 38-42.
2. Методика обучения английскому языку детей -быстрый и эффективный способ [Электронный ресурс]

<http://www.comenglish.ru/angliyskiy-dlya-rebenka/metodika-obucheniya-angliyskomu-yazyku-detey-bystryy-i-effektivnyy-sposob>

3. Божович Л.И. Личность и её формирование в детском возрасте. СПб.: Питер Пресс, 2009. 400 с.

4. Махмутов М.И. Организация проблемного обучения в школе. М., 1999.

5. Авдулова Т.П. Психология игры: современный подход: учеб. Пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия». 2009. – 208 с. С.146-152

6. Аникеева, Н. П. Воспитание игрой / Н. П. Аникеева - М.: Просвещение 144 с. С. 20 – 48

7. Абдуқодиров А.А. Педагоглар малакасини оширишда масофали ўқитиши методикаси // Ахборот коммуникация технологиялари бўйича педагоглар ва мутахассислар малакасини ошириш: тажриба ва муаммолар //Ил.-услуб.конф.мат..(23 июнь, 2004 йил) . – Т., 2004. – Б. 8-15.

8. Абдуқодиров А.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти. – Қарши: «Насаф» нашриёти, 2011. – 229 б.

9. ‘Developing children’s understanding of the Global Goals’ in Integrating Global Issues in the Creative English Language Classroom Ed Maley A & Peachey N, British Council, 2017

10. Course design and evaluation in primary teacher education‘ Ellis G. & Read C. in Teaching Children English: from research to practice Ed Giannikas C, McLaughlin L, Fanning G & Deutsch Muller N, Garnet Publishing Ltd., 2015

11. Seven pillars of creativity in primary ELT‘ in Creativity in the English Language Classroom Ed Maley A & Peachey N, British Council, 2015

Foreword to Teaching English to Young Learners: Critical Issues in Language Teaching with 3-12 Year Olds Ed. Bland J., Bloomsbury Academic, 2015

12. Supporting teachers in suppo Developing children’s understanding of the global goalsrtting learners’ in Picture Books and Young Learners of English Ed Enever J. and Schmid-Schönbein G. Langenscheidt ELT, 2006

ПЕДАГОГ КРЕАТИВЛИГИ – ТАРБИЯЛАНУВЧИННИГ ИЖОДИЙ ВА АҚЛИЙ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ СИФАТИДА МТТДМҚТМОИ

Rахимова С., МТТДМҚТМОИ н.ф.ф.д. (PhD)

Шиддат билан ривожланаётган бугунги кун педагоглар олдида тинимсиз меҳнат ва ўз устида самарали изланишлар олиб боришни тақозо қилмоқда,

ҳатто тажрибали педагог ҳам ўз фаолиятида турли муаммоли вазиятларга дуч келиши мумкин.

Таълимни модернизация қилиш шароитида ҳар қандай педагогик вазиятни замонавий вазиятга айлантира олган, мактабгача ёшдаги боланинг қобилияти, қизиқиши ва муваффақияти билан ўртоқлашган педагогнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришни ўз ичига олган педагогик фаолият самарадорлигини ошириш учун педагог ходимларни касбий фаоллаштириш давр талабидир.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг тасаввури ва ақлий фаолиятини такомиллаштиришда тарбияланувчи, ота-она, педагоглар, мактабгача таълим ташкилоти жамоасининг мақсадли ҳаракатлари муҳим ҳисобланади. Фаолиятларни муваффақиятли амалга ошириш учун санаб ўтилган педагогик жараён ҳамкорликда ҳаракат қилганларида самарали натижа беради.

Биз креативлик ҳақида гапирганимизда “ижодкор педагог”, “болаларнинг ижодий қобилияtlари” каби терминларга дуч келамиз.

Демак, креативлик педагог болаларда билим олишга бўлган иштиёқни аланга олдириши, шунингдек, ҳар бир педагог касбий ваколатининг асосий кўрсаткичларидан бири ўз фаолиятига бўлган ижодий ёндошув эканлигини унутмаслиги зарур.

Креативлик – ижодкорлик қобилияти сифатида белгиланади. Креативлик ҳақида сўз юритилганида, биринчи навбатда ўқитувчи-педагог касби кўз ўнгимизда намоён бўлади. Нима учун ўқитувчи-педагогни ижодий касб вакиллари деб атаймиз?

Мактабгача ёшдаги болани ҳамма нарсани билишни, ҳамма нарсани тушунишни, ҳамма нарсани аниқлаб олишни хоҳлайдиган тинимсиз тадқиқотчи деб аташ мумкин. Унинг атроф-муҳит ҳақидаги ўзига хос, маҳсус тасаввурлари мавжуд. У атрофдаги воқеаларга завқ ва ажабланиш билан қарайди. Унда жуда кўп қизиқарли нарсалар, воқеа ва ҳодисалар, жуда сирли ва номаълум бўлган ранг баранг дунёни кашф этади.

Мактабгача ёшдаги бола учун зерикиш ва бефарқлик табиий ҳол эмас.

Шундай экан, педагогнинг асосий вазифаси – уларнинг қизиқувчанлиги, билим фаоллигини сақлаш ва рағбатлантириш, фаолиятнинг турли соҳаларига қизиқишини ошириш, билимга бўлган эҳтиёжини қондиришdir.

Педагогик фаолият – бу доимий, кўп қиррали ижодкорликнинг намойн бўлишидир. Шундай экан, педагогда ижодий қобилияtlар ва фазилатлар мажмуаси, ташабbus ва фаоллик, дикқат ва кузатувчанлик, фикрлаш санъати, бой тасаввур ва сезги жуда юқори даражада ривожланган бўлиши зарур.

Ҳар бир инсон ўз ижодий ғоялари устида ишлаганда зарур бўлган қобилиятидан турлича фойдаланади. Мутахассисларнинг фикрича,

ижодкорликнинг намоён бўлишида озми-қўпми салбий таъсир кўрсатадиган турли ҳолатлар тўсқинлик қилади. Улар: интилишнинг етишмаслиги, дангасалик, меҳнатга бўлган қизиқишининг пастлиги, касаллик, беқарор руҳий ҳолат, заарли одатлар, тартибсиз ишлаш, вақтдан тўғри фойдалана олмаслик, характер ва тафаккурдаги салбий фазилатлар.

Касб фаолиятидан қатъий назар, ҳар томонлама ижодий ривожланган шахс – тўлиқ шаклланган шахс ҳисобланади.

Бугунги кунда ижодий фикрлаш ва ижодий қобилиятга эга инсонлар жуда қадрлиdir. Ижодий фикрлашнинг юксак даражасига эришиш, айнан ёшлиқдан бошлаб ривожлантирилиши лозим. Шу билан шахснинг ижодий салоҳиятини шаклланишида ҳисса қўшадиган педагогнинг ўрни бекиёсdir.

Мактабгача тахлим ташкилотида фаолият олиб борадиган педагогнинг креативлиги тарбияланувчини етарлича идрок этишга, ҳар бирига индивидуал ёндошувни тўғри йўлга қўйишга, болада ижодий салоҳиятни таркиб топишига ёрдам беради. Ишончни уйғотадиган ёки сўндирадиган, қизиқиши рағбатлантирадиган ёки бостирадиган, қобилиятни юксалтирадиган ёки эътиборсиз қолдирадиган муҳитни педагог яратади.

Педагог бола билан юзма-юз алоқада бўлганлиги сабабли, у ҳар куни ижодий ва ностандарт ечимларни талаб қиладиган муаммоли вазиятларни ҳал қилишига тўғри келади. Шунга қарамай, тажриба шуни кўрсатадики, ҳамма педагог ҳам ўз касбининг ижодий салоҳиятини тўлиқ англаб етмаслиги мумкин. Бу каби муаммога дуч келмаслик учун педагогнинг креативлигини ривожлантиришда касбий малакаси оширилиши зарурдир.

Мактабгача ёшдаги болаларни ижодий ривожлантириш йўлларини кўриб чиқамиз:

- ҳар бир боланинг индивидуаллигини англаш учун гурӯхларда ижодкорлик бурчакларини яратиш;

- илм-фан, маданият ва санъат муассасалари билан ҳамкорликнинг турли шаклларини йўлга қўйиш;

- мактабгача таълим ташкилоти ва оила ўртасида зарур ҳамкорликни ўрнатиш ва х.о.

Мактабгача ёшдаги болалар учун расм чизиш энг табиий ва ҳаяжонли машғулотдир. Бу боланинг атрофдаги дунёга муносабатини ифодалашнинг биринчи босқичи ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотида фаолият олиб бораётган педагогда ўз касбий савиясини ошириш, ижодкорликка бўлган интилиш ортиб бормоқда. Замонавий педагог шу каби хусусиятларга эга бўлиши шартми? Фикримизча, бугунги кунда нафақат

фарзанд тарбияси билан шуғулланувчилар, балки, ҳар қандай касб әгаси ижодкор бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирсолиева М.Т., Ибрагимова Г.Н. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат. Методик қўлланма. – Тошкент: Фан ва технология, 2014.
2. Н.С.Сайидаҳмедов, Н.Н.Индиаминов “Педагогик маҳорат ва педагогик технология”. Тошкент: Фан ва технология. 2014.
3. С.Т.Турғунов ва бошқалар. Ўқитувчининг касбий маҳорат ва компетентлигини ривожлантириш. Тошкент. 2012.
4. Холиқов А. “Педагогик маҳорат” дарслик. Тошкент: Иқтисод-молия. 2011.
5. Ш.С.Шарипова. “Инновацион таълим мұхитида ривожлантирувчи тренинглар орқали ўқитувчининг касбий компетентлигини ошириш” номли диссертация иши. Тошкент 2020.

ADAPTATSIYASI SUST KECHADIGAN MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALAR BILAN ISHLASHDA MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTI PEDAGOG SHAXSINING O'RNI

Rashidova Z.O., MTTDMQTMOI tayanch doktoranti

Zamonaviy ta'limga tizimi ko'p qirrali islohotlar sharoitida bo'lib, u amalda ta'limga tuzilmalari va tegishli ta'limga muassasalarining barcha darajalarida amalgalashmoqda. Il miy va nazariy nuqtai nazardan ta'limga isloq qilish yangi kontseptual g'oyalar bilan ta'minlanadi va eng muhimlaridan biri bu hayotiy ta'limga g'oyasi bo'lib, uni amalgalashmoqda oshirish ta'limga amaliyotida nihoyatda mushkul muammo bo'lib ko'rindi. Hayotiy ta'limga tizimining shakllantiruvchi omili uning yaxlitligidir, ya'ni, elementlarning mexanik o'sishi emas, balki maktabgacha ta'limga tizimlari va jarayonlarini chuqur birlashtirish.

Ayni paytda, maktabgacha ta'limga tizimining shakllantiruvchi omili uning yaxlitligidir, ya'ni, elementlarning mexanik o'sishi emas, balki maktabgacha ta'limga tizimlari va jarayonlarini chuqur birlashtirish.

Xulqida og'ishishi mavjud bolalar maktabda o'qishning boshlang'ich bosqichiga o'tishda alohida qiyinchiliklarga duch kelishadi. Tarbiyasida muammosi bor maktabgacha yoshdagi bolaning intellektual, hissiy-irodaviy va xulq-atvor sohasidagi og'ishlar uning yangi ta'limga muvaffaqiyatli moslashishini imkonsiz qiladi. Bundan tashqari, yangi ta'limga sharoitida boshlang'ich maktabda o'qishga tayyorgarlikning yetishmasligi bola ruhiyatidagi adaptatsiyasini qiyin kechishiga

sabab bo'ladi, bu esa bolaning sog'lig'ida psixosomatik og'ishlarga olib keladi. Shunga asoslanib, maktabgacha ta'lim muassasasida tarbiyalanmagan bolalarga psixologik-pedagogik yordamning ahamiyatini inobatga olish muhim hisoblanadi.

Xulqida og'ishishi mavjud bo'lgan bolalar bilan pedagogik ish olib borish tegishli mutaxassislarning alohida mas'uliyati va tayyorligini talab qiladi. Shu bilan birga, adaptatsiyasi sust kechadigan maktabgacha yoshdagi bolalar bilan ishslashda asosiy yuk "qiyin" bolalar bilan pedagogik o'zaro munosabatlarning muammoliligi oshgan sharoitda uzoq muddatli kasbiy stress holatida bo'lgan maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyachilariga tushadi. Tez-tez va uzoq davom etadigan stressli vaziyatlar pedagoglarning psixologik salomatligiga salbiy ta'sir qiladi. Shu sababli, xulqi og'ishgan bolalar bilan ishlaydigan maktabgacha tarbiyachining shaxsini psixologik qo'llab-quvvatlash ta'lim tizimidagi amaliy psixolog uchun eng dolzarb va istiqbolli faoliyat yo'nalishlaridan biridir.

Ilm-fanning hozirgi bosqichida maktabgacha ta'lim muassasalarida ishlaydigan pedagoglarning psixologik sog'lig'ini qo'llab-quvvatlash muammosini o'rganish uchun muayyan nazariy zarur shartlar mavjud. A.N. Leontyev, Rubinshteyn, D.I. Feldshteynlar psixologik asarlarida shaxsni shakllantirish mexanizmlarini ochib berishdi. Bolalarning matabga tayyorgarligi masalalari I.A. Venger, I.V.Dubrovina, P.I.Kravtsova, G.G. Petrenko va boshqalar tomonidan, bolalar va kattalarning aqliy va psixologik salomatligi masalalari A. Adler, V. G. Alyamovskaya, O.S. Belokrylova, B. S. Bratus, N. E. Vodopyanova, N. G. Garanyan, S. S. Goncharova, I.V. Dubrovina, J.F. Ilchenko, A.Masloular tomonidan o'r ganilgan. Shaxs rivojlanishini psixologik qo'llab-quvvatlash muammosi A.G.Asmolov, L.I.Bojovich kabi tadqiqotchilarining ilmiy izlanishlarida aks etgan.

Ular shaxsning o'zini-o'zi rivojlanirish muammolarini asosiy yondashuvlarini ishlab chiqdilar, insonning o'z hayotining sub'yekti sifatida asosiy xususiyatlarini aniqladilar, nazariy va amaliy sohada izlanishlar olib bordilar.

So'nggi tadqiqotlarda mazkur hodisa alohida darajada ilmiy tushunchaning mavzusiga aylandi. Aynan shu yo'nalishda shaxsni psixologik qo'llab-quvvatlashga va uning rivojlanishiga hissa qo'shishga, tashqi va ichki omillarni barqarorlashtirishga chidamliligin oshirishga qaratilgan yangi ta'lim va psixologik texnologiyalar jadal rivojlanmoqda (S.A.Belicheva, S.A.Badmayev, A.I.Zaxarov, V.A.Hudik , N.Zagryadskaya va boshqalar).

Adaptatsiyasi sust kechadigan bolalar bilan ishlaydigan maktabgacha ta'lim muassasasi pedagog-psixologlari shaxsni psixologik qo'llab-quvvatlash muammosini o'rganishning nazariy va uslubiy jihatlarini asoslash, ushbu qo'llab-quvvatlash ta'limning gumanistik paradigmafiga kiritilganligini va umumiy semantik ma'no, gumanistik psixologiyaning yetakchi g'oyalarini aks ettirishini yoritib beradi. Shunga asoslanib, psixologik sog'liqni tiklash va pedagogning kasbiy

va shaxsiy o'zini o'zi takomillashtirish va kasbiy faoliyatda o'zini-o'zi rivojlantirish imkoniyati bilan, stressli vaziyatlarni bartaraf etishda yordam berish uchun mutaxassisiga psixologik yordam ko'rsatiladi.

Maktabgacha ta'lif tashkiloti tarbiyachisining psixologik salomatligi - bu yaxlit ikki darajali shaxsiy ta'lif. Birlamchi quyi daraja bu mutaxassisning ruhiy salomatligi (kasbiy faoliyat, moslashuvchan qobiliyat, professional va shaxsiy deformatsiyaning yo'qligi) bilan bog'liq bo'lib, bu uning uchun zarur va yetarli asosi, o'zini kasbiy faoliyat sub'yekti sifatida o'zini-o'zi anglash qobiliyati. Ikkinci yuqori daraja rivojlanishda ijodiy darajaga erishish o'qituvchi shaxsining psixologik salomatlik darajasiga chiqishini belgilaydi, uning asosiy ko'rsatkichlari: hayot va kasbiy faoliyatning ma'nosini anglash va qabul qilish, ijodkorlik, kasbiy o'zini-o'zi boshqarish qobiliyati, stressga nisbatan chidamlilik.

Psixologik salomatlik, mutaxassisning shaxsini rivojlanirishni psixologik qo'llab-quvvatlash uchun maqsadli yo'nalish sifatida, maktabgachata'lif tashkiloti tarbiyachisining kasbiy faoliyati muvaffaqiyatining sharti bo'lib, uning shaxsiyatining umumiy sog'lig'iga tarkibiy jihatdan kiradi. Shu bilan birga, insonning psixologik sog'lig'ining muhim xususiyatlarini aniqlash ushbu tushunchaning inson ruhiy salomatligi tushunchasi bilan iyerarxik aloqasini yoritib berish bilan bog'liq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. S.X.Jalilova, S.M.Aripova, Maktabgacha yoshdag'i bolalar psixologiyasi, T., "Faylasuflar" nashriyoti, 2003
2. Абрамова, Г.С. Возрастная психология /Г.С. Абрамова.-М., 2000.622 с.
3. Андреева, Г.М. Социальная психология: учебник для высших учебных заведений/Г.М. Андреева. 5-е изд., испр. и доп. М.:Аспект Пресс, 2004.-302 с.
4. Беличева, С.А. Особенности личности и психолого-педагогическая поддержка дезаптивированных детей и подростков С.А. Беличева. -М., 2001.-326 с.
5. Studentik.net./547-tema-1.-predmet-obekt-i-metody-psik-hologii.html.97 p.

ОИЛАВИЙ ТАРБИЯ: БОЛАЛАР БИЛАН СОГЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ФАОЛ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ ВА КУТИЛМАГАН ЕЧИМЛАР

Ризаева М.М., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Бола ривожланишининг дастлабки босқичларида оиланинг тутган ўрни бекиёсdir. Болалар оиласда тарбияланади ва унда юз берадиган воқеалар уларга жуда катта таъсир кўрсатади. Болалар ота-онасининг ҳаётига доимо хаос(тартибсизлик) олиб кирган. Таъкидлаб айтамиз, доимо. Бола туғилиши билан минглаб кутилмаган, кечиктириб бўлмас ишлар пайдо бўлади.

Болада соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун унга күрсатма бермаслик, ўргатмаслик, балки бола билан соғлом турмуш тарзини бирга олиб бормоқ лозимдир. Ота-оналар ҳар доим ҳам бу ҳақда ўйламайдилар. Күпинча ота-она учун болани пуллик спорт тўгаракларига олиб бориш , албатта, тишларини юваётганда бирга бажариш ҳамда ота-она ва бола билан велосипед учиш, тўплар ўйнаш, сакрағичда сакраш, пиёда сайр қилишни одатга айлантиришдан қўра осонроқдир.

Қандай қилиб ҳар куни ҳаяжонли, фойдали ва хавфсиз фаолият бўлиши учун бир соат эмас, бир кун эмас, балки бутун бир ҳафтани уйда мазмунли ўтказиш мумкин ? Танграмм, сўз ўйини, шашка, шахмат, конструкторлар, уй театри - ажойиб! Аммо бу ўйин-кулгилар узок давом этмайди, яна бир нарса керак бўлади.



Оилада китоб мутаоласи

Болалар ҳали ҳам эртаклар, ҳикояларни эшитишни хоҳлашади. Лекин ота-оналар фарзандлари билан ўтириб, китобни вараклаш ўрнига, уни бир-икки ёшидан бошлаб мултфилмлар, телефондаги ўйинларга сунъий тобеликка ўргатадилар.

Баъзан мазмуни йўқ ёки умуман заарли , шовқинли ўйинлар, болани асаб тизимини чарчатади . Афсуски, ота-оналар бу ҳақда ўйламайдилар ёки бошқа бир муҳим деб ўйлаган ишни қиляпман деб ўйлайдилар, афсуски, бола тарбияси энг асосий мажбуриятлари эканини унитадилар.

Ўйинчоқ-китобчалар, кесма-китобчалар, харакатланувчан буюм, одам ва хайвон шакллари бор ёйма-китобчалар, ўзбек ва жаҳон болалар адабиётига мансуб турли китоблар боланинг китоб билан мулоқатини янада фаоллаштиради. Она тили жозибаси, яқин инсонлар даврасида бирга китоб ўқиши билан ўтказилган вақт, бадиий асарни бир ажойиб мўжизавий дунёдек идрок этишнинг ўзи бир олам эстетик завқ бериши аста-секин одат тусига киради ва болани ҳақиқий китобхонга айлантиради. Бола мароқ билан китоб ўқиётган катталарни кузатса, унда ижобий ибрат, одоб намунаси хосил бўлади – китоб мутолаа қилиш завқли. Шундай қилиб, хулоса қилайлик – оила шароитида китоб ўқиши кўникмалари болага бамисоли юриш ёки сўзлашиш малакалари қаторида табиий ҳолда ўтиши керак.

Оилада мактабгача ёшдаги болалар ва катталар билан ўйналадиган ўйинлар



Танграм жумбоқ

Биз турли хил жумбоқлардан фойдаланиб, мантиқни, тасаввурни ривожлантирамиз, мақсадлар қўйишни ва натижаларга эришишни ўрганамиз. Масалан, танграм - бошланғич босқичдаги энг оддий схемалардан "илгор фойдаланувчилар" учун ниҳоятда қийингача.

Бундай жумбоқни тайёр тўплам тарзда харид қилиб олиш мумкин, аммо бутун оила билан қўл меҳнати асосида тайёrlашиngиз жуда ҳам қизиқроқ. Бунинг учун сизга фақат қоғоз ёки картон варағи, бўёқлар, қайчи, яхши кайфият ва тасаввур керак. Хўш, схемаларни интернетдан юклаб олиш мумкин.



Пазлли жумбоқлар

Дунёдаги энг катта пазлли жумбоқ 42000 донадан иборат. Бундай фаолият нафақат кўзни ривожлантириши, сабр-тоқатни ва ғалаба қозониш учун иродани таҳлил қилиш ва тарбиялашни ўргатиши, балки барча оила аъзолари учун ёшидан қатъи назар қизиқарли бўлиши ҳамда жамоавий руҳни шакллантириш учун ҳам, бир хил даражада хаяжонли бўлиши учун муҳимдир.



Спорт ўйинлари

Бугунги кунда эркин фаолият, ҳаракатланиш тажрибасини бойитиш ва боланинг жисмоний фаоллик маданиятини шакллантириш каби тушунчалар ривожланмоқда. Биз болаларга жисмоний фаолликни қандай сақлаш ва соғлиғига ғамхўрлик қилишни ўргатишимиз керак.

Уйда самарали, хавфсиз ва катта завқ билан машқ қилишни истаганлар учун ажойиб ғоя. Хона ёки ҳовлида жойни тозалаймиз. Болалар билан юмшоқ ўйинчоқларни қаторига қўямиз. Биз тўп билан отиб мўлжал оламиз. Вазифа мўлжалга олиш бўлиб, аниқ зарба билан барча ўйинчоқларни уриб туширишдир.

Ўйинни аста-секин қийинластириши мумкин: ўйинчи нишондан қанчалик узоқ бўлса, "зарбани мўлжалга олиш" шунчалик қийин бўлса, уриш

керак бўлган обьектлар қанчалик кичик бўлса, шунча аникроқ нишонга олиш керак. Ва кучни тўғри ҳисоблаш, мақсадга, траекторияга бўлган масофани кўз билан баҳолай билиш ҳам муҳимдир.

Тўп билан турли спорт ҳаракатларини бажариш лозим. Масалан дарвозага тепиш, ошириб бериш, тўпни олиб қочиш каби ҳаракатларни бажариш болаларда маълум бир спорт турига қизиқиш уйғотади.



Мактабгача ёшдаги бола мунтазам жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзи соҳасининг кўрсаткичлари асосида шаклана бораётган вактда жараёнларни амалда қилиб кўргиси, ўзини синаб кўришни истайди ва муаммоларга имкон қадар тезроқ дуч келишни хоҳлади: катта кўлмақдан сакраб ўтгиси, оғир тошни кўтаргиси ёки қум ва тупроқни хусусиятларини ўрганишни истайди. Аммо у бу қийинчиликни деярли ҳеч қачон англай олмайди, қачонки ҳар қандай фаолият катталарнинг “тегма”, “бу тоза эмас”, “тўхта” деган фарёди билан тўхтатилади. Тўхтатилган ҳаракатлар занжири беш ёшга келиб, боланинг ўзига ишонмаслигига, ҳатто ундан ҳам кўпроқ қўркув, инжиқлиқ, қайсарликка олиб келади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ота-оналар кўпинча оилавий бўш вақтни тўғри ташкил этиш учун вақт, хоҳиш ва имкониятга эга эмаслар. Ота-оналар педагог -мутахассисларнинг психологик ёрдамига мухтож, аммо баъзилари бунга мухтож эмаслигини, ўзлари ҳамма нарсани билишини айтишади. Ҳозирги замон педагоглари ота-оналарда тарбияга онгли муносабатни шакллантириш зарурлигини таъкидлайди, чунки улар фарзанд тарбиясига жавобгардир. Мактабгача таълим ташкилотлари бола тарбиясида фақат ёрдам бериши, йўл қўрсатиши ва қўллаб-қувватлаши мумкин.

Демак, биринчидан, болангизни кун давомида фаол жисмоний машқлар билан фаоллаштиринг. Иккинчидан, ота-оналарга болаларни ривожлантирувчи яхши мантиқий вазифалар керак. Учинчидан, бола билан кун давомидаги ҳар қандай фаолиятимиз боланинг шахсий ташаббуси ва ота-онанинг биргаликдаги фаолияти асосида амалга оширилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти – Т.: 2020
2. “Илк қадам” мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастури. – Т.: 2018.
3. “Илм йўли” вариатив дастури. – Т.: 2019

4. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари ва “Илк қадам” давлат ўкув дастурини жорий этиш бўйича тренерлар учун қўлланма. – Т.: 2019.

5. Бола маънавияти. Узлуксиз маънавий тарбия трилогияси. II қисм. 3-7 ёшли болаларни маънавий тарбиялаш бўйича қўлланма. Тузувчи-муаллифлар: А.Қодиров, М.Қурунов ва бошқ. – Тошкент, “Sano-standart” нашриёти, 2018. – 268 б.

МУЗЫКАЛЬНОЕ ВОСПИТАНИЕ ДЕТЕЙ В ДОУ КОРРЕКЦИОННОГО ТИПА КАК СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА

Рузиева Г., докторант ИППКДСДОО

Социальная педагогика как наука, предмет и профессия прочно вошла в общественную жизнь и практику высших педагогических учебных заведений Узбекистана. Сильная социальная политика, являясь одним из приоритетных направлений государственных реформ, затрачивает вопросы оказания помощи малоимущим, престарелым, недееспособным членам общества, многодетным семьям, одиноким матерям, создание службы поддержки материнства и детства, регулирования размеров и выплат пенсий, стипендий, пособий, придание махалле статуса социального самоуправления, выделение средств на содержание домов сирот, инвалидов, престарелых и др. [1].

Социальная педагогика определяется как отрасль педагогики, исследующая социальное воспитание в контексте социализации, т.е. воспитание всех возрастных групп и категорий людей, осуществляемое как в специально созданных организациях, так и путём стихийного воздействия всей системы общественных отношений и средств массовой коммуникации [2, 3].

Однако, на сегодняшний день за пределами социально-педагогической науки вообще, и в Узбекистане в частности, остаются вопросы социального значения и социализирующей роли музыкального искусства.

Одним из самых явных факторов социализации личности являются массовые коммуникативные средства трансляции музыкального искусства, которые оказывают влияние на вкусовые предпочтения, эстетические запросы и, в конечном счёте, на мировоззрение, культуру и нравственность человека в целом. Сущность социализирующей роли музыки метко выражена Н.А.Дмитриевой, считающей, что «всякое ... искусство есть одновременно и созидание («делание») чего-либо, и познания, и общение между людьми; этими свои ми гранями оно соприкасается и с наукой, и с языком, и другими средствами общения» [4, с.15]. Попытка классификации сфер музыкальной

деятельности, оказывающей социально-воспитывающее воздействие на личность, приводит к следующим обобщениям:

1. Музыкальные культурно-просветительные учреждения – Государственный Большой академический театр им. А.Навои, Государственная филармония, Государственная Консерватория Узбекистана, Театр музыкальной комедии.
2. Специальные музыкальные образовательные учреждения – консерватория, музыкальные колледжи и лицеи, школы искусств.
3. Учреждения массового музыкального образования детские музыкальные школы.
4. Массовое музыкальное воспитание – музыкальные кружки, клубы, лектории, секции, уроки музыки в общеобразовательных школах.
5. Музыкальные конкурсы и фестивали «Шарқ тароналари», «Молодых исполнителей», «Фестиваль современной музыки» («Ильхом») и др.
6. Воздействие музыкального искусства через средства массовой информации – радио, телевидение, аудио- и видеокассеты и диски, Интернет.

Перечисленные виды и формы музыкального образования, воспитание и просвещение носят социально открытый характер и отражены в той или иной степени в музыкальной, художественно-популярной и педагогической литературе.

Однако на сегодняшний день совершенно неразработанной является проблема организации музыкального воспитания социально неблагополучных групп населения, особенно детей с двигательными, умственными, зрительными и слуховыми нарушениями, детей, содержащихся в детских домах и интернатах, обучающихся в специальных школах и классах.

Как показывает опыт деятельности данных учреждений, преподаванием музыки, организацией музыкально-воспитательной работы в них занимаются выпускники музыкальных педагогических колледжей и вузов. Однако в своей деятельности они в основном руководствуются интуитивно-педагогическими побуждениями в силу методической неразработанности основ музыкального воспитания детей с отклонениями в развитии.

В данной статье на основании опыта выпускников кафедры «Музыка и методика ее преподавания» ТГПУ им. Низами, работающих в ДОУ г. Ташкента, даётся попытка систематизации коррекционно-развивающей работы по музыкальному воспитанию в ДОУ для детей с интеллектуальной недостаточностью.

В соответствии с «Конвенцией о правах ребёнка» (1989) и «Всемирной декларацией об обеспечении выживания, защиты и развития детей» (1993) каждому ребёнку должно быть гарантировано право на развитие, воспитание

и образование с учётом его индивидуальных возможностей. Положения, отражённые в этих документах, распространяются на всех детей, в том числе и детей с интеллектуальной недостаточностью. Они обеспечивают правовую защиту детства, поддержку семьи как естественной среды жизни ребёнка, охрану здоровья, обеспечение воспитания, развития и образования детей, поддержку тех из них, которые наиболее в этом нуждаются.

Интеллектуальная недостаточность обусловлена системным характером патологических изменений, затрагивающих все стороны психофизического развития ребёнка – мотивационно-потребностная, социально-личностная, моторно-двигательная, кроме того, эмоционально-волевая сфера, а также когнитивные процессы, мышление, деятельность, речь, поведение. Последствия поражения ЦНС выражаются в задержке сроков возникновения и качественном своеобразии всех психических новообразований и, главное, в неравномерности, нарушении целостности развития.

Специальные исследования показали, что отсутствие адекватной коррекционной помощи этим детям в сензитивные периоды, какими являются раннее и дошкольное детство, приводит к возникновению вторичных социальных нарушений в развитии. Эти вторичные нарушения с началом школьного обучения приобретают характер школьной дезадаптации, которая рассматривается как дезадаптация социальная.

Поэтому «специальное воспитание должно быть подчинено социальному» (по Л.С.Выготскому) и работа по эмоциональному и социально-личностному развитию дошкольников с интеллектуальной недостаточностью должна осуществляться по нескольким направлениям:

1. В повседневном общении в группе путём привлечения внимания детей друг к другу, оказания помощи (в известных пределах), участия в коллективных работах, совместном выражении радости от результата и пр.

2. В процессе специальных игр и упражнений, направленных на развитие представлений о себе, окружающих взрослых и сверстников, системе социальных отношений; на овладение средствами взаимодействия (кооперации и пр.).

3. В процессе обучения сюжетно-ролевым и театрализованным играм (режиссёрским играм и играм-драматизациям), где вычленение, осознание и воссоздание социальных отношений является целью и средством деятельности.

4. В процессе музыкальных занятий, музыкальных игр, исполнения за счёт усиления социальной направленности их содержания.

5. В процессе развития музыкальных способностей – восприятия, слуха, чувства ритма, ансамбля, памяти.

6. Во время индивидуальной коррекционной работы.

Учитывая нетипичность темпов развития детей с интеллектуальной недостаточностью, процесс музыкального воспитания делился не на годы или по возрастным группам, а на этапы.

В основу работы с детьми была положена идея о том, что музыкальное воспитание имеет не только общеразвивающую, но и коррекционную направленность в работе с дошкольниками с интеллектуальной недостаточностью. Оно способствует коррекции многих недостатков их психического и физического развития – эмоциональной и сенсорной сферы, внимания, речи, представлений об окружающей действительности, произвольности, серийности и выразительности движений и пр. Без специальной работы, без помощи взрослых для ребёнка с интеллектуальной недостаточностью звучащий мир вообще представляет собой шумовой фон, в котором лишь единичные звуки «опредмечены», имеют смысл. Поэтому на первом этапе обучения развитие слухового восприятия, «опредмечивание» звуков окружающего и введение ребёнка в мир музыкального звучания приобретают особое значение.

Содержание раздела направлено на развитие у детей способности эмоционально, адекватно воспринимать музыку различного характера; слухового внимания и сосредоточения; музыкального слуха (звуково-высотного, ритмического, динамического, тембрового); умения участвовать в различных видах музыкальной деятельности (пении, танцах, музыкально-дидактических и хороводных играх, игре на детских музыкальных инструментах).

Работа по музыкальному воспитанию на занятиях осуществляется по следующим направлениям: слушание музыки, пение, музыкально-ритмические движения, музыкально-дидактические игры и игра на детских музыкальных инструментах. Во всех годы обучения занятия проводит музыкальный руководитель вместе с воспитателем. Однако на первом этапе обучения к их проведению активно подключаются учитель-дефектолог и логопед. Элементы музыкально-ритмических занятий учитель-дефектолог и воспитатель группы используют в процессе подгрупповой и индивидуальной коррекционной работы с детьми.

Кроме того, в свободное время воспитатель организует игры детей с музыкальными игрушками и инструментами. Музыкальные инструменты могут использоваться различными специалистами на других занятиях: во время рисования, игр с образными игрушками, игр с природным, бросовым материалом, игр, направленных на моторно-двигательное развитие. Одни и те же мелодии, музыкальные инструменты и игрушки используются в различных вариантах, что позволяет не только вызывать у детей положительное

эмоциональное состояние, но и устанавливать связи между цветом и звуком, величиной и звуком и т.п.

Содержание первого этапа:

- воспитывать у детей интерес к музыкальным занятиям, желание участвовать в музыкальных играх;
- воспитывать эмоциональную отзывчивость на музыкальное звучание;
- развивать музыкальное восприятие;
- учить ориентироваться в пространстве зала: идти к взрослому навстречу по команде (по движению руки, словесной просьбе, звуковому сигналу);
- учить ходить по залу, не задевая друг друга, собираться вместе по музыкальному сигналу;
- познакомить с простейшими наглядными моделями (на долгий звук подбирать изображение длинной ленты и наоборот; пропевая долгий звук по предъявленной карточке, делать плавное движение руками; делать короткие и резкие движения руками, сравнивая их с отрывистыми звуками, возникающими при отбивании мяча и т.д.);
- воспитывать слуховое внимание и сосредоточение;
- учить прислушиваться к звучанию погремушки, колокольчика, неваляшки или другого звучащего предмета, узнавать голоса детей, звуки различных музыкальных инструментов;
- формировать первоначальные музыкальные представления, учить узнавать знакомые мелодии;
- создавать простейшие характерные образы на основе музыкального звучания (зайчик весёлый, грустный, сердитый и т.д.).

Содержание второго этапа:

- обогащать детей музыкальными впечатлениями;
- развивать эмоциональную отзывчивость на музыку;
- развивать чувство ритма, серийность движений;
- учить вслушиваться в мелодию, узнавать и запоминать знакомые мелодии;
- учить связывать знакомые мелодии с образами животных – зайца, медведя, лошадки и др.;
- учить различать музыку разного характера: марш, пляску, колыбельную;
- расширять опыт выполнения разнообразных действий с предметами во время танцев, музыкально-ритмических упражнений (выполнять действия с флагжками, листьями, платочками, погремушками, мячами, шарами и т.п.);
- развивать музыкальный слух (тональный, ритмический, динамический, тембровый), дыхание, певческие голоса детей;

- учить петь с удовольствием, в полный голос, раскрывать рот во время пения;
- учить вовремя начинать и заканчивать пение, реагировать на начало и конец звучания мелодии;
- учить выделять вступление, начинать петь по сигналу музыкального руководителя;
- учить петь по возможности все слова песни или подпевать взрослому;
- продолжать знакомить с игрой на некоторых детских музыкальных инструментах (триоле, свирели, металлофоне, маракасе) для коллективного исполнения.

Содержание третьего этапа:

- продолжать работу по воспитанию у детей интереса к занятиям, к различным видам музыкальной деятельности, стремления участвовать в коллективных песнях, плясках, упражнениях;
- поощрять у детей желание слушать любимые песни, танцевать любимые танцы;
- воспитывать умение вслушиваться в звучание песен и инструментальных пьес, сосредоточиваться во время звучания, дослушивать до конца;
- продолжать воспитывать эмоциональный отклик на музыку;
- учить различать маршевую и песенную музыку, отличать пляску; чувствовать настроение, создаваемое определённым характером музыки;
- учить припомнить знакомые мелодии, используя вспомогательные средства (предварительный рассказ, рассматривание картинок, картин, игрушки и пр.);
- продолжать учить игре на различных детских музыкальных инструментах;
- учить произносить по возможности все слова песни, соблюдая темп песни;
- совершенствовать движения, отражающие метрическую пульсацию (2/4 и 4/4), предполагающую изменение темпа движения;
- совершенствовать пространственную ориентировку: выполнять движения по зрительному (картинке, стрелке-вектору), слуховому и двигательному сигналу;
- учить передвигаться под музыку по ориентирам, по указательному жесту, словесной команде, стрелке-вектору;
- развивать координацию, плавность, выразительность движений, умение выполнять движения в определённом, соответствующем звучанию музыки

ритме, темпе; учить чувствовать сильную долю такта (метр) при звучании музыки в размере 2/4, 3/4, 4/4;

- учить понимать коммуникативное значение движений и жестов в танце, объяснять их словами;

- учить выполнять разные действия с предметами (передавать их друг другу, поднимать вверх, покачивать ими над головой, бросать и ловить мяч, поднимать вперёд).

Систематизация и раскрытие содержания перечисленных этапов даёт возможность упорядочить методы музыкального воспитания в дошкольных учреждениях коррекционного типа, улучшить результаты работы с детьми, повысить качество педагогической деятельности учителей и воспитателей.

Список использованной литературы:

1. Социально-педагогическая концепция личности. – Ташкент: Фан, 1995.
2. Социальная педагогика/ Под ред. М.А.Галагузовой. – М.: ВЛАДОС, 2003.
3. Мудрик А.В. Социальная педагогика. – М.: Академия, 2003.
4. Дмитриева Н.А. Краткая история искусств. – М.: Искусство, 1985. Вып. 1.
5. Специальная педагогика/ Под ред. Н.М.Назаровой. – М.: Академия, 2002.
6. Программа воспитания и обучения дошкольников с интеллектуальной недостаточностью. – СПб., СОЮЗ, 2003.
7. Зимина А.Н. Основы музыкального воспитания и развития детей младшего возраста. – М.: ВЛАДОС, 2004.

БОЛАЛАРДА ОВҚАТЛАНИШ КҮНИКМАСИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШ

Рұзиева Ш.М., МТТДМҚТУМОИ катта үқитувчиси

Бевосита боланинг илк ривожланиш даврлари мактабагча таълим ташкилтотида бўлган даврларига тўғри келади. Айни мазкур босқичда соғлом овқатланиш кўникумаларини шакллантиришнинг эса ўзига хос педагогик, психологик ва ижтимоий аҳамиятга эгадир.

“Интеллектуал салоҳиятли соғлом бола шаклланишида замин яратадиган омилларнинг 70 фоизи буюк файласуф Сукротнинг фикрича, оила ва шифокорларга боғлиқ. Шунингдек, 30-35 фоизи наслга, 7 фоизи авлодга, отоналарнинг интеллектуал солоҳияти ва тарбиясига (боболар ва бувилар 7 авлоднинг илдизи сифатида доимий кейинги авлодларга озуқа (тарбия, тажриба, билим ва б.) беришлари керак), 30-35 фоизи кунлик овқатланиш тартибига, интеллектуал салоҳиятни оширувчи таомларга, етарли миқдорга

сув, йод, балиқ мойига, витамин ва минералларга, 30-35 фоизи ўқитувчиларга, ва маҳоратига боғлиқ деган фикр со-лом овқатланиш маданиятининг бола камолотидаги аҳамиятини янада яққол очиб беради.

Т.Румянцеванинг ёзишича, “ҳар бир бола кучли, тетик, чаққон бўлишни, яъни чарчаб қолмай югуришни, велосипедда сайр қилишни, сузишни, болалар билан ҳовлида ўйнашни ва муттасил бош оғриғи ва шамоллашлар билай азоб чекмасликни хоҳлайди. Ўзини ёмон ҳис этиш, касалликлар бола умумий ривожланишига салбий таъсир қўрсатади. ... Болалар боғчаси ва оиланинг вазифаси боланинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, тўғри овқатланиш унинг таркибий қисмини ташкил этади. Болаларда соғлом турмуш тарзи ва овқатланиш маданиятини ҳақидаги бошланғич тасаввурларни шакллантириш мактабгача таълим муассасалари педагоглари фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади.

“Мактабгача таълим муассасаларида бола кун тартибига риоя қилишни, ўз вақтида тўғри овқатланишни, шахсий гигиена қоидаларига амал қилишни ўрганади ва оила шароитида олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Мазкур тадқиқотимизда “соғлом овқатланиш” тушунчаси рационал овқатланиш тушунчаси билан бо-лиқ ҳолда тадқиқ қилинди. Чунки, бугунги кунда со-лом овқатланиш, тўғри овқатланиш ва рационал овқатланиш тушунчалари ҳар бирдай қўлланилмоқда. Лекин бевосита мактабгача таълим ташкилотларида болаларда соғлом овқатланиш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ ҳолда олганда, педагогик жиҳатдан мавзуга аниқ ёндашиш имкониятларини оширади.

“Истеъмол қилинадиган таомлар организм тикланишини таъминласа, йўқотилган энергияга бўлган талабни қондирса, таркибида зарур даражада оқсиllар, ёғлар, углеводлар, витаминалар, микро – макроэлементлар, ўсимлик толалари сақласа ҳамда озиқ – овқатлар ва уларнинг таркиби, миқдори ошқозон – ичак тизими ферментлари фаоллиги билан мос келса рационал овқатланиш деб аталади. Ёки бир сўз билан айтганда, истеъмол қилинадиган озиқ – овқатлар инсоннинг реал эҳтиёжларига мос келиши лозим. Рационал сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “рацион” ибораси бир кунлик истеъмол қилинадиган овқат маъносини англатса, “рационал” мақсадга мувофиқ, ақл - идрок билан таом истеъмол қилиш деган фикрни билдиради.

Бевосита мактабгача ёшдаги болалар мисолида олиб қараганда, “мактабгача бўлган ёшдаги болаларни организмида тез ўсиш, аъзо ва тизимларни шаклланиши давом этади, алмашув жараёнлари юқори тезликда кечади. Марказий асаб тизими тезкор суръатда ривожланади. Мактабгача даврни охирида бола барча асосий ҳаракатларни эгаллайди ва нутқи яхши ривожланган бўлади. Уларга, айниқса, юқори ҳаракат фаоллиги хос ва бу катта

энергия сарфланишини талаб этади. Бола организмини бундай ривожланиши хужайралар тузилиши учун керак бўлган моддалар, биринчи навбатда оқсиллар, витаминалар ва минералларни кўп талаб этади. Шунинг учун мактабгача болаларни овқатлантириш эрта ёшдаги кичкинтоларни овқатлантиришдан миқдори ва сифати билан фарқланади.

БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг соғлом овқатланиш бўйича тавсияларида “овқатланиш рациони вақт ўтиши билан турли ижтимоий ва иқтисодий омиллар, уларнинг заро мураккаб таъсири ва овқатланишнинг индивиудал моделлари орқали ўзариб туриши мумкин. Мазкур омиллар даромад, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи, озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги, индивиуал хоҳиш-истаклар, маданий анъаналар, шунингдек, географик ва экологик омилларни ўз ичига олади”, дейилади.

Шунингдек, “овқатланиш одатларини такомиллаштириш нафақат шахсий муаммо, бакил ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. Шунинг учун ҳам у алоҳида асосланган, кўп тармоқли, кўп қирралидир ва маданий жиҳатдан тегишли ёндашувни талаб этади.”

Юқоридагилардан келиб чиқб, соглом овқатланиш бу бевосита озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда уларнинг таркибига, турли ривожланиш даврларида инсон саломатлигига таъсири ва организмнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун фойдали ва айни пайтда зарарли жиҳатларини инобатга олган ҳолда, меъёрида ва вақтида истеъмол қилишдир” деган таърифни қўллашимиз мумкин.

Бугунги кунда “ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, таълим ва тарбия самарадорлигини замон талаблари асосида таъминлаш, уни дунё талаблари даражасига олиб чиқишига эришиш, ёш авлодга таълим-тарбия беришда миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниш орқали таълим-тарбиянинг моҳияти, мазмунини шакллантириш ва такомиллаштириш, мактабгача таълим педагогикаси фанининг қоида ва қонунларини халқимизнинг бой тажрибалари асосида бойитиб бориш ва унинг янги қирраларини излаш” мактабгача таълим педагогикаси олдида турган долзарб муаммодир.

Бевосита мактабгача таълим ташкилоти муҳитида шаклланган боланинг ривожланиш хусусиятларига мос кўникмалар унинг кейинги ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни “одам шахсининг ривожланиши бир қанча босқичдан ўтади. +ар бир навбатдаги босқич аввалгиси билан мустаҳкам болик бўлади, аввал эришилган босқич янада юқорироқ, босқичнинг тузилишига узвий тарзда қўшилади. Илк ёш босқичида шаклланган ривожланиш одам учун вақтинча эмас, доимий аҳамиятга эга бўлади.

Илмий адабиётларда “кўникма” тушунчасига қуидаги таъриф берилади: “Ўқувчи ёки талабанинг ўзлаштирган билимлари асосий муайян амалий ҳаракатни бажара олиш фаолияти”.

“Бирор ишда оттирилган маҳорат, малака “инсоннинг илгариги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш қобилияти. Кўникмалар амалий фаолиятга, билимларни амалда қўлай билишга оид фаолиятнинг таркибий қисмидир. Кўникма фаолиятнинг мақсади ва шароитларига мутаносиб равишда ҳаракатни муваффақиятли бажариш усулларидир. У ҳамиша билимларга асосланади, маҳорат (малака)нинг негизи ҳисобланади. Кўникма мазмунан амалий (жисмоний) ва ақлий, шаклан оддий ва мураккаб турларга ажратилади. Амалий кўникмалар меҳнат фаолиятини амалга оширишга, ақлий кўникмалар билим олишга, уни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади. Кўникмаларни билим билан адаштираслик лозим, чунки билимлар воқелик тўғри акс эттирилган ҳукм (мулоҳаза)ларда ифодаланади. Кўникмалар эса кўпроқ ақлий ва жисмоний ҳаракатларда мужассамлашади.

Ушбу таърифлардан келиб чиққанимизда «соғлом овқатланиш кўникмаси» бу – «ривожланишнинг турли босқчларида тўғри ва рационал овқатланиш бўйича олинган билимлар ва тажрибалар асосида шаклланадиган ва такомиллашиб борадиган амалий ва ақлий ҳаракатлардир».

Бугунги кунда ривожланган давлатларда уч ёшдан бошлаб мактабгача таълим ташкилотлари мухитида ота-оналар билан ҳамкорликда болаларда турли қоидаларни бажариш, шартли рефлекслар ҳосил қилиш ва бошқа усулларда болаларда овқатланиш маданиятини шакллантириш лозимлиги эътироф этилмоқда.

Жумладан, тадқиқотчилар Д.Бирч ва А. Вентура овқатланиш одатларида ва озиқ-овқат танлашда ота-оналарнинг болаларга таъсири кучли эканлигини таъкидлаган ҳолда, бундай ёндашув болаларнинг озиқ-овқатни мустақил танлаш яъни автономиясига салбий таъсир кўрсатишини айтиб ўтади.

Болаларнинг психологик хусусиятларидан келиб чиққанда, гарчи ота-оналар болалари учун ҳамиша улар яхши кўрадиган озиқ-овқат махсулотларини беришга ҳаракат қилсалар ёки маълум мақсадларда уларни чекласаларда, асосийси, “катталар ва болалар ўртасидаги озиқ-овқат танлови ва ҳохиш-истаклар бир ҳил эмас”. Шунинг учун болаларнинг ўзларида тўғри овқатланиш одатларини, яъни кўникмаларини шакллантириш лозим бўлади.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида болаларда со-лом овқатланиш кўникмаларини шакллантиришга мактабгача таълим ташкилотлари амалий фаолиятини таркибий қисми сифатида тобора эътибор кучаймоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтганда, мактабгача таълим ташкилотларида болаларда соглом овқатланиш кўникмаларини шакллантириш:

- юртимизда ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама солом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг ўзига хос таркибий қисмидир;

- болаларда соглом турмуш тарзи ва соглом овқатланиш маданиятининг муҳим элементи сифатида у мактабгача таълим педагогикасининг бутунги кунда долзарб муаммоларидан бирини ташкил этади;

- бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларида давлат томонидан болаларни соглом овқатлантириш учун яратилаётган шарт-шароитлар болаларда соглом овқатланиш кўникмаларини шакллантиришнинг зарурий педагогик шарт-шароитларини ҳам белгилайди;

- мактабгача таълим ташкилотларида болаларда соглом овқатланиш кўникмаларини шакллантириш педагогик жамоанинг бу борадаги касбий маҳорати ва малакасини оширишга ҳам хизмат қиласди;

- бугунги кунда болаларда соглом овқатланиш маданиятини шакллантириш мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбияси учун зарур ҳисобланган муҳим педагогик жараёндир. Унда Ўзбекистоннинг ўз тажрибаси, технология ва методларига эга бўлиши халқаро таълим муҳитига янада фаол интеграциялашув имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. С.Ғуломов, Б.Ғойибназаров —Интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш-тараққиёт таянчи. Иқтисодиёт ва таълим. 2014 й №1

2. Абидова С. Шасхнинг ривожланиш давларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

3. РАЦИОНАЛ ОВҚАТЛАНИШ ТАМОИЛЛАРИ. А.Г. Гадаев, Г. И. Шайхова Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Тошкент Тиббиёт Академияси СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ – САЛОМАТЛИК МЕЗОНИ Ш.И. Каримов тахрири остида.

4. Н.Тапешкина. Научно-методическое обоснование социально профилактических технологий по совершенствованию организации питания детей и подростков. Диссертация на соискание ученой степени доктора медицинских наук. Пермь – 2018

5. С.Ғуломов, Б.Ғойибназаров —Интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш-тараққиёт таянчи|. Иқтисодиёт ва таълим. 2014 й №1, 4 б

6. Румянцева, Т. А. Правильное питание — залог здоровья дошкольника / Т. А. Румянцева, А. Ю. Деньгина, Н. В. Рядинская. — Текст : непосредственный // Педагогика: традиции и инновации : материалы

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЎЙИННИНГ АҲАМИЯТИ

Рустамова М., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Дунёда, ўсиб келаётган авлодни тарбиялашдан ҳам маъсулиятлироқ иш бўймаса керак, зоро улар хаётимиз кўрки, жамиятнинг эртанги куни истиқболимиз.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришиши ижтимоий ва сиёсий соҳада содир бўлаётган туб ўзгаришлар таълим тизимини, жумладан мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия бериш уларнинг ақлий, маънавий, жисмоний жихатдан ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш жараёнини янгилашни тақазо этади.

Болалар ўйинининг таълимий ва тарбиявий ишда муҳим ахамиятга эга бўлиши билан бирга уларнинг ҳар томонлама ўсишида, билимларни эгаллашда комуникатив нутқини ривожлантиришда кенг имконият туғдирувчи восита ҳисобланади. Маткабгача ёшдаги болаларни асосий фаолияти бу ўйиндир. Ҳар қандай ўйин турлари, ўйин элементлари болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишларни барча босқичларида фойдаланилади.

Ўйин фаолиятидан кенг фойдаланиш, ўйин орқали болага ҳар томонлама таъсир этишdir. Ўйинлар болаларнинг маънавий ва ахлоқий камолотида уларнинг мукаммал инсон бўлиб камол топишида ғоят катта тарбиявий таъсир кудратига эгадир. Ўйин орқали болалар жамоа бўлиб яшашга, уюшқоқликка биргаликда ижод қилишга, мустақилликка ўрганадилар. Болада ахлоқий сифатлари ва тушунчалари, фазилатлари таркиб топади.

Ўйинларнинг тарбиявий таъсири масаласи билан Э.А.Александрян, С.И.Хусанхўжаева, Т.Т.Васильевалар тадқиқот ишларини олиб борганлар. Тарбиячи раҳбарлигида олиб борилган болалар жамоа ўйин фаолиятида ўз ҳаракатларини маълум тартибда мақсадга бўйсундиришиш уларнинг диққатини, иродасини ва ақлий фаолиятининг ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйин қоидасига риоя қилиш натижасида болалар фақатгина бажарилиши мумкин бўлган нарсани эмас, балки ишни қилмасликни ҳам ўрганадилар. Бунинг натижасида болаларда ўз ўзларини бошқаришига ўрганадилар.

Ўйин орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатининг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди.

Ўйин меҳнат қилиш истаги орқали юзага келади. Бола ўз ўйинида олдин катталар меҳнатига тақлид қиласи, кейинчалик уларнинг меҳнатида қатнашади. Ўйин ёш авлодни меҳнатга тайёрлайди. Ўйин тарихий тараққиёт

жараёнида меҳнат фаолияти натижасида пайдо бўлган ижтимоий фаолиятдир. Ўйин маълум мақсадга йўналтирилган онгли фаолият бўлиб, унинг меҳнат билан кўп умумийлиги бор ва ёшларни меҳнатга тайёрлашга хизмат қилади.

Ўйин фаолияти асосида боладаги ўқув фаолияти ривожланади, бола қанчалик яхши ўйнаса у мактабда шунчалик яхши ўқийди. Болалар боғчасининг педагогик жараёнида ўйиннинг тутган ўрни жуда катта бўлиб ўйиндан мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришда кенг фойдаланишади. Зеро;

- ўйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлиб, унда боланинг руҳияти намоён бўлади;

- ўйин мактабгача тарбия ёшдаги болалар ҳаётини ташкил этиш шаклидир;

- ўйин болаларни ҳар томонлама тарбиялаш воситаларидан биридир;

- ўйин болаларга таълим ва тарбия беришнинг усулидир;

- ўйин болаларни ўқув фаолиятига тайёрлаш воситасидир.

Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қондирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Болаларни жисмоний тарбиялаш тизимида ўйин муносиб, ўрин эгаллайди.

Ўйин эстетик тарбиянинг мухим воситасидир. Ўйинда ижодий хаёл фикрлаш қобилияти юзага келади ва ривожланади. Яхши танланган ўйинчоқ бадий дидни тарбиялашга ёрдам беради.

Нутқ ўйин жараёнида жуда катта аҳамиятга эга. Нутқ орқали болалар фикр алмашади, ўз ҳис туйғу кечинмаларини ўртоқлашади сўз болалар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилишига, теварак – атрофдаги ҳаёт воқеалари ва фактларига бир хилда муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Нутқ орқали болаларнинг билимлари ва тасаввурлари бойиб гуруҳлашиб боради. Бола нутқининг ривожланиши, унинг мактабда ўқув дастурини тўлиқ эгаллаш гаровидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 802-сон қарори.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ РАҲБАР КАДРЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПИТЕНТЛИГИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Салаева Л.Ш., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчи

Ҳар бир одам ахлоқ орқали ўзининг жамиятдаги ўрнини англайди, ҳаётининг мазмунини белгилаб олади. Шунинг учун ҳам ахлоқ масаласи қадим-қадим вақтлардан буён донишмандларнинг, жамоат ва давлат арбобларининг қолаверса, давлатнинг дикқат марказида бўлиб келган.

Шундай экан инсон жамиятнинг асосий бўлاغи ва турли жамоларидағи ахлоқий муносабатларни йўлга қўйувчи, касб ахлоқи маданиятини шакллантирмасдан туриб, ҳеч бир давлат кўзлаган мақсадларига эриша олмайди. Шу боис ҳам бу ҳозирги кунда давлатимиз олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакат турли идоралари ходимларининг хизмат жамоасига раҳбарлик қилиш яккабошчилик принципига асосланади.

Турли идоралари ходимларининг хизмат жамоаларини бошқаришининг яккабошчилик принципи деб бошлиқларнинг вужудга келган вазиятни ҳар томонлама ўрганиш, баҳолашдан келиб чиқсан ҳолда ёлғиз ўзи қарор қабул қилиш, қонун ва низомларнинг талабларига қатъий мувофиқ, равишда буйруқлар бериш ва уларнинг бажарилишини талаб қилиш, бажармаганларга нисбатан тегишли чоралар қўриш хуқуқи асосида жамоага раҳбарлик қилиш қоидасига айтилади. Ҳар қандай хизмат жамоаси бошлиқлар ва бўйсунувчилардан ташкил топади. Ўз хизмат мақоми ва маҳсус увонига кўра айрим хизматчилар бошқаларга нисбатан бошлиқ ёхуд бўйсунувчи мақомига эга бўлиши мумкин. Бошлиқ бўйсунувчига буйруқлар бериш ва уларнинг ижросини талаб қилиш хуқуқига эга.

Жумладан мактабгача таълим муассаси раҳбар ходимларининг фаолиятини такоммилаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти мақомини, асосий вазифалари ва функцияларини, хуқуқларини тартибга солади, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги раҳбар кадрлар таркибини доимий ҳорижий тажриба билан уйғунлаштириб боради ва янги илғор педагогик технологияларни жорий этади, мактабгача таълимда ахборот-

коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалаларида узлуксиз методик хизмат кўрсатади.

Хозирги шароитда мактабгача таълим тизими раҳбарлари, мутахассисларининг самарали фаолият юритишлари учун бошқарувни ва ушбу идоралар ходимлари меҳнатини ташкил этишнинг илмий асосларини билиш ғоят муҳимдир.

Шу ўринда яна бир карра раҳбарлик масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки бугун ислоҳотнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир.

Раҳбарлик – лавозим, мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулият эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб югурадиган фидоий инсон бўлиши керак.

Халқ ҳамиша ўз дастурхонига, туриш - турмушига қараб раҳбарларнинг ишига баҳо беради. Мактабгача таълим тизими бошқарувида раҳбар ходимлар муҳим ва масъулиятли ўринни эгаллайди. Аввало, ҳар бир раҳбар тизимдаги барча ходимларига хос бўлган умумий талабларга тўлиқ мувофиқ келиши лозим, яъни кишилар билан тез мулоқотга кириша олиш, аҳолининг турли қатламлари билан муомала қилиш лаёқати, мардлик, сабр-матонат, жасурлик, ташкилотчилик, тадбиркорлик, мураккаб ва зиддиятларда ўзини дадил тута олиш қобилияти, шахсий интизомлилик, танқидни тўғри қабул қилиш, ҳалоллик, виждонлилик, хушмуомалалик, инсонийлик, ночор кишиларга ёрдам кўрсатишга тайёр туриш, ватанпарварлик, қонунга итоаткорлик каби фазилатлар киради. Бироқ бу раҳбар учун кифоя эмас. Хозирги мактабгача таълим тизими раҳбар ходими ўзининг хизмат бурчини муваффақиятли бажариш учун қўшимча (маҳсус) билимларга (яъни ўз касбини мазмун моҳиятини, мақсадини тўлиқ англаған бўлиши, тизми ёки бўлимга раҳбарлик қилишда амалиётда синалган бошқарув усулларидан фойдаланиши ва илмий асосланган бошқарувни психологик жиҳатларни билиши), малакага (яъни қайта такрорлаш асосида ўрганилган ва шу боис енгил бажариш мумкин бўлган ҳаракатлар) ва қўмондонлик қобилиятига эга бўлиши керак.

Мактабгача таълим фаолиятида раҳбар ходимларнинг шахсий-касбий сифатлари ва унинг касбий камолоти масаласига камроқ эътибор берилган. Бизнинг фикримизча, Мактабгача таълим ходимлари фаолиятида раҳбар кадрларнинг шахси, шахсий-касбий сифатлари ва унинг касбий маҳорати масаласи чуқурроқ таҳлилга муҳтож бўлган муаммолардан биридир. Мактабгача таълим тизими фаолиятида раҳбар кадрларнинг шахсий-касбий сифатлари ва унинг касбий камолотини тадқиқ қилиш жараёнида

С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев, А.А.Смирнов, Б.М.Теплов ва бошқа психологлар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ривожлантирилган онг ва фаолият бирлиги ва психика ва онгнинг фаолиятда ривожланиш принципига фундаментал категория сифатида асосланиш мумкин.

Мактабгача таълим тизими фаолиятида раҳбар кадрларнинг шахсий-касбий сифатлари ва унинг касбий камолот муаммосини ўрганишимизда Т.В.Кудрявцев томонидан ишлаб чиқилган шахснинг касбий камолоти узоқ давом этувчи, кўп жабҳали ва ҳаракатчан жараёндир ҳамда у ўз тараққиёти давомида тўрт босқични босиб ўтишни эътироф этувчи қарашлари назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Т.В.Кудрявцев шахснинг касбий камолотида қуидаги босқичларни бир-биридан фарқлайди: 1) касбий ниятнинг шаклланиши; 2) касбий уқув, 3) касбий мослашиш; 4) шахснинг қисман ёки тўлиқ касб бўйича фаолиятда намоён бўлиши. Ушбу босқичларга мувофиқ равишда касбий ўз-ўзини белгилаш босқичлари ажратиб қўрсатилади.

Мактабгача таълим тизими фаолиятида раҳбар кадрларнинг шахсий-касбий сифатлари ва уларнинг касбий камолоти ўртасидаги ўзаро боғланишларга шахс-фаолият ёндашуви принципи назарий манба бўлиб хизмат қиласади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т.: 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947– сонли Фармони
2. Колосей Н.С. Использование облачных технологий в образовательном процессе-условие для совместной работы педагогов и учащихся / Н.С.Колосей— Режим доступа: <http://academy.edu.by/files/do%20ikspres/Kolosey.pdf%20>
4. Ткаченко В. Облачные вычисления (Cloud computing) [Электронный ресурс]. – Режим доступа: www.lessons-tva.info/archive/nov031.html
5. Королева А.С. Инновационные технологии современного офиса (Облачные вычисления): учеб. пособие. “Высшая школа экономики”, Санкт-Петербург, 2012. -88с.
6. Ваганова О.И., Дворникова Е.И., Кутепов М.М., Лунева Ю.Б., Трутанова А.В. Возможности облачных технологий в электронном обучении// Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2017. – № 6-2. – С. 183-187.
7. Дуккардт А.Н., Саенко Д.С., Е.А.Слепцова Е.А. Облачнке технологии в образовантии // Журнал “Открытое образование” 2014. - №3 – С. 28-36.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ХОДИМЛАРИ ВА ОТА – ОНА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Саъдуллаева М.А., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Ижтимоий ҳаётимиздаги ўзгаришлар республикамиздаги демократиянинг тантанаси, хуқуқий давлат тузимиға интилиш, психологиянинг қонуниятлари ва илмий материалларини ўрганиш ҳамда улардан турмушда фойдаланишни талаб қиласи. Психология фани тармоқларидан бири бу ижтимоий-психологик муносабатлар ҳисобланади.

Бунда ижтиомий муносабатларининг энг асосий ўринда турувчилирдан бири бу болалар психологиясиadir. Боланинг туғилган пайтидан бошлаб, то мактаб ёшига етгунга қадар психик жиҳатдан тараққий этиши қонуниятларини ва шахсий психологик хусусиятларининг таркиб топишини ўрганадиган фандир. Бола инсон сифатида ташқи жиҳатдан катта ёшли одамларга ўхшаса ҳам, ўзининг психик жараёнлари ва шахсий психологик хусусиятларининг мазмуни жиҳатдан катта ёшли одамлардан кескин фарқ қиласи.

Хозирги кунда болалар психологиясининг олдида бир қанча муҳим вазифалар туради.

Улар куйидагилар:

1. Турли ёшдаги болаларнинг ривожланишига хос бўлган қонуниятларни ўрганиш.
2. Бола психологик тараққиётига фаол таъсир қилувчи омилларни ўрганиш.
3. Турли ёшдаги болаларнинг психологик ривожланиш қонуниятларини ўрганиш.
4. Бола шахсига хос бўлган психологик хусусиятларни ўрганиш.
5. Болани мактаб таълимига тайёрлаш.
6. Мактабда муваффақиятли ўқиши учун боланинг ақлий жараёнларини фаоллаштириш.
7. Таълим жараёнида боланинг мустақил, ижтимоий фаол таффаккурини шакллантириш.
8. Таълим-тарбия жараёнида боланинг маҳсус қобилиятларини шакллантириш.
9. Таълим-тарбия ишларининг психологик мазмунини очиб бериш.

Бу психик жараёнларни ҳам ота ва она шу билан биргаликда тарбиячи жуда яхши англаб этиши лозим бўлади. Маълумки, бола шахси ва унинг психологик хусусиятлари қандайдир тасодифий омилларнинг тартибсиз таъсир этиши натижасида эмас, балки муайян аниқ омилнинг қонуний таъсир этишда таркиб топтиради. Ана шу муҳим қонуний тарзда таъсир қиласиган омилларни очиш ва исботлаш билан болалар психологияси шуғулланади. Биз

нега бу фанни эсладик? Сабаби буни ҳар иккала тамон ҳам яхши англаң олсагина ижтимоий муносабатларда турли низоли ҳолатларни анчайин олди олинган бўлар эди. Болалар психологияси бола шахси ва шахсий психологик қонуниятларнинг таркиб топиши каби муҳим илмий малакаларни ўрганиб, мамлакатимизда янги типдаги одамларни тарбиялаб етиштириш қонуниятларини очиб беради.

Ота – она ва тарбиячи ўртасидаги муносабатларни умумий қонуниятларидан хабардор бўлиш болалар психологиясига болалар психик тараққиётини ўрганишда ва «табиий зот» бўлиб туғилган боланинг инсон ижтимоий тажрибасини эгаллаб, шахс бўлиб етишини ўрганиш тўғри йул топишга ёрдам беради.

Ота – она ва тарбиячи муносабатлари психик жиҳатдан тараққий этиш муаммосини ўрганиш фалсафа учун ҳам катта аҳамиятга эга. Маълумки, билиш назарияси ва диалектика қонуниятларининг таркиб топишида лозим бўлган билим соҳаларини санаб кўрсатар экан, психологиянинг уч соҳасини «болаларнинг ақлий ривожланиш тарихи, ижтимоий муносабатларни, сезги органлари физиологиси»ни кўрсатган. Демак болалар психологияси болалар психикасининг тараққий этиши тарихи ва қонуниятларини ўрганиб философиянинг янада ривожланишига ёрдам берди.

Ижтимоий мунсабатларда ота – она ва тарбиячи муносабатлари ўз предметини ўрганишда умумий психологиянинг инсон психикаси хақида қўлга киритилган ютуқларига асосланади. Масалан, умумий психологиянинг психик жараёнлар, психологик ҳолатлар, инсон шахси ва унинг фаолияти хақидаги таълимотлардан тўғридан-тўғри фойдаланади. Ўз навбатида, умумий психик ҳолат ҳам болалар психологиясининг ютуқларига асосланади.

Ижтимоий муносабатлар психологияси анатомия ва физиология фанлари томонидан қўлга киритилган ютуқлардан ҳам кенг фойдаланади. Бунда болалар психологияси, хусусан болалар нерв системаси ва олий нерв фаолиятининг маълумотларидан фойдаланади. Болалар нерв системасининг нормал тараққиёти ва нормалишлаши бола психикаси ривожланишининг муҳим шартларидандир. Шунин гучун психолог мутахассислар бола нерв системасининг тараққиёти масалалари билан бевосита таниш бўлишлари лозим.

Ижтимоий жараёнларда ота – она ва тарбиячи муносабатлари педагогика фани билан ҳам яқиндан алоқададир. Педагогика фани ёшларга таълим-тарбия, ва унинг қатнашчиларини ҳар томонлама гармоник тарзда ривожлантириш ҳақидаги фандир. Педагогика таълим-тарбиянинг мақсади, йул-йуриклари ва вазифаларига доир фикрларни педагогика фанидан олади, ҳамда унга яқиндан ёрдам беради.

Боланинг ақлий тараққиёти қонунларидан хабардор бўлиш ота – она ва тарбиячига турли ёшдаги болалар билан таълим-тарбия ишларини тўғри ташкил қилиш имкониятини беради.

Болалар психологиясида болалар гигиенаси, болалардаги касалликларни ўрганувчи педиатрия ва болалар технологияси билан ҳам боғлиқдир. Бу фан болалар психологияси намоёндаларига, ота – она ва тарбиячига болалар психик тараққиётининг нормал бораётганини чукурроқ билиш ва нормал тараққиётда бурилиш сабабларини аниқлаш имконини беради. Болалар психологияси эса, ўз навбатида, болаларнинг нормал психик тараққиётини аниқлаб бериш билан бирга врачларнинг бола психологиясини янада яхшироқ тушуниб олишларига ёрдам беради.

Болалар психологияси бола шахси ва шахсий психологик хусусиятларнинг таркиб топишини ўрганишда (бирқатор) болалар адабиётидан, хусусан, автобиографик асарлардан кенг фойдаланди. Шундай қилиб, болалар психологиясида болаларнинг мураккаб психик жараёнлари ва шахсий психологик хусусиятларини ўрганишда бирқатор фанларнинг қўлга киритган ютуқларидан фойдаланади ва уларг аёрдам беради.

Маълумки, ҳар бир ота – она ва тарбиячига ўз мақсадининг предмети ва вазифалари, уни ўрганиш ҳамда текширишга қаратилган бирқатор методлари бўлади. Метод лотинча- сўздан олинган бўлиб, конкрет масалаларни ҳал қилишга қаратилган вокеликни амалий ёки назарий билиш усувлари ҳамда амалларининг мажмуидир. Агар ҳар бир алоҳида фанга нисбатан оладиган бўлсак, у пайтда метод айни шу фаннинг предметини текшириш, ўрганиш ва тушунтириш усувларининг йиғиндисидир.

Ота – она ва тарбиячига ўз фаолиятлари давомида умумий психологиянинг деярли ҳамма методларидан фойдаланади. Умумий психологиянинг методлари - кузатиш, эксперимент, сухбат, фаолият махсулотларини ўрганиш кундалик ва биографик материалларни ўрганиш, социометрик, тест ва шу каби методлардир.

Болаларнинг бутун ақлий, яъни психик тараққиётлари уларнинг турли-туман фаолиятларида содир бўлади. Анашунинг учун болалар психологиясида юқоридаги методларни болаларнинг асосий фаолиятларига мослаштириб қўллайди.

Боланинг асосий фаолиятини ижтимоий жараёнлар белгилайда буларга:

- Ота – она
- Тарбиячи
- Ўртоқлари в.хк

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак бола тараққиётининг асосий манбаи ота – она ва тарбиячи ҳисобланиб уларнинг ҳам ўзаро муносабатлари бола

ҳаракатларида ўзини ўз аксини топишини кўришимиз мумкун. Чунки улар ўртасидаги муносабатларнинг қанчалик ижобий ёки салбий эканлиги билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласига келади. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асрар - давр талаби мавзуусида ўтказилган анжумандаги сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2017 йил, 16 июнь
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент, Ўзбекистон, 2008, 176 бет
3. Юлдашев М. Оиладаги руҳий муҳит ва унинг тарбияга таъсири. Тошкент, 2004, 99 бет
4. Акромова Ф.А., Абдуллаева Р.М. Шарқ мутафаккирларининг оила хусусидаги қарашлари. Тошкент, 2002, 25 бет
5. Оила психологияси. Шоумаров таҳрири остида. Тошкент, 2009, 338 бет

МАКТАБГАЧА ТА'LIMNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI- SHVETSIYA TAJRIBASI

Saidova D., MTTДМҚТМОИ v.v.b. dotsenti

Annotatsiya. Maqolada maktabgacha ta'lism sifatini ta'minlash yuzasidan Shvetsiya tajribasi bayon qilingan. Shvetsiya maktabgacha ta'lism tizimi o'ziga xosliklari, mazmuni va tuzilishi tavsiflangan.

Аннотация. В статье описан опыт Швеции по обеспечению качества дошкольного образования. Изложены особенности, содержание и структура системы дошкольного образования Швеции.

Annotation

The article described the experience of Sweden in ensuring the quality of preschool education. There is explained the features, content and structure of the Swedish preschool education system.

Shvetsiyada, maktabgacha ta'lism bir yoshdan besh yoshgacha bo'lgan bolalarni qamrab oladi va ta'lism tizimida ilk qadam hisoblanadi. Maktabgacha ta'lism-bu salomatlikni saqlash, qadriyatlar, dunyoqarash va farovonlik masalalari, shuningdek, o'yin, o'qish, yozish, hisoblash ko'nikmalari va h,k.lar nuqtai nazaridan bolalarning uzlusiz ta'lism olishiga mustahkam asos bo'lib xizmat qiladigan ilk maskan bo'lib, bu ta'lism tizimining davlat va mahalliy darajada yaxlitligi, tadqiqotchilar, tarbiyachilarni tayyorlash, maktabgacha ta'lism amaliyoti va oila birligi uchun yaxlit pedagogik yondashuvni talab qiladi. Ushbu maqolada maktabgacha ta'lism sifati prizmasidan foydalanib, maktabgacha ta'lism muassasalarida bolalarni uchta global sohaga nisbatan o'qitish uchun yaratilgan

sharoitlarni tahlil qiladi. Ushbu sohalar quyidagilar: jamoatchilik sohasi, maktabgacha ta'lim sohasi va pedagogik soha.

Bizning maqolamiz inson va shart-sharoitlar o'zaro ta'sir sharoitida bir-biriga ta'sir qilishi va o'zaro ta'sirga uchrashi borasidagi interaksoionistik nuqtai nazarga asoslanadi [1; 2; 3; 8]. Ushbu nuqtai nazarga binoan, aynan o'zaro ta'sir, munosabat orqali tarbiyachilar maktabgacha ta'limning turli maqsadlariga, maktabgacha ta'lim mohiyatiga va vaziyatlari yechimiga erishish yo'llarini topishadi, o'z nuqtai nazarlari va maktabgacha pedagogikaga oid mulohazalar uchun g'oyalar olishadi, shuningdek, amaliy dasturiy maqsadlarni amalga oshirishadi. Maktabgacha ta'lim muassasalaridagi o'qitish muhiti maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalarni o'qish va ularni rivojlantirish uchun murakkab sharoitlarga ega muhit yaratuvchi tarbiyachilar, tarbiyalanuvchilar, moddiy resurslar, pedagogik jarayon, uning mazmuni va maqsadlari o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning kompleks tizimi sifatida tushuniladi.

Uch o'zaro bog'liq sohada maktabgacha ta'lim sifati

Shvetsiyada so'nggi o'n yilliklar davomida jamoatchilik sohasida turli islohotlar amalga oshirildi. Ushbu islohotlar yaxlit holatda Shvetsiya maktabgacha ta'lim tizimining yuksak sifatini ham ijtimoiy farovonlik tizimining tarkibiy qismi va ham ta'lim tizimining tarkibiy qismi sifatida xalqaro miqyosda tan olinishi uchun zamin hozirladi [6].

Shvetsiyada ta'lim tizimining umumiy maqsadlari va yo'nalishlarini davlat belgilaydi. Barcha maktabgacha ta'lim muassasalari milliy maktabgacha ta'lim dasturiga [4] rioya qilishlari kerak. Maktabgacha ta'lim muassasalari uchun dasturlar bolalarning ijtimoiy, kognitiv va hissiy ta'limini integratsiyalashga qaratilgan asosiy qadriyatlar, vazifalar, aniq mazmun maqsadlarini va maktabgacha ta'lim mashg'ulotlari bo'yicha ko'rsatmalarni qamrab oladi. Shunga qaramasdan, bu dasturlar ushbu maqsadlarga erishish ehtimoliy yo'llarini belgilab bermaydi. Bu masala, birinchi navbatda, maktabgacha ta'lim muassasalarida tarbiyachilarga taalluqli. Dastur shuningdek, maktabgacha ta'lim muassasasining belgilangan talablarga muvofiqligini aniqlashda sifatni baholash uchun asos yaratadi.

Shvetsiyada maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyachilarini tayyorlash uchun maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyachilarining kichik yoshdagi bolalarga ta'lim mazmunini o'qitish tamoyillari va turli sohalari bo'yicha bilimlarini rivojlantirishni nazarda tutuvchi yangi yaxlit ta'lim joriy etilgan. Tarbiyachilar tayyorlashning bunday tizimi maktabgacha ta'limning ahamiyatiga e'tiborni jalb qilish va jamlash uchun yangi imkoniyatlar ochadi, bu esa maktabgacha ta'limning zamонавиј та'lim nazariyalari va rivojlanish nazariyalariga hamda bolalar rivojlanishi va jamiyat o'zgarishlariga muvofiqligini talab qiladi.

Maktabgacha ta'lim sohasi tarbiyalanuvchilar jamoasi, guruhlar hajmi va maktabgacha muassasaning yuqori malakali tarbiyachilarini boshqarish, tashkillashtirish, muvofiqlashtirishga nisbatan yuqori struktura sifatining ahamiyatini ta'kidlaydi. Bolalarni o'qitish sharoitidagi farqlar tarbiyachilarning o'zaro ta'sirlashishi, muloqot qila bilishi, bilim doirasi, didaktik yondashuvi, tarbiyalanuvchilarning qobiliyatlari va o'z imkoniyatlari tushunish qobiliyatiga bog'liq.

Pedagogik soha sifati tarbiyachilar kompetentligiga bog'liq. Shvetsiyada bolalarni o'qitish tamoyillarini o'rganish sifat nuqtai nazaridan uch xil ta'lim sharoitlarini ajratish imkonini beradi: *ajratuvchi va cheklovchi sharoitlar, bolaga yo'naltirilgan muhokamalar sharoiti va ta'larning murakkab muhiti* [7]. Past, yaxshi va yuqori sifatli ta'lim sharoitlari turi bolalarda maktabgacha ta'lim muassasalarida o'qish uchun sharoitlarning tengsiz ekanligini ko'rsatadi. Past sifatli maktabgacha ta'lim muassasalari makondagi, moddiy resurslardagi cheklovlar va bolalar uchun cheklangan imkoniyatlar bilan tavsiflanadi. Natijalar shuni ko'rsatadiki, past sifatli maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchi va tarbiyachi o'rtasida o'zaro muloqot qilish uchun yetarli imkoniyatlar va o'quv jarayonida bolalarning faol ishtirok etishi uchun yangi imkoniyatlar yaratmaydi. Bunda tarbiyachilar va tarbiyalanuvchilarning maqsadlari farq qiladi va /yoki ular bir-birining maqsadlari haqida bilishmaydi, shu tarzda ular turli xil natijalarga erishishadi.

Yuqori sifatli maktabgacha ta'lim muassasalari istiqbol, kommunikatsiya, o'zaro ta'sir va ta'lim uchun keng imkoniyatlarga ega. Bolalar mashg'ulotlarda faol ishtirok etadilar, tarbiyachilar ularning qiziqishlarini rivojlantirish, maktabgacha ta'larning umumiyligi maqsadlari bo'yicha tajriba va bilimlarni shakllantirishga e'tibor qaratishadi. Tarbiyachilar kommunikatsiya va o'quv jarayonida tarbiyachilar bilan birga jismoniy, hissiy va ongli tarzda ishtirok etadilar (7).

Yuqori va past sifatli maktabgacha ta'lim muassasalari o'rtasida bir muhim farq tarbiyachilarning tegishli chora-tadbirlar qabul qilish va turli mashg'ulotlarda ishtirok etish orqali o'quv jarayonini tushunishi hisoblanadi. Buni tarbiyalanuvchilarning e'tiborini muayyan ta'lim obyektiga harakat va bolalar ishtiroki nuqtai nazaridan jalb qilish bilan taqqoslash mumkin. Tahlillar maktabgacha ta'larning yuqori sifati va bolalarning matematika va kommunikatsiyani o'rganish bilan bog'liq tendentsiyalarni ko'rsatadi. Yuqori sifatli maktabgacha ta'lim muassasalarida o'qigan uch yoshli bolalar kommunikatsiya va til, boshlang'ich matematika bo'yicha vazifalarni yaxshiroq bajarishadi. Ushbu tadqiqotdan olingan bilimlar maktabgacha ta'limni o'rganish uchun juda muhimdir, chunki u bolalarning ta'lim olish qobiliyatları maktabgacha ta'lim sifatiga bog'liqligini qo'shimcha ravishda tasdiqlaydi [5].

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, Shvetsiya maktabgacha ta'lim tizimi

yuksak sifati bilan xalqaro miqyosda tan olingan tizimlardan biri va biz ushbu mamlakat ilg'or tajribasidan mamlakatimiz maktabgacha ta'lim tizimini isloh qilish, tashkillashtirish, maktabgacha ta'lim sohasida kadrlar tayyorlash sohasida foydalanishimiz mumkin. Tarbiyachi va tarbiyalanuvchilarning o'zaro ta'sir orqali o'zgarishi va rivojlanishi g'oyasi esa yanada kengroq tadqiq etilishi, maktabgacha ta'lim mutaxassislari orasida keng ommalashtirilishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Бол, С. Дж. (2006). Образовательная политика и социальный класс: избранные произведения Стефена Дж Болл. Лондон: «Routledge».
- Бронfenбреннер, У. (1979). Экология развития человека: Эксперименты по природе и плану. Кембридж, МА: «Harvard University Press».
2. Бронfenбреннер, У. (1986). Экология семьи как контекст развития человека: Перспективы исследования. Возрастная психология, 22, 723-742.
3. Брунер, Дж. (1996). Культура образования. Кембридж, Массачусетс: «Harvard University Press».
4. Министерство образования и науки. (2010). Программа для дошкольного Lpfo 98. Редакция от 2010. Стокгольм: «Skolverket».
5. Прамлинг Н., и Прамлинг Самюелссон И. (2011). Образовательный турнир: изучения детской дидактики Северных стран. Дордрехт, Нидерланды : «Springer».
6. Прамлинг Самюелссон, И., и Шеридан, С. (2010). Переломный момент или шаг назад - задача современной сферы дошкольного образования Швеции. «The Journal of Early Years», 30(3), 219-227.
7. Шеридан, С., Прамлинг Самюелссон, И., и Джоханссон, Э. (2009). Barns tidiga larande. En tvärnittsstudie om forskolan som miljo för barns larande. Antologi.Goteborg: Acta Universitatis Gothoburgensis.
8. Выготский, Л. 1978). Мысление в обществе: Развитие высшего психологического процесса. Кембридж, МА: «Harvard University Press»

SYUJET –ROLLI O'YINLAR VOSITASIDA MAKTABGACHA YOSHDAKI BOLALARNING AXLOQIY SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH SAMARADORLIGI

Salimova D.F., МТТДМҚТМОИ doktoranti

Hozirgi davr jahon maktabgacha ta'lim tizimini integratsiyalash sharoitida bolalarni ilk yoshdanoq syujet-rolli o'yinlarni o'ynashga o'rgatish orqali intellektual-ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish maktabgacha ta'lim sifatini oshirishning zamonaviy yondashuvlaridan biri sifatida qayd etilmoqda. Bu esa intellektual zo'riqishlardan xoli ravishda ijtimoiy-madaniy muhitda bolalarning axloqiy sifatlarini shakllantirish, ulardagi axloqiylik va tashabbuskorlik

ko'nikmalarini takomillashtirishning samarali texnologiyalarini amaliyotga joriy etishni dolzarb vazifa sifatida belgilaydi. Xorijiy mamlakatlarda syujet-rolli o'yinlari vositasida bolalarning axloqiy sifatlarini shakllantirish, tolerantlik sifatlari va milliy an'analarga bo'lgan qiziqishlarini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning Maktabgacha ta'lim tizimini yanada rag'batlantirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi qaroriga asosan, "Qayd etib o'tilsinki, maktabgacha ta'lim tizimini tubdan isloh qilish va takomillashtirish, maktabgacha ta'lim muassasalarini davlat tomonidan boshqarishning samarali tizimini yaratish hamda uning moddiy-texnika bazasini mustahkamlash maqsadida songgi yilda qabul qilingan qat'iy chora-tadbirlar natijasida Maktabgacha ta'lim vazirligi va uning joylardagi hududiy bo'linmalari tashkil qilindi. 2017 — 2021 yillarda Maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish bo'yicha dastur tasdiqlandi, uning doirasida maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyatini tizimli tashkillashtirish, qurish, rekonstruktsiya qilish va mukammal ta'mirlash borasidagi ishlar olib borilmoqda. Bu esa yurtimizdagi maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tarbiyalanayotgan bolalarning ta'lim sifatini oshirilishi, undagi metodik xizmatlarni yaxshilanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatmoqda.

Mamlakatimizda maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish, ilg'or xorijiy tajribalarni hisobga olgan holda samarali ta'lim va tarbiya shakllari hamda usullarini joriy etishga qaratilgan maktabgacha ta'limning innovatsion tizimini tashkil etish bo'yicha keng ko'lami islohotlar amalga oshirilmoqda. O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida "maktabgacha yoshdagi bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy jihatdan rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, maktabgacha ta'lim tizimiga innovatsiyalarni, ilg'or pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish" kabi ustuvor vazifalar belgilangan. Bu vazifalarni amalga oshirish maktabgacha yoshdagi bolalarni davlat talablariga muvofiq syujet-rolli o'yinlar orqali tarbiyalash va ta'lim berish dasturlarini ishlab chiqish hamda tarbiyalanuvchilarning axloqiy sifatlarini shakllantirish zarurligini ko'rsatmoqda.

Syujet-rolli o'yinlar, o'yin turlari hamda xalqimiz ijtimoiy hayot tarzlari bilan aloqador bo'lib, ular asrlar davomida davrlarga mos ravishda rivojlanib, takomillashib, e'zozlanib kelingan. U bolalarning jismonan baquvvat, sog'lom, jasur, qat'iyatli, chaqqon, uddaburon bo'lib o'sishlarida muhim omil bo'lib hisoblanadi. Syujet-rolli o'yinlarda ijtimoiy hayot tarzida ko'p uchraydigan voqeа hodisalar, turli xil kasb vakillari bilan tanishtirish va millatning o'tmish tarixi, ma'naviy va madaniy rivojlanishining xarakter xususiyatlari, urf-odatlari, an'analari jamlangandir.

Syujet-rolli o'yinlar orqali bolalarni axloqiy, ma'naviy, aqliy, jismoniy, esetik jihatdan tarbiyalab borish jarayonida bolalarda o'z Vatanini sevish, uning boyliklari qadriga yetish, buyuk ajdodlarimiz meroslarini hurmat qilish, milliy kuy va qo'shiqlardan zavqlanish tuyg'ulari, shuningdek o'sib kelayotgan yosh avlodda chidamlilik, sabr-toqatlilik, tezkorlik, ildamlik, botirlik kabi shaxsiy sifatlar shakllanib boradi.

Syujet-rolli o'yinni tashkil qilishda quyidagi diagnostikadan maxsus usul yordamida foydalanishni tavsiya etiladi.

Syujet-rolli o'yinni tashxislash usuli quyidagicha: diagnostik ishlarni amalga oshirish uchun har bir bolaning syujet-rolli o'yin haqida obyektiv ma'lumotlar kerak bo'ladi. Ularni olish uchun quyidagi usullardan foydalanish tavsiya etiladi:

1. Guruhdagi bolalar o'yinlarini kuzatish, ularni tizimga solish. Buning uchun texnik vositalardan foydalanish mumkin-fotosurat, syujet-rolli o'yinda bolalar bayonotlarini tasvirga olish.

2. Syujet-rolli o'yinlar mazmuni, bolalar bilan syujet-rolli o'yin muammolarini hal qilish yo'llari, ishtirokchilarining o'zaro munosabatlari, ularning mustaqilligi haqida tarbiyachilar bilan suhbatlar.

3. Syujet-rolli o'yinlarni kuzatayotgan tarbiyachi tomonidan bolalarga qo'yiladigan muammoli vaziyatlar. Shu bilan birga, tarbiyachi xushmuomalalik bilan syujet-rolli o'yinga qo'shilishi kerak va buni faqat passiv kuzatish paytida o'yin rivojlanishining muayyan axloqiy sifatlarini shakllanish darajasini aniqlashning iloji bo'lmasa amalga oshirish tavsiya qilinadi.

Diagnostik tahlil qilish har bir bolaning axloqiy sifatlarini rivojlanish darajasini aniqlash imkonini beradi. Tarbiyachi syujet rolli o'yinni boshqarish uchun aniq vazifalarni belgilashi, shu bilan bolalarga individual yondashishni norasmiy ravishda amalga oshirish uchun sabab bo'ladi.

"Biz mustaqillikka erishganimizdan so'ng sog'lom va barkamol avlodni voyaga yetkazish, birinchi navbatda, oila, onalik va bolalikni himoya qilish masalasini o'zimiz uchun eng muhum, ustuvor vazifa sifatida belgilab oldik".

Zero, jamiyat taraqqiyotida eng avvalo uning kelajagi bo'lgan yosh avlodni har tomonlama sog'lom va ilmli, o'z yurtini sevadigan, ota–bobolarining ma'naviy va axloqiy yuksak qadriyatlarini e'zozlaydigan qilib tarbiyalash muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 maydag'i PQ-4312-sон "O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjalari to'plami. - T., 2019

2.O'zbekiston Respublikasining Ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar

rivojlanishiga qo‘yiladigan Davlat talablari. // O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirining 2018 yilning 18 iyunidagi “O‘zbekiston Respublikasining ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo‘yiladigan davlat talablarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 1-mh-son buyrug‘i. // Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 04.07.2018 y., 10/18/3032/1450-ton.

3. “Ilk qadam” maktabgacha ta’lim tashkilotining Davlat o‘quv dasturi. – Toshkent, 2018.

4. Korotkova N.A. Syujetnaya igra doshkolnikov. M.: Linka-Press, 2016

5. M.Sh.Nurmatova, Sh.T.Xasanova, D.E.Azimova. Ustaxonada amaliy mashg‘ulot. Toshkent 2010

РАЗВИТИЕ МЕДИАКОМПЕТЕНТНОСТИ МОЛОДОГО УЧИТЕЛЯ В ИННОВАЦИОННОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЕ

Таджиева М.Х., директор ТПК,

Мўминова Н.С., ИППКДСДОО старший преподаватель

Камалова М.Р., старший преподаватель ТПК

Мадина Р.А., студентка 4 курса ТДПУ

Информатизация современного общества приобретает глобальные масштабы и стремительно изменяет многие сферы деятельности человека, в том числе и образование. Как следствие, наблюдается активный процесс широкого внедрения информационно-коммуникационных технологий (далее – ИКТ) на разных образовательных уровнях, а сами технологии рассматриваются в качестве универсального средства повышения эффективности всего образовательного процесса. В условиях стремительно развивающейся инновационной образовательной среды к современному педагогу предъявляются новые требования. Компетентностная готовность педагога к реализации требований государственного образовательного стандарта включает в себя следующие компоненты: предметно-методический, организационный, коммуникативный, проектировочный, научно-исследовательский, контрольно-оценочный, рефлексивный.

Смена парадигмы образования также актуализирует формирование умений работы с обширным информационным контентом. Одновременно глобализация и информатизация современного мира постепенно расширяют жизненное пространство личности, дают как новые возможности развития, так и содержат потенциальные опасности. Так, например, согласно последним исследованиям, более 30 % российских школьников пользуются Интернетом около восьми часов в день.

«В современном медиатизированном социуме средства массовой информации превратились в один из важнейших факторов функционирования

различных институтов, создания информационно-духовной жизненной среды наших современников. Медиа выполняют функцию социализации людей, формирования их мировоззрения и морально-нравственных установок, культурного развития. В то же время наблюдается широкое использование средств массовой информации в политико-манипулятивных целях и для коммерческого манипулирования аудиторией. Чтобы жить и эффективно трудиться в мире, насыщенном медийной коммуникацией, и быть при этом сознательным и активным участником социальных интеракций, человек нынешней информационной эпохи должен обладать адекватной медиакомпетентностью», - справедливо отмечает

Следовательно, современные учащиеся должны обладать умением ориентироваться во всевозрастающих информационных потоках, извлекать и интерпретировать информацию из различных медиа, критически анализировать источник информации, отделять факты от мнений, создавать собственные медиатексты и т. д. Это сфера медиаобразования, актуальность которого уже не требует подтверждения.

Учитывая возрастающее влияние медиа на несовершеннолетнюю аудиторию в условиях глобального информационного общества, возникает необходимость в целенаправленной подготовке педагогов для реализации задач медиаобразования. Очевидно, что только медиакомпетентный педагог может значительно повысить уровень медиаграмотности обучающихся.

Вопросы формирования медиакомпетентности педагога отражены в научных трудах Н.А. Леготиной, А.В. Фёдорова и др. Н.А. Леготина представила структурную модель подготовки студентов университета к реализации медиаобразования в общеобразовательных учреждениях и выделила следующие критерии: мотивационный, понятийный операциональный, креативный и оценочный .

Проведенный теоретический анализ научной литературы позволил установить, что наиболее подробная классификация показателей медиакомпетентности современного педагога (разработанная А.В. Федоровым), характеризуется следующими уровнями показателей:

1. мотивационного: разносторонние мотивы медиаобразовательной деятельности: эмоциональные, гносеологические, гедонистические, нравственные, эстетические и др.;

2. стремление к совершенствованию своих знаний и умений в области медиаобразования;

3. информационного: систематическая информированность, обширные теоретико-педагогические знания в области медиаобразования;

4. методического: развитые методические умения в области медиаобразования (например, умения дать установку на медиавосприятие, объяснить причины, условия и характер возникновения явления, умения развивать восприятие учащихся, выявлять уровни их развития в области медиакультуры, выбирать оптимальные методы, средства и формы проведения занятий, исследовательские умения и т. д.) и ярко выраженный педагогический артистизм (общая педагогическая культура, внешний облик, самопрезентация, самоконтроль, наличие обратной связи с аудиторией и т. д.);

1. практико-операционного (деятельностного): систематическая медиаобразовательная деятельность в процессе учебных занятий разных типов, активная исследовательская медиапедагогическая деятельность;

2. креативного: ярко выраженный уровень творческого начала в медиаобразовательной деятельности (то есть проявление гибкости, мобильности, ассоциативности, оригинальности, антистереотипности мышления, развитости воображения, фантазии и т. д.)

Теперь рассмотрим вопрос о необходимости повышения уровня медиакомпетентности молодого учителя. Известно, что на данном этапе отмечается снижение численности контингента учителей в системе общего образования. Сохраняется большое количество педагогов пенсионного возраста. И только около 40 % выпускников педвузов остаются работать в системе основного образования. Одновременно усложняется содержание профессиональной деятельности с учётом внедрения современных инновационных технологий, а период модернизации образования характеризуется очень высоким темпом изменений. В тоже время успешность инновационных преобразований во многом зависит от готовности педагогов к инновационной деятельности, к сущностным изменениям в образовании. Поэтому большие надежды возлагаются именно на молодых педагогов, которые рассматриваются в качестве основного кадрового ресурса модернизации отечественного образования и преодоления данного дисбаланса.

В последние годы вопросам повышения профессиональной компетентности, научно-методического сопровождения и поддержки начинающего педагога уделяется серьёзное внимание со стороны государства. В первую очередь, в профессиональном становлении молодым педагогам целенаправленную помощь оказывает образовательное учреждение. Успешно функционируют Центры сопровождения молодых педагогов, Школы молодого учителя, Советы молодых педагогов. Хорошо зарекомендовал себя институт наставничества. Разработаны эффективные модели адаптации и профессионального развития. Однако почему то не акцентируется внимание

на необходимости повышения уровня медиакомпетентности молодого педагога.

Как показывает практика, молодые педагоги оперативно реагируют на процессы модернизации, они более мобильны, легко осваивают ИКТ и потенциально готовы к инновационной деятельности. В учебном процессе молодые педагоги пользуются разнообразными электронными образовательными ресурсами, создают сайты, активно общаются с обучающимися и их родителями в социальных сетях. Также используют мобильные приложения, Google формы, сервис Learningapps и др. Бессспорно, они обладают достаточно хорошо сформированными практическими навыками пользования медиа.

Однако наш опыт научно-исследовательской деятельности в области медиаобразования и проведённый мониторинг среди молодых специалистов позволяет констатировать следующее:

- к сожалению, начинающие педагоги имеют невысокий уровень медиаграмотности, а их знания о медиа часто фрагментарны;
- редко учитывают психолого-педагогические возможности применения медиа в образовании;
- не всегда способны критически оценить как потенциальные возможности медиа для повышения образовательного уровня, развития творческих способностей обучающихся, так и негативные последствия медиа;
- умеют создавать собственные медиатексты, но у педагогов вызывает затруднение интерпретация и анализ чужих медиатекстов;
- свободно оперируют ключевыми понятиями медиакультуры;
- затрудняются в решении вопроса обеспечения медиабезопасности школьников в современной информационной среде и др.

Исходя из вышеизложенного, можно сделать следующие выводы:

- в современном динамично развивающемся информационном обществе следует активнее использовать потенциал медиаобразования;
- в системе курсовой подготовки на базе ИПК, на наш взгляд, целесообразно разработать вариативный модуль по медиаобразованию для всех категорий работников образовательных организаций;
- осуществлять целенаправленную работу по формированию медиакомпетентности молодых педагогов (например, в рамках Школ молодого учителя).

Всё это, по нашему мнению, в целом может способствовать повышению качества всего образовательного процесса и модернизации системы отечественного образования.

Список литературы:

1. Короченский А.П. Медиакритика и система медиаобразования. Медиаобразование и медиакомпетентность: слово экспертам. Сб. науч. тр. / Таганрог. гос. пед. ин-т; [под ред. А.В. Федорова]. Таганрог: Изд-во Таганрог. гос. пед. ин-та, 2009. — 232 с.
2. Леготина Н.А. Педагогические условия подготовки студентов университета к реализации медиаобразования в общеобразовательных учреждениях Автореф. дис. канд. пед. наук. — Курган, 2004. — 25 с.
3. Фёдоров А.В. Развитие медиакомпетентности и критического мышления студентов педагогического вуза — М.: Изд-во МОО ВПП ЮНЕСКО «Информация для всех», 2007. — 616 с.

CLASSIFICATION OF SPEECH DIFFICULTIES OF PRESCHOOL CHILDREN

**Tojibaeva N.K., Basic doctoral student, TSPU
Khimmatliev D.O., (DSc) Professor, etc., IIAME**

Abstract: in the article, the author made an attempt to classify and explain some of the difficulties and peculiarities of communication of children in the preschool period, which will allow teachers, parents and educators to determine the causes of difficulties and problems in communication in a child.

Key words: preschool childhood, speech difficulties, situational speech, contextual speech, communication, contextual speech.

Preschool childhood is a period of bright and unforgettable discoveries. And in this seemingly not such a large piece of time, children acquire a huge store of knowledge, thereby building a foundation, a fulcrum for their further maturation of development. Everything that is acquired during this period is volumetric. After all, a child even before school masters speech, learns to think and is already trying to reason, learn to communicate and build relationships with the world around him. Therefore, it is inevitable that, along with the acquisition of new sensations and knowledge, the child experiences various kinds of difficulties.

The theoretical basis of the study was the work of V.S. Mukhina, most of whose works are devoted to the peculiarities of the development of children and the phenomenology of personality development, L.F. Obukhova, whose research was devoted to the mental development of the child.

Speech difficulties.

The communicative function of speech (communicative competence). In preschool age, one of the main functions of speech develops - communicative (communication function). From early childhood, the child uses speech as a means of communication. However, his communication is limited.

Everything that surrounds him is familiar to him, and he communicates with loved ones. In a certain case, about any action or object, there is a corresponding communication between the child and the adult. This communication is carried out using situational speech. Such speech is questions, emotions, answers that arise in connection with some event, object, or with an acquaintance with a new phenomenon.

Situational speech is quite clear to the interlocutors, but usually incomprehensible to an outsider who does not know the situation. Typically, in situational speech, the subject drops out, it is replaced by a pronoun - "he", "she", "it". And the child's speech is filled with such words. And sometimes it is very difficult to relate to what "he" or "she" refers. Frequently used adverbs and verbal templates can emotionally decorate a child's speech: "... and he took it so hard and far with all his might as he throws a stone ..." And it is obvious that these abundances rarely help to grasp the meaning. Most often, the indication "there" acts as an indication in form, but not in essence. The child's dialogue partner expects from him clearly expressed thoughts, logically laconic. Thus, the child, realizing the lack of understanding by his partner, is forced to restructure his speech, making it more understandable and meaningful. Over time, instead of "favorite and simple" pronouns, nouns appear in the preschooler's speech, which in turn help to convey the essence of the statement. Therefore, in older preschoolers, a complicated structure of "clarification" is observed in speech. The child in speech initially introduces a pronoun, and then specifies the noun what he meant. "She (the butterfly) flew away very quickly ...", "They (the puppies) ran up to their mother ..." This is an essential stage in the child's speech development. Thus, the situational conversation is interrupted by the child in order to clarify and detail the story. And clarifying questions about the content of the proposed story cause the need and desire to tell in more detail and understandably. And with the growth of cognitive interests, the preschooler already masters contextual speech. Contextual speech allows you to clearly and clearly describe and express your thoughts, and then the speech becomes understandable and accessible to the interlocutor. The child wants to be understood and praised, and this makes him raise his bar, make demands on himself, which help him to make his statements intelligible and interesting. The child makes attempts to master contextual speech. And using it, he does not stop using situational speech. Just growing up, expanding his vocabulary, the child tries to appropriately use situational speech. Attending children's educational institutions, a preschooler is familiar with joint activities, where he is taught to speak clearly, correctly. The child develops a need for the constant assimilation of new speech means and forms, which children draw from communication with adults.

Practical mastery of language and meaningfulness of speech. The child becomes more independent and his social circle expands, which requires him to master the means of communication. Speech becomes the main means of communication. Constant communication with other children and adults contributes to the development of speech, speech means, improvement of the practical use of speech. Here speech becomes a kind of tool for thinking. And under certain conditions, the child not only uses speech, but also understands and realizes its structure and structure. During the preschool period, the child's vocabulary is constantly growing, and by the end of this period it increases on average three times. However, it is necessary to take into account the following aspect that the growth of vocabulary luggage directly depends on the lifestyle of the child and his environment, on the conditions of his life and the level of upbringing. Here, such features are most pronounced and noticeable than in any other area of the child's mental development. The child's operational memory grows, his vocabulary is enriched with verbs, adverbs, adjectives and connecting words and ligaments. During preschool childhood, the child practically learns the types of declensions and conjugations, the morphological system of the native language is assimilated. Children try to build complex sentences in their speech, use connecting words. Guys, and especially those who attend preschool educational institutions, are familiar with suffixes that help determine the sex of baby animals or make a small and affectionate one out of a large one. Preschoolers are very addicted to creating words, and they are great at it. They add suffixes, prefixes to words. During this period, many children are going through a stage, so to speak, of "word creation" - they come up with new words and phrases, trying to contribute to the immense world of words. Language acquisition is determined by the child's activity and interest in language. It is in the preschool age that sensitivity to linguistic phenomena is found. Along with the semantic coloring of words, children turn their interest to the sound side of the word. And a new stage begins - "rhyme". So one 5-year-old boy very often rhymed verbs: "Oh, I was tired, and then I completely fell." The child's extraordinary activity in relation to language only pours out into a poetic form. Such an orientation towards the sound form of words contributes to the assimilation of the morphological structure of words in their native language. By school, children learn complex morphological structures of words, to a certain extent they also master grammar, intuitively feeling the patterns of the syntactic order. And this language becomes truly native for them. However, we cannot talk about the awareness of speech until the child has an awareness and assimilation of the relationship between the sound and the meaning of the word. But over time, linguistic understanding, flair comes, the development of phonemic hearing occurs. Phonemic hearing is formed in a child on the basis of direct speech communication. By the end of early

childhood, children skillfully identify and separate words that differ from each other in sound, deaf or voiced, hard or soft. Thus, primary phonemic hearing is acquired at an early age. However, in order to make a sound analysis of a word, to be able to divide it into its constituent sounds, and to establish the order of sounds in a word, it takes time and work. A child in preschool age is not yet able to do this. Verbal communication does not require him to solve such problems. Therefore, it is difficult for a child of five or six years old to analyze the simplest words. Teaching children to analyze the sound of a word has shown that under certain conditions even younger preschoolers can distinguish the first and last sounds in a word, and for children of middle preschool age this task does not present any particular difficulties. In preschool, children are introduced to both consonants and vowels, hard, soft, voiced, voiceless. And children can distinguish sounds, break words into syllables. This technique allows children to freely navigate the sound composition of the word. At this age, when the phonemic foundations of the native language are formed, it is possible and expedient to start learning a foreign language.

Awareness of the verbal composition of speech. At preschool age, the child successfully masters practical speech. However, the awareness of speech activity, as such, lags far behind. Children perceive sentences as a single semantic whole. In communication, the child is guided by the situation that determines his understanding of words, and not by the verbal composition of speech. Only when learning and starting to read, the preschooler begins to see and become aware of the verbal structure of speech. To master the literacy, he needs to understand and learn to see the verbal composition of speech. Special education helps to accelerate the formation of this ability, thanks to which, by the end of preschool age, children begin to clearly isolate words in a sentence.

Features of communication.

Emotional family communication.

At three years old, when a child is no longer a toddler, he experiences a kind of stress. After all, he begins to see, to realize that, it turns out, he is not the center of the universe, that there is a mom and dad who still love each other, and maybe even a brother or sister, and not just him. Previously, all outbursts of emotions, it seemed, were directed only to him, but now he sees that parents can communicate with each other without his participation. In fact, the child has become more independent. And on the one hand, she makes him happy, however, on the other, it is not easy to come to terms with the fact that his mother belongs not only to him. The child is given to understand that now communication will be built differently. And it is natural that at first the child is not satisfied with this, he is jealous, worried. However, it accepts changes - a new form of communication. It is not so easy, as it seems, to respect a child, to hear him, to cultivate in him a conscious attitude to his actions, to give him

high-quality attention, to create a favorable micro climate. But this allows the child to feel comfortable and protected. If the child is healthy and developed by years, they begin to take him to kindergarten. There he will have to learn new forms of communication with new adults and children.

Verbal and emotional communication. At preschool age, speech for the child becomes a means of communication. With the help of speech, the child tries to talk about what is happening, what is important to him. Now he can share his impressions not only with facial expressions, but also with the right word. The child learns to build relationships with those around him, to choose a suitable interlocutor for himself, begins to realize his place in human relations. The preschooler learns to memorize the names of people and refer to them by name. And that it is advisable to smile at the same time and look into the eyes of the interlocutor. Then a positive attitude will be evident. Children are taught that good manners are an important part of communication; and when you meet, you need to say hello, and when leaving, you must say goodbye. He learns to be grateful for the attention rendered and to experience not playful, but real gratitude for this. It should be noted that speech as a means of communication is not only a way of exchanging information, but also contributes to the emotional development of a child. Thus, an emotionally informative exchange takes place. Our emotions are conveyed not only by words chosen for the situation, but also determined by gestures and facial expressions, our postures and, sometimes, appearance. So a child, communicating with peers or with an adult, adopts the communication style of the adults around him. After all, he identifies himself with mom, dad, aunt, etc., and thus imitates them. And if the family is educated, restrained in emotions, disciplined, then the child in communication will most likely be like that. But if the family's speech culture and discipline are "lame", then the child will also be a reflection of the disadvantages of adults.

Some children face a new difficulty - the authoritarian type of communication on the part of their parents. Where everything is tough and strict, and that over time this type of communication becomes the norm for the child. And the child in this case solves any difficulties with a conflict. With goodwill and love for the child, parents teach him to imitate, use suggestion and persuasion. It is noted that by the age of 5–7 the child becomes more balanced. He found, defined his comfort zone and feels at ease in his society and is happy with what is happening. But even in a happy, loving family, children have to overcome barriers and difficult situations. One such difficulty arises when a child ceases to be the only one in the family - he has a younger brother or sister. In this case, the child may feel abandoned and unnecessary - it seems to him that he has been forgotten. Parents need to pay attention and sometimes even doubly to their first child, talk with him, ask for

advice, in order to avoid experiencing the trauma of alienation. In this case, he will not only not be jealous, but will also feel like an older brother (sister). She will feel responsibility for the younger and his new role - the older child in the family will delight him.

Another difficulty is associated with attending preschool organizations such as kindergarten. If a child has not yet gone to kindergarten, and now he is being sent there, he will think that this is due to the appearance of a new family member. In order to make the visit to the group as joyful and comfortable as possible, you should start taking them to kindergarten in advance of the appearance of another baby in the family. At this time, you can more naturally help your child get used to the new environment, children and educators: pick him up early, listen to his experiences, help him be independent, help him cope with new obligations. The educator in this case plays a very important role. He helps through games, conversations, replaying various situations to survive difficulties and overcome emotional discomfort. The experience of working with children makes it possible to conclude that the most effective style of communication in a group is cooperation and mutual assistance. Then each participant in communication feels in this comfortable atmosphere necessary, irreplaceable. This allows children to develop independence and responsibility for their actions, develops the skill to independently establish relationships within the group. At the same time, the educator constantly monitors and monitors joint activities and, if necessary, corrects certain actions of the pupils.

The emotional well-being of a child in a peer group. Communication with peers even for the luckiest, funniest preschooler is not always successful. After all, everyone experiences ups and downs, and praise and censure in society. And when you are so open to the world, open with your emotions and soul, you most sensitively and subtly feel "acceptance" or "rejection" of you by the environment. As you know, communication among peers has an impact on the development of a child as a person. The child is trying to master new knowledge for himself, what is the norm of relations with his peers around him. And it also depends on how children communicate in their circle, what behavior they adhere to, and how comfortable the child feels there is protected. Children usually quickly enter this or that "mini-society", find mates with the same interests and build relationships. That "mini society", where the child observes or collides with preferred peers and rejected ones. Everyone has heard that "children are cruel." And communication with peers is a kind of test and a school that forms the skills of building relationships.

It is natural that the child is emotionally tense when communicating with peers. After all, he is vulnerable and still emotionally unstable. The joy of friendship and the bitterness of quarrel are inevitable. The interaction and cooperation of a child with children of his own age gives him an impetus to develop, go forward, try to

stand out. Communicating together, children learn about the world, the surrounding reality, and they are given the opportunity to communicate with both boys and girls. During the preschool period, children are very active. They want to touch everything, watch, observe, and, of course, share their impressions with their peers. Children crave companionship. In conditions of upbringing in preschool institutions, the child is always with other children.

They play together, experiment and even play pranks. In addition, the teacher creates conditions for the interaction of children with each other. And pupils, thus, acquire communication and behavior skills among equal participants. The community, the group of peers in which the child is, in one way or another, affects his development. The child needs to apply his knowledge and skills of communication and behavior in practice.

Gender. In relationships, children begin to pay special attention to the relationship between boys and girls, to the peculiarities of communication and behavior. Children, however, are not yet fully aware of what the word "boy" and the word "girl" fill in. Adults teach preschoolers how to behave according to their gender and social norms.

Parents in significant cases do this unconsciously. Girls are expected to be tender, emotional, sincere and sensitive. And from the boys - strength, confidence, courage and resilience. The child is guided every day by the values of his gender. They tell how a boy and a girl should behave. The boy is often told: "Be strong,

be patient, don't cry! you're not a girl! " And to the girls: "Be neat! Well, where did you go, you're a girl! " etc. And the boy is holding back tears, like a real man, and the bully is trying to curb herself and be a lady. In accordance with the perception of himself as a boy or girl, the child begins to choose play roles. At the same time, children are often grouped in games based on gender. At this age, most often girls are emotionally disposed towards girls, boys towards boys. This determines the development of self-awareness according to gender identity. Children also try to reflect the social roles of adult men and women. They behave accordingly, choose intonations that are characteristic of men or women, choose a profession that suits the gender. What the child compares identifies with a full-fledged adult, with his physical and psychological gender, and is gender identification. As you know, the acquisition of sex occurs in preschool childhood, but develops throughout life. Realizing their gender, the child develops behavioral norms and values of his gender.

Research by scientists has shown that a four-year-old child begins to form a gender identity. He chooses toys according to his gender. This reflects children's understanding of the specifics of the activities of men and women. Boys know and understand more in the technical field, and girls - in the household. The child realizes

that he is a representative of one sex or another. Awareness of one's gender is of the utmost importance for personality development.

Therefore, it is vital that the boy has an example to follow - a man, and the girl saw in her mother a representative of the fairest sex. And both: both the boy and the girl should have a desire to be a part of their sexual community.

Negative personality formations. So V.S. Mukhina named lies, envy, despondency, annoyance and other similar negative manifestations. In her opinion, the development of children in communication cannot be full and fruitful if the child has no need to be recognized in his society. However, realizing the desire to gain recognition, negative formations often appear. This envy and anger is the reason for the success of another, lie is a deliberate distortion of the truth. The reason for this is the unfulfilled, unmet need for the recognition of an immature child by society. Difficult situations and problems are inevitable in everyday life. And some children with dignity and in accordance with the moral order of society overcome them, while others cause indignation in him and provoke deception, violation of generally accepted rules.

These are just those situations where the child's vivid desires do not coincide and, thus, do not correspond to moral standards.

Thus, having found himself in such a difficult situation, the child has a choice of what to do:

- comply with the rule;
- break the rule by satisfying yourself and your need and be honest by telling adults about what happened;
- break the rule by satisfying your need and hide your real behavior in the situation, fearing censure.

Choosing the latter, the child resorts to deception - a lie arises.

Thus, teachers and parents, referring to the classification of communication difficulties of preschool age, have the opportunity to determine the cause of the problem in the child and, accordingly, help him cope with it.

References:

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 "On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan", PF-4947 (Annex 1, Strategy for Action on Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021).
2. Mirziyoev, Sh. (2018) .The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the State Program" Yoshlar - kelajagimiz "of June 27, 2018." Xalq so'zi "newspaper, 28.06.2018.
3. Mirziyoev Sh. (2018) DP - 3907 of the President of the Republic of Uzbekistan from August 14, 2018 "About measures on education of children morally

and morally and physically healthy, raising the quality of education system to a qualitatively new level" The Hellenic Word newspaper, 15.09.2018.

4. United Nations High Education of the 21st Century (1998), UNESCO's "Higher Education Reform and Development" Program (1995)

5. Mukhina V.S. Developmental psychology: phenomenology of development, childhood, adolescence: Textbook for students. universities. - 4th ed., Stereotype. - M .: Publishing Center "Academy", 1999. - 456 p.

6. Obukhova L.F. Age psychology. Textbook - M .: Pedagogical Society of Russia. - 1999 .-- 442 p.

7. Obukhova L.F. Child psychology. theories, facts, problems, M .: Trivola, 1995.

8. Olimov K. T. et al. Interdisciplinary integration—the basis for diagnosis of preparation for professional activity //Solid State Technology. – 2020. – P. 246-257.

9. Olimov K. T. et al. Competent training of future specialists on the basis of acmelogical approach //Journal of Critical Reviews. – 2020. – T. 7. – №. 15. – P. 2476-2483.

10. Olimov K. T. et al. Scientific researches for development// Scientific researches for development future. -2019. Volume1 P. 38-39

11. Khamidov J.A. Technology of creation and application of modern didactic means of teaching in the training of future teachers of vocational education: Abstract of the doctoral dissertation (DSc) on pedagogical sciences. -Tashkent, 2017.

12. Muradilloyevich, I. U., Tanzilovich, O. K., Anvarovich, A. A., &Baxodirovna, S. I. (2020). Improvement of teaching methodology by using modeling programs of engineering education in higher education of uzbekistan. JournalofCriticalReviews, 7(14), 81-88. doi:10.31838/jcr.07.14.12

13. Dustnazar Omonovich Khimmataliev, Kakhramon Tanzilovich Olmov, Ranajon Matyakubovna Abdullaeva, Bobirjon Bakhodirovich Ergashev, Khadicha Toshbaevna Chulponova. Mechanisms of professional competence development in future teachers based on pedagogical and technical knowledge. *PSYCHOLOGY AND EDUCATION* (2021) 2838-2844.

14. Khimmataliev D., Khakimov J., Daminov O., Rakhmatova F. Criteria and indicators for assessing the level of professional training of future teachers of vocational training at a training module // Journal of critical reviews. ISSN - 2394-5125. Vol 7, Issue 5, 2020 - p. 428-431. doi:10.31838/jcr.07.05.89

ИНГЛИЗ ТИЛИ МАШФУЛОТЛАРИДА ИНФОГРАФИК МУЛТИМЕДИЯ ВОСИТАСИННИГ АҲАМИЯТИ

**Таняриқова Д.Ғ., 314 мактаб ўқитувчиси
Хайдаров Р.Ю., МТТДМҚТМОИ докторанти**

Аннотация. Мақолада иқтисодиётнинг барча тармоқлариға, жумладан таълим соҳасига кенг жорий қилинаётган, республикамиз учун янги йўналиш бўлиб ҳисобланган инфографика ҳақида сўз боради. Унда инфографика тушунчаси, мақсади, турлари, қўлланиши ва самрадорлиги очиб берилган. Миллий инфографика мактаби натижаларидан мисоллар келтирилган.

Аннотация. В статье изложено новое направление для республики инфографика, которая все шире используется в отраслях экономики, в т.ч. в образовании. В ней раскрыты понятие, цель, виды, способы использования и эффективность инфографики. Приводятся примеры национальной инфографической школы.

Annotation. The paper set out a new direction for the country infographics, which is increasingly used in the fields of economy, including in education. It disclosed the concept, purpose, types, methods of use and effectiveness of infographics. Info-graphic examples of national schools.

Калит сўзлар: инфографика, таълим, янгича ёндошув, технологиялардан фойдаланиш, самарадорлик, турлар, кўргазмалик, тўлиқ жараён, кенг қамровлилик, осон етказиш, истиқболлилик.

Ключевые слова. Инфографика, образование, новый подход, использование технологий, эффективность, виды, иллюстративность, вес процесс, широкий охват, доступность, перспективность.

Keywords. Infographics, education, a new approach, the use of technology, efficiency, species, illustrative process weight, wide coverage, availability, prospects.

Ҳозирги кунда Республикализнинг барча таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларнинг юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлаш кўникмасига эга бўлишлари, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани, жаҳон стандартига жавоб берадиган ўқув хоналари, ахборот-коммуникация, замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Соҳа мутахассисларининг набатдаги вазифаси яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, илғор педагогик технологияларни амалиётга қўллаш орқали ўқувчиларда катта ҳажмдаги маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, мустақил фикрлаш, ишлаш кўникмаларини шакллантириш талабларга жавоб

берувчи юқори малакали мутахассис бўлиб етишишини таъминловчи самарали таълим жараёнини ташкил этишдан иборат.

2020 йил 24 январ куни Тошкент шаҳридаги Халқаро конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига навбатдаги Мурожаатномасида тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шартлгини, бу эса бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беришини, юртимиз “Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси” бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилиган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадалигимизни таъкидлаб ўтди.

Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан биридир.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади балки ортиқча харажатларни ҳам камайтиради.

Шулардан бири бу инфографикалар асосида мултимедиа воситаларни таълим-тарбия соҳасига олиб киришдир.

Инфографика ўзи нима, деган ўринли савол туғилиши табиий.

Инфографика – бирон бир мавзуга тегишили ахборотларни график ҳолатда бериши. Унинг мақсади – муайян ҳолат, жараён, ҳодиса ва воқеаларга оид ахборотларни графика, жумладан расм, чизма, карта, рўйхат, диаграмма, блок-схема, реестр, жадвал, рақамлар ёрдамида бир бетда баён этиши орқали фойдаланувчига кўргазмали қилиб етказиши. У ахборот дизайнининг бир тури бўлиб, ё статик ёки динамик кўринишда акс этади. Инфографика орқали ҳар қандай мураккаб ҳолат, жараён ва воқалар ягона бир қоғоз ёки электрон бетда иллюстратив равишда баён қилинади.

Хорижий мамлакатларда Edward R. (The visual display of quantitative information, 1983, 2007); Lankow J., Ritchie, J., Crooks R. (Infographics: The power of visual storytelling, 2012); Alberto C. (The Functional Art: An introduction to information graphics and visualization, 2012); Newsom D., Haynes J. (Public Relations Writing, 2010); История мира в инфографике (М.: Альпина Паблишер, 2014) ҳамда Интернетда ўнлаб веб-сайтлар (<http://infogra.ru> ва х.к.) мавжуд.

Замонавий интерфаол инфографикалар ахборот технологияларини кенг кўллаётган усувлардан бўлиб, у HTML5, CSS3 ва Java Script дастурларидан фойдаланган тарзда 3D форматида ишлаб чиқилмоқда. Мазкур инфографика тури қайд қилишдан ташқари, виоасбобли доскалардан ҳамда тез мослашувчан ва ўзгарувчан реал вақт давомида қўллашни ҳам назарда тутади.

Картографияда интерфаол инфографика методини қўллаш орқали кўчиб юрувчи күшларни сони ва ҳаракатини қайси худуддан ўтаётгани, жой ландшафти, оқимини динамик ҳолда (анимация орқали) кузатиш ва тадқиқ қилиш имкониятини очиб беради.

Ўзбекистонда ушбу масала бўйича маҳсус илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Ўзбекистонда инфографикалар ўқув адабиёти сифатида эмас, балки давлат идоралари (www.ziyo.edu.uz, www.uznature.uz...), нодавлат ва халқаро ташкилотлар (www.ekomaktab.uz, www.unesco.org, www.undp.org...) фаолиятига доир ишларни баён этишда фойдаланилмоқда, холос.

Инфографиканинг қўлланиш соҳаси жуда кенг: бошқарув, педагогика, журналистика, география, статистика, тиббиёт, ҳарбий, картография, информатика ва ҳ.к. Шунинг учун ҳам унинг ҳар хил тоифалари, ахборот бериш усули ва турлари мавжуд. Масалан,

тоифалари бўйича:

- расмларда сонлар;
- статистик маълумотларни кенгайтирилган тарзда баён этиш;
- жараён ва истиқболга йўналтирилган (аксарият ҳолларда рақамларсиз бўлиши ҳам мумкин) ва ҳ.к.

Ахборот бериш усулига қараб:

- статик – айрим расмларни анимациясиз кўрсатиш;
- динамик – анимациялар орқали ахборотларни кўрсатиш.

Ахборот манбаига қараб:

- аналитик – маълумотларни таҳлил қилишга йўналтирилган;
- янгилик – оператив режимда аниқ бир янгиликларни бериш;
- реконструктив – муайян ворқеаларни хронологик баён этиш.

Инфографикалар тарихи жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимги карталар ҳам айнан оддий инфографика усулларини қўллаган тарзда баён этилган. Лекин уни алоҳида ахборот тарқатиш усусли сифатида 1982 йил “USA Today” газетасида қўллаш орқали юзага келди. Бу эса газетани оммалашишига олиб келди ва уни нафақат технология, балки бизнес ва санъат даражасига олиб чиқди. Буни устаомонлик билан Американинг «Эсквайр» и «Нью-Йоркер» журналлари ўз сахифаларига татбиқ этиш ва ҳаттоки, 3-4 нафар дизайн-инфограф ва маҳсус журналистлар гурухини ташкил этишиди.

Хозирги кунга келиб инфографикалар таълим ва тарбия соҳасига ҳам олиб кирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сонли қарори билан тасдиқланган “Баркамол авлод йили” давлат дастурида “Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган

ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун мажбурий таълим жараёнига янги турдаги ўқув адабиётларни татбиқ қилиш орқали мактаб ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимида самарали тизимни янада ривожлантириш” вазифаси қўйилган эди. Ушбу масала шу кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ, зоро илмий-техник ривожланиш жадал суратларда кечайтган бир пайтда таълимнинг янги замонавий ўқитиш воситалари амалга кириб келмоқда. Бундай ўқитиш воситаларидан бири “инфографик таълим”, яъни ёшларда муайян компетентлик хусусиятларини ҳосил қилувчи инфографикага асосланган инглиз тили фани учун ўқув адабиётлари, электрон дарсликлар, электрон мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш. Лекин шу кунгача, жумладан республикамида ҳам “инфографик таълим”нинг илмий-методологик асослари ишлаб чиқилмаган ва шунинг учун ҳам, аввалам бор, мамлакатимиз ёшларини тўлиқ қамраб олувчи миллий мажбурий таълим тизими учун яратилаётган ўқув адабиётларини инфографикани кенг қўллашнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш керак бўлмоқда.

Ўқитиш воситаларидан бири “Инфографик таълим”, яъни ёшларда муайян компетентлик хусусиятларини ҳосил қилувчи инфографикага асосланган инглиз тили фанлари учун ўқув адабиётлари, сўнгра электрон дарсликлар, электрон мультимедиа воситаларини кенг жорий этишнинг илмий асосларини яратиш зарур. У умумий ўрта таълими самарадорлигини оширувчи, оддийдан мураккаб ҳамда ихтисосликка томон йўналтирилган иллюстратив-ахборот олиш имкониятини берувчи материаллар кенг қўлланилган ўқув адабиётлари сирасига киради.

Хулоса қилиб айтганда, Республикаизда мактабгача таълим ва халқ таълими тизимини такомиллаштириш учун инфографикага асосланга янги авлод инглиз тили ўқув адабиётлари инновацион характерга эга бўлиб, у болажонларни таълим ва тарбияга бўлган қизиқишлигини оширади, фаоллаштиради, ривожлантириш марказида ўтилаётган машғулотларни ўзлаштиришга хизмат қиласи, камчиқимли ва самарадор дарсликларни ишлаб чиқишини йўлга қўйишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Edward R. Tufte. The Visual Display of Quantitative Information.* — 16. — Graphics Press, 1983. — P. 197.
2. *Lankow, J. and Ritchie, J. and Crooks, R. Infographics: The Power of Visual Storytelling.* — Wiley, 2012. — 264 p. — ISBN 9781118420065.
3. *Alberto Cairo. The Functional Art: An introduction to information graphics and visualization.* — New Riders, 2012. — 384 p. — ISBN 978-0-13-304118-7.

4. *Newsom, D. and Haynes, J.* Public Relations Writing: Form \& Style. — Cengage Learning, 2010. — 448 p. — ISBN 9781439082720.
5. История мира в инфографике. — М.: Альпина Паблишер, 2014. — ISBN 978-5-9614-4525-1.
6. <http://infogra.ru/books/top10-infographic-books>

МТТДА ТАРБИЯЧИ ВА ПЕДАГОГЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ

Ташбаев Н.С., МТТДМҚТМОИ тадқиқотчиси

Мактабгача таълим ташкилотида инновацион технологиялардан фойдаланишининг зарурий шартлари педагогнинг салоҳияти ва ҳаракатлари, унинг янгиликни сезиши, очиқлиги бўлади. Педагог ва боланинг таълим жараёнида тутган ўрнининг ўзгариши ўзаро муносабатлар, энг аввало педагоглар ўзаро муносабатлари – интегратцияси ва ўзаро мослашуви тизимини қайта қуриш, шунингдек «педагог–бала–ота–она» учбурчагида ўзаро муносабатларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу, бир томондан, мактабгача таълим ташкилотида инновацион жараённинг зарурий шарти, бошқа томондан – унинг натижаси ва муваффақиятининг кўрсаткичи бўлади. Бошланғич даражада инновациялар ёки айрим курснинг, ёки курслар блокининг (масалан, экологик ёки гуманитар) янги мазмунини яратишга; ёки таълим жараёнининг тузилмасини яратишнинг янги усулларини ишлаб чиқишига; ёки таълимнинг янги технологиялари, янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқишига қаратилади. Исталган даражадаги инновацияни назарий асосланган, мақсадга қаратилган ва амалиётга йўналтирилган янгилик деб қараш мумкин. Инновация ҳар қандай даражасида 4 босқич давомида ривожланади:

- назарий, яъни инновацияларни психологик-педагогик таҳлил асосида асослаб бериш; инновацион жараён қандай ривожланиши, ҳамда унинг салбий ва ижобий оқибатлари қандай бўлишини прогноз қилиш;
- ташкилий-сиёсий;
- таҳлилий (олинган натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш);
- жорий этиш.

Босқичлардан ҳар бири ўз вазифалари ва мазмунига эга. Энг мураккаб босқич биринчи босқичдир, чунки педагогик фикр юритиш психологик-педагогик назарияни эгаллаш, ўз ғояларини ягона концепция қилиб жамлаш, инновациялар зарурлиги ёки муқаррарлигини асослаш, янгиликни жорий қилишга кўмаклашувчи омилларни ажратиб кўрсатишни кўзда тутади. Ушбу босқич режалаштирилган янгиликнинг ахборот таъминотини ҳам кўзда тутади. Биринчи босқичда пухта ишлаш инновацияларни педагогик жараёнга

жорий қилиш босқичида муваффақиятга олиб келади. Иккинчи босқич – янгиликни ўзлаштиришга кўмаклашувчи янги тузилмаларни яратишдир. Бу тузилмалар мобил, мустақил ва эркин бўлиши лозим. Учинчи босқичда инновацион жараён қайси даражада амалга оширилаётганини англаб етиш; умуман таълим ташкилотининг аҳволини (ёки муайян фанни ўқитишининг аҳволини) янгиликни жорий қилиш натижасида эришилиши кўзда тутилган прогноз ҳолатига солиштириш лозим. Агар мувофиқликка эришилмаса, нега деган саволга жавоб топиш лозим. Жорий қилиш босқичида муваффақият иккита омилга боғлиқ: янгилик амалга ошаётган ўқув юртининг (ёки таълим мухитининг) моддий-техник базаси, ва педагогик ходимлар ва раҳбарларнинг малакаси, уларнинг умуман янгиликларга муносабати, уларнинг ижодий фаоллиги. Ҳар қандай инновациялар ходимлардан юксак ҳиссий ва ақлий куч сарф этилишини талаб қиласи, демакки, бу меҳнатга шунга мос ҳақ тўланиши лозим. Ушбу муаммолар туфайли (педагоглар жамоасининг касбий маҳорати; моддий-техник базаси ва меҳнатнинг ижтимоий баҳоланиши) таълимдаги инновациялар амалга ошгунча узоқ ва қийин йўл ўтади. Агар анъанавий таълимнинг инновацион таълимдан фарқлари тизимини таҳлил қилиб, инновацион фаолиятни амалга оширишининг педагогик усулларини аниқласак, ушбу таҳлил таълим технологияларини ўзgartириш лозимлиги ҳақидаги хуносага олиб келади. Таълим технологиясининг энг кўп тарқалган таърифи куйидагича: таълим технологияси – бу ўқув дастурларида кўзда тутилган, ўқитишиш шакллари, услублари ва воситаларининг тизимидан иборат бўлган таълим мазмунини амалга ошириш усули бўлиб, ушбу тизим қўйилган дидактик мақсадга энг самарали эришишни таъминлайди. Шундай қилиб, таълим маданиятнинг бир қисми бўлиб, унинг тубигача амалга оширадиган ўзгаришлар инсонларнинг ҳаётий фаолияти усулларини ўзgartиради, демакки, таълимда инновациялар юзага келишига олиб келади. Инсон цивилизациясининг постиндустриал даврида, яъни кўп олимлар томонидан ахборот-инновацион давр деб аталадиган даврда билим ва таълим туб асосий тушунчаларга айланади.

Бўлажак мактабгача таълим ташкилоти педагог тарбиячиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмалари:

1. Мактабгача таълим ташкилотининг ишига инновацияларнинг жорий этилиши – мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг энг муҳим шартлари.
2. Педагогик фикр юритиши психологик-педагогик назарияни эгаллаш, ўз ғояларини ягона концепция қилиб жамлаш.
3. Инновациялар зарурлиги ёки муқаррарлигини асослаш, янгиликни жорий қилишга кўмаклашувчи омилларни ажратиб кўрсатиш.

4. Мактабгача таълим ташкилотининг ишига инновацияларнинг жорий этилиши – мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг энг муҳим шартлари.

Таълим сифатини бошқаришга илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш хорижда XX асрнинг 20-йилларида, мамлакатимизда эса 50-йилларида бошланган эди. Бизда бу иш узоқ вақт мобайнида жаҳонда амалга оширилаётган ишлардан ажралган ҳолда олиб борилди. Агар чет элда таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш усулларини излаш ишлари аввал бошданоқ ижтимоий бошқарувнинг умумий назарияси ютуқлари асосида амалга оширилган бўлса, мамлакатимизда асосан педагогика назарияси қоидаларига таянган эди. Аммо 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бу узилиш жадаллик билан бартараф этила бошлади. Ижтимоий бошқариш фанини ривожлантириш Ўзбекистонда ва хорижда таълимни бошқариш муаммолари ечимини назарий жиҳатдан идрок этишга ва излашга жиддий таъсир кўрсатди. Ижтимоий ташкилотларни бошқаришнинг умумий ғоялари таълим соҳасида бошқариш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Таълимни бошқариш қонуниятлари бошқарув жараёнида турли элементлар ва ҳодисаларнинг объектив равишда мавжуд бўлган, такрорланувчи ўзаро алоқаларини акс эттиради. Улар умумий ва хусусийга бўлинади. Умумий қонуниятлар бошқарувнинг барча тизимларига хос бўлса, хусусийлари айрим таълим ташкилотлари ва муассасаларининг амал қилиши билан боғлиқ. Қуйидагиларни бошқарувнинг умумий қонуниятлари сирасига киритиш мумкин: устувор самарадорлик ва онгли режали бошқариш; бошқарадиган ва бошқариладиган тизимларнинг, бошқариш субъекти ва объектининг ўзаро муносабати, бошқарувда меҳнат тақсимоти ва кооперацияси жараёнларини кучайтириш. Ушбу қонуниятларни кўриб чиқамиз. Таълимни онгли бошқаришнинг устувор самарадорлиги қонунийдир, чунки унда кечётган жараёнларни режали бошқариш тизими амалда ушбу жараёнларни беихтиёр тартибга соладиган бошқариш тизимларидан самаралироқдир. Ҳозирги таълимда бошқаришнинг барча даражаларида дастурий-мақсадли ёндашув, тизимли ёндашув ва таҳлил кенг қўлланилаётганлиги бунинг далилидир. Бошқарадиган ва бошқариладиган тизимлар, бошқариш субъекти ва объектининг ўзаро муносабати қонуният эканлиги бошқарув соҳасининг бошқарув объекти талабларига мувофиқлигини билдиради. Чунончи, иқтисодиётни ривожлантиришда 90-йилларнинг ўрталаридан кўзга ташланган силжишлар мамлакатимизда бутун бошқарув аппаратини муайян ўзgartiriшни талаб қилди, бу ҳол 1997 йилдан бошланган таълим ва кадрлар тайёрлашдаги ислоҳотлар мажмуида ўз ифодасини топди. Натижада таълим ва уни бошқариш тизими ижтимоий-

иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар, фан-техника тараққиёти талабларига мос тушган ҳолда барқарор ривожланиш тамойилини касб этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 1997й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим-тарбия тўғрисида”ги 595-сон қарори 2019 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. - Тошкент : Ўзбекистон, 2016 й.
5. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008й.
6. Корзникова Г.Г. .Менежмент в образовании. Практический курс. М., “Академия”, 2008г.

БОЛАЛАРНИНГ ФИКРЛАШ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ

Туйчиева И.И., ФДУ н.ф.ф.д (PhD)

Джалалов Б.Б., ФДУ ўқитувчиси

Хозирда амалдаги ҳукуқий-меъёрий асосларга кўра давлат мактабгача таълим ташкилотларига болаларни З ёшдан қабул қилиш назарда тутилди. Бу тиббий, педагогик, психологик, методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлиб, болалар уч ёшга тўлганда ўз фикрини ифодалаш, мустақил овқатланиш, ўйин фаолиятига киришиш, атроф-муҳитдаги нарса-буюмларга ўз қизиқишлигини баён қилиш, тенгдошлари билан ўзаро мулоқот ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. Бу болаларни жисмоний, ақлий ҳамда ижтимоий-ҳиссий жиҳатдан камол топтириш ва саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг эркин фикрлаш, ижодий қобилияtlарини ривожлантириш, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан баркамол, шунингдек, келажакда мустақил ва онгли яшайдиган шахс сифатида шакллантириш имкониятларини кенгайтиради.

Бу ўз навбатида, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янгича ёндашув асосида такомиллаштириш, болаларнинг фикрлаш фаоллигини оширишда мактабгача таълим мазмунини интеграциялаш, уларда амалга ошириладиган педагогик жараёнларни янги мазмун ва инновацион технологиялар билан бойитиш имконини беради.

МТТ тарбиячилари оиланинг болани илк тарбиячиси сифатидаги устивор мавқеини эътироф этишлари жуда муҳим. Замонавий МТТ тарбиячиси ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга кола олиши, болалар

жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

Бола мактабгача таълим ташкилотларига қатнай бошлагунига қадар оила унга элементар ҳаракатлардан тортиб, тўп улоқтиришгача бўлган кўпгина нарсаларни ўргатган холда эртак эшлишидан завқ олиш кўникмасини ҳосил қилган бўлади. Боланинг ilk ривожланишида оиланинг аҳамиятини етарли баҳолаш жуда қийин. Болалар оилада тарбияланади, унда содир бўладиган воқеалар уларга катта таъсир кўрсатади. Оила, бу – ўз болалари ҳаётида доимий равишда иштирок этадиган, улар тўғрисида қайғурадиган, уларни ўқитадиган, қарорлар қабул қиласидиган одамлар.

Оилалар турлича бўлади. Улар кичик, унча катта бўлмаган ёки катта, кенг бўлиши мумкин. Уларда кўплаб ака-ука ва опа-сингиллар ёки биргина бола бўлиши ҳам мумкин. Айрим оилаларда бола асраб олинган бўлади ёки қариндошлари билан яшайди. Бола ота-онасидан ташқари, амма-хола, амакитоға, бобо ва буви, оиланинг яқин дўстлари каби кўплаб ўзи учун ҳурматли бўлган катта ёшдаги кишилар билан мустаҳкам алоқада бўлиши мумкинлиги сабабли ота-оналар билан алоқа ўрнатишни етарли ҳисобламай, бола ҳаётига реал таъсир кўрсатадиган барча кишилар билан ҳамкорлик қилиши керак.

Бола воситасида оила билан мулоқот қилиш – мураббийлар жамоаси мажбуриятларининг муҳим қисми ҳисобланади. Барча оилалар ўз болаларининг баҳт-саодатидан манфаатдор ва уларнинг яхши ва мамнуният билан ўқишиларини истайдилар. Шунинг учун оила аъзолари унинг ютуқларидан хабардор бўлишни хоҳлайдилар. Педагоглар ота-оналар билан ҳақидаги тасаввурларини чукурлаштириш ва имкон қадар самарали ишлаш учун боланинг уйдаги ва МТТдаги ҳолати, унинг кучли ва заиф томонларини, ташвиш туғдирадиган барча жиҳатларни мамнуният билан муҳокама қилишлари керак.

Маҳоратли МТТ тарбиячиси оилалар билан алоқа қилишда қўйидаги тамойилларга риоя қиласиди: вақт топади, имконият яратади ҳамда ота-оналарнинг ўз фикр-мулоҳазалари, қувончлари, ташвишлари ва ниятларини гапириб беришларини кўллаб-қувватлади.

Кўз-кўзга тушиб сухбат қилиш мумкин бўлган жойни танлайди ва маълумотларга ҳамиша махфий сир сифатида муносабатда бўлади.

Оилалар тарбиячилар билан энг шахсий маълумотларни ўртоқлашадилар, бинобарин, уларни сир сақлаш муҳим.

Ишлайдиган ота-оналарда кўпинча бўш вақт жуда кам бўлади. Шунинг учун тарбиячилар оилалар билан сухбатлашиши мумкин бўлган табиий норасмий вазиятлар боғча ва уй ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун жуда муҳим.

Етакчи психологларнинг эътироф этишлари, кўпгина тарбиячилар ота-оналар билан алоқа қилиш учун улар болаларини боғчага олиб келган ёки боғчадан олиб кетаётган вақтдан фойдаланишга ҳаракат қиласидилар. Бу вақтда улар ота-оналарга кун мобайнидаги воқеалар, боланинг муваффақиятлари тўғрисида хабар беришлари, ўтказилиши режалаштирилган мажлис ва бошқа нарсалар ҳақида эслатишлари мумкин (лекин бунда боланинг қандайдир муаммолари (агар улар бўлса) тўғрисида сўз очмаган маъқул). Куннинг аввали ва охирида ота-оналар бир-бирлари билан мулоқот қилишлари, тарбиячиларга саволлар беришлари, учрашув ҳақида сўрашлари, болалар билан ўйнашлари, уларга китоб ўқиб беришлари мумкин.

Ота-оналарнинг имкониятларидан келиб чиқиб, мулоқот учун норасмий вақт белгиланганда учрашув жадвали ўзгарувчан қилиб тузилиши ҳамда кун аввали ва охиридаги эркин сухбатлашиш шароитига мувофиқлаштирилиши керак. Ота-оналарнинг боғча остонасини ҳатлаб ўтар-ўтмас болаларини шоша-пиша ташлаб кетишларидан иборат ҳолатларни камайтириш учун шундай тартиб ўрнатиш керакки, унга мувофиқ ота-оналар болани гурух турган ергача кузатиб келишлари ва унинг бошланаётган кунни ўтказишга тайёргарлик кўришига кўмаклашишлари керак бўлади.

Яна шуни ҳам эътироф этиш керакки, тарбиячилар ва болалар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлиши керак. Болалар боғчасида гурух деб аталувчи уюшмада ҳурмат зарур таркибий элемент ҳисобланади. Тарбиячилар улар болалардан кутадиган ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат қилиш ва бир-бирига ғамхўрлик кўрсатишда намуна бўладилар. Болалар бошқа болалар билан ижодий ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам пойдеворини қўяди.

Педаголар гуруҳдаги ҳар бир болага ҳурмат кўрсатсалар, болалар қолган барча болаларни – секин югурувчиларни ҳам, аъло даражада расм чизувчиларни ҳам ва ҳатто кам учрайдиган ёки зиддиятли феъл-атворли болаларни ҳам қабул қилишни ўрганадилар. Болалар бошқалар уларнинг ҳар бирини қабул қилишлари ва ҳурмат қилишларини кўрганларида ҳамда сезганларида ўзларини қулай ҳис қиласидилар ва эркин тутадилар, шу билан бирга ўзларининг шахсий қизиқишлигини фаол фикрлаш асосида амалга оширадилар.

Тарбиячилар шуни тушуниб этишлари керакки, болалар ҳам катталардек ўзларига билдирилган самимиятни ҳис этадилар ва сезадилар. Болаларни улар бажарган иш натижалари учун мақташ самимиятни талаб этади, ўзаро таъсир табиий ҳолда ва мажбур этмаслик тарзида бўлиши лозим.

Ўз устида ишлайдиган ва маҳоратини узлуксиз ошириб борадиган тарбиячи мактуб ва кундаликлардан фойдаланиши ҳам мумкин. Шунингдек, бола орқали ота-оналарга мактуб жўнатиш йўли оилалар ва педагоглар

жамоаси ўртасидаги яқинликни таъминлашга ёрдам беради. Бу боланинг янги муваффакиятлари тўғрисидаги қисқагина хабар ёки раҳматнома бўлиши ҳам мумкин. Одатда ота-оналар бундай мактубларни қизиқиш билан ўқийдилар ва жавоб йўллашга ҳаракат қиласилар.

Бундан ташқари алоқалар ривожида тарбиячилардан ота-оналарга юбориладиган, улардан яна тарбиячиларга қайтариладиган кундаликлар (ёки алоқа дафтари) катта рол ўйнайди. Хусусан, ота-оналарнинг вақти жуда чекланган ёки оиласда телефон бўлмагандан бу ўзаро алоқанинг жуда яхши усули ҳисобланади. Агар болада қандайдир шикоят ёки муаммолар бўлса, кундалик доимий алоқани таъминлайди ҳамда ота-оналар ёки педагоглар жамоасини у ёки бу ўзгаришлардан хабардор қиласиди. Бу усул айниқса, ота-оналар учун қўл келади. Чунки улар ўз фикрларини ёзма шаклда осон ифодалайдилар.

Умуман олганда, оила бу – қудратли куч, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида кафолатланган ижтимоий институтдир. Таҳлилларимиз асосида бола тарбияси борасида МТТ ва оиланинг самарали ҳамкорлигига эришиш тарбиячининг қай даражада педагогик маҳоратни эгаллаганлигига боғлиқдир. Демак, оила билан ҳамкорлик шахсни илк тарбиялаш тизими сифатида боланинг дунёқарashi, маънавий оламининг ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган мактабгача таълим муассасалари учун «Илк қадам». Мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастури. Тузувчилар: И. В. Грашева, Л. Г. Евстафева, Д. Т. Маҳмудова, Ш. Б. Набиҳонова, С. В. Пак, Г. Э. Джанпеисова. – Т.: МТВ, 2018. – 69 бет.

2. Тожибоева Ҳ.М. Мактабгача таълим муассасаси ва оила ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари // Таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш – соҳа тараққиётининг муҳим мезони: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (6-китоб). Тошкент, ТДИУ, 2015. – Б. 83

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИ БОШҚАРУВ СИФАТИНИ ОШИРИДАГИ АҲАМИЯТИ

Туляганова Н.Р., МТТДМҚТМОИ стажёр тадқиқотчиси

Мақолада сўнгги йилларда фаол ривожланиб бораётган мактабгача таълим тизимларни бошқаришда ахборот-коммуникация технологиялари (механизмлари) ни жорий этишни ривожлантириш масалалри ёритилган.

Калит сўзлар: мактабгача таълим, ахборотлаштириш, бошқарув.

Миллий таълим тизимининг мактабгача таълим даражасини ахборотлаштириш ахборот жамиятининг ривожланиш тенденцияларидан биридир. Сўнгги йилларда фаол ривожланиб бораётган жиҳатларидан бири педагогик тизимларни бошқаришда ахборот-коммуникация технологиялари (механизмлари) ни жорий этиш билан боғлиқ.

Жадал ўзгарувчан дунё шароитида технологияларнинг доимий такомиллашуви ва мураккаблиги, таълим соҳасини ахборотлаштириш асосий аҳамият касб етмоқда. Таълим соҳасини ривожлантиришнинг бу йўналиши, давлат хужжатларида таъкидланганидек, энг муҳим миллий устувор йўналиш сифатида еътироф этилмокда. Трансформация туфайли ахборот технологияларининг роли нафақат мактаб тизимида, балки мактабгача таълимда ҳам тобора кучайиб бормоқда.

Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотларининг ўқув фаолиятида илмий-амалий билимлардан фойдаланишнинг тўлиқлиги ва сифатига эришиш учун уларнинг "ишлаб чиқариш" жараёнлари чэгарасида самарали ахборот таъминоти тизимини яратиш зарурлиги аксиомага айланади. Бунинг учун унинг ҳар бир элементи самарали ишлаши зарур.

Самарали "натижалар билан бошқариш" учун куйидагилар зарур:

- барча тўлиқлигини ва кутилган натижа сифат кўрсаткичларини кўп кирралик аниқ кўрсатиб бериш;
- таълим жараёнининг барча даражадаги бошқарувчилари (ўқитувчидан мактабгача таълим ташкилоти директоригача (бундан буён матнда МТТ деб юритилади) ўзига хос бошқарув цикларининг моҳиятини ва уларнинг технологик самарадорлигини белгиловчи тайинланган "жавобгарлик ҳудуди" да ўз касбий функцияларини бажариш сифатини ўзgartириш,

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини модернизация қилиш мактабгача таълим ташкилоти (МТТ) директорининг бошқарув фаолиятининг моҳиятини тушунишга тузатишлар киритилди. Мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, ривожлантириш муаммоларини илмий тамойилларга асосланган бошқарув тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим директорларининг юқори даражадаги касбий ютуқлари, ўқитувчиларнинг

малакасини ошириш, педагогик жараённи ташкил этишга ёндашувларни ўзгартириш билан муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборотлаштириш моҳияти педагогик тизим фаолиятини оптималлаштириш, унинг салоҳиятини ривожлантириш ва ижтимоий буюртмаларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида замонавий компьютер технологиялари ва алоқа воситаларидан фойдаланишга асосланган бошқарув фаолиятини ахборот билан таъминлаш жараёнидир.

Замонавий технологиялар ва компьютер дастурлари таълим сифатини бошқаришнинг "ахборот тизими" ни яратиш, директорларни ташкилот фаолиятининг барча жиҳатлари ҳақида тезкор ва долзарб маълумотлар билан таъминлаш имконини беради: ўқув жараёнини ташкил этиш, болалар соғлигини яхшилаш ҳамда турли ҳисоботлар ва мурожаатларни тайёрлаш шулар жумласидан. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида мактабгача таълим ўқитувчилари диагностика, назорат ва мониторинг натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш услублари ва усуллари ҳақида ҳар доим ҳам етарли маълумотга эга эмаслар.

"Мактабгача таълим ташкилотларини бошқарув сифатини оширида ахборот технологиялари" лойиҳасининг мақсади - таълим жараёнини бошқариш муаммоларини ҳал этишнинг кафолатланган сифатини таъминловчи ахборот технологиялари орқали мактабгача таълим директорларининг касбий фаолиятини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш. Таълим ташкилотлари бошқарувчиларининг касбий фаолияти янада такомиллашиб, назорат, таҳлил ва мақсадни белгилаш масалаларида замонавий фан ва амалиёт талабларига жавоб бериши учун у тегишли (моҳиятига етарли) воситаларга эга бўлиши керак. Ўз навбатида, талаб дастурий маҳсулот ишлаб чиқариш спецификацияси ва аниқ мижозлар талабларини ҳисобга олиши керак.

Лойиҳа мактабгача таълим ташкилоти ходимларидан маҳсус тайёргарликни талаб қилмайдиган ташкилот амалиётига ахборот-компьютер мухитини жорий этиш ва зарур маълумотларга тезкор киришни таъминлаш учун ягона ахборот майдонини яратишни таклиф етади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг фаолияти бевосита директор ва унинг ҳодимларининг ахборотга эга бўлиши, ахборотни қанчалик тез қайта ишлаши ва уни таълим жараёни иштирокчилари эътиборига етказа олишига боғлиқ. МТТ директорининг ахборот технологиялари компентентлиги дейилганда мактабгача таълимни ахборотлаштириш шароитида ўз фаолиятининг муваффақиятини таъминлайдиган билим, қўникма, мотивацион

ва қиймат йўналишлари ва профессионал ва шахсий фазилатларни ўз ичига олган шахснинг яхлит таълимини тушунилади.

АКТдан фойдаланиш бошқарув фаолиятининг сифати ва маданиятини юқорига олиб чиқиш, ривожланиш режимида ишлаш захираларини яратиш имконини беради.

Бошқарув соҳасида АКТни жорий этиш қуидагикўрсаткичларни ошириш имконини беради:

- меҳнат ва вақтни тежаш;
- бошқариладиган тизимнинг ҳолати ҳақида хабардорликни ошириш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлиги;
- бошқарув қарорларининг етарлилиги ва унумдорлиги;
- ахборот жараёнларини оптималлаштириш ва автоматлаштириш;
- интелектуал салоҳиятни ошириш.

Замонавий таълим тизимиning ўзига хос хусусияти бутун бошқарув тизими бўйлаб тўғридан-тўғри ва тескари ахборот оқимларининг кескин ортиб боришидир. Ахборот билан ишлашнинг анъанавий шакллари деярли фойдалилигини келтириб чиқарди ва шу муносабат билан компьютер технологияларидан бошқарув мақсадларида фойдаланишнинг оптимал варианти йўқ. Ахборотни сақлаш, қайта ишлаш, қабул қилиш, узатиш, таҳлил қилиш, компьютер тармоқлари орқали қофоз оқимини камайтириш бошқарув фаолияти жараёнини тезлаштириш ва, умуман, унинг самарадорлигини ошириш имкониятидир.

МТТ директорларининг бошқарув фаолиятини унинг ахборотлашуви шароитида таҳлил қилишда қуидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- 1) бошқарув обектларининг автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ) ни ташкил этиш;
- 2) МТТ электрон ахборот банкининг тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқиш;
- 3) мактабгача таълим ташкилотларининг автоматлаштирилган ахборот тизимини (ААТ) моделлаштириш;
- 4) ўз фаолияти соҳаларида МТТ базаларини лойиҳалаш (ААТ);
- 5) электрон тўплам усуллари ва воситаларидан фойдаланиб зарур маълумотларни олиш (Мактабгача таълим ташкилотларининг Интернет ахборот ресурслари, алоқа ва ахборот ресурслари);
- 6) йиғма ахборотни таҳлилий жараёнлар ва МТТ электрон банки воситалари орқали қайта ишлашни ташкил этиш;
- 7) турли ахборот воситалари (қофоз, электрон) га таъсир этувчи ахборотларни шакллантириш ва узатиш.

Ахборот технологияларининг жорий етилиши бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш имконини бермоқда ва бу мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантиришда мантиқий ва зарур қадамдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Босова Л. Л. толковий словарь терминов понятийного информатизации образования [таълим Ахборотлаштириш концептуал аппарати шартларини Тушунтириш лугат].
2. Горвиц, Ю. М. Мактабгача таълимда янги ахборот технологиялари. Горвиц Ю. М., Н. Н. Поддяков А. А., [Рус Тилида] Чайнова. - М., 1998.
3. Т. В. УПРАВЛЕНИЕ ДО [МТТ Бошқариш] Калинина. - М., 2008.
4. Комарова Т. С. информационно-коммуникационне текҳнологии В дошкольном образовании [Ахборотлаштириш ва Мактабгача таълим технологиилари].
5. Н. С. Мациевский Overclock сайтида. Веб-саҳифалар мижоз оптималлаштириш усуллари / Н. С. Мациевский-Москва, 2009.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Умарова З.М., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Дунёнинг тез ўзгариб бориши натижасида мактабгача таълим тизимида ҳам инклюзив таълимга кенг ахамият бериб борилмоқда. Ҳар бир педагогнинг олдида турган асосий вазифалардан бири алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар тенгдошлари қатори таълим бериш ва шу билан бир вақтда уларнинг эҳтиёжи ҳамда қобилиятига қараб индивидуал ёндошиш мақсадга мувофиқдир.

Инклюзив таълим-жонли жараён бўлиб, педагог ходимлар ва ота-оналар томонидан таълим жараёнига ижодий ёндашув кўзда тутилади. Ҳар бир бола ўзига хос индивидуал ёндашувни талаб қиласи ва барчаси таълим олиш, жамиятда ўз имкониятларини тўлақонлик намоён қилиш хуқуқига эга.

Бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири бу алоҳида эҳтиёжли болаларга ғамхўрлик қилиш ва уларга биринчи навбатда инклюзив таълимни тадбиқ этиш орқали сифатли таълим олишларида зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Хозирги кунда мактабгача таълим тизимида алоҳида эҳтиёжли болалар учун қулай ва хавфсиз муҳитни яратиш бўйича барча шарт-шароитларни яратиш муҳим ахамиятга эга.

Ҳамма болалар турли хил, ҳар бир бола ўзига хос. Амалиёт шуни кўрсатадики, турли мактабгача таълим ташкилотларида ўз касбий фаолиятини амалга оширадиган таълим муносабатларининг барча иштирокчилари учун

жуда мураккаб вазифалардан бири мактабгача таълим тизимини индивидуаллаштиришdir, чунки педагог таълим жараённида болаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши керак.

Ҳар қандай янгилик каби, инклузив амалиёт ҳам юқори сифатли натижаларга эришиш учун таълим муносабатларидағи барча иштирокчилар томонидан маҳсус малака ва шу билан бирга ижодий ёндашувни талаб қиласи. Аввало, инклузив мактабгача таълимнинг муваффақияти педагогларнинг инклузив таълим муаммоларини ҳал қилишга тайёргарлик даражасига, психолог, ўқитувчи-дефектологларнинг мавжудлигига, шунингдек, педагоглар, ота-оналар ва мактабгача таълим психологлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар сифатига боғлиқ.

Сўнги йилларда ривожланишида нуқсони бўлган болаларга нисбатан янги муносабат ва янги ўзгаришларга бой бўлмоқда. Ривожланишда нуқсони бўлган болаларнинг турли тоифаларини интеграция жараёнлари тобора қамраб олиниши билан бирга маҳсус таълимнинг концептуал-хуқуқий асослари ўзгартирилмоқда. Интеграция билан бир қаторда имконияти чекланган болаларнинг турли тоифаларидаги ривожланиш бузилишларини коррекциялаш, уларга мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб дастурларини ўзлаштиришда малакали ёрдам кўрсатишга қаратилган инклузив таълим пайдо бўлмоқда ва фаол ривожланмоқда. Мактабгача таълимда Давлат таълим стандартининг вазифаларидан бири болалик даврида ҳар бир боланинг ижтимоий ҳолати, психофизиологик ва шахсий хусусиятларидан қатъий назар тўлиқ ривожланиши учун teng имкониятларни таъминлашdir.

Мактабгача таълим ташкилотлари таълим дастурлари ва инфратузилмасини модернизация қилишнинг асосий мақсадларидан бири-барча фуқароларнинг юқори сифатли таълим олиш хуқуқларини таъминлашdir. Модернизациялаш жараённида имконияти чекланган болаларга замонавий таълим олиш имконини берувчи мактабгача таълим ташкилотларида тўсиқсиз муҳит яратиш, мактабгача таълим ташкилотлари ва ижтимоий муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш вазифаси ҳал этилмоқда.

Инклузив таълимни амалиётига жорий этишнинг долзарблиги шубҳасизdir. Бу таълим тури кўплаб болаларга зарур бўлиб, психологик, педагогик, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини беради, уни боланинг яшаш жойига имкон қадар яқинлаштириш, ота-оналарга маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва жамиятни ногиронларни қабул қилишга тайёрлаш имконини беради.

Алоҳида эҳтиёжли болаларни одамлар орасига кириши учун коррекцион хизмат кўрсатиш бутун тизимининг асосий вазифасидир. Ижтимоий интеграция деганда шахснинг жамият ҳаётига қўшилишига қаратилган маҳсус инклузив таълимнинг пировард мақсади тушунилади. Таълим интеграцияси, ижтимоий интеграциянинг бир қисми бўлиб, одатда соғлом болалар билан биргаликда алоҳида ёрдамга муҳтоҷ бўлган болаларга таълим ва тарбиялаш жараёни сифатида қаралади.

Инклузив таълим алоҳида ёрдамга муҳтоҷ бўлган болани жамият аъзоларига кириши учун нафақат ногирон болаларнинг таълим, тарбия, ижтимоийлашув ва интеграцияси масалаларини яхшироқ тушунишлари учун яхши шароит яратади, балки улар қандай бўлишидан қатъий назар, янги қадриятлар ва бошқалар билан яхши ҳамкорлик қилиш учун муносабат тизимиға жалб қиласди.

Инклузив таълим маҳсус таълим эҳтиёжларига эга бўлган ва турли таълим йўналишлари бўйича одатда гуруҳ ичида ривожланаётган тенгдошлари бўлган болаларни биргаликда таълим олишни ўз ичига олади. Инклузив таълим (француз инклузиф-инклузив, Lot. include-хулоса қиласман, ўз ичига оламан) - алоҳида эҳтиёжли болалар учун таълим олиш имкониятини таъминловчи барча болаларнинг турли эҳтиёжларига мослашиш нуқтаи назаридан таълимнинг барча учун қулайлигини назарда тутувчи умумий таълимни ривожлантириш жараёнидир. "Инклузив" таълим-бу барча болаларнинг фарқлари ва ҳар бир болага энг мос тарзда ўтказиладиган ўрганиш қобилиятининг қийматини тан олишdir.

Бу нафақат ривожланиш муаммолари билан муайян ижтимоий гурухга мансуб турли этник гуруҳлар, жинси, ёши билан ҳам барча болаларнинг эҳтиёжларини ҳисобга оладиган мослашувчан, очиқ, динамик тизимдир. Таълим тизими болага эмас, балки бола таълимга мослашади. Бу эса барча болалар учун фойдали. Таълимга янгича ёндашувлар тез-тез қўлланилиб, иқтидорли болаларнинг эҳтиёжлари, имкониятлари ва қобилиятларига мос бўлган ўзгарувчан таълим дастурлари, ўқитишнинг шакл ва усулларидан фойдаланилади. Алоҳида эҳтиёжли болалар педагог томонидан гуруҳли ёки бўлмаса ахборот кўмаги билан ва индивидуал ўқув дастурига мувофиқ таълим олишлари мумкин.

Инклузив таълимнинг мақсади барча болалар учун муайян ижтимоий мақомга эришиш ва уларнинг ижтимоий аҳамиятини таъкидлашдир. Бу алоҳида эҳтиёжли болаларга ҳам тегишилди. Турли психофизиологик қобилиятга эга бўлган болаларни биргаликда тарбиялаш-имконияти чекланган болаларга ўз-ўзини ишонтиришга уринишdir.

Инклузив таълим жараёнида имконияти чекланган болаларни тарбиялаш ва ўқитишни мактабгача болалик даврларидан бошлаш керак, сабаби келажакда катталар ҳаётида унга ёрдам берадиган мулоқот ва ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиради. Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар оддий болаларга нисбатан кўпроқ дўстона ва барқарор муҳитга муҳтож бўладилар. Ривожланишда муайян қийинчиликларни бошдан кечирган бола ижтимоий мослаша олмайди, агар унинг болалиги одатдагидан жуда фарқ қиласиган сунъий равищда яратилган муҳитда ўтказилса (бода интернат мактабида, уйда изоляция қилинган ёки маҳсус гурухда таълим олган бўлса), жамиятда етарли фаолият юритиш кўникмаларини эгаллайди.

Инклузив мактабгача таълим ташкилотида барча турдаги гуруҳлар, ўйин терапияси, мусиқа терапияси ва бошқалар учун яхши замонавий ускуналар бўлиши керак. Мактабгача таълим ташкилотида яхши тайёрланган мутахассислар жамоасининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар, психологлар, дефектолог-логопедлар ва мусиқа раҳбарлари турли хил ахлоқ тузатиш педагог тармоқлари ва соғлиқни сақлаш технологиялари элементларини ўзлаштиришлари керак, чунки таълим тизимида қандай ислоҳотлар амалга оширилса, улар маълум бир ижрочи-тарбиячи билан чегараланади. Асосий янгиликларни амалиётга татбиқ этишда асосий ўринни эгаллаган тарбиячи ҳисобланади. Турли психофизиологик бузилишларга эга бўлган болаларни умумтаълим гуруҳларига бевосита киритиш ташкилотларнинг ўзи ва мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимлари зиммасига тушади.

Мактабгача таълим тарбиячисининг касби ўзига хос бўлиб, у бошқа педагогик касблардан фарқ қилиб, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси болаларни кузатибина қолмай, тарбиявий тадбирларни амалга оширади, балки уларни доимий равищда машғулотлар, ҳикоялар, ашуналар орқали тарбиялайди. Бу биринчи бўлиб, оиладан кейин болани билим, маданий қадриятлар ва коммуникатив ўзаро муносабатлар дунёси билан таништирадиган мактабгача таълим ташкилот тарбиячиси ҳисобланади. Ташкилот тарбиячиси ёш авлоднинг жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик ривожланиши бўйича ишларни ташкил этади ва олиб боради.

Мактабгача таълим тарбиячиси тарбияланувчиларни мактабга тайёрлайди, уларни оғзаки ҳисоблаш, товушни таҳлил қилиш ва синтез қилиш, харф билан таништириш ва рақамларни аниқлаш, чизиш, моделлаштириш, лойихалаш кўникмаларини ўргатади; болаларнинг мулоқот қобилиятини, фикрлаш, кузатиш, мустақиллигини ривожлантиради, уларни санъат асаллари, ахлоқий меъёрлар ва қоидалар билан таништиради. Тарбиячининг вазифаларига болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва уларни меҳнат билан

таништириш; ота-оналарга таълим-тарбия бериш, ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқ сифатларни (масъулият, дўстликни) шакллантириш ва болалар қобилиятини ривожлантиришга маслаҳат бериш киради.

Турли янгиликларни амалиётга муваффақиятли жорий этиш, янги шароитда ўз олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун педагог зарур даражадаги касбий компетентликка, етарли овоз ва нутқ малакасига, маданий-ахлоқий салоҳиятга ва янги таълим моделига мувофиқ ишлашга эмоционал ва шахсий тайёрликка эга бўлиши керак. Таълим ташкилотларига киритиш ғояларини жорий этиш ваколатли педагог кадрларни тайёрлаш бўйича жиддий ишларни талаб этади.

Педагогнинг кўникма ва малакаларининг касбий аҳамиятли сифатларини психолого-педагогик коррекциялаш ва уларни такомиллаштириш, шунингдек мактабгача таълим ташкилот тарбияланувчилари ва бошқа ходимларида эмоционал зўрикишни енгиллаштириш учун психопрофилактик ишлар зарур. Педагогларнинг касбий қайта тайёрлашига имконияти чекланган болаларнинг неврологик ва психо-физиологик хусусиятлари, маҳсус педагогика ва психология асослари ҳамда маҳсус техника бўйича курслар киритилиши лозим.

Инклузив мактабгача таълим ташкилот ходимларининг психологик тайёрлаш ўз ичиға олиши мумкин:

-педагоглар ўз-ўзини такомиллаштириш, касбий ўз-ўзини англашни чукурлаштириш, маҳсус ўйин ва машқлар орқали барқарор мотивациясини ривожлантириш, педагогларнинг касбий лаёқатини ошириш;

-рухий зўриқиши мумкин бўлган оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш, эмоционал ҳолатларнинг оптимал даражасини сақлаш ва уларни амалда кўллаш мақсадида ҳиссий ҳолатларни ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини тартибга солиши методлари билан танишиш.

Мактабгача таълим ташкилотларда тўлақонли таълим-тарбия муҳитини яратиш учун педагоглар, дефектолог-логопедлар, психолог тиббиёт ходимлари ва ташкилот маъмуриятининг тўлақонли, ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлиги зарур. Таълимий, тарбиявий ва коррекцион-ривожлантирувчи вазифаларни ҳал этишда педагогик таъсири кўп жиҳатдан коррекцион-ривожлантирувчи фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича мутахассисларнинг яхши мувофиқлаштирилган ишига боғлиқ. Имконияти чекланган болалар учун инклузив гурухларда барча мактабгача таълим ташкилот ходимларининг биргаликдаги фаолияти уларнинг ҳар бирининг таъсирини қўшиш ва чукурлаштиришга асосланади.

Инклузив таълим ҳар бир кишидан доимий ижодий ҳисса қўшишни талаб килади ва унинг барча иштирокчилари – педагоглар, ота-оналар, болалар ва маъмурият таълимнинг ижодий жараёнига жалб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Махсус ва инклузив таълим” Р.Ш. Шамахмудова 2011 йил
2. “Биргаликда яшаш, биргаликда ўқиш” Жамоатчилик учун Инклузив таълим бўйича ахборот қайдномаси 2015 йил
3. “Интеграция детей с ограниченными возможностями в Узбекистане” Материалы международного форума “Современные тенденции социальной защиты и инклюзивное образование детей” Р.Шамахмудова Т.2008. С 28-29
4. Дидактические игры для дошкольников с нарушениями слуха. Сборник игр для педагогов и родителей. / Под ред. Л.А. Головчиц 2003. — 160с.

“ИЛК ҚАДАМ” ДАВЛАТ ЎҚУВ ДАСТУРИ АСОСИДА “НУТҚ ВА ТИЛ” РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗИДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТАЪЛИМИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Файзуллаева М.З., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчи

“Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида ривожланиш марказларида олиб бориладиган интеграциялашган таълимий фаолият болаларни онгли равишда ва самарали ўзлаштиришга хизмат қиласди.

Ривожланиш марказларида бола шахсининг ривожланишида Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларининг ривожланиш соҳаларига интеграциялашган ёндашув бола ривожланишининг яхлитлигини таъминлайди.

Ривожланиш марказлари педагоглар болаларга улар нима билан ва қаерда шуғулланишни хоҳлаётган бўлсалар, шундай имкониятни тақдим этиш учун имкон яратади. Ҳар бир марказда мавжуд бўлган материаллар болаларга предметларни ўрганиш, турли ўйинли вазиятларда ўз гояларини яратиш ва текшириш, ўрганиш ёрдамида ўз саволларига жавобларни топишга имкон беради.

Ривожланиш марказларида болалар интегратив шаклда таълим олади, яъни ҳар бир ривожланиш муҳити бошқа ривожланиш муҳити билан узвий боғлиқлик асосида амалга оширилади. Шунинг учун таълим жараёни узвий боғланган ва интеграллашган бўлиши керак.

Гуруҳларда ривожланиш марказларида болага ўз танловини мустақил амалга оширишни таъминлайдиган вазият яратилади. Ҳар бир гуруҳнинг хонаси бир неча марказларга бўлинган ва уларнинг ҳар бирида ўрганиш ва ўйнаш учун етарлича материаллар мавжуд. Таълимий-тарбиявий жараёнда боланинг ёш хусусиятлари, унинг қобилияtlари, қизиқишилари, эҳтиёжлари,

тажрибаси ҳисобга олинади, бу болани “Илк қадам” давлат ўкув дастурини ўзлаштиришдаги мақсадларга эришишида ёрдам беради.

Ривожланиш марказлари болага ҳиссий, жисмоний, ижтимоий ва интеллектуал каби барча соҳаларда ривожланишига ёрдам беради. Масалан, “Нутқ ва тил” марказида болалар ўйин давомида мулоқот қилиб, она тилида сўзлашадилар, шунда нутқнинг мослашувчанлигини оширадилар, сўз захирасини кўпайтирадилар, янги тушунчаларни ўзлаштирадилар, болалар мазмунли расмлар орқали ҳикоялар тузадилар, ўқилган бадиий асар юзасидан савол-жавобларда қатнашадилар, нутқ ўстириш бўйича таълимий ўйинлар ўйнайдилар.

Марказда болаларнинг дўстлари орасида ўз фикрларини бера олиш, мавзу асосида ҳикоялар тузиш, гуруҳ муҳокамасида мулоқотга киришиш ва тинглаб иштирок этиш имконияти мавжуд. Боладаги кўпчилик орасида тортинчоқлик одатлари кичик гурухларда ишлаш жараёнида йўқола бошлайди. Гуруҳ муҳокамасида мулоқотга киришиш боланинг тенгдошлари билан самимий муносабатда бўлиш, дўстларига ёрдам бериш, келишиб ўйнаш, ўртоқларига яхши муносабатда бўлиш кўникмаларини тарбиялашди.

Бу марказда ҳарфли кубиклар (суратли альфавит: кирил, лотин), магнит доска, кўргазмали ва тарқатма қуроллар (турли мавзудаги), уй-рўзғор буюмларнинг тўплами (кийим, идиш-товор, мебель, ўйинчоқлар). Ижодий ҳикоя тузиш учун плакатлар: “Менинг шаҳрим”, “Бизнинг оила”, “Куз”, “Йўл ҳаракати қоидалари”, “Қишлоғи”, “Қишлоғи ўйинлар”, “Уйимизга қорбобо келди!”, “Гурухимиздаги жонли бурчак”, “Мен қушларни овқатлантиридим”, “Мен қишлоғи байрамини қандай ўтказдим?”, “Баҳор келди”, “Онамларнинг байрами”, “Наврўз байрамини қандай ўтказдим?”, “Коинот”, “Ёз фасли”, “Метродা”, “Циркда”, “Дам олиш куни”, “Гулзордаги гулларни қандай парвариш қилдик?”, “Ёқтирган ўйинчоғим”, “Ёқтирган ўйинларим”, “Энг яқин ўртоғим”, “Дадамларга ёрдам бердим”, “Зўр мультфильм кўрдим”, “Қўғирчоқ театрига бордик”, “Мен онамга ёрдамчи”, “Мен дадамга ёрдамчи”, катталар меҳнати, байрамлар, буюк сиймолар, қадимги шаҳарлар: Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Хива, Ўзбекистон худудидаги тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлар, замонавий иншоотларга таалуқли мазмунли плакатлар кўйилади.

Мактабга тайёрлов гуруҳида “Нутқ ва тил” маркази болага жисмоний, ижтимоий- ҳиссий ва интеллектуал каби барча соҳаларда ривожланишига ёрдам беради.

Жисмоний ривожланиш қуидагилар туфайли амалга ошади:

Майдо моторикани ривожлантириш

Кўриш ва қўл ҳаракатлари координацияси бўйича тажрибасини орттириш

Ижтимоий ривожланиш қуидагилар туфайли амалга ошади:

Болаларга әркін ва мустақил бўлишни амалга оширишларида ёрдам бериш

Бошқа болалар билан ҳамкорлик юритиш ва навбатма-навбат ҳаракат қилиш имкони

Болаларда буюмлар бут сақланиши учун жавобгарлик хиссини рағбатлантириш.

Хиссий ривожланиш қуидагилар туфайли амалга ошади:

Топшириқни бажаришда сабр-тоқатли, қатъиятли бўлиш, ўйинларни ташкиллаштириш, фаолиятларда мустақил ҳаракат қилиш, ўзига нисбатан самимий ва носамимий муносабатларни англаш, берилган топширикқа масъулият билан қараш.

Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакаларининг ривожланиши қуидагилар туфайли амалга ошади:

Болаларнинг сўз захирасини ошириш

Бадиий асарни, хусусан эртакларни қайта ҳикоя қилиш

Расм юзасидан тасвирий ҳикояни мустақил тузиш

Содда ва мураккаб гапларни нутқида қўллаш

Сўзларни бўғинларга бўлиш; бўғинли карточкалар ёрдамида бўғинлардан сўзлар тузиш;

қоғозда тўғри чизиклар, сўзлар ва қисқа гапларни ёзиш;

қўлни узмасдан нуқта- чизиқчаларни бирлаштириб расм чизиш;

Интеллектуал ривожланиш қуидагилар туфайли амалга ошади:

Сўз, товуш, бўғин, гап ҳақида тушунчага эга бўлади;

Расмлар бўйича кетма-кетликни сақлаган ҳолда фикр юритади, мулоҳаза қиласди;

Тасвирий ва ижодий ҳикоя тузишда воқеа-ходиса кетма-кетлигини айтади;

Предметлар, ўйинчоқларни тасвирлашда ички ва ташқи белгиларга кўра предметларни гурӯхларга ажратади (ранги, шакли, ҳажми, вазни, вазифасига қараб).

Ой:Октябрь

Мавзу:Куз бўёқлари

1-ҳафта. Мавзу: Мавсумий ўзгаришлар. Кўчманчи қушлар

Мавзу: Шодмон Отабек. “Қушча” ҳикоясини ўқиб бериш ва мавзу асосида суҳбатлашиш.

Мақсад:

“Нутқ ва тил”:

Болаларни ҳикояни дикқат билан тинглаш, маъносига тушуниш, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини кузатиш, асар воқеаларини сўзлаб берадиганида овоз оҳангининг хилма-хил (сўроқ, ҳис-ҳаяжон, хайратланиш, илтимос) турини қўллай билиш, турли жанрдаги бадиий асарларни ҳикоя қилишга ўргатиш. Болаларда гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, маъноли жумлалар тузиш малакасини шакллантириш. “Қушлар” мавзуларида нутқини бойитиш ва фаоллигини ошириш. Болаларни суҳбатларда фаол иштирок этишга ундаш, мавзу бўйича берилган саволларга тушуниб, аниқ ва тўлиқ жавоб бериш, ўртоқларининг берадигани жавобларини эътибор билан тинглаш малакасини такомиллаштириш.

Интеллектуал-билиш малакалари

Қишлоғ қолувчи, кўчманчи қушларни ажратиш, қушларни номини тўғри айтиш, қушларга қизиқишиларини рағбатлантириш.

Дунёни бадиий тасаввур этиш

Эшитган ҳикоя мазмунини сўзлаб бериш, ҳикоя мазмунига нисбатан ўз муносабатини билдириш кўникмаларини ривожлантириш.

Болада китобга нисбатан қизиқиш, меҳр ҳисларини кучайтириш.

Керакли жихозлар:

“Кўчманчи қушлар” мавзусида расмлар

Таълимий фаолиятнинг бориши:

Тарбиячи таълимий фаолиятнинг кириш қисмида болаларга қушларнинг табиатдаги аҳамияти, уларсиз ҳашоратлар дала ва боғларда этиштириладиган ўсимликларга жуда катта зарап келтириши, ўлкамиздаги баъзи қушлар куз келиши билан иссиқ ўлкаларга учуб кетиши, баҳорда яна қайтиб келиши хақида гапириб суҳбатни бошлайди.

Асосий қисм:

- 1.“Кўчманчи қушлар” мавзуси бўйича суратларни кўриб чиқиши.
2. Шодмон Отабек. “Қушча” ҳикоясини ўқиб бериш
2. Ҳикоя бўйича савол-жавоб ўтказиш.
3. Ихтиёрий равишда болаларнинг ҳикояларини тинглаш.
4. Жисмоний дақиқа
- 5.“Қушлар” мавзусида шеърлар айтиш
6. Болаларнинг айтган ҳикоялари, айтилган шеърларни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш

Қўшимча қисм: "Қушлар" мавзусида видиоролик кўрсатиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларни суҳбатларда фаол иштирок этишга ундаш, мавзу бўйича берилган саволларга тушуниб, аниқ ва тўлиқ жавоб бериш, ўртоқларининг берадигани жавобларини эътибор билан тинглашларига эътибор қаратиш.

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА МАЊНАВИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Хаитов Э.Б., МТДМКТМОИ катта ўқитувчиси

Ёшлар фаоллигини ошириш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омилидир. Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлашнинг кафолати сифатида хизмат қиласди. Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ижтимоий ҳаётга кираётган, замонавий билим ва касб-хунар сирларини пухта эгаллаган, навқирон ёшлар тимсолида яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизнинг эртанги куни, жамиятда ўзгаришларга сабаб бўладиган, бунёдкорлик ғояларини ҳаётга татбиқ этувчи муҳим куч, маънавий салоҳиятли ресурс ҳисобланган ёшларни маънавий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига қулай шарт-шароитлар яратиш орқали уларни юрт тақдиди ва келажагини ҳал қилувчи катта кучга айлантириш ҳар биримизнинг муҳим вазифаларимиздир. Бу борада

Ўзбекистон

Республикасининг

“Ёшларга оид давлат сиёсати түғрисида”ги Конуни бугунги давр талабларига мос равища ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиласиган, шижаотли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интелектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам хуқуқий пойдевор яратмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интелектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [1]. Зеро ёшларнинг фаоллигини оширишда глобаллашаётган XXI аср мамлакатимиз олдига маънавий соҳадаги ислоҳотларни янада интенсивлаштириш сиёсатини қўймоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида ёшлар маънавияти масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакат иқтисодий, ижтимоий ҳамда хуқуқий соҳаларини яратиш билан бирга, маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳасини ислоҳ этиш, ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, замонавий билимларни пухта эгаллаган юксак ақл-заковат соҳиби этиб вояга етказиш давлатимизнинг доимий

эътиборида бўлиб келмоқда. Аслида жамиятнинг янгиланиши, ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёти маънавий етук ва ахлоқан баркамол ёшларни тарбиялаш билан бевосита боғлиқдир. Бугун юртимиизда буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган сўзларига алоҳида эътибор қаратилиб, фақат таълим-тарбия орқалигина маънавий соҳадаги ислоҳотларни тўлақонли бажариш мумкинлиги, айниқса ёш авлодни камол топтириш лозимлиги таъкидланиб келинмоқда. Ўзбекистон мустақиллиги ҳаммамизники, унинг келажаги эса ёшлар қўлида экан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда керак бўлса миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркорлиги ҳар дақиқада, ҳамиша таъкидланиб келинмоқда. Маънавий жиҳатдан янгиланган жамиятдагина одамлар давлат ва жамият тинчлиги ва осойишталигига, эркин тараққиётга тўсиқ бўлаётган ички ва ташқи хавф-хатарларни бартараф этишга қодир бўлади. Айнан ички ва ташқи хавф-хатарларга қарши тура оладиган, халқимизнинг бугини ва эртасини ўзида мужассам этаоладиган ўз миллий ғоямиз бўлиши керак. У одамлар онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин олиб, халқимизнинг азалий анъаналари, удумларига, тилига, динига руҳиятига бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз халқимизнинг дунёқарashi ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни қамраб олган ҳолда юрт тинчлиги халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи лозим.

Жамиятда ёшлар фаоллигини оширишда яна бир муҳим масалалардан бири иннавициянинг ўрни ҳам бекиёсдир. Чунки маънавий соҳани ислоҳ қилиш авваломбор бугинги янгиликлар билан амалга оширилади. Янгиликлар деганда инсон онги ва қалби учун зарурий эҳтиёжларга айланиб бораётган турли хил ахборотлар оқими тушинилади. Ахборотлар оқимининг аксарият йўналишлари миллатимизнинг навқирон вакиллари бўлмиш ёшларни поезд рельсидек тўғри йўлдан олиб бормайди. Турли ёт ғоялар, мафкуралар ёшларни оқимининг “оқ ва қора доғларини” ажратиб беришига тўсқинлик қилиб келмоқда. Ўз навбатида Биринчи президентимиз И.А.Каримов, “шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин заарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин” [2], - дея таъкидлаган эди. Демак шундай экан биз ахборотлар оқимининг салбий кўринишларига қарши тура оладиган миллий маънавият

концепциясини яратиш ва уни жамиятга татбиқ этишимиз энг муҳим йўналишларимиздан бўлиши шарт. Чунки юксак тарақкий қилган мамлакатларда инсонларнинг ўзаро бегоналашуви, бир жинсли никоҳнинг қонунлаштирилиши, ота-она, оила, фарзанд, қон-дариндошлик ва бошқа бир қатор умуминсоний қадриятларга қарама-қарши бўлган индивидуализм, «ўзингни бил, ўзгани қўй» тамойилини амалиётга айлантириш ва уларни оммавийлаштиришга бўлган интилиш кучайиб бормоқда. Худди ана шу оммалаштириш, энг аввало, маънавияти қашшоқ якка шахсларга, улар орқали эса бутун миллатга қаратилганлиги билан хатарли тус олмоқда. Шу тариқа бугун мавжуд хавфсизлик шакллари тизимиға янги, миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш жаҳондаги халқлар ва миллатлар тараққиётидаги глобал муаммо сифатида юзага келди. Зеро, миллий маънавиятнинг барбод бўлиши бугун инсоният эришган тамаддунинг (цивилизациянинг) барбод бўлишига олиб келиши муқаррардир. Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўtkазишини мунтазам йўлга қўйиш[3], миллий маънавиятни асраш бутун инсониятни, унинг жозибаси ва салоҳиятини таъминлаш бугунги кунимизнинг асосий вазифасига айланиб бормоқда. Гап ёшлар маънавияти ҳақида кетар экан, шундай савол туғилади: “Биз ёшларга ўrnak бўла оляпмизми?” Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирда яратилган имкониятлардан фақат ёшлар эмас, балки айрим ота-оналар ҳам тўғри фойдаланишмаяпти. Ўз фарзандини назорат қилмайдиган, қаерда, ким билан юргани, нима билан машғул эканлигини суриштирмайдиган ота-оналар ҳам бор. Фарзанди иқболи учун аввало, ота-онанинг ўзи, ибрат бўлиши керак эмасми?! Бола тарбияси хусусида рус адиби Лев Толстойнинг бундай ҳикматли сўзи бор: “Болаларни тарбиялаш муваффақиятли бўлмоғи учун тарбия берувчи кишилар ўзларини тўхтовсиз тарбия қилишлари даркор”. Бир сўз билан айтганда келажагимиз ворислари озод ва обод юртимизнинг эртасини ҳал қилувчи, юксалтирувчи асосий куч бўлиб майдонга кириб келишмоқда. Имкониятларнинг очиқ эшигидан кириб, улардан унумли ва оқилона фойдаланиб, юрт корига яраш, бугун асосий вазифага айланмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маърифий ислоҳотлар ёшларга кенг кўламли имкониятлар яратиб берди. Яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан ёшларимиз унумли фойдаланиши, мамлактимизни ривожлантирадиган ватанпарвар ва юксак маънавиятли кадр бўлиб етишиб чиқиши керак ва зарур. Бизнингча, ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини оширишда, китобхонлик маданиятини юксалтириш,

миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий ўзликни англаш, Ватанга мухаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидоийлик ҳиссини қарор топтириш ҳар бирмизнинг асосий бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан 2016 йил 14 декабр.

2.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”. 2008. – Б- 115.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июль “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга қўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хайдаров Р.Ю., МТДДМҚТМОИ таянч докторанти

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини хисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Республикада мактабгача таълим тизимида таълим-тарбия ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига қўтарилди. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон Фармони, “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонунда мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш аниқ равshan кўрсатилиб ўтилган.

Лекин шунга қарамасдан айрим мактабгача таълим тизимида вариатив дастурлар жорий этилмаган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган ҳамда шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф муҳит билан танишувга йўналтирилган маҳсус дастурлар татбиқ қилинмаган.

Бундан ташқари, мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати мониторингини электрон шаккилда юритилмаганлиги, мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш замон талабларига жавоб бермаслигини кўрсатади. [1] [2]

Мамалакатимиз олимлари томонидан сифат менежментининг жорий этилиши таълимнинг умумий бошқаруви самарадорлигини сезиларли даражада ошишини таъминлаши мумкинлигини аниқлашган. Шу қаторда олимларимиз, таълим сифатини бошқариш таълим тизимидағи бошқарув фаолиятининг мавжуд назарияси ва амалиётининг муҳим элементлари билан тўлдиришини, яъни у таълимни бошқариш яхлит тизимининг таркибий қисми сифатида амалга оширилишини такидлаб ўтишган.

Е.Домбровская таълим сифатини таълимнинг Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим дастурининг ўқув-дастурий ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, деб эътироф этади.

Таълим сифати – бу нафақат таълим олувчилар билимининг давлат стандартларига мослиги, балки таълим муассасасининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши, шунингдек, ҳар бир педагог ва раҳбарнинг таълим хизматлари сифатини таъминлашдаги фаолияти натижасидир. [3] Бу эса таълим сифати бошқаруви йўналишида турлича ёндашувларнинг мавжудлигини кўрсатади.

Таълим сифати менежменти – таълимнинг олдиндан башоратланган натижаларига эришишга йўналтирилган бошқарув бўлиб, сифатни таъминлаш тадбирларини лойиҳалаштириш, таълим жараёни иштирокчиларини самарали меҳнатга қизиқтириш, мақсадлардан четга чиқишларни аниқлаш, ўзгаришларни кузатиш ва таҳлил қилиш жараёнларидан иборат бўлган, таълим муассасаси фаолиятининг барча йўналишларини ўзини-ўзи баҳолаш асосида доимий такомиллаштириб бориш тизимиdir. [3]

МТТда таълим сифатини мақсадли бошқаришда қўйидаги функциялар зарур деб хисоблашимиз мумкин:

- сифатни башоратлаш ва лойиҳалаш (режалаштириш);
- сифатни таъминлаш;
- сифатни бошқариш;
- таълим-тарбия сифатини ошириш.

Шунга кўра мактабгача таълим ташкилотларида (МТТ) таълим сифати менежменти тизимининг мавжудлиги бизга таълим жараёни сифати ва натижаларини баҳолашнинг ташқи назорати тадбирларини ички назорат ва ўзини-ўзи баҳолаш натижаларидан фойдаланиш билан алмаштириш имкониятини яратади, мазкур жараёнларнинг жамоатчилик назоратига очиқлиги эса МТТга бўлган ишонч даражасини оширади.

МТТда таълим сифатини таъминлаш ва баҳолаш тизимини такомиллаштиришда мактабгача таълим сифати стандартларини ва уларни баҳолашни такомилаштириш ҳамда олинган натижаларни қайдларга таққослаш асосида баҳолаш электрон платформасини шакиллантириш,

мактабгача таълим жараёни сифатини баҳолашни тизимли ташкил этиш, яъни мониторингни жорий этишга ёрдам беради. Мазкур мониторинг бирёзламалик тавсифга эга бўлиши, у, асосан, таълим-тарбия самарадорлиги, машғулотлар сифати, раҳбар ва педагогларни баҳолаши, таълим муҳитининг ташкил этилиш сифати, амалга оширилган ўқув, тарбиявий ва маънавийд таълим жараёнини кўрсатиб беради.

Жараёни тӯғри олиб бориш учун мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари нафақат бошқарув фаолиятга тайёр бўлган шахс, балки жамоада ишлай оладиган, мустақил қарорлар қабул қила оладиган, ташабbus кўрсатадиган, инновацион маконда ишлай оладиган, малакали менежер бўлиши лозим. Шу муносабат билан мактабгача таълим ташкилотлари раҳбари учун мактабгача таълим ташкилотларидағи педагогик менежмент, назарий ва амалий фаолият соҳаларида маҳсус билим ва кўникмаларга эга бўлиш жуда муҳим хисобланади.

Фойдаланидган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сон Қонуни.
3. Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш. Пед. фан. Номз дисс. –Т., 2016.

МТТ ТАЙЁРЛОВ ГУРУХНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МУЛТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Хайдаров Р.Ю., МТТДМҚТМОИ докторанти

Таняриқова Д.Ғ., 314-мактаб ўқитувчиси

Ҳозирги кунда Республикаизнинг барча таълим муассасаларида бола-ёшларнинг юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлаш кўникмасига эга бўлишлари, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани, жаҳон стандартига жавоб берадиган ўқув хоналари, ахборот-коммуникация, замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Соҳа мутахассисларининг набатдаги вазифаси яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, илғор педагогик технологияларни амалиётга қўллаш орқали болаларда катта ҳажмдаги маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш,

мустақил фикрлаш, ишлаш кўникмаларини шакллантириш талабларга жавоб берувчи юқори малакали мутахассис бўлиб етишишини таъминловчи самарали таълим жараёнини ташкил этишдан иборат.

Болага берилган топшириқни бажариш жараёнида изланиши, ижодий фаолияти намоён бўлиши учун аниқ мақсадга йўналтирилган, режалаштирилган, меъёр ва мезонларга эга бўлган, ўз-ўзини англаған фаолият зарурияти сезилади. Бу эса болада атроф олам обьектлари ва улар ҳақидаги билимларни ўзлаштириш, таълим самарадорлигини вужудга келтириш, фаолиятнинг аввалги турларига таянишни тақозо этади. Тайёрлов гурухи болаларида ижодий фаолликни шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш муаммоси кўп қиррали педагогик-психологик ижтимоий вазифалардан бири бўлиб, жамият ижтимоий ривожланиши ва тараққиёти учун долзарб вазифалардан биридир.

Мультимедиали технология (мульти-кўп, медиа-муҳит) бир вақтнинг ўзида маълумот тақдим этишнинг қуйидаги усулларидан фойдаланишга имкон беради: матн; графика; анимация; видеотасвир; овоз.

Маълумки, инсон маълумотнинг кўп қисмини кўриш (80%) ва эшлиш (15%) органлари орқали қабул қиласди. Мультимедиали технологиялар ушбу муҳим сезги органларининг бу вақтда ишлашига ёрдам беради. Динамик визуал кетма-кетлик (слайд шоу, анимация, видео)ни овозли тарзда намойиш этиш орқали инсонларнинг эътиборини кўпроқ жалб қиласди. Шундан келиб чиқиб, мультимедиали технологиялар ахборотни максимал самарали тарзда тақдим этишга имкон беради [1].

- ахборотни кўп фоизини кўриш орқалий эслаб қолувчи

Визуал



- ахборотни кўп фоизини эштиши орқалий эслаб қолувчи

Аудиал



- ахборотни кўп фоизини матиқий фикирлар, мантиқий далиллар, белгилар, рақамлардан фойдаланган ҳолда эслаб қолувчи инсон

Дискрет



Инсоннинг ахборотларни қабул қилиш турлари (1-расим).

Электрон қурилмалари экранидаги маълумотни визуаллаштириш усулларини ишлаб чиқиша псиҳология ютуқларини ҳисобга олиш кераклиги бир қатор умумий тавсияларни шакллантиришга ёрдам беради.

Олимларнинг тадқиқотлариға кўра инсоннинг ахборотларни қабул қилиши қуидагича турларга бўлинади (1-расим) [2].

Тайёрлов гурухи ёшидаги болаларга юқорида санаб ўтилган манбага асосан боланинг ахбротларни қабул қилишига ахамият берган ҳолда фандаги мавзуни мустажкамловчи ўйин кўринишидаги қуидаги мултимедиа воситаларини яратиш таклиф этилади:

- англаш ўйинлари;
- дикқат ва хотирани рифожлантириш ўйинлари;
- тафаккур ва мантиқни ривожланлантириш учун ўйинлар;
- обьектларни ранглаш;
- жумбоқлар;
- математик ўйинлар.

Тайёрлов гурухи боласи ижодий ёндашиши учун яратилган мултимедиа воситаларида:

- визуал маълумот даврий равиша товушли маълумотга алмасиб туриши керак;
- визуаллаштирилаётган материал мазмуни жуда ҳам содда ёки жуда ҳам мураккаб бўлмаслиги керак [4].

Экрандаги кадр форматини ишлаб чиқишида ва яратишида, кўриш майдонини ташкил этишини белгиловчи обьектлар орасида мақсад ва муносабат борлигини ҳисобга олиш тавсия этилади. Объектларни қуидагича жойлаштириш тавсия қилинади:

- бир-бирига яқин, яъни кўриш майдонида обьектлар бир-бирига қанчалик яқин бўлса, улар шунчалик катта эҳтимол билан ягона, яхлит образни ташкил қиласи;
- жараёнлар ўхшашлиги, яъни образларнинг ўхшашлиги ва яхлитлиги қанчалик кўп бўлса, улар шунчалик катта эҳтимол билан уйғунлашади;
- давом этиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, яъни кўриш майдонида тартибли кетма-кетликнинг давом этишига мос келадиган жойларда жойлашган элементлар қанчалик кўп бўлса, улар шунчалик катта эҳтимол билан яхлит ягона образга бирлашади;
- обьектлар шакли, ҳарф ва рақамлар ўлчами, рангларнинг тўқлиги, матннинг жойлашиши ва бошқаларни танлашда предмет ва фонни белгилашнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда;
- визуал ахборотларни ортиқча деталлар, ёрқин ва контраст ранглар билан безамаган ҳолда;
- хотираада сақлаш учун мўлжалланган материалнинг рангини ўзгартириш орқали ажратиш;

- мультимедиа иловаларни ишлаб чиқишида турли ранг ва фонда тасвириланган объектлар инсонлар томонидан турлича идрок қилинишини хисобга олиш керак[3].

Тайёрлов гурухида таълим сифатини оширишда юқоридаги талаблар асосида яратилган мультимедиа технологиясидан фойдаланишни амалга оширишлари учун, тайёрлов гурухи болалари мультимедиа тўғрисида маълум бир даражада элементар билимларга эга бўлишлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азизов Б. Ижодий таълим жараёнига тизимли ёндошув. Халқ таълими, 4-сон, 2001, 102-104 б.
2. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этиш: муаммолар, ечимлар, ва истиқболлар. Тўплам. Бухоро: 2007
3. Турдиев Б. Баён таснифи. Бошланғич таълим. 1-1993, 9-11 б.
4. https://studopedia.su/15_61679_vidi-razvivayushchih-kompyuternih-igr-dlya-detey-trebovaniya-k-nim.html
5. <https://wikigrowth.ru>

БОЛАЛАРДА МАСЬУЛИЯТ ҲИССИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ТАРБИЯЧИ ВА ОТА-ОНА ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕТОДИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Хужсамияров С.Ч., МТТДМҚТМОИ мустақил тадқиқотчиси

Таълим тизимида мактабгача таълим биринчи муҳим қадам ҳисобланади. Ахлоқ соҳасини шакллантириш боланинг шахсини ҳар томонлама тарбиялашнинг муҳим шартидир. Унинг нафақат мактабда муваффақиятли ўқиши, балки ҳаётий позициясининг шаклланиши ҳам мактабгача ёшдаги боланинг ахлоқий тарбияси даражасига боғлиқ. Мактабгача ёш даврида боланинг шахсияти шаклланади, яъни ташаббускорлик, фаоллик, ташкилотчилик, мулоқотга киришувчанлик, мустақиллик, масъулият каби асосий шахсий фазилатлар шаклланади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълими муваффақияти шахсий ҳаётий йўналтиришсиз юқори қийматларга эга бўлмайди. Замонавий шароитда болаларни ахлоқий қадриятлар билан таништириш, уларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантириш масалалари айниқса долзарб бўлиб бормоқда.

Ушбу қадриятлар инсоннинг жамиятдаги одоб-ахлоқ қонун-қоидалари, унинг ахлоқий меъёрлар орқали атрофдаги ҳамма нарсага муносабатида акс этади. Уларни билиб, бола ҳар қандай салбий ҳолатга конструктив тарзда қарши туриш тажрибасини олади, ахлоқ қонунларига мувофиқ дунё билан муносабатда бўлишни ўрганади. Бу қадриятлар болаларда дунё тасвири мазмунини бойитиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Уларни билган ҳолда,

бала ўз атрофидаги дунёни англашни, бошдан кечиришни ва баҳолашни ўрганади, уни ўз фаолиятида қайта яратади ва шу билан ўз ҳаётий позициясини шакллантиради.

Мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқ ва ирода фазилатларини тарбиялаш ҳозирги вақтда долзарб вазифадир, улар: мустақилликка, ташкилотчиликка, қатъиятлиликка, интизомга, шу жумладан, ушбу таҳлил мавзуси бўлган масъулиятга ўргатиш муҳимдир.

Мактабгача таълим ташкилоти ва оила болани ривожлантириш учун ягона макон яратишга интилиши зарур. Ҳамкорлик - бу "тeng асосда" мулоқот, бунда ҳеч ким кўрсатиш, назорат қилиш, баҳолаш имтиёзига эга эмас. Ўзаро таъсир, ҳамкорлик - мулоқот орқали фаолиятни биргаликда амалга ошириш усулини ифодалайди.

Мактабгача таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари бир муҳим ва аҳамиятли мезон билан бирлаштирилган - бу сифатdir, у педагогларнинг касбий компетентлиги даражаси ва ота-оналарнинг педагогик маданиятига бевосита боғлиқ. Тарбияланувчилар таълим мининг юқори сифатига, ота-оналар талаблари ва болалар қизиқишиларини тўла қондиришга, бола учун ягона таълим маконини яратишга, болаларда масъулият ҳиссини шакллантиришга фақат МТТ ва оила ҳамкорлигининг янги тизимини ишлаб чиқиш шарти билан эришиш мумкин.

МТТ ва оиланинг ўзаро таъсири муаммоси охирги вақтда энг долзарб муаммолар қаторига кирган. Ўзгарган замонавий оила (молиявий ва ижтимоий табақаланиш, энг янги ахборот технологияларнинг кўплиги, таълим олишнинг кенг имкониятлари) ўзаро таъсирнинг янги шаклларини излаб топишга мажбур қиласди. Ота-оналар мактабгача таълим ташкилоти – бола тарбиясида фақат ёрдамчи эканлигини эсда тутишлари керак, шунинг учун улар бутун масъулиятни педагоглар зиммасига юклатишлари ва таълим-тарбия жараёнидан четлашишлари мумкин эмас.

Ота-оналар билан ўзаро таъсир (ҳамкорлик) тамойилларига қуйидагилар киради:

1) *Педагогларнинг ота-оналар билан мулоқот қилишида хайриҳоҳлик услуги.*

Мулоқотга ижобий кайфият билан киришиш гурух педагогларининг ота-оналар билан бутун иши қуриладиган мустаҳкам асосдир. Тарбиячининг ота-оналар билан мулоқотида қатъийлик, талаб қилувчи оханг ноўриндир. Педагог ота-оналар билан ҳар куни мулоқот қиласди, оиланинг мактабгача таълим ташкилотисига муносабати айнан унга боғлиқ.

2) *Индивидуал ёндашув.*

Индивидуал ёндашув нафақат болалар билан, балки ота-оналар билан ишлашда ҳам зарур. Ота-оналар билан мулоқот қилганда тарбиячи вазиятни, отанинг ёки онанинг кайфиятини ҳис қилиши шарт. Бунда отани ёки онани тинчлантириш, унга хайрихоҳлик кўрсатиш ва болага ўёки бу вазиятда қандай қилиб ёрдам бериш мумкинлиги тўғрисида биргаликда ўйлаб кўриш учун тарбиячининг ҳам инсоний, ҳам педагогик кўникмалари, маҳорати жуда керак бўлади.

3) *Устозлик эмас, ҳамкорлик.*

Замонавий оталар ва оналарнинг аксарияти саводли одамлар, ва, албатта, ўз фарзандларини қандай тарбиялашни яхши биладилар. Шунинг учун насиҳат қилиш ва педагогик билимларнинг оддий тарғиботи бугун ижобий натижалар бериши амри маҳол. Муракқаб педагогик вазиятларда ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлаш иқлимини яратиш самаралироқ бўлади.

4) *Жиддий тайёргарлик кўрамиз.*

Ота-оналар билан ишлашда ҳар қандай, хатто энг кичик тадбирни ҳам, пухталик билан, жиддий тайёрлаш зарур. Бу ишда асосийси – миқдор эмас, сифатдир. Бўш ўтказилган, яхши тайёрланмаган ота-оналар йиғилиши ёки семинар ташкилот ижобий имиджига салбий таъсир қилиши мумкин.

5) *Динамиклик.*

Бугун мактабгача таълим ташкилоти амал қилиш эмас, балки ривожланиш режимида бўлиши, мобил тизимни ифодалаши, ота-оналар ижтимоий таркибининг ўзгаришига, уларнинг таълим-тарбиядаги эҳтиёжлари ва талабларига тезкор жавоб бериши керак.

Ота-оналар билан ишни режалаштириш учун ўз тарбияланувчилар ота-оналарини яхши билиш зарур. Шунинг учун ота-оналар ижтимоий таркибини, уларнинг кайфияти ва фарзандларининг МТТда бўлишидан нималарни кутаётганларини таҳлил қилишдан бошлаш зарур. Мазкур мавзуда анкета-сўровини, шахсий суҳбатларни ўтказиш ота-оналар билан ишни тўғри ташкил қилишга, унинг самарадор бўлишига, оила билан ўзаро таъсирнинг қизиқарли шаклларини танлашга ёрдам беради. Ҳар йили гуруҳлар тарбиячилари ота-оналар ўртасида “Оиланинг ижтимоий портрети” мавзусида анкета-сўровини ўтказадилар. Анкеталарни ўрганиш натижаларидан қуйидагилар аниқланади: илгари ота-оналар хизматчи ва ишчилар гуруҳларига бўлинган бўлса, ижтимоий шароитлар ўзгариши билан ишбилармонлар, ишламайдиганлар пайдо бўлди, тўлиқ бўлмаган оилалар кўп, кўп болали оилалар бор. Тарбияланувчиларнинг “Менинг оилам”, “Менинг уйим” мавзуларига бағищланган расмларининг таҳлили, болага уйда қандай муносабатда бўлишларини тушунишга, ҳаётий компетенциялари, масъулият ҳиссини шакллантириш ёрдам беради.

Мактабгача таълим ташкилотидаги болалар ота-оналарини шартли равища уч гурухга бўлиш мумкин.

Биринчи гурух- бу ота-оналар иш билан жуда банд, улар учун мактабгача таълим ташкилоти ҳаётий заруриятдир. Лекин, шунга қарамасдан, улар фарзандларига фақат яхши қарашлари эмас, балки унинг тўлиқ ривожланиши, соғлом бўлиши, таълим-тарбия олиши, бўш вақтини қизиқарли ўтказишини истайдилар. Ота-оналарнинг ушбу гурухи маслаҳат, семинар, тренингларда банд бўлганлари сабабли фаол қатнаша олмайдилар. Лекин ўзаро таъсир тўғри ташкил қилинган ҳолда, улар уйда фарзандлари билан бирга танлов, кўргазма учун уй ишини бажарадилар, олдиндан эълон қилинган тадбирларда уларга қулай бўлган вақтда қатнашадилар.

Иккинчи гурух – иш графиги қулай бўлган ота-оналар, ишламайдиган буви ва бувалари бор. Бундай оиладаги болалар мактабгача таълим ташкилотига бормаса ҳам бўларди, лекин ота-оналар боланинг бошқа болалар билан мулоқот қилишини, тенгдошлари билан ўйнашини, ривожланиши ва таълим олишини истайдилар. Педагоглар вазифалари – ота-оналар бундай гурухини пассив кузатувчи бўлиб қолишига йўл қўймаслиги, уларни МТТдаги ишларга жалб қилишдан иборат.

Учинчи гурух – бу оиласда оналар ишламайдиган гурух. Бу ота-оналар ҳам МТТда фарзандлари тенгдошлари билан қизиқарли мулоқот қилишини, жамоада ўзини тутиш кўникмаларига ўрганишини, тўғри кун тартибига риоя қилишини, таълим олиши ва ривожланишини истайдилар. Тарбиячи вазифаси бундай ота-оналар гурухидан ота-оналар қўмитасининг аъзоси ва тарбиячиларнинг фаол ёрдамчиси бўла оладиган оналарни танлаб олишдан иборат. Ота-оналарнинг ушбу гуруҳига ота-оналар йиғилишларини тайёрлашда, байрамлар, танловлар, кўргазмалар каби тадбирларни ўтказища тарбиячи таяниши зарур .

Ота-оналар билан ишнинг мазмuni турли шакллардарда амалга оширилади. Мухими, билимларни ота-оналарга етказиш.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг шахсий-ижтимоий ривожланиши, масъулиятини шакллантириш ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларини акс эттирувчи, тенгдошлари билан муносабатларни тартибга солиш ва ахлоқий хис-туйғуларни намоён этишни таъминловчи болалар фаолиятининг турли турларини ташкил этиш жараёнида амалга оширилади. Болаларда масъулият ҳиссини шакллантиришда тарбиячи ва ота-она ҳамкорлигини ташкил этишда педагогик қўллаб-қувватлашнинг маълум шакл, метод ва воситаларини танлаши болани турли вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш, хулқ-автор тажрибасини бойитиш ва мулоқот маданияти қоидаларини ўрганиш,

ижтимоий-ахлоқий ғояларни ривожлантириш ва шу орқали замонавий жамиятда ижтимоийлашиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қодирова Ф., Тошпўлатова Ш., Каримова Н., Аъзамова М. Мактабгача педагогика. Дарслик. Тошкент: Тафаккур нашриёти, 2019. – 688 б.
2. Короткова Н.А.Образовательный процесс в группах детей старшего дошкольного возраста:. - Москва: Линка-Пресс, 2007. - 208 с.

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА “ИЛК ҚАДАМ”
ДАВЛАТ ДАСТУРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ МУҲИТНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУНИ ВА МУАММОЛАРИ**

Шарафутдинова Д., МТТДМҚТМОИ таянч докторанти

Мамлакатимизда сўнги йилларда мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бера бошлиди. Мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув-методик жиҳозлар билан таъминлаш шулар жумласидандир.

Мактабгача таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси мактабгача таълим соҳасида қўйидаги долзарб ислоҳотлари олиб боришни назарда тутади:

- мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;
- мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интелектуал, аҳлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароит яратиш;
- болаларнинг сифатли мактабгача таълим билан қамровини ошириш, ундан кенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, мазкур соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;
- мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш шаффоғлиги ва самарадорлигини таъминлаш;
- мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг соғлом ва баланслаштирилган овқатланишини, сифатли тиббий парваришини таъминлаш.

Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган педагоглар ҳар бир боланинг муваффақиятга эришиш имкониятини берадиган таълимни таъминлаши, тарбияланувчилар имкониятларини тўғри баҳолаши, таълим жараёнини тўғри режалаштира олишлари лозим. Бунда болаларнинг ёши ва

ривожланиш даражаси, дастур ва давлат талабларига мувофиқлиги, ҳамда болаларнинг қизиқишилари ва имкониятларини инобатга олиши мухимдир.

Таълим-тарбия бериш жараёнда болаларнинг индивидуал ҳусусиятларини инобатга олиш болада шу жараёнга нисбатан қизиқиши ва эҳтиёжини ошишига сабаб бўлади. Бунда болалар чуқур билимга эга бўлади ва ўзини ўзи хурмат қилишга ўрганади. Тарбияланувчида янада қийинроқ вазифаларни бажаришга журъат ҳисси пайдо бўлади.

“Илк қадам” давлат ўқув дастурига мувофиқ ривожлантирувчи мухит мазмуни болада бирламчи дунёқараш асосларини шакллантириши ва унинг муваффақиятли ижтимоий мухитга мослашувига ёрдам бериши лозим. Ривожлантирувчи мухитда болалар ёшига мос равишда ўйин ва таълимий фаолиятлар учун етарли миқдорда материаллар билан таъминланган бўлиши керак.

Мактабгача таълим ташкилотларида ривожлантирувчи мухит:

1. “Тил ва нутқ” маркази.
2. “Куриш-ясаш, конструкциялаш ва математика” маркази.
3. “Санъат” маркази.
4. “Сюжетли ролли ўйинлар ва саҳналаштириш” маркази.
5. “Фан ва табиат” марказини ўз ичига олади.

“Тил ва нутқ” марказида болалар мустақил фикрларини баён қила олишга, мавзу асосида ҳикоя тузишга, сұхбатлар ташкил этишига ўргатилади. Бу жараёнда тарбияланувчилардаги тортинчоқлик одатлари йўқолиб боради.

“Куриш-ясаш, конструкциялаш ва математика” марказида болалар ўз ишларини таҳлил қилишни ўрганадилар. Бу марказ орқали болаларда сенсор тарбия ва ижодкорлик ривожланади. Бола бир вазифани бажариш орқали ҳам куриш-ясаш, ҳам математика билан шуғулланиш имкониятига эга бўладилар.

“Санъат” марказида болалар расм, аппликация, оригами, лой иши ва куриш-ясаш фаолияти билан шуғулланадилар. Бу марказда тарбияланувчиларнинг ижодий қобилиятлари ривожлантирилади ва санъатнинг барча турлари билан таништирилади.

“Сюжетли ролли ўйинлар ва саҳналаштириш” маркази болалар “Мен”ини шакллантирувчи, иқтидорларини ва маҳоратларини намоён қилишлари учун қулай мухитдир. Бу марказда гуруҳдаги болалар ёшига мос равишда сюжетли-ролли ва саҳналаштирилган ўйинлар бўлиши керак.

Мактабгача таълим ташкилотларининг турли ёш гуруҳларида ривожлантириш марказларидағи фаолиятни қузатиш орқали болаларни Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйилган давлат талабларининг ривожланиш соҳалари бўйича тарбияланувчиларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўнимкамлари аниқланади. Гуруҳлардаги таълимий-

тарбиявий жараёнларни кузатиш, таҳлил қилиш орқали жараёндаги бўшлиқларни аниқлашга имкон яратилади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг мактабгача таълим ташкилотлари таълим-тарбия жараёнида кузатилаётган камчиликлар қўйидагилардан иборат:

1. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчилар сони меъёрига нисбатан қўплиги сабаб тарбиячи ҳамма марказга улгура олмаслиги;
2. Ривожлантирувчи муҳитда фойдаланиладаган жиҳозлар, тарқатмали метериалларга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги;
3. Тарбиячи-педагоглар томонидан бир вақтнинг ўзида 4-5 та марказнинг фаолиятини назорат қила олмаслиги;
4. Тарбияланувчиларни марказларга бўлиш жараёнида дуч келинаётган қийинчиликлар;
5. “Илк қадам” давлат дастурига мувофиқ методик адабиёт, қўлланма ва китобларнинг етарли эмаслиги;
6. Айрим мактабгача таълим ташкилотларида ўйин хонасининг торлиги, баъзи гурухларда мебелларнинг тўғри келмаслиги.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш тарбиячи-педагогдан ўз устида ишлашни, ижодий изланишни, таълимга оид янгиликларни ўрганиб боришни ва доимий равишда ўз маҳоратларини оширишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. Т:2019 й.
2. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури. Т:2018 й. 21-бет.
3. Болага йўналтирилган таълим дастурини ташкил этиш. Т:2012 й. 12-бет.
4. Мактабгача таълим методикаси ва назарияси журнали. Т:2020 й. № 9. 2-бет.

МТТДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТЛАРИ

Шарипова Г.Н., МТТДМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Бугунги кунда замонавий МТТда тарбиячилар узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, психологияк муносабатларини ўзгартириши, шунингдек, тарбиячилар фаолиятга алоҳида тайёргарлик қўриши зарурят бўлиб, бу ўз навбатида МТТ раҳбарларининг асосий функцияларидан бири бўлган таълимни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегик режаларини

тузища асосий эътиборни тарбиячиларнинг у ёки бу асосда ижодий фаолият юритишлари учун тушунтириш ишларига қаратиши лозим. Бу ўз навбатида тарбиячиларнинг касбий қизиқишилари қўламини кенгайтиришга, яъни уларнинг методик адабиётларни ўқиб ўрганишдаи то назарий психологик-педагогик ва фундаментал тадқиқотлар олиб боришига ҳам имкониятлар яратади. Яхши илмий-педагогик тайёргарлик инновацион фаолиятнинг самарадорлигини таъминлайди. Инновацион жараёнларда фаол иштирок этувчи тарбиячилар мунтазам равишда ўзини-ўзи ривожлантириши ва таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришининг катализаторига айланади, яъни мазкур жараёнларнинг тезлашишида муҳим аҳамият касб этади.

Бундай педагоглар билан ишлаш, яъни жамоани ичига эргаштира оладиган ходимларни бошқариш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун МТТ раҳбарлари янгилик яратиш ва уларни татбиқ этиш, ихтирочилар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг тажрибасини тарғибот килиш, оммалаштириш, инновацион фаолиятларининг натижаларини баҳолаш бўйича айниқса МТТ ва педагогик жамоа даражасида зарурый билим, қўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур бўлиб бу уларнинг интегратив маҳоратларини белгилайди.

Интегратив маҳорат - бу умумлаштирилган маҳорат бўлиб, МТТ раҳбарлари бошқарув фаолиятида ижобий натижаларга эришиш, таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришга йўналтирилган МТТ ички бошқарувининг мақсадини тизимли режалаштириш ва амалга оширишида зарур ҳисобланади. Мазкур қўникмага эга бўлмасдан мақсадга эришишнинг йўллари, воситалари ва эришиш муддатини аниқ белгилаш мушкул. Педагогика фанининг ва олдинги тажрибаларнинг интегратив асосдаги хулосалари ва тавсиялари янги ғояларнинг манбаси ҳисобланади, улар ўз навбатида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Умумий ҳолда, ўқув юртларида инновацион фаолиятни ташкил этишга объектив ва субъектив омиллар сабаб булади. Объектив омилларга давлатнинг янги таълим сиёсати, таълим соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар, МТТнинг инновацион фаолият йуналишидаги тажрибаларини киритишимиз мумкин.

Субъектив омилларга ижтимоий-худудий эҳтиёж, ўқув юртининг таълим-тарбиявий фаолиятининг ривожланиш жараёни, педагогларнинг илмий-методик билим, қўникма ва малакалари, илмий салоҳиятининг ривожланиши, ўқув юрти салоҳиятининг ўсиши, бошқарув хусусиятларининг ўзгариши мисол бўлади.

Мактабгача таълимга янгича ёндашувларни жорийетиши, биринчи

навбатда, таълим мазмунини янгилаш, илфор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг замонавий методларинн татбиқетиш, таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва уни бошқаришни замонавий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг талабларига мосўзгартириш, педагогик ходимларнн кайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илмий-педагогик асосларини яратиш ва такомиллаштириш ҳамда инновацион таълим ташкилотларининг барча турларига хос инновацион фаолиятнинг структуравий компонентларига асосланишга боғлик.

МТТ инновацион фаолияти жараёнини ташкил этишнинг педагогик шартлари сифатида қўйидагилар белгиланади:

1. Инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи назарий-педагогик қоидалар мажмуасинн ишлаб чиқиши. Назарий-педагогик қоидалар мажмуаси инновацион фаолиятнинг асослари билан белгиланиб, инновацион фаолиятнинг мақсади, вазифаси, мазмуни ҳамда уни ташкил этиш тамойилларини ўз ичига олади. МТТни инновацион фаолиятга жалб этувчи омиллар инновацион фаолиятни мотивлаштиришга сабаб булади. Инновацион фаолиятни ташкил этиш ншлари асосий мақсадга эришишга йўналтирилган бўлади ва шу муносабат билан МТТда асосий ўзгаришлар вужудга келади Мазкур мақсадларга эришишда қатор вазифаларни бажариш зарур:

- жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларига мос, билимли ва қобилиятли битирувчилар моделини амалга оширишга асосланиш (таълим мазмунини яигилаш);

- биринчидан, таълим мазмунини турли мафкуралардан тозалаш, рақобатни вужудга келтирувчи фикрлар билан тўлдириш;

- иккинчидан, давлат таълим стандартларига мос равишда, харакатдаги дастурларга янги ривожлантирувчи айрим ўзгартиришларни киритиши;

- учинчидан, ўқув режасинииг факультатив ва МТТ ихтиёридаги соатлар блокларига янги фанларни киритиши.

- янгиланган технологик ва дастурий-методологик маҳсулотларни яратиш назарий ишлаб чиқилган узлуксиз таълим ғояларини амалга оширишнинг долзарб эҳтиёжларини ифодалайди. Мазкур ғоя таълим ва тарбиянинг замонавий технологияларини излаш муаммоларини вужудга келтиради ва булар субъект-объект, тарбияланувчи ва тарбиячи муносабатларига асосланади, бу муносабатлар шахснинг қизиқишлиари, қобилиятлари ва сифатларини англашга йўналтирилган умумий ривожланиш шартларини белгиловчи асослар ҳисобланади; кўпроқ самарали ҳисобланган ўқитиш воситаларини танлаш.

2. МТТ илмий-тадқиқот салоҳиятинишакллантириш. МТТ шароитида инновацион фаолиятни ташкил этишнинг муҳим асослари МТТ илмий-

тадқиқот салоҳиятини шакллантириш ҳисобланади ҳамда у тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорлиги асосида ривожланади.

3. Инновацион фаолиятни ташкил этишини таъминлашнинг асосий шартлари алоҳида бошқарув жиҳатлари, яъни мазкур фаолиятни ташкил этишга йўналтирилган, янгиланган бошқарув структурасиии шакллантириш ҳисобланади. Инновацион фаолиятни илмий асосда ташкил этиш муносабати билан таълим жараёнига инновацияларни киритишда барқарорлик вужудга келади. Бунда энг муҳими, педагогик жамоанинг инновацион фаолиятга тайёргарлиги ва эҳтиёжларини инобатга олиб янгиликларни танлаш ҳисобланади.

Таълим тизимининг ривожланишини тизимили бошқариш МТТнинг меъёрий функцияларини бажариш билан алоҳида инновацион лойиҳаларни бирлаштирувчи ягона мақсадга қаратилган дастурлар доирасида педагогик жамоа аъзоларини бирлаштиришга йўналтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

7. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 1997й.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим-тарбия тўғрисида”ги 595-сон қарори 2019 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.
10. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. - Тошкент : Ўзбекистон, 2016 й.
11. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008й.

ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ - КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ПОЗНОВАТЕЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

*Шарипова Ш.С., ИППКРСДОО
Муҳаммадиев Қ.С., ИППКРСДОО*

Не только нашей задачей, но и постоянной обязанностью является последовательное продолжение работы по подготовке и воспитанию кадров нового поколения, способных принять ответственность за судьбу и будущее нашей страны, за вывод реформ в сфере образования и обучения на ещё более высокий уровень.

Ш.М. Мирзиёев

Аннотация: Экологическое воспитание важнейший фактор развития позновательной компетенции детей дошкольного возраста, даны значение

имеющее экологическое воспитание для дошкольников, экологическое воспитание в семье.

Ключевые слова: экология, экологическое воспитание, агрессивность, ответственность, способность, понимание.

Как известно, в дошкольных учреждениях на первоначальных этапов формирования ребёнка как всесторонне-развитой личности большое значение имеет ознакомление его с окружающим миром. С этой точки зрения целесообразно развить у каждого ребёнка дошкольного возраста представления об окружающем мире.

Экология – это окружает каждого из нас. Еще никогда так остро не стояла угроза экологического кризиса, как сегодня. На планете с пугающей стремительностью исчезают различные виды уникальных животных и растений. С каждым днем все больше загрязняется окружающая среда.

Чтобы предотвратить варварское отношение к природе, стоит начинать воспитывать экологическую культуру с самых малых лет. Поэтому в наши дни экологическое воспитание дошкольников приобретает растущую актуальность.

Дошкольный возраст – самое подходящее время для формирования у ребенка основ восприятия мира. Дети в раннем возрасте очень эмоциональны, отзывчивы и сострадательны и воспринимают природу как живой организм. Экологическое воспитание дошкольников, прежде всего, направлено на формирование положительного отношения ребенка к окружающей среде – земле, воде, флоре, фауне. Научить детей любить и беречь природу, бережно использовать природные богатства – главные задачи экологического воспитания.

Какое значение для дошкольников имеет экологическое воспитание?

- вырабатывает ответственность за сохранение природы;
- воспитывает чувство прекрасного, способность видеть природную красоту;
- дает понимание тесной взаимосвязи всего живого на планете;
- предотвращает агрессивные, разрушительные действия по отношению к природе;
- направляет детскую активность в положительное русло и расширяет кругозор. Как привить ребенку экологическую культуру?

Воспитание экологической культуры дошкольников начинается в семье ребенка. Дети копируют поведение своих родителей. Поэтому очень важно чтобы родители объясняли малышу основы экологической культуры и подкрепляли свои слова действиями. Нельзя научить ребенка тому, чего сами родители не соблюдают.

Рассказывайте ребенку о удивительном разнообразии форм жизни на суше и воде. На этом пути вам помогут иллюстрированные энциклопедии и кинофильмы про животных и растения.

Почаще читайте своему ребенку замечательные, добрые рассказы о природе В. Бианки, Л. Толстого, Б. Заходера, Н. Сладкова, М. Пришвина, К. Ушинского. Дети готовы часами зачарованно слушать рассказы взрослых. После чтения побеседуйте с малышом о проблемах героев.

Малыши дошкольного возраста очень отзывчивы. Если вы дадите им возможность почувствовать чужую боль, как свою, – то научите проявлять заботу к тем, кто в ней нуждается. Также, никогда не проходите мимо попавших в беду растений и животных. Всячески привлекайте и поощряйте участие ребенка в уходе за животными или растениями.

Начинать можно с самого простого – полива любимого цветочка или установки кормушек для птичек зимой. Рассказывайте в доступной форме о проблемах окружающей среды и том, что нужно делать, чтобы их не было.

Летом экологическое воспитание может стать для дошкольников увлекательным приключением. Прогулки в лес, поле, парк, луг помогут ближе познакомится с типичными представителями местной флоры и фауны. Это расширит знания ребенка об окружающих его животных и растениях. Помогите малышу научится видеть красоту окружающей природы.

Важное место в экологическом воспитании дошкольников принадлежит играм. Устройте маленький театр с игровыми персонажами – куклами. Пусть герои расскажут о том, как себя нужно вести по отношению к природе. Можно спорить, шутить и смеяться вместе со своими героями. Вариантов и форм воспитания экологической культуры у дошкольников множество. Все зависит от вашего желания и вашей фантазии. Но научить ребенка с ранних лет жить в ладу с окружающей средой – это не простая, но очень важная задача.

Важность экологического воспитания для развития личности ребенка, это экологическое воспитание детей — это не только готовность беречь природу, но и формирование основ нравственности; получение новых знаний об окружающем мире, происходящих в нем процессов и обитающих рядом с человеком живых организмах способствует развитию интеллекта; способность ощущать красоту природы развивает эстетическое чувство; наблюдения за природными явлениями, растениями, животными развивают внимание, способность концентрироваться, память; Уход за растениями и животными помогает воспитать аккуратность и ответственность, отзывчивость и умение сострадать.

Быть может, это не самые важные качества для отдельно взятого человека. Но в масштабах всего человечества экологическое сознание обретает статус абсолютной необходимости.

Список использованной литературы:

1. Государственные требования к развитию детей раннего и дошкольного возраста Республики Узбекистан. 2018.
2. Формирование навыков исследовательской деятельности у детей дошкольного возраста. Учебно-методическое пособие. Самарканд-2019.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ПЕДАГОГЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕНТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА “FIRST” ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ АҲАМИЯТИ

Шарипова Ш.С., МТТДМҚТМОИ н.ф.ф.н (PhD)

Аннотация: Мақолада педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган технология бўлиб, компетентликни ривожлантириш стратегиялари, унинг афзаллиги ва чекловлари ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: компетенция, компетентлик, стратегия, мотивация, компетенция воситаси, компонент.

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ барча соҳаларидағи каби таълим тизимида ҳам амалга оширилган ислоҳотлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Ҳар томонлама маҳоратли, қобилиятли, ўз имкониятларни намойиш қиласиган, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор педагог-тарбиячи кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилган. Замонавий шароитда педагог-тарбиячиларни касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган муҳим шарт-шароити замонавий фан, техника ва технологияларнинг ютуқлариға асосланган таълим тизимини ташкил қилишдан иборатdir.

Ҳар бир инсон индивидуалdir. Бироқ, одатий хатти-харакатларнинг ўзгариши зарурлигини тан олиш ва рози бўлиш ҳар биримиз учун осон эмаслиги билан ўхшашлик бор - бизнинг "ўзимизнинг қиёфамиз" таниш ғоялар билан қўллаб-куватланади ва мустаҳкамланади. Сиз бирон бир компетенцияни ёки унинг таркибий қисмларини ишлаб чиқмоқчи бўлганингизда, биринчи навбатда, ходим самарали ишлиши ёки мартаба ўсиши учун ушбу компетенцияни ривожлантирмаётганини қанчалик аниқ ҳис қилиши керак. Гап шундаки, мотивация “компетенция воситасидир” ва бунисиз “бирон бир жойга бориш” мумкин эмас. Мотивация деярли ривожланмаган бўлиши ҳам мумкин. Энг осон йўли - янги билим вакўнималарни эгаллаш ва ўзлаштириш керақdir. Шахсий сифатлар ва

қобилиятлархамривожланган, аммо озроқ даражада. Қоида тариқасида, компетенцияниривожлантиришжараёни ишда фаол қўлланилиши билан 2 йил давом этади, аммо сиз қисқа вақт ичидалим ва кўникмалар билан боғлиқ бўлган (масалан, мақсадларни белгилаш алгоритми) индивидуал компонентларни ишлаб чиқишингиз мумкин. Касбий компетентликни минимал даражадан зарур даражагача ривожлантириш ва ундан ташқари уни автоматизмга етказиш жуда қийин иш. Касбий компетентликни ривожлантириш учун бир нечта стратегиялар мавжуд, уларнинг ҳар бири ўз афзалликлари ва чекловларига эга:

Компетентликни ривожлантириши стратегиялари

1. Заиф томонларнинг ривожланиши; Афзаликлари: касбий вазифаларни самарали бажариш учун зарур бўлган даражага "кўтариш" учун энг кам ривожланган компетенцияларни такомиллаштириш ишдаги танқидий хатолар эҳтимолини камайтириши мумкин. Чекловлар: "Мотивация" компоненти устунлик қилувчи рол ўйнайдиган компетенцияларни ривожлантириш қийин.

2. Кучлилардан фаол фойдаланиш орқали камчиликларни қоплаш; Афзалликлари: Юқори даражада ишлаб чиқилган ваколатлар бошқа ваколатларнинг ривожланиш даражасидаги етишмовчиликни аниқлаш учун қўлланилади. Чекловлар: Хатти-ҳаракатларнинг одатий услугига риоя қилиш тенденцияси ўзгарувчан шароитларга мослашиш қобилиятини чеклайди. Ҳар қандай компетенциянинг хатти-ҳаракатларидағи устунлик хавфларни ўз ичига олади.

3. Компетентликни ривожлантиришга комплекс ёндашув; Афзалликлари: Камчиликларни "тортиб олиш" ва уларни энг ривожланган компетенциялар ҳисобига қоплаш учун ҳаракатлар комбинацияси барча ваколатларни такомиллаштиришдаги мувозанат туфайли энг яхши натижаларга эришишга имкон беради. Кенг қамровли стратегия энг самарали ҳисобланади, чунки у нафақат кучли томонларингизга таянибина қолмай, балки кам ривожланган компетенциялар устида ишлашга, ривожланишда мувозанат ва уйғунликка, шунингдек, хулқ-атворнинг самарадорлигига эришишга имкон беради. Касбий компетентликни ривожлантиришда айнан «FIRST» технологияси технологиясининг роли бекиёсdir.

Касбий компетентликни ривожлантириш жараёни самарали бўлиши учун «FIRST» доимий ривожланиш тамойилига амал қилиш керак: ***Focus on priorities*** - ривожланиш мақсадларини иложи борича аниқроқ аниқланг, яхшиланиш учун маълум бир соҳани танланг; ***Implement something every day*** (Ҳар куни бирор нарсани амалга оширинг, мунтазам равишда машқ қилинг) - ривожланишни рағбатлантирадиган, янги билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаган ҳолда, "қулайлик зонаси" дан

ташқарыда бўлган мураккаб вазифаларни ҳал қиласиган ҳаракатларни мунтазам равишида амалга оширинг;

Reflect on what happens – (Нима содир бўлаётгани ҳақида ўйлаб қўринг) – хатти ҳаракатларингиздаги ўзгаришларни доимий равишида кузатиб боринг, ҳаракатларингиз ва эришилган натижаларни, муваффақият ва муваффақиятизлик сабабларини таҳлил қилинг;
Seek feedback and support - (Фикр-мулоҳаза ва қўллаб-қувватлашни қидиринг) - мутахассислар, тажрибали ҳамкасларнинг фикр ва тавсияларидан фойдаланинг, уларнинг фикрлари ва тавсияларини тингланг;
Transfer learning into next steps - (ўзингизга янги мақсадлар қўйинг) - доимо такомиллашиб боринг, доимо ўзингизга янги ривожланиш мақсадларини белгиланг, шу билан тўхтаманг.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, таклиф қилинган технология мактабгача таълим ташкилотлари педагогларининг ўзларининг кучли томонларини кўриш, шахсий ва касбий салоҳиятини англаш, профессионал «Мен» ва шахсий «Мен»нинг ягоналиги йўлида ўзини англашга бўлган тушунчани шакллантириш, касбий фаолиятда қийинчиликларни ҳамда уларни енгиб ўтиш йўлларини, шунингдек касб доирасида бундан кейин ўзини ривожланиш имкониятларини англаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шарипова Ш . С. “Профессиональная педагогическая компетентность учителя” // “Молодой учёный” ежемесячный научный журнал №11(145),2017 сентябрь.

2.Competence: Inquires into its Meaning & Acquisition in Educational Settings / Ed. E.C.Short. - N.Y.; Univ. Prese of America, 1997. - 84-185 p.

3.Reid K., Hopkins D., ets. Towards the effective school : the problems and some solutions /K.Reid, D.Hopkins, ets. - Oxford, 1987. - 307 p

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ

Шаропова Н.Р МТТДМҚТМОИ и в.в.б., доценти, PhD

Жаҳон миқёсида мактабгача таълим хизматларига талаб миқдорини ошириш мақсадида истеъмолчилар (ота-оналар)нинг таълим сифатидан қониқишлигини оширишга қаратилган қўплаб маркетинг тадқиқотлари олиб борилган. Мамлакатимиз мактабгача таълим ташкилотларида маркетинг хизматларини ривожлантиришга асосий тўсиқ бўлиб келаётган муаммоларни аниqlаш ва уларнинг самарали ечимларини излашга қаратилган маркетинг

тадқиқотларини ўтказиш ҳозирги даврда устувор йўналишлардан бири хисобланади.

Сўнгти тўрт йилда давлатимиз томонидан олиб борилган мактабгача таълим соҳасидаги истиқболли ислоҳотларга қарамай, истеъмолчиларга турли, сифатли ва арzon мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш ҳамда уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тизимли ўрганиш каби маркетингнинг асосий функцияларидан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Натижада, «Республикада мавжуд 2,7 млн. мактабгача ёшдаги болаларнинг 1699566 нафари, яъни қарийб 61 %ни мактабгача таълим билан қамраб олишга эришилди». Шу боис, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шартшароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш» бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси мактабгача таълим хизматлари бозорида талаб ва таклиф мувозанати ўрнатиш, истеъмолчиларининг таълим хизматлари сифатидан қониқишлигини ошириш орқали мактабгача таълимга бўлган талаб миқдорини оширишга қаратилган замонавий маркетинг тадқиқот усул ва воситаларини ишлаб чиқиши тақозо этади. Бу эса мазкур тезис мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги ЎРҚ-595-сонли Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сонли ва «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312-сон Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш учун мактабгача таълим ташкилотларда маркетинг хизматларини самарали ташкил этиш зарурати пайдо бўлди.

Мактабгача таълим ташкилотларида маркетинг хизматларини ташкил этиш ва самарали бошқариш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

мактабгача таълим хизматлари бозорини ривожлантиришга оид маркетинг тадқиқотларининг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;

мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятида маркетинг хизматларини ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини ўрганиш;

мактабгача таълим ташкилотларида маркетинг хизматларини ташкил этиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистонда мактабгача таълим хизматлари бозорининг ривожланиш тенденцияларининг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш ва уни янада ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим хизматлари бозорида таклиф миқдорини ошириш мақсадида тизимда таълим хизматлари рақобатбарошлигини кескин ошириш механизмларини жорий этиш;

истеъмолчиларнинг мактабгача таълим хизматларига талаб миқдорини таҳлил қилиш ва унинг прогноз вариантларини ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим хизматлари бозорида тизимли ва истиқболли маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш йўлларини ишлаб чиқиш;

истеъмолчиларнинг мактабгача таълим хизматлари сифатидан қониқишиларини ўрганиш усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш;

мактабгача таълим хизматларининг инсон капиталини шакллантиришдаги таъсирини аниқлаш орқали болаларни мактабгача таълимга қамровини оширишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон мактабгача таълим ташкилотларида маркетинг хизматларини самарали ташкил этиш ва бошқариш учун мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини сон жиҳатдан ошириш учун давлат-хусусий шериклик шаклидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш, арzon ва сифатли мактабгача таълим хизматлари турларини кўпайтириш, мактабгача таълим мутахассислигига эга педагог-ходимларнинг билим ва малакаларини ошириш ҳамда тизимда рақамли маркетинг механизмларини жорий этиш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонуни. 2019 йил 19 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сонли Фармони. 2020 йил 6 ноябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти, ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 7 февраль.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли қарори, 2019 йил 8 май.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сонли қарори, 2019 йил 13 май.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.

7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга мурожаатномаси 2020 йил 24 январь.

Интернет манбалари:

8. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами сайти
9. <http://mdo.uz> – Мактабгача таълим вазирлигининг расмий сайти
10. <http://mdomoi.uz> – МТТД҄ТМОИ расмий сайти

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ТАЪЛИМИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ СОҲАЛАРИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Эралиева Г., Сурхондарё вилояти 29-МТТ тарбиячиси

Аннотация: Ушбу мақолада мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг умумий муҳим компетенцияларидан бири ўйин компетенцияси – болани ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиш, ўқув тарбия фаолияти хақида ёритилган.

Калит сўзлар: Ўйин, фаолият, билим, кўникма, малака, ривожланиш, ижтимоийлашув, турли ҳиссиёт, атроф-олам, мулоқотга киришиш, хотира, дикқат, тасаввур.

Мактабгача таълим ташкилотининг мақсад ва вазифалари болаларни индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига оид давлат талаблари асосида ҳамда давлат ўқув дастурига мувофиқ унинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш, болаларни илк ривожлантириш масалаларида отоналар ва жамиятга тегишли билимлар беришни ташкил этиш ва амалга оширишдан иборатdir.

Компетенция – боланинг билим. кўникма, малакалари мажмудир.

Мактабгача ёшдаги умумий муҳим компетенциялар: коммуникатив компетенция, ўйин компетенцияси, ижтимоий компетенция, билиш

компетенцияларидан иборатдир.

Ўйин компетенцияси – болани ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиш, ўқув тарбия фаолияти учун асос ҳисобланади.

Ўйин болалар ривожланишида катта ахамиятга эга.

• Боланинг ижобий ижтимоийлашувига кўмаклашади. Ўйинда импровизация қилса тимсоллар, вазиятларни ўйлаб топса ва шу тариқа атрофолам хақида янада кўпроқ маълумотларни олса бўлади;

• руҳий (психик) жараёнларни шакллантиради хотира, дикқат, тасаввур, нутк ривожланади ва болаларга қувонч бағишлайди, турли ҳиссиёт ва кечинмаларни уйғотади, болалар учун атрофимиздаги воқеликни англаш ва ижодий акс эттиришнинг қизиқ ва қулай шакли ҳисобланади.

• Ижтимоий хулқ-атворнинг дастлабки қўникмаларини эгаллашга имкон беради. Бошка болалар билан мулоқотда бўлиш, улар билан турли муносабатларга киришиш, умумий ўйин режаларини амалга ошириш учун келишиш ва бирлашиш, ўйиндаги шерикларининг манфаатларини ҳисобга олиш;

• Болаларга жамиятдаги ўз ўрнини тушуниш ва ўзига бўлган ишончсизликни камайтиришга ёрдам беради Ўйинда болалар барча қўникмаларидан фойдаланувчи назорат қилинадиган ҳаракат маконини яратадилар.

Мактабгача ёшда болаларнинг ижтимоий ҳаёти айнан ўйинда тўлиқ фаоллашган бўлади. Ўйин болаларга мулоқотнинг турли шаклларидан мустақил фойдаланиш имконини беради.

Ўйин жараёнида болалар орасида икки турдаги муносабатлар шаклланади.

* Ўйин мазмуни, қоидалари билан белгиланадиган муносабатлар;

* Ўйин буйича намоён бўладиган ҳақиқий муносабатлар: (ролларнинг Тақсимланиши, низодан чикиш ва х.к.)

Реал муносабатлар шахсий бўлиб, нафақат ўйинда, балки мактабгача таълим ташкилотда боланинг бутун яшаган даври давомида шаклланади. Шундай қилиб ҳақиқий муносабатлар асосида болалар “жамоатчилик” (А.П. Усова) сифатларини шакллантирадилар (ёки шакллантирмайдилар), ўйнаётган болалар грухига кириш, унда муайян тарзда ҳаракат қилиш, шериклар билан муносабатлар ўрнатиш, жамоатчилик фикрига бўйсуниш.

Муносабатлар асосида

- ижтимоий хис-туйғулар ва одатлар шаклланади;
- биргаликда ва максадли ҳаракат қилиш қобилияти ривожланади;
- манфаатлар муштараклиги англаади;

- ўз-ўзини хурмат қилиш ва ўзаро хурмат қилиш асослари шаклланади.

Ўйин фаолиятининг катта академияси шундаки, у болалар жамиятини шакллантириш учун жуда кенг имкониятларга эга.

Ўйинларда болалар хис-туйғуларини ривожлантирадилар, ўз таассуротларини акс эттирадилар. Ўзлари тақлид қилаётган ва чин дилдан ўхшашни истаган шахснинг билими ва хатти-харакатини ўзлаштиришга ҳаракат қиласидилар. Ўйин давомида болалар дўстона муносабатларга киришадилар, биргаликда ҳаракат қиласидилар ва завкландилар.

Ўйин бу нима?

Ўйин - бу кутилмаган энг фаол жараён бўлиб, унда тафаккур, ҳис-туйғулар ва ҳаракатлар ривожланиши мумкин.

Бу барчанинг шахсий эҳтиёжларига жавоб берадиган мураккаб ҳодисадир. Ўйинда мавжуд булган турли жиҳатлар *завқ ва қувонч*.

иштирокчилар томонидан фаол жалб қилинганлик;
ички мотивация (яни у ташки мақсадсиз ўтказилади);
тадбирлар иштирокчилар томонидан эркин танланади;
иштирокчилар томонидан шахсан йуналтирилган ёки биргаликда йуналтирилган бўлиши мумкин;
эътибор мақсадга (маҳсулот) эмас, балки воситаларга (жараёнга) каратилади.

Ўйинлар болаларнинг музокара қилиш, ҳиссий мувозанатни тиклаш, низоларни ҳал қилиш ва қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Болалар ўйин ва ўйин-кулгиларда иштирок этиб, амалий кўнималарни эгаллайди, атрофдаги оламни ўрганади ва англайди, янги ғоялар, роллар ва тажрибани синовдан ўтказишади хамда шу билан бирга дунёдаги ўз ижтимоий мавқеини тушуниш ва “кўришни” ўрганишади.

Жисмоний жиҳатдан ўйин болаларга майда ва йирик моторикани ривожлантириш хамда жисмоний малака ва мушакларни бошқаришни машқ қилиш ва такомиллаштириш имконини беради. Бундан ташкари, у болаларнинг маконни тушуниши ва таваккалчилик қобилиятини ривожлантиради. Мунтазам жисмоний фаолият саломатлик, овқатланиши ва фаровонликка соғлом муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Когнитив муносабатда ўйин хотира, тасаввур, концентрация ва ижодкорликни рағбатлантиради. Шунингдек, ғоялар ва саволларни ўрганиш ва муаммоларни башорат қилиш ва хал қилиш имконини беради.

Билиш фаолияти жараёнида боланинг кўргазмали ва мантикий тафаккури, ихтиёрий англаш диққати, хотира, ижодий тасаввурнинг ривожланиши содир булади.

Билиш фаолияти ўйин фаолиятининг ажralmas қисми вазифасини

бажаради. Ўйин давомида боланинг маънавий ва жисмоний кучи, шунингдек, унинг дикқати, хотираси, тасавури, интизоми, чаққонлиги ривожланади, янги билим ва кўникмалари эгалланади ва ўзлаштирилади. Бундан ташкари, ўйин мактабгача ёш даврига хос булган ижтимоий тажрибани ўзлаштиришнинг ўзига хос усулидир.

Катта мактабгача ёшдаги болаларнинг тўлақонли билим олиши таълимтарбия жараёнининг учта асосий блоки негизида ташкил этилиши лозим;

- * *Махсус ташкил этилган ўқув фаолиятида;*
- * *Педагог билан болаларнинг биргаликдаги билиш фаолиятида;*
- * *Болаларнинг мустақил билиш фаолиятида.*

МАКТАБГАЧА ТАЙЁРЛОВ ГУРУХЛАРИДА КОНСТРУКТИВ БИЛИМ БЕРИШ ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Эшонкулова М.Х., Гулистан давлат университети

Аннотация. Мақолада тадқиқотимиз мақсадларига яна бир бор қайтсак, янги техник ечимлар биз келажакдаги муҳандисни ёки педагог - тарбиячини тайёрлашда ушбу бўшлиқни тўлдириш учун (ҳеч бўлмагандан қисман) самарали излаш усулларидан бири билан болага конструктив билим беришга имкон берадиган даражада таништирамиз.

Калит сўзлар: ақл, фикрлаш, таркибий қисм, шаклланиш, тушунча, фикрлаш, ақл, меҳнат, ўрганиш.

Аннотация. Возвращаясь к целям нашего исследования в статье, новые технические решения, которые мы представляем будущему инженеру или педагогу-педагогу таким образом, который позволяет (хотя бы частично) одним из наиболее эффективных методов поиска восполнить этот пробел в обучении детское конструктивное знание.

Ключевые слова: интеллект, мышление, компонент, формирования, понятий, мышления, интеллект, труд, обучения.

Annotation. Returning to the goals of our research in the article, new technical solutions that we present to a future engineer or teacher-teacher in a way that allows (at least partially) one of the most effective search methods to fill this gap in teaching children's constructive knowledge.

Key words: intellect, thinking, component, formation, concept, thinking, intellect, labor, learning.

Мактабгача тайёрлов гурухларида муаммоларни ихтиро қилиш (триз) дастури бўлажак МТТ тарбиячиларида учун педагогик тажриба ва касбий маҳорат тадқиқотчининг шахсини шакллантириш ва ривожлантиришнинг

муҳим омилидир. Аммо бунга мақсадли (кўпинча узоқ муддатли) тайёргарлик зарур. Унинг натижаси мактабгача тайёрлов гурухлари болаларида муаммоларни ихтиро қилиш (триз) фаолиятга назарий ва амалий тайёргарликни шакллантиришdir. Тайёргарликнинг ушбу турлари бўлажак тарбиячиларнинг умумий педагогик тайёргарлиги жараёнида шаклланган педагогик билимларга асосланади.

Аммо бу билимлар бўлажак тарбиячининг касбий фаолиятининг асоси бўлиши мумкин, агар:

□ ТРИЗ педагогик тизимида ва фанлараро алоқалар тизимида мавжуд бўлиши ва ривожланиши;

□ ТРИЗ педагогик фикрлашнинг асоси бўлиб, аналитик, проэкцион, прогностик ва рефлексив кўникмаларга айланади (В.А.Сластенин);

□ ТРИЗ педагогик маҳорат ва қобилиятларни (ташкилий, коммуникатив, педагогик маҳорат) шакллантириш ва ривожлантириш учун мазмунли асос бўлиб хизмат қиласди.

Шу билан бирга, таълимий педагогик билимлар илмий педагогик фаолият учун зарурый шартdir. Шундай қилиб, педагогикада (В.И. Гинетсинский, Б.П. Битинас, В.В. Краэвский, С.А. Шапоринский) ўкув ва илмий билиш жараёнлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб чиқди, ўкув ва илмий билимларни таққослади, педагогик билимлар ва педагогик билимларнинг турларини кўриб чиқди.

Талабалар ва ўқитувчилар ўртасида педагогик фикрлашнинг шаклланниши ва ривожланиши уларнинг педагогик фактлар ва ҳодисаларни назарий таҳлил қилиш қобилиятларини ривожлантириши билан боғлиқ. Ушбу қобилиятнинг динамик ривожланиши педагогик вазифалар тизимини: касбий, ижодий, изланиш тизимини ҳал қилиш натижасидир. Педагогик муаммони ҳал қилиш тизимли «ўйлаш - ҳаракат қилиш - ўйлаш» учлигига асосланган. Ушбу тизимлийкни амалга оширишнинг асосий шахсий натижаси – бу педагогикада умумлаштирилган фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва бу натижанинг зарурый шарти бўлган – бу шахснинг аналитик, прогностик, проэкцион, рефлексив кўникмаларини ривожлантиришdir.

Мактабгача тайёрлов гурухларида муаммоларни ихтиро қилиш (триз) бўлажак тарбиячилардан педагогик фикрлаш шахснинг ақлий меҳнат маданиятини шакллантиришни ва унинг касбий қузатувчанлигини, диққатини, тасаввурини, хотирасини ривожлантиришни таклиф этади. Шу билан бирга, ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш концепциямизнинг қуйидаги вазифаларига жавоб беради:

- ақлий меҳнатни қучайтиришга ва уни мақбул ташкил этишга қаратилган шахснинг билиш фаолияти услубини доимий равишда такомиллаштириш;

- шахснинг ақлий мустақиллигини шакллантириш ва унинг бошқа ёндашувлар, позициялар ва баҳоларга очиқлиги;
- касбий ва педагогик фаолият ва илмий иш билан шуғулланиш учун шахснинг ички мотивациясини ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш, танланган фаолият соҳасида ўзини ўзи тўлиқ англашга тайёрлик;
- шахснинг инновацион йўналишини, унинг инновацион маданиятини шакллантириш, бу унинг педагогик фикрлаш ва ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлайди.

Концепциянинг юқоридаги муҳим ҳусусиятларини касбий-педагогик ва илмий фаолият субъектларини ўзлаштириши долзарб илмий муаммолар ва юзага келадиган амалий муаммоларни назарий таҳлил қилиш жараёнларининг самарадорлигига ёрдам беради. Бундай ҳолда, назарий таҳлил жараёнининг қуидаги асосий босқичларини амалга ошириш керак:

- асл зиддиятни (муаммони) аниқлаш;
- мақсадга эришда муаммоларга ажратиш ва уларни ечиш кетма-кетлигини ўрнатиш;
- мақсадга эришишда ўрганилаётган ва ўзгартирилган педагогик ҳодисани унинг таркибий қисмларига ажратиш ва ҳар бир қисмни яхлитлик билан тушуниш;
- назарияда ўрганилаётган мавзунинг назарий моделини яратиш учун зарур асосларни топиш;
- эришилган касбий-педагогик ва илмий фаолият натижаларини белгиланган мақсадлар билан ўзаро боғлаш.

ТРИЗ педагогикасининг ғояси инсондир. Бой мослашувчан тизимга эга бўлган ижодий ва ижодий ихтирочилик муаммоларини ҳал қилишнинг кучли қурол-яроғига эга бўлган ва муносиб ҳаётий мақсадга эга бўлган тасаввур.

Сўнгти пайтларда кўплаб ўқитувчилар ТРИЗ педагогикаси ғояларига қизиқиши билдиromoқдалар, чунки замонавий таълимда бу жуда муҳимдир вазифа – ҳар хил ностандарт вазифаларни барқарор ҳал этишга тайёрланадиган ижодкор шахсни тарбиялаш фаолият йўналишлари тасвирланади.

Мактабга тайёрлов гурухи болалари бутун кейинги ҳаёт учун ўз аҳамияти билан ноёбдир, шунинг учун у айниқса болага конструктив билим бериш, касб-хунарга қизиқишини шакллантирилиши муҳимдир,

Мактабгача ёшга мослаштирилган ТРИЗ методикасидан фойдаланиш кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва тарбиялашга имкон беради шиори «Ҳамма нарсада ижодкорлик!» фаолият билан чамбарчас боғлиқдир.

Бироқ, бугунги кунда ТРИЗ педагогикасини мактабгача таълим муассасалари иши тизимиға кенг жорий этиш йўқ. Бу, биринчи навбатда, ўқитиши шакллари ва усувлари ТРИЗ дастурининг мос келадиган таркибининг

етарли даражада ривожланмаганлигидан келиб чиқади. Болалар боғчасида олиб бориладиган машғулотларда фикрлашнинг мослашувчанлиги, ўзгарувчанлиги, изчилигиги, диалектикаси каби фазилатларини ривожлантириш; қидирув фаолияти, нутқ ва ижодий тасаввурни ривожлантириш жарёни болада ихтирочилик қобилиятини вужудга келтиради.

Биринчи ярим йилда қуйидаги мавзуларни ўрганиш режалаштирилган:

6-7 ёшдаги болаларнинг психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гурухларда машғулотлар ўтказилади;

машғулотлар эркин мулоқот шаклида, диалоглар шаклида, бу ерда ўқитувчи раҳбарлик ва ташкилотчи ролини ўйнайди. Ўқишининг иккинчи йили дастурида дарслардан ташқари болалар билан кундалик мулоқотда фойдаланиш тавсия этиладиган бир қатор архитектура ва муҳандислик илмига оид билим машқлари таклиф этилади, асосий дарс алгоритм ҳаракат йўналиши остида, чизмани ҳосил қилиш, тасаввур ва тафаккурни ривожлантирадиган ясашга, қуришга доир машқлар фойдаланилади.

Бундан ташқари, дарс мавзуси ҳар бир асосий дарсда болага конструктив билим бериш бўйича амалий фаолиятни (расм чизиш, моделлаштириш, қўллаш) ўз ичига олади.

Машғулотни иккинчи ярим йилида тақдим этиладиган асосий мавзулар:

“Хаёл қилиш техникаси”, “янгисини ихтиро қилиш техникаси” “объект расм орқали ҳикоя қилиш усули” (Г.Э.Джанпейсова. усули бўйича), таснифлаш маҳоратини ўргатиш (М.Жумаев усули билан).

Ўрганиш натижасида болалар ижобий ҳолатни ривожлантиради синфларга ҳиссий муносабат, когнитив фаоллик ва қизиқиш ортади; болаларнинг жавоблари ностандарт бўлиб қолади, эркинлашади; болалар ўз уфқларини кенгайтирадилар, янгиликка, хаёлга интилиш бор; нутқ кўпроқ тасаввурга эга ва мантиқий, олинган билимларга айланади бошқа фаолиятларда ва кундалик ҳаётда қўлланила бошланади.

Бўлажак тарбиячиларга дарсларни ўтказиш бўйича батафсил тавсиялар берилганига қарамай – “нима дейиш ва нима қилиш керак”, ўқитувчиларга ТРИЗ педагогикаси бўйича «нима учун айнан шу нарсани қилиш» кераклигини айтиш ва ТРИЗ методологиясидан фойдаланишнинг асосий вазифасини айтиш мактабгача ёшда, бу болада ижодий кашфиётлар қувончини уйғотишидир ва бу вазифани фақат ўқитувчи-тарбиячи ҳал қилиши мумкин.

Бу қуйидагиларни талаб қиласди:

- машғулотларни шундай ташкил этинг улар органик равища болаларнинг табиий ҳаётига мос келади ва «академик» характерга эга бўлмаган;

- дарс охирида «Хулоса қилиш» босқичини ажратиб кўрсатиш болаларни рефлектив таҳлил қилиш маҳоратига ўргатиш (Таҳлил қилдингизми? Сиз янги нимани ўргандингиз? Энг қизиқарли нарса нима эди? Нима тушунарсиз қолди? ва бошқ. Натижалар турли хил шаклларда тўпланади: «Интервью», «Янгиликлар уйча қуриш», «Менга таклифни айтинг» ўйинлари шаклида ва бошқалар, келажак режаларини муҳокама қилишда («Бугун биз ... ҳақида билиб олдик, ва кейинги сафар биз ҳам ... ҳақида билиб оламиз»), самарали фаолият ва олингандарни муҳокама қилиш, шу билан бирга, болаларнинг бошқа фаолият турларига табиий равишда ўтишини таъминлаш, боғлаш мақсадга мувофиқдир кейинги режим моментлари билан дарснинг мазмуни.

- маҳсус чизма моделлар, робототехника ишлари – фаолият дикқат тасаввурнида бўлиши керак.

Ушбу талқинда муҳандислик ижодий фаолияти ихтирочилик фаолияти ҳисобланади. Ва буни тушуниш жуда муҳимдир, чунки инсоният цивилизациясининг ривожланиши, унинг суръати ва даражаси одамларнинг ихтирочилик фаолияти, уларнинг ижодкорлиги билан аниқланади. Ажойиб ихтиrolарга, шубҳасиз, оловни, шудгорни ва ерни ишлов бериш учун бошқа асбобларни, ғилдирак ва аравани, қоғоз ва босмахона, тўқиши дастгоҳи, замонавий транспорт воситалари, электрон технологияларни қўллаш усули киради.

Инсон ихтиро қилиш орқали иккинчи дунёни, сунъий табиатни, нарсалар дунёсини яратди. Бунинг учун у табиий материаллардан фойдаланиш ва уларни қайта ишлашнинг кўплаб усуллари, сув, шамол, қуёш, қазиб олинадиган ёқилғи энергиясини ҳар хил электр станцияларининг энергиясига айлантириш йўлларини ўйлаб топди. Бу, ўз навбатида, инсонга нафақат Ернинг барча бурчакларини эгаллашга, балки атмосферадан ташқарида ҳам космосга чиқиб кетишга имкон берди.

Эски ва янги технологияларни яратиш жараёнида ихтирочилик ижодиёти муҳандис фаолиятида қандай ўрин тутади? Буни қўйидаги катталаштирилган босқичлар шаклида намойиш этилиши мумкин бўлган асбоб-ускуналарни лойиҳалаш жараёнини кўриб чиқиш орқали энг аниқ тушуниш мумкин:

- янги эҳтиёж, фоя, уни қондириш концепциясини шакллантириш;
 - дизайн ва технологик ўрганиш (чизмалар яратиш, алоҳида бирликлар ва элементларни ҳисоблаш, тушунтириш ҳужжатларини ёзиш);
 - прототипни яратиш, уни синовдан ўтказиш ва аниқ созлаш;
 - техник ҳужжатларни яқуний тузатиш ва уни ишлаб чиқаришга ўтказиш.
- Бизни, дастлабки икки босқич кўпроқ қизиқтиради.

Иккинчи босқичда янги технологияларни яратиш билан шуғулланган ҳолда, муҳандис – дизайнер математика, информатика, талабалик даврида

яхши ўқитилган махсус фанлар соҳасидаги барча тажрибаларини ишга солиши керак. Шу билан бирга, аниқ бир, ривожланиш асосида ётган ғоя, дизайнернинг иши самарали бўлиб чиқиши мумкин: яратилган технология намунаси, эҳтимол, аллақачон мавжуд бўлган товарлар ва хизматлар билан рақобатга бардош бера оладиган мисолларни жуда яхши билади.

Лойиҳани яратишнинг ушбу муҳим босқичида жиддий хатоларга йўл кўймаслик учун янги техник ғояларни излаш (яратиш) нинг мураккаблиги ва самарадорлиги бўйича бир қатор фарқлар мавжуд. Аммо, аксарият олий ўқув юртларида ушбу методларни ўқитишга кам эътибор берилади. Шунинг учун ҳам, аксарият ҳолларда, ҳатто яхши фундаментал билимга эга бўлган юқори малакали мутахассислар ҳам, худди дунё сингари эскирган, аммо самарасиз «синов ва хатолар усули» дан фойдаланган ҳолда, оддий варианtlарни санаб ўтишга асосланган янги ғояларни илгари суришди.

Тадқиқотимиз мақсадларига яна бир бор қайтсак, янги техник ечимлар биз келажакдаги муҳандисни ёки педагог-тарбиячини тайёрлашда ушбу бўшлиқни тўлдириш учун (ҳеч бўлмаганда қисман) самарали излаш усусларидан бири билан болага конструктив билим беришга имкон берадиган даражада таништирамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил, 488 бет.
2. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
3. Альтшуллер Г. С. Найти идею. Академия. 2016 г. 239 стр.
4. Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. СПб.: Союз, 1997.-96 с.15.5.
5. Давыдов В.В. Психологическая теория учебной деятельности и методов начального обучения, основанных на содержательном обобщении. – Томск, 1992. – 112 с.
6. Крайг Грэйс. Психология развития. Серия «Мастера психологии» .СПб.: Питер, 2000.-992 с.
7. Мактабгача таълим ва тарбия давлат стандарти. Тошкент, Ўзбекистон-«Мактабгача таълим ва тарбия давлат стандарти» Ҳукумат қарори билан тасдиқланган [802-сон, 22.12.2020 й.]
8. Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора табирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4708-сон 07.05.2020 Қарори.

9. Фридман Л.М. Наглядность и моделирование в обучении. М.: Знание, 1984. — 80 стр.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ТАЪЛИМ -ТАРБИСИ – ТАДҚИҚОТЛАР АСОСИ

Эшчанова Г.Н., МТТДМҚТМОИ доценти п.ф.н.

Аннотация. Мақолада жаҳоннинг етук олимларининг мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбиясига оид қарашлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: бола, таълим-тарбия, мутахассис, ривожланиш, нутқ, ўйин, интеграцион, тасаввур, ижод.

Бугунги кунда таълим сифати бевосита мактабгача таълимдаги ўзгаришлар билан боғлиқлиги аён бўлди. Шунинг учун ҳам дунёning кўпгина давлатларида мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу кўпгина мамлакатларнинг қонунларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, кўпгина мамлакатларда мактабгача таълим тизими учун кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга эътибор кучайди. Шу мақсадда қўплаб ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятларини яхшилаш ишларига доимий равишда ЮНЭСКО ҳомийлик қилиб келмоқда. Америкалик педагог ва тарихчи П.Мосснинг фикрига кўра, мактабгача таълим сифати соҳага қизиқувчиларнинг қадриятлари, эътиқодлари ва эҳтиёжларига кўра ўзгариши мумкин. Кўпгина мутахассислар болаларнинг ижобий ривожланишида қуидагиларга эътибор қаратиш лозим деб биладилар:

- боланинг ёши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда унинг хавфсизлигини таъминлаш, жиҳозлаш, ўйинчоқлар билан таъминлаш;
- болалар билан фаол машғулотлар ўtkазиш, дам олишини, ўз-ўзига хизмат кўrsatiш кўникмаларини ривожлантириш ва болаларнинг тўғри овқатланишини таъминлаш;
- болаларнинг қизиқишлирини инобатга олган ҳолда турли хил йўналишлар: нутқ, санъат, мусиқа, математика, табиатшунослик, драматургия, ва бошқа йўналишларни танлаш имкониятини бериш ва уларни рағбатлантириш;
- боланинг шахсий, эмоционал ривожланишини таъминлаш, унинг мустақиллиги ва гуруҳдаги болалар билан ҳамкорлик малакаларини қўллаб-куватлаш;
- бошқа болалар билан бўладиган ижобий муносабатларини сақлаш.

Дикқат билан эътибор берадиган бўлсак, мактабгача таълим сифати асосан боланинг қувончи билан боғлиқ бўлиши лозим. Бунда шубҳасиз

боланинг ривожланиши ва педагог-тарбиячининг касбий маҳорати билан бирга ижобий хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Педагог-тарбиячилар болалар билан фаол ва фойдали муроқотни амалга оширган ҳолда боланинг ижтимоий ривожланишини белгилайдиган алоқаларни ўрнатишлари боланинг ижтимоий қўникмаларини камол топтиради. Натижада бола ўзига топширилган ҳар бир топшириқни бажаришда тенгдошлари билан муроқотга киришса, ишларни ҳамкорликда бажарса унинг ижтимоийлашуви фаоллашади. Олимларнинг тадқиқотларига кўра боланинг дастлабки уч ёшидаги ривожланиши қанчалик юқори бўлса, унинг кейинги фаолиятлари ҳам шунчалик самарали кечиб, когнитив ривожланиши юқори бўлиши Америкалик ва Германиялик олимлар томонидан аниқланган. Немис педагог олими Р.Штайнернинг сўзларига кўра, мактабгача ёшдаги болаларнинг машғулотлар ва ўйинларни бир-бирлари билан тез-тез алмаштириб туриш лозим. Чунки бир хиллик болани тез чарчатади.

Шунинг учун ҳам Германияда мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия таъимиий ўйин фаолиятини реал ҳаётга яқинлаштириш мақсадида вазиятли ёндашув: эркин ўйин, ўзаро ҳамкорликдан кенг фойдаланиш орқали интеграциялашган таълим асосида амалга оширилади. Шунингдек, Германияда мактабгача таълим соҳасидаги ижтимоий ўзгаришлар ва ривожланишларда интеграцион таълимдан унумли фойдаланилади. Тарбиячиларга юклатилган бундай вазифалар боланинг ҳар томонлама ўйғун ривожланишини таъминлаб, қобилиятларини намоён қилиш имконини беради.

Германияда боланинг соғлиги ва жисмоний ривожланишни яхшилаш билан бирга билим олишга қизиқтириш орқали аклий ривожланиши камол топтириш асосида ўз ҳаракатларини муваффақият сари йўналтириш, ўз-ўзига бўлган ишонч ва ўз менини камол топтириш, дўстона муносабатларни яхшилашга катта эътибор қаратилади. Шулардан келиб чиқсан ҳолда педагог-тарбиячиларнинг фаолияти болаларнинг ўйғун ҳиссий, ижтимоий, интеллектуал ва жисмоний ривожланишига, уларда ижобий хулқ-атвор ва қобилиятларни шакллантиришга қаратилиши талаб этиллади.

Германияда Вальдорф МТТлари ҳам мавжуд бўлиб, улар одатдаги МТТларидан фарқ қиласди, ҳатто ташқи кўриниши билан ҳам. Вальдорф МТТларида кичик ёшдаги болалар осонгина ва табиий равишда кийиниши, ўзларини ва кийимларини тозалашни, расм чизишни, ҳайкалтарошлиқни ўргандилар. Педагоглар ҳеч қачон болаларга бақиришмайди ва бу ҳам Вальдорф фалсафасининг бир қисмидир. Ҳар бир бола тингланади, унинг фикри қадрланади. Бола фақат тасаввур ва ижодкорликни ривожлантирадиган уй қурилиши ўйинчоқлари билан ўйнаши керак. Тайёр завод ўйинчоғи фақат

манипуляция объекти бўлиши мумкин, лекин у болада ижодкорликни ривожлантируйди - Вальдорф педагоглари бунга қатъий амал қиласидар.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзини-ўзи ривожланишига эришишда италиялик педагог М.Монтесори таълимоти муҳим аҳамият касб этади. Монтесори ғояларининг асоси – таълим фаолиятини максимал даражада индивидуаллаштиришга қаратилган бўлиб, ҳар бир бола учун ҳар томонлама пухта ўйланган ва моҳирлик билан ишлаб чиқилган ривожланиш дастуридан фойдаланиш зарур.

М.Монтесори ғояларидаги асосий нуқта – ҳар бир бола учун ҳар томонлама пухта ўйланган ва моҳирлик билан ишлаб чиқилган ривожланиш дастуридан фойдаланиш, 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун педагогик жараённинг ўзига ҳос қурилишга эгалигидир. Олиманинг фикрига кўра, болаларда фаол интизомни ривожлантиришда бола ўрганиши керак бўлган нарса, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги фарқдир, дейди. У ўзининг “Боланинг ақли” китобида “Тарбиячининг вазифаси – болани яхшиликни ҳаракатсизлик билан, ёмонликни эса қўпинча гуноҳ қилган фаолият билан аралаштириб юбормаслик лозим. Бизнинг мақсадимиз ҳаракатсизлик, пассивлик ва итоаткорлик учун эмас, балки фаоллик, меҳнат ва яхшилик учун интизом беришдир... Тарбиянинг асосий вазифаси – бу боланинг эҳтиёжларини қондирадиган шароитларни яратиш, унинг эҳтиёжларини аниқлашга ёрдам бериш ва ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялашга ҳисса қўшишдир”, - деб ёзади.

Россиялик олимларнинг назарий тадқиқотларининг кўрсатишича, мактабгача таълим мазмунини тўлдиришга стереотип ёндашишларни ўзгартириш керак, таълим бериш жараёни эса қуидаги тамойиллар кетма-кетлиги асосида қурилиши лозим:

- ўқитишининг ривожлантирувчи характеристири асосида ўқитишини олиб бориш болаларнинг яширин ва салоҳиятли ҳислатларини намоён қиласиди;
- тизимли таълим болаларга ҳодисалар, ўрганилаётган обьектлар ва ҳаётий қадриятларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга ёрдам беради;
- боланинг ривожланиши унинг ҳис-туйғулари ва ёшига мос билим олишнинг рационал шаклларига таянади;
- кўп маданиятли тарбиянинг мазмунан кичкинтойларни маданият ва ўзининг маҳаллий ҳамда бошқа миллат ва элатларнинг урф-одатларининг ўзига ҳослигига яқинлаштириш, бошқалар фикрига чидамлироқ бўлиш, ўзининг норозилиги, ғазабланиши ва хафалигини меъёрланган ҳолда ифодалашдан иборат;
- болалар саломатлигини мустаҳкамлаш соғлом турмуш тарзи, гигиена қоидаларига амал қилиш ва спорт билан шуғулланиш эҳтиёжига асосланади.

ХХ аср охиrlарида Россияда Мактабгача таълим концепцияси яратилди. Бу концепция В.Давидов ва В.Петровскийлар томонидан яратилди. Ушбу концепциянинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- гуманизм, яъни инсонпарварлик, (мактабгача ёшдаги болаларда инсоний фазилатларни камол топтириш);
- ривожлантирувчи таълимни татбиқ этиш (таълимни бола шахсига йўналтириш орқали унинг соғлигини мустаҳкамлаш, мустақил фикрлаши ва нутқини ривожлантириш);
- деидеологизация қилиш (умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда бола тарбиясида мафкурани рад этиш);
- таълим-тарбияга дифференциал ва индивидул ёндашув (боланинг ҳоҳишистаклари, қобилиятидан келиб чиқсан ҳолда уни ривожлантириш).

Россия мактабгача таълим тизимида Вальдорф педагогикасининг асосий қоидаларига амал қилинади. Бунда бола яшайдиган муҳитга катта аҳамият берилган бўлиб, Р.Штайнернинг педагогикасига асосланган ҳолда мактабгача таълим ташкилотларининг меъморчилик ҳусусиятлари, жиҳозланиши, ички безакларига, рангларнинг ёрқинлиги ва материалларнинг табиийлиги, кувноқлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Буюк Британиянинг мактабгача таълим тизимини ўрганиш бўйича Ю.Квонг катта тадқиқот ишларини олиб борган. У мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари ва ота-оналар ўртасида сўровномалар ўтказган, болалар боғчалари фаолиятини кузатган. Тадқиқот ўтказиш учун эркин равишда 10 та мактабгача таълим ташкилоти танланиб, улардан ҳар бирининг икки гуруҳида мунтазам беш кунлик узлуксиз кузатув олиб борилган. Инглиз мактабгача таълим ташкилотлари гуруҳларида 25 нафардан ортмаган микдорда бола тарбияланади (тарбиячилар ва болалар сони бирга ўн нисбатда олинади).

Натижаларнинг кўрсатишича, инглиз педагогларининг 75 фоизи болаларни таълим олишга қизиқтириш учун ташқаридан мотивация қи-лишни номаъкул деб ҳисоблайдилар (масалан, болалар ўртасида мусобақалашиш шаклини). Бундай қарашлар негизида илмий асосланган маълумотлар ётади. Масалан, М.Леппер ва Д.Грин тадқиқотларида мактабгача ёшдаги болаларни расм чизиши (болалар бунга жуда қизиқадилар) учун мукофотланганлари мисоли келтирилган. Шундан сўнг болалар бўш вақтида ўзича расм чизишини ҳоҳламай, фақат мукофот учун расм чизишини истаб қолганлар. Бошқача қилиб айтганда, болаларда ички мотивация йўқолиб, унинг ўрнини ташқи мотивация эгаллаган.

Инглиз мактабгача таълими тарихига асосланиб, унинг ривожига Руссо, Фребеллар ижобий таъсир таъсир кўрсатганлар. Улар боланинг

индивидуаллигини ривожлантириш ва мустақиллигини ҳимоя қилиш керак, деб ҳисоблаганлар. Мактабгача тарбиянинг асосий мақсадлари: ҳар бир боланинг эҳтиёжи ва унинг манфаатларини қондириш, болалар ўртасидаги фарқни ҳурмат қилиш. Бунда бола ўқиш учун ички интилишга эга, қизиқувчан ва табиатан сергайрат, деб тахмин қилинади. Ўқитиш боланинг ўзи таклиф қилган ўйин давомида олиб борилиши керак. Устознинг асосий вазифаси болага ўқтириш йўли билан эмас, балки ўйинни қўллаб туриш, унга тадқиқот ўтказиш учун турли материаллар тақдим этишдан иборат. Буюк Британияда одатда таълим бериш ўрганилаётган предмет ёки педагог-тарбиячига эмас, балки болага йўналтирилади.

Инглиз болалар боғчасида болалар узок муддат мустақил шуғулланадилар, тарбиячи эса уларни четдан кузатиб боради. Умумий вақтнинг фақат 15 фоизи педагог раҳбарлигида груп кўринишда ўқитишга ажратилади. Бундай ўқитиш ривожланиш даражаси бир-бирига teng болалардан тузилган кичик групхларда ўтказилади. Шу йўл билан мактабгача ёшдаги болалар ривожланишини инобатга олиш қоидаси амалда қўлланилади.

Япониялик педагог олим М.Ибуканинг “Учдан кейин кеч” китобидаги педагогик қарашлар ҳам дикқатга сазовор. Китобда инсон ҳаётининг дастлабки уч йили унинг шахс сифатида ривожланишида муҳим бўғин эканлиги баён этилган. Ушбу ҳайратланарли меҳрибон китоб муаллифи ёш болалар ҳамма нарсани ўрганиш қобилиятига эга деб ҳисблайди. У янги туғилган чақалоқларга атроф-муҳитнинг улкан таъсири ҳақида мулоҳаза юритади ва эрта ёшдаги болаларни ривожланишига кўмаклашиш учун ўқитишнинг содда ва тушунарли усусларини таклиф этади. Унинг фикрига кўра, катталар катта қийинчилик билан ўрганадиган нарсалар, болалар ўйноқли равишда ўрганишади. Ва бу жараёнда асосий нарса ўз вақтида янги тажрибани жорий этишдир. Аммо кундан-кунга боланинг ёнида бўлган кишигина буни “вақтида” таний олади. Китоб ёш болалари учун янги ажойиб имкониятлар очишни истаган барча оналар ва ота-оналарга қаратилган. М.Ибуканинг қарашларидан келиб чиқсан ҳолда Япониядаги мактабгача таълим тизими бир қатор тамойилларга асосланади: боланинг қизиқишлигини доимо рағбатлантириб бориш; шахс характерини тарбиялаш; ижодий жиҳатдан ҳамда, билим, кўникма ва малакаларни тизимли ривожлантириб бориш. Булар гўё япон мактабгача таълим тизими даҳоларни тарбиялашга қаратилгандек кўринади. Аслида эса, болаларда чуқур онг ва саломатликни ривожлантиришга кўмаклашишидан иборат.

Америкада мактабгача таълим ривожланишига, мактабгача таълим муассасаларини (биринчи навбатда кам таъминланган оиласалар фарзандлари

учун) ташкил этиш учун маблағлар күпайтириш назарда тутилган Худ Старт дастури амалда қўлланилмоқда.

Ушбу дастурнинг мақсади: мактабгача таълим ташкилотларининг барчасида “Ривожлантирувчи муҳит”ни барпо этишга қаратилган. “Ривожлантирувчи муҳит – бу ҳаётга бевосита ёки билвосита, бир зумда ёки узоқ муддатли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижтимоий ва табиий омилларнинг бирлигига асосланади; болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланишининг мазмунини вазифаси жиҳатидан рағбатлантиришни таъминлайдиган моддий объектлар тизимиdir”.

Юқоридагилардан аён бўладики, мактабгача ёшдаги болаларнинг гормонал ривожланишига эришиш мақсадида дунёning кўпгина мамлакатларида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ бир қатор ўрганишга лойиқ ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса тариқасида айтиш жоизки, хорижий мамлакатларнинг мактабгача таълим тизимларини ўрганиш, уларнинг илғор тажрибасини таҳлил этиш ва республикамиз шароитига мослаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мамлакатимиз мактабгача таълим тизимини такомиллаштириб замонавийлаштиришга имкон яратади.

MUNDARIJA

1. <i>Shin A.V.</i> Maktabgacha ta'lim tizimida gender tenglik – jamiyat rivojlanishini ta'minlashning asosiy omili.....	6
2. <i>Эшпулатов К.А., Отақулов Ш.М.</i> Маънавий тарбия трансформацияси: муаммо ва ечимлар.....	9
3. <i>Абдуназарова Н.Ф.</i> Олти ёш болани мактабга тайёрлигини билиш диагностикасининг мазмун моҳияти.....	15
4. <i>Закиров А., Эшкурбанов А.</i> Мактабгача таълим ташкилотларида инновацион фаолият рақобатбардошлигининг асосий сифатлари.....	18
5. <i>Абдуллаева Д.</i> МТТ ва оиланинг ўзаро ҳамкорлик тамойиллари.....	21
6. <i>Абдуллаева Д.М.</i> Психолого-педагогическая характеристика детей младшего школьного возраста с нарушением интеллекта.....	24
7. <i>Абдуллаева Н.</i> Мактабгача таълим тизимини бошқаришда кластер технологияларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	26
8. <i>Аманова Д.К.</i> Болаларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришда мусиқий дидактик ўйинларнинг ўрни.....	30
9. <i>Арсланова М.М.</i> Мактабгача таълим тизимига инклузив таълимни жорий этишда жамоатчилик билан алоқалар.....	33
10. <i>Бердалиева Г.А.</i> Мактабгача таълимда масофавий таълим технологиилари: илмий ёндашувлар ва ривожланиш истиқболлари...	36
11. <i>Валиева Ф.Р.</i> МТТ педагоглари малкасини оширишнинг андрагогик асослари.....	41
12. <i>Гаффаров Л.Х.</i> Табақалаштирилган таълим дастурлари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш имкониятлари.....	44
13. <i>Дадабоева Д.</i> МТТ ва оилалар билан ҳамкорлик ишларини олиб бориш.....	48
14. <i>Дарвишев Д.Б.</i> Таълим-тарбия жараёнида интерактив техник воситалардан фойдаланиш имкониятлари.....	50
15. <i>Djanpeisova G.E.</i> Maktabgacha yoshdag'i bolalarning matematik kompetensiyasi larni shakllantirishda rivojlantiruvchi muhitning roli.....	53
16. <i>Джураева М.Т., Ахмадалиева Х.А.</i> Мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлашда ота-оналар билан ҳамкорлик ишлари.....	57
17. <i>Джураева М.Т., Махкамова З.Т.</i> Инклузив таълим - тарбия бериш йўлларининг аҳамияти.....	60
18. <i>Дустмуҳамедов А.</i> Повышение квалификации сотрудников дошкольных образовательных организаций через программное обеспечение для дистанционного образования (виртуальный класс)..	62

19. Евстафьева Л.Г. Развите связной речи у детей старшего дошкольного возраста.....	65
20. Жумаев Ю.Р. Мактабгача таълим ташкилотларининг таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг афзаликлари.....	68
21. Жуманиязова З.Р. Мактабгача таълим ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири – бу атроф-олам билан таништириш.....	71
22. Зокиров А.А., Ахмадалиева Б.Ш. Maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risidagi qonunlarga sharh.....	77
23. Зупарова Д.Д. Мактабгача ёшдаги болаларни дизайн фаолиятига жалб этиш имкониятлари: асослари ва муаммолари.....	82
24. Исаходжаева Н.А. Информационное пространство дошкольного образования.....	86
25. Isxakova M.R., Zokirov A.A. Maktabgacha ta'lim tashkilotlari pedagoglari malakasini oshirishning andragogik yondashuvga asoslangan modeli.....	88
26. Калмуратов Т.Н. Давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқариш: мавжуд ҳолат ва муаммолар.....	94
27. Каримова М.А. Бола тарбиясида ақлий ривожланиш масалаларида шарқ ва гарб алломаларининг мактабгача таълим соҳаси ривожидаги қўшган хиссалари.....	98
28. Курбанов И. Мактабгача таълим ташкилотлари тайёрлов гурухларида тарбияланувчиларни мактабга сифатли тайёрлашнинг долзарб масалалари.....	102
29. Khakimova D.A. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ingliz tili mashg'ulotlarini zamonaviy usullar orqali tashkillashtirish.....	105
30. Мавлонов Н.Ш. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг ахборот компетентлигини ошириш учун ўқитишида ахборотлаштириш тизимиға куйиладиган дидактик, эргономик, эстетик ва методик талаблар.....	111
31. Маматов Н., Джамиев Б. Бағрикенг болаларни шакллантиришда миллатлараро тажриба алмашинуви маданиятининг ўрни.....	114
32. Матназарова М.Б. Педагогические условия эффективности перспективного менеджмента.....	118
33. Матназарова М.Б. Становление и развитие образовательного менеджмента дошкольной образовательной организации.....	120
34. Матчанов Б. Мактабгача таълим ташкилотлари катта гурух тарбияланувчиларини маънавий ахлоқий тарбиялаш.....	122

35. Matyakubov I.B. Bo‘lajak musiqa o‘qituvchilari va musiqa rahbarlarining pedagogik shakillanishi tarixiy bosqichlari.....	124
36. Мирзахмедов У.У. Мусиқа машғулотлари ва уларнинг турлари.....	130
37. Мирсолиева М., Туляганова Н. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларининг андрагогик асослари.....	134
38. Мирюсупова Н.Ш., Нематов Ш.Э. Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг квалитологик компетентлигини шакллантириш тамойиллари.....	138
39. Mirkasimova Z.A. Bilingvizmning maktabgacha yoshdagи bolalarning bilish (kognitiv) kompetensiyasi rivojiga ta’siri.....	142
40. Мўминов Ш.К. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини психодиагностика қилиш усуллари.....	144
41. Мўминова Н.С. Инновацияларни ривожланиши ва таълим-тарбия жарёнига тадбиқ этилиши.....	146
42. Muxammadiyev Q.S., Sodiqova D.A. Maktabgacha ta’lim tashkiloti va oila xamkorligini rivojlantirish.....	149
43. Muxitdinova N.M. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida jismoniy mashqlarni me’yorlashning o’ziga xos xususiyatlari.....	153
44. Нигматов А.Н., Нигматова Г.Н. Мактабгача экологик таълим: муаммолар ва ечимлар.....	157
45. Нигматов А.Н., Тобиров О.К. Мактабгача таълимда «фаргона водийсига агротуристик саёҳат» стенди орқали болажонларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтириш.....	159
46. Нигматова Г.Н. Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг иқтисодий компетенцияси ва уни шакллантиришдаги айrim муаммолар.....	162
47. Нуруллаев А.С. Мактабгача таълим бошқарувида инновацион менежмент.....	168
48. Оманова Г. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган тажрибасинов ишлари натижалари.....	172
49. Оманова Г.А. Мактабгача таълим сифатини баҳолаш тенденциялари.....	176
50. Омарова З.К. Инклозив таълимни дўстона ўрганиш.....	179
51. Омонов Б.О. Мактабгача таълим тизимида чиқиндиларга оид экологи таълим ва тарбиянинг зарурияти.....	182
52. Омануллаева Д.А. Использование современных информационных технологий в обучении иностранных языков.....	185

53. Парманов А.Э., Эсантурдиева Ш.А. Инновацион таълим технологиялари ва унинг мазмун-моҳияти.....	188
54. Парманов А.Э., Парманов Ж.А., Эсантурдиева Ш.А. Финляндия таълим тажрибаси.....	192
55. Qodirova Sh.X., Alisherova Sh. Maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarda milliy g’urur hissini shakllantirish.....	197
56. Разоқов Б.Б., Закиров А.А. Мактабгача таълим такшкилотларида болаларга хорижий тилларни ўргатишида ўйинлардан фойдаланишнинг дидактик асослари.....	200
57. Рахимова С. Педагог креативлиги – тарбияланувчининг ижодий ва ақлий соҳасини тақомиллаштиришнинг зарурий шарти сифатида.....	204
58. Rashidova Z.O. Adaptatsiyasi sust kechadigan maktabgacha yoshdagi bolalar bilan ishlashda maktabgacha ta’lim tashkiloti pedagog shaxsining o’rnı.....	207
59. Ризаева М.М. Оилавий тарбия: болалар билан соғлом турмуш тарзи ва фаол жараёнларни ташкил этиш муаммолари ва кутилмаган ечимлар.....	209
60. Рӯзиева Г. Музыкальное воспитание детей в доу коррекционного типа как социально-педагогическая проблема.....	213
61. Рӯзиева Ш.М. Болаларда овқатланиш кўникмасини ақиллантириш...	219
62. Рустамова М. Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг ривожланишида ўйиннинг аҳамияти.....	224
63. Салаева Л.Ш. Мактабгача таълим ташкилоти раҳбар кадрларининг касбий компитентлигининг психологик хусусиятлари.....	226
64. Саъдуллаева М.А. Мактабгача таълим ташкилоти ходимлари ва ота – она муносабатларининг психологик хусусиятлари.....	229
65. Saidova D. Maktabgacha ta'limning zamonaviy tendensiyalari-shvetsiya tajribasi.....	232
66. Salimova D.F. Syujet –rolli o’yinlar vositasida maktabgacha yoshdagi bolalarining axloqiy sifatlarini shakllantirish samaradorligi.....	235
67. Таджиева М.Х., Мўминова Н.С., Камалова М.Р., Рахматуллаева М.А. Развитие медиакомпетентности молодого учителя в инновационной образовательной среде.....	238
68. Tojibaeva N.K., Khimmataliev D.O. Classification of speech difficulties of preschool children.....	242
69. Таняриқова Д.Ф., Хайдаров Р.Ю. Инглиз тили машғулотларида инфографик мультимедия воситасининг аҳамияти.....	251
70. Ташибаев Н.С. МТТда тарбиячи ва педагогларни ривожлантиришда инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш.....	255

71. Туйчиева И.И., Джалалов Б.Б. Болаларнинг фикрлаш фаоллигини ивожлантиришда мактабгача таълим ташкилоти ва оила ҳамкорлиги.	258
72. Туляганова Н.Р. Ахборот технологияларининг мактабгача таълим ташкилотларини бошқарув сифатини оширидаги аҳамияти.....	262
73. Умарова З.М. Мактабгача таълим ташкилотларида инклузив таълимни ташкил этиш механизмлари.....	265
74. Файзуллаева М.З. “Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида “нутқ ва тил” ривожланиш марказида интеграциялашган таълимий фаолиятни ташкил этиш.....	270
75. Хаитов Э.Б. Ёшлар фаоллигини оширишда маънавий соҳадаги ислоҳотларнинг ўрни.....	274
76. Хайдаров Р.Ю. Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифати бошқарувини такомиллаштириш.....	277
77. Хайдаров Р.Ю., Таняриқова Д.Ғ. МТТ тайёрлов гурухнинг таълим сифатини оширишда мултимедиа воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги.....	279
78. Хужсамияров С.Ч. Болаларда масъулият ҳиссини шакллантиришда тарбиячи ва ота-она ҳамкорлигини ташкил этишнинг методик имкониятлари.....	282
79. Шарафутдинова Д. Мактабгача таълим ташкилотларида “илк қадам” давлат дастури асосида ривожлантирувчи муҳитни ташкил этишнинг мазмуни ва муаммолари.....	286
80. Шарипова Г.Н. МТТда инновацион фаолиятни ташкил этишнинг педагогик шартлари.....	288
81. Шарипова Ш.С., Мухаммадиев Қ.С. Экологическое воспитание- как фактор развития познавательной компетенции детей дошкольного возраста.....	291
82. Шарипова Ш.С. Мактабгача таълим ташкилоти педагогларнинг касбий компететлигини ривожлантиришда “first” технологиясининг аҳамияти.....	294
83. Шаропова Н.Р. Мактабгача таълим ташкилотларида маркетинг хизматларини ташкил этиш ва самарали бошқариш йўллари	296
84. Эралиева Г. Мактабгача таълим ташкилотида олиб бориладиган таълимий жараёнларда тарбияланувчиларнинг ривожланиш соҳалари компетенсияларини шакллантириш.....	299
85. Эшонкулова М.Х. Мактабгача тайёрлов гурухларида конструктив билим бериш ижтимоий педагогик муаммо сифатида.....	302
86. Эшчанова Г.Н. Мактабгача ёшдаги болалар таълим -тарбиси – тадқиқотлар асоси.....	308

